

МАКРО-МИКРОИҚТЫСОДИЙ СТАТИСТИКА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Х.НАБИЕВ, З.АҚБАРОВА, Х.Д.ХЎЖАҚУЛОВ,
М.А.АЗИМОВ

**МАКРО-МИКРОИҚТИСОДИЙ
СТАТИСТИКА**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
олий ўқув юрглариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юргларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

31(07)
26-19


THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

X.NABIEV, Z.AKBAROVA, KHUJAKULOV H.D., M.
A.AZIMOV

MAKRO-MICROECONOMIC STATISTICS

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



Набиев Х., Акбарова З., Хўжақулов Х.Ж., Азимов М. Макро-микроиктисодий статистика. (Ўкув қўлланма) - Т.: ТДИУ, 2004 - 288 бет.

Ўкув қўлланма икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмida макроиктисодий статистиканинг асосий қонуниятлари, таърифлари, таснифлашлари ва кўрсаткичлари миллий иқтисодиёт даражасида баён этилган, статистика услубияти халқаро андо-заларни ва ўзбек статистикасининг амалий фаолиятини эътиборга олган ҳолда таърифланган, унинг асосий бўлимлари: миллий бойлик, макроиктисодий фаолият натижалари, молия-кредит тизими, миллий иқтисодиёт самарадорлиги ва миллний ҳисоблар тизимларига алоҳида эътибор берилган.

Қўлланманинг иккинчи қисмida микроиктисодиётнинг айрим олинган бўлаклари - фирма, корхона, компания ва тармоқлар ўрганиши обьекти сифатида қаралган ва уларнинг фаолияти маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш, уларни юзага чиқаришида иштирок этувчи омиллар ва корхоналарнинг молиявий ҳолати статистикасига алоҳида эътибор берилган.

Қўлланма олий ўкув юртларининг иқтисодиёт йўналишлар бўйича таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, аспирантлар ҳамда профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган.

Масъул мухаррир: и.ф.д., проф. Холмўминов Ш.Р.
Такризчилар: и.ф.н., доц. Аюбжонов А.Х.;
и.ф.н., доц. Аллохвердиева Л.М.;
и.ф.д., проф. Абдуллаев Ё.А.

Nabiev X., Akbarova Z., Hojaqulov H.D., Azimov M. Makro -
microeconomic statistics (Manual). - T.: TSEU, 2004 - 288 pages.

The manual consists of two parts, the first of which explains the main laws definitions, classifications and indicators of macroeconomic statistics in the stage of national economy. Statistical methodology is defined by the usage of world experience and uzbek statistical experience, their main parts are: national wealths, results of macroeconomic activity, financial-credit system, national economy efficiency and national account system.

The second part of the manual explains different parts of microeconomics - firms, organizations, companies are seen as an object of the manual. It also covers organizations' activity, their production process, selling process, factors and the financial statistics of organizations.

The manual is designed for the bachelor, masters students of Higher Educational Establishments and for the researchers and professor-lecturers teaching in this field.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof. Holmuminov Sh.R.

References: candidate of economic science
Ayubjonov A.H.;

candidate of economic science
Allahverdieva L.;
doctor of economic science,
prof. Abdullaev Yo.A.

КИРИШ

«Статистика атамаси лотинча «Status» сўзидан олинган бўлиб, ҳодисаларнинг ҳолатини, аҳволини билдиради. «Status» сўзи негизидан «Stato» - давлат, «Statusta» - давлатни билувчи, «Statistica», яъни давлат тўғрисида муайян билим, маълумотлар йиғиндиси деган тушунчалардан келиб чиқсан.

Хозирги кунда статистика дейилганда, биринчидан, ўз предмети, объекти ва усулига эга бўлган мустақил ижтимоий фан, иккинчидан, мустақил амалий фаолият, масалан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, вилоятлардаги статистик бошқармалар, туманлардаги статистика бўлимлари ва ҳакозоларнинг фаолияти ва ниҳоят, учинчидан, ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини таърифлайдиган умумий кўрсаткичлар, статистик рақамлар ҳам тушунилади.

Ижтимоий ҳаёт, иқтисодиётни бошқариш аввал-маъмурий буруқбозлиқ, марказий режалаштириш асосида амалга оширилган бўлса, бозор иқтисодиёти шароитида у таваккалчиллик (риск)-ка асосланади. Шунинг учун уни давлат томонидан бошқариш, тартибга солиш, режалаштириш лозим. Бунда давлат аввалимбор, макрокўламдаги статистик маълумотларга таяниб иш кўради. Бозор инфратузилмалари молия-кредит, солиқ, банк, аудит, нархларни шакллантириш, пул, сугурга ва ҳакозолар бўйича сиёсатни амалга оширишлари учун ҳам макрокўламдаги маълумотлар керак бўлади. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиши ташки иқтисодий фаолият ҳақидаги маълумотларга эса бўлишини тақозо этади.

Аммо аввалиги давр бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисобот материаллари хозирги замон талабларига жавоб бермай қолди. Чунки уларнинг кўрсаткичларининг таркиби вазирликлар ва идораларнинг бошқарув вазифасини бажариш манфаатларига бўйсундирилган, статистик ҳисоботларда эса даромадларнинг ҳосил бўлиши, тақсимланиши, қайта тақсимланиши ва улардан фойдаланиши тўғрисида тўлиқ маълумотлар йўқ эди.

Бундан ташқари бозор таркибини белгиловчи ишбилар-монлик ва воситачилик сингари кўрсаткичларнинг йўқлиги туфайли, улар мавжуд статистик усусларни қўллаб, давлатнинг молиявий аҳволини, шиддат билан юз беряётган ўзгаришларни етарли даражада кузатиб бориши имконини бермасди.

Давлат статистикаси ва ҳисоботи тизими жаҳон амалиётида қабул қилинган қонун қоидаларга мос келмай қолди. Шунингдек, ҳалқ хўжалиги баланси (ХХБ)га, бухгалтерия, молия, банк ва божхона фаолиятига оид ҳисобот шаклларининг

етишмаслиги сабабли тармоқлараро балансни (ТАБ), тўловлар балансини янгидан тузиш лозим бўлди.

Миллий макроиктисодий кўрсаткичларни халқаро меъёрларга мослаштириш, уй хўжаликлари тўғрисида, молиявий корхона, муассасалар тўғрисида, халқаро иқтисодий алоқаларда экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотлар ва хизматлар тўғрисида кўпроқ маълумотларга эга бўлиш мақсадида давлат статистика ва ҳисобот тизими умумуслубий асосларини қайта кўриб чиқиш ва уларни жаҳон амалиётида қабул қилинган қонун қоидаларга мослаштириш учун Вазирлар махкамасининг 133-сонли қарори билан 1994 йил июнь ойида «Ўзбекистон ҳисобот ва статистика тизимини жаҳон андозаларига ўтказиш тўғрисида давлат дастури» қабул қилинган.

Статистикани қайти тузиш шу дастур асосида жадал олиб борилмоқда. Бундай фаолиятлардан бири - статистикани жаҳон андозаларига мослаш ҳисобланади. Бунинг учун макроиктисодий статистикани жаҳон иқтисодий ташкилотлари кўрсатмаларига асосан юритиш зарур. Масалан, БМТнинг статистик ҳайъати томонидан 1993 йилда тасдиқланган миллий ҳисоблар тизими (МХТ) - ҳалқаро андоза ҳисобланади. Молия статистикаси бўйича эса, Ҳалқаро Валюта Фонди томонидан тавсия этилган давлат молияси, тўлов баланси, кредит ва пул статистикаси-халқаро андоза саналади. Бу андозаларга ўтиш, биринчидан, жаҳон амалиётида синовдан ўтказилган бозор иқтисодиётини ёритиш ва таҳлил қилиш учун мос кўрсаткичларни кўллаш, иккинчидан, уларни халқаро даражада солишиши имкониятини беради.

Кўлланмада бозор иқтисодиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун лозим бўлган кўрсаткичларга ва таснифлашларга алоҳида эътибор берилган ва уларнинг моҳияти чукур ёритилган.

Ҳозирги вақтда макроиктисодий статистикада асосий ўринни МХТ эгаллайди. Чунки, биринчидан, унинг доирасида мухим макроиктисодий кўрсаткичлар ҳисобланади, иккинчидан, у бутун иқтисодий статистика бўлимларини бир-бирига мослайдиган, келиштирадиган мухим омил саналади.

I ҚИСМ

МАКРОИҚТІСОДИЙ СТАТИСТИКА

I бөб

МАКРО-МИКРОИҚТІСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ ПРЕД- МЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Макро-микроиқтисодий статистика - статистика фанинг муносабаты

Республикамизда бозор иқтисодиётіга ўтилиши муносабати билан барча соҳаларни статистик ўрганиш ҳәстий әхтиёжга айланды. Чунки статистика оммавий воқеа-ҳодисалар, уларнииг йұналишы ва ҳаракати, иқтисодий қонунияттар билан иш күради. Қолаверса, мамлакат иқтисодиёті бутунлай янги ти-зимга ўтасттган даврда унинг статистик усулларни құллаб ҳар томонлама ўрганиш ва чукур таҳжил қилиш ҳастий зарурият ҳисобланади.

Макроиқтисодий статистика-ижтимоий иқтисодий статистика фани ва давлат статистика органлари амалий фаолиятыннинг бир тармоги бўлиб, у давлат муассасалари ва жамоатчиликни иқтисодиётнинг ривожланиши ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнлар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлайди ва уларни чукур таҳжил қиласди. У иқтисодиётни бошқариши ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун лозим бўлган маълумотларни йиғади ва қайта ишлайди; иқтисодиёт қайси йұналишларда ривожланди, қайси тармоқ ва соҳаларда ўсиш юз берди, ресурслардан қандай фойдаланилди, бандлик ва ишсизлик, баҳо ва инфляция даражаси қандай бўлди, ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётіга қандай таъсир кўрсатди, умумий макроиқтисодий фаолият натижасида аҳолининг турмуш даражаси қандай бўлди шу каби масалаларни ўрганади ва хуросалар чиқаради.

Макроиқтисодий статистика ўзининг назарияларини бошқа ижтимоий фанлар билан бирга амалга оширади. Масалан, у иқтисодиёт назариясининг умумий қонун қоидаларига риоя қилган ҳолда статистик маълумотлар тўплайди, уларни қайта ишлайди ва шу асосда хуросалар чиқаради. Айни пайтда иқтисодиёт назарияси ўзининг йұналишини аниқлаш, ҳолатига баҳо бериш ва хуросалар чиқарища статистик маълумотларга таянади. Масалан, иқтисодиёт назарияси баҳолаш талаб ва таклиф қонуни

асосида ҳосил бўлишини ифодалайди, статистика эса бу қонуннинг амалга ошишини конкрет мисолда статистик кузатиш асосида исботлаб беради.

У яна статистиканинг бошқа тармоқлари билан, биринчи навбатда ижтимоий демографик статистика ҳамда айрим олинган тармоқлар статистикаси (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳоказо) билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Иккисодиёт назариясининг вазифаси ҳалқ хўжалигининг айрим олинган тармоқларининг иккисодиётини тўлиқ ёритиши ва таҳлил қилишдан иборат бўлса, макроиккисодий статистика уларниң барчасини бирлаштириб ватан ва миллӣ иккисодиётни тўлалигича, бир бутун ҳолда ёритади ва ҳар томонлама чуқур таҳлил қиласи.

Макроиккисодий статистика айрим олинган кўрсаткичларни ҳисоблаш методологиясини яратиш ва ундан амалиётда фойдаланишида статистиканинг умумий назарияси асосларига сўянатди.

Микродаражада, яъни тармоқ, корхона, фирма ва ҳоказолар даражасидаги ҳодиса ва жараёнларниң микдор томонини сифат томонидан ажralмаган ҳолда ўрганиш «Макроиккисодий статистика» фанининг предметидир. У шунингдек, ишлаб чиқариш омилларини: ишчи кучи, меҳнат воситалари, меҳнат предметлари мужассамланганлиги натижасида яратилган ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичларини (ҳажми, таркиби, динамикаси), ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ барча харажатларни ва бу харажатлар самарадорлигини таърифловчи кўрсаткичларни ўрганади.

1.2. Макро-микроиккисодий статистика фанининг ўрганиш обьектлари

Ҳисоб ва статистика маъмурий буйруқбоэликка асосланган тизим даврида иккисодиётни ўрганиш учун 3 хил ёндашган:

- макроёндашув - ҳалқ хўжалиги миқёсида;
- мезоёндашув - айрим тармоқлар миқёсида;
- микроёндашув - айрим корхоналар миқёсида.

Макроёндашувда айрим олинган мамлакат ёки унинг алоҳида худудлари (вилоят, туман) ёки умумжаҳон ҳалқ хўжалиги статистик ўрганиш учун асос қилиб олинган ва уларни ўрганиш учун иккисодий статистика фани хизмат қиласи.

Мезоёндашувда ҳалқ хўжалигининг айрим тармоқлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва ҳоказо) статистиканинг ўрганиш обьекти бўлиб, уларни ўрганиш учун айрим тармоқлар статистикаси фанлари хизмат қиласи.

Микроёндашувда айрим олинган фирма, корхона ёки ак-

ционерлик жамиятига ўрганиш обьекти сифатида қаралған. Аммо бунда микроиктисодий статистикага мустақил фан сифатида қаралмаган. Хұжалик операциялари ҳисобини олиб бориши ва статистик ҳисобот түзиш (баланс түзиш, ҳисобот шакларини тұлдіриш, хұжалик операцияларни ҳисобларга ўтказиш ва ҳоказо) корхоналарнинг бухгалтерия ҳисоби зиммасига юқлатылған еди.

Бозор иқтисодиёти шароитнда миллий иқтисодиёттә бир бутун бирлік сифатида қаралади ва статистика уни ўрганишга 2 хил ёндашади:

- макроёндашув;
- микроёндашув.

Макроёндашувда мамлакат ёки унинг алохыда регионлары (вилоят, туман) иқтисодиёти статистик ўрганиш учун асос қылип олинади.

Макроиктисодий статистика фани эса макроиктисодиёттеги жараёнларнинг миқдорий томонларини уларнинг сифат томонлари билан узвий бөглиқ ҳолда ўрганади. У иқтисодий жараёнларни, аниқ макон ва замонда қай даражада ўзгараёттани статистик күрсаткышларда ифодалағ беради.

Макроиктисодий статистика таҳлилиниң натижалари умумиқтисодий характерда бўлиб, қуидаги умумий аҳамиятта молик тавсифларни беради:

- аҳоли сони ва таркибини ўрганиб, уларни башоратлади, иқтисодий фаол аҳолининг банд бўлган қисми ва ишсизлар саломини аниқлайди, аҳолини иш билан тұла таъмилаш, меҳнат унумдорлиги ва халқ фаравонлитетини ошириш;
- миллий бойлиқ ҳажми ва унинг таркибини мукаммалаштириш, асосий ва айланма фондларидан фойдалашнишни яхшилаш, ялпи ички маҳсулот ҳажмини күпайтириш, иқтисодий ўсишни ва унинг самарадорлитетини ошириш;
- иқтисодиётни барқарорлаштириш, пулнинг харид қувватини орттириш ва инфляцияни бартараф этиш;
- бозор инфратузилмалари аудит, сүгурта тизимларини, молия, пул кредит, банк, солиқ, бояжхона тизимларини шакллантириш, изчил ривожлантириш ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини орттириб, уни ривожланган давлатлар қаторига қўшиш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш, кичик ва ўрга бизнесни ривожлантириш йўлларини кўрсатиш;
- бозорни тадқиқ қилиш йўналишлари ва сиғимини аниқлаш, уни сегментлаш, харидорнинг, истеъмолчининг хулиқ авторини, талаб ва таклифни ўрганиш;

- инвестициялаш манбалари, талаб ва таклиф, инвестиция иқтимини аниқлаш, кўшма корхоналар тузиш ва уларнинг са- марадорлигини ошириш;
- статистикада гарфик усулидан ва ЭҲМлардан кенг фойда- ланиш ва уларният самарадорлигини аниқлаш;
- миллӣ иқтисодист таркибини самараали ўзгартириш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий соҳалар соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек илм фан ривожига алоҳида эътибор бериш;
- якка хокимликни тутатиб, хусусий мулкчиликни ривожлан- тириш;
- иқтисодий интеграциялаш ва ташки алоқаларни кенгайти- риш, экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини ўрганиш;
- халқ хўжалиги балансидан миллӣ ҳисоблар тизимига ўтиш- да республикамизният ўзига хос, ўзига мос хусусиятларини эъти- борга олиш.

Микроиқтисодий ёндашувда айрим олинган фирма, корхона статистик ўрганиши учун асос қилиб олинади ва унга макрокўламнинг бир бўлаги, элементи сифатида қаралади, у кичик даражадаги иқтисодиёт ҳисобланиб, ҳар хил фаолиятларни амалга оширади. Молиявий бухгалтерия ҳисобини корхона фаолиятининг ҳамма томонларини қамраб олгани учун уни микрокўламдаги ста- тистика деб атаса ҳам бўлади.

Микроиқтисодий статистика фани эса улар иқтисодиётининг микдорий томонларини сифат жиҳатлари билан узвий боғлиқ- лиқда ўрганади. Бу фан конкрет баҳо, товар ва хизматлар тури, даромад, ишлаб чиқариш, алмашув ва истеъмол бозорларига ўрганиш объекти сифатида қарайди.

Фирма ⇔ Тармоқ

Микроиқтисодий ёндашув


Халқ хўжалиги

Макроиқтисодий ёндашув

Миллӣ даромадининг ҳосил бўлиш жараёни, уни тақсимлаш, ундан фойдаланиш, аҳоли турмуш даражаси, пулнинг айланиши, кредит жараёнларини халқ хўжалиги даражасида ўрганиш мак- роиқтисодий статистиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Жамият яшиши учун тўхтавсиз истеъмол қилиши керак. Шу сабабли моддий нысьматларни ва хизматларни тўхтавсиз ишлаб чиқариш лозим. Бунииг учун эса қўйидаги ресурслар (ижтимоий-иқтисодий потенциал) керак бўлади: меҳнат, мате- риал ва табиат. Бу ресурслар ҳам сифат, ҳам сон тарафига эга. Ресурс - бу потенциалнинг микдор томонини ифодалайди. Си-

фат тарафи эса унинг ишлаб чиқара олиш (маълум ҳаракатларни амалга ошириш ва натижага эришиш) қобилиягини ифода этади. Статистика ресурслар билаи иш кўриб, қўйидаги жараёнларни ўрганади ва чуқур таҳлил қиласди.



Макроиктисодий статистикада асосий эътибор моддий бойликлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишга ва истесьмолга қаратилади. Истесьмол учун эса тақсимлаш ва алмашиниш, ялпи бозор жараёнини амалга ошириш лозим бўлади.

Макроиктисодий ёндашув икки хил бўлиши мумкин:

1. Ватан (ички) иктисодиёт. Унга мамлакат ҳудудида жойлашгани хўжалик юритувчи субъектлар киради.

2. Миллий иктисодиёт. Унга мамлакат ҳудудида жойлашган хўжалик юритувчи субъектлардан ташқари яна мамлакат ҳудудидан ташқарида жойлашган хўжалик бирликлари ҳам киритилади. Миллий иктисодиёт мамлакат иктисодиётидан каттароқ ёки кичикроқ бўлиши ҳам мумкин, бу ҳолат чот мамлакатларда ишлётган шу мамлакат фуқаролари даромаднинг микдорига боғлиқ.

Макроиктисодиётнинг моҳияти, асоси миллий даромад назариясидир. Уни Ф.Кэне бошлаган, А.Смит, Д.Рикардо давом эттирган. Кейинчалик бу назария Кейнс ва бошқалар томонидан янада ривожлантирилган. Миллий даромаднинг ҳосил бўлиши жараёни, тақсимланиши, қайта тиқсимланиши ва ундан фойдаланиш макроиктисодий статистиканинг ўрганиш предметидир.

Макрииктисодий жараёниларни ўрганиш бир хил бирликларни қандайдир белгилар асосида гурухлаш ва статистик қонуниятларни очишини тақазо этади. Бунда статистиканинг умумий назариясига мувофиқ ишлаб чиқилган, илмий жиҳатдан асосланган, амалиётда исботланган усуслардан кенг фойдаланиллади.

Иктисодий агентлар (иктисодий қизиқувчилар) Ўзбекистон ҳудудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бўлиши мумкин. Ҳудудда жойлашган бирликлар мамлакат резидентлари ҳисобланади (фуқароликка ўхшаш). Бошқа мамлакатлардагилар резидент ҳисобланмайди. Бу ҳол одатда ишлаб чиқариш воситалари кимнинг ҳисобига ташкил этилганига боғлиқ.

Макроиктисодиётда асосий эътибор моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ҳам, хизматлар кўрсатишга ҳам қаратилади (талаб-таклиф истесьмол).

Юқоридагилардан макроиқтисодий статистиканинг асосий кўрсаткичлар тизими келиб чиқади:

1. Потенциал ва ресурслар;
2. Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси ва илмий-техника тараққиёти;
3. Макроиқтисодий фаолиятнинг якуний кўрсаткичлари (ялпи миллий маҳсулот, ялпи миллий даромад ва ҳ.к.);
4. Бозор кўрсаткичлири тизими ва аҳолининг турмуш даражаси;
5. Самарадорлик кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткичларниң барчасини ҳам миллий иқтисод учун, ҳам ватан иқтисоди учун аниқлаш ва ўрганиш лозим.

1.3. Макро-микроиқтисодий статистикаининг ўрганиш усуllibари

Ҳар қандай фан ўзининг предметини ўрганиш учун маълум усуllibардан фойдаланади. Табиий фанлар (химия, физика, биология ва ҳоказо) ўз обьектларини ўрганиш учун турли хил тажрибаларни, эксперементларни, синовларни ўтказадилар, ўтчайдилар, реакцияга киритиб курадилар ва ҳоказо.

Ижтимоий фанлар ҳам ўз услубиятига эга. Масалан, статистика ўз обьектини ўрганиш учун икки хил усулдан фойдаланади:

I. Умумисоний фалсафа қонунлари:

1. Ҳамма ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни бир-биридан ажralган ҳолда эмас, балки бир-бири билан боғлиқ, шу билай бирга доимо ўзгаришда деб қарайди;

2. Ҳодисаларнинг ижтимоий-иқтисодий турлари мавжудлигини тан олади, янги прогрессив томонларни очади ва ўзгариш йўналишларини ифодалаб беради.

II. Статистиканинг умумий назарияси ишлаб чиқсан усуllibар.

Ушбу усуllibарга кўра статистик тадқиқотнинг З асосий поғонаси мавжуд:

1. Ялпи ёки танлама статистик кузатиш. Бунда илмий жиҳатдан пухта ишланган дастур асосида ўрганилаётган ижтимоий ҳодисалар бўйича обьектив мавзумотлар тўпланади;

2. Тўпланган мавзумотларни қайта ишлаш, жамлаш ва гурухлаш, уларни мавзум тизимга келтириш;

3. Мавзумотларни қайта ишлаш натижасида олинган кўрсаткичлар иқтисодий-статистик таҳдили.

Юқоридаги З поғонанинг ҳар бирида ўзига хос усуllibар кўлланилади (ёппасига кузатиш, гурухлаш, жамловчи кўрсаткичлар ва ҳ.к.) ва уларнинг барчаси биргаликда статистик услубиятини ташкил этадилар.

Статистик тадқиқотнинг З поғонаси ҳам ўзаро бир-бiri билан чамбарчас боғланган. Тадқиқотнинг мақсади ёки лозим бўлган кўрсаткичларни олиш статистик кузатиш дастурининг мавзуини белгилайди. Кузатиш вақтида далилларнинг тўлиқ бўлмаслиги ва ноаниқ ҳисобга олиш нотўғри кўрсаткичлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу эса нотўғри хulosалар чиқаришга олиб келади. Ўз навбатида кузатиш натижасида олинган бирламчи тўғри маълумотлар, статистика фани қоидаларига риоя қўлтмай бузиб ишлатилса нотўғри хulosалар келиб чиқади. Ва ниҳоят, учинчи поғонада статистик таҳлил тўғри, илмий жиҳатдан асосланган мулоҳазалар ва амалий хulosалар чиқариш имкониятини бермаса, у ҳолда маълумотларни йиғиши ва қайта ишлаш натижалари фойдасиз бўлиб қолади.

Макроиқтисодий статистика ўз обьектини ўрганишда яна статистиканинг умумий иазарияси фанида ўрганилган усууллардан: абсолют ва нисбий микдорлар, ўртача микдорлар, вариация кўрсаткичлари, вариацион-регрессион таҳлил, динамика қаторлари, график усууллар, иқтисодий индекслар каби усууллардан ҳам кенг фойдаланади.

1.4. Макро-макроиқтисодий статистиканинг ташкил қилиниши ва унинг вазифалари

Бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш ва иқтисодётни эркинлаштириш, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг мақбул макроиқтисодий нисбатларини ва барқарор суръатларини таъминлаш, статистиканинг ҳалқаро месёллар ва андозаларга мувофиқ самараён ишлашини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 14 декабрдаги Фармонига биноан Республика Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги иккига ажralди. Ўзбекистон Иқтисодиёти вазирлиги ва Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси. Шунга асосланниб, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилятлар ва Тошкент шаҳар хокимларлари қошида статистика бўйича ишлаб турган бўлимлар негизида Қорақалпоғистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Рерпублика вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида иқтисодиёт ва статистика бош бошқармалари, Республика шаҳарлари ҳамда туманларида иқтисодиёт ва статистика бўлинмалари тузилди.

Идораларда, корхона, муассасаларда статистика билан шугулланадиган бўлим ва гурухлар мавжуд. Идора ва ташкилотлар миқёсидаги статистика ишларини олиб борувчи бўлим ва гурухлар маъмурий жиҳатдан тегишли вазирликлар ва

қўмиталарга, методологик жиҳатдан эса, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига бўйсунадилар.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётiga ўтиши ва шу муносабат билан хўжалик механизмида туб ўзгаришларнинг содир бўлиши статистика зиммасидаги масъулиятини янада оширди. Щундай шароитда статистика олдида қуидаги вазифалар туради.

- халқ хўжалигидаги барча ҳисоботларни бозор иқтисодиётига мослаш, тартибга солиш ва уларнинг аниқлигини таъминлаш;

- статистика ахборотларини такомиллаштириш ва иқтисодий таҳдил қилишни янада чукурлаштириш, статистиканинг аналитик функциясини ошириш;

- хўжалик юритишининг турли шаклларини, мулкчиликнинг кўп қирралигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши;

- истеъмол бозоридаги, ишлаб чиқариш воситалари ва қумматли қоғозлар бозорларида мутаносибликни ҳамда баҳо харакати ва инфляция жараёнининг тавсифловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқди;

- тақрор ишлаб чиқаришнинг молиявий қирраларини, банклар фаолиятини ва бюджети ҳолатини, корхоналар ва аҳоли даромади ва харажатларини таърифловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиши;

- Республикаларнинг хориж давлатлари билан бўладиган муносабатларини, уларда корхоналарнинг қатидашиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиши;

- мамлакат аҳолисининг сони ва таркибини, уларнинг регионлар ва худудлар бўйича тақсимланиши, тақрор ишлаб чиқаришни ифодаловчи асосий кўрсаткичлари (туғилиш, вафот этиш, табиий ўсиш ва ҳ.к.), соғломлик даражаси, умр узунлиги, соғлом авлоднинг юзага келиши;

- мамлакатнинг иқтисодий ресурслари, уларнинг таркиби ва динамикаси, иқтисодиётнинг тармоқлари ва соҳалари бўйича тақсимланиши, улардан самарали фойдаланиш;

- иқтисодий жараёнларнинг асосий якунлари, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ва таркиби, иқтисодий ўсиш дарожаси, ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фодаланиш, истеъмол қилиш ва жамғариш, иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари орасидаги нисбат ва ҳ.к.

- даромадларнинг ташкил топиши ва тақсимланиши, бирламчи ва иккиламчи тақсимот, охирги даромаднинг ташкил топиши ва улардан фодаланиш;

- ижтимоий соҳанинг ривожланиши, маориф ва соғлиқни сақлаш, иқтисодий ўсиш билан ижтимоий ривожланиши орасидаги боғланиш;

- уй-жой, коммунал хўжалиги ва хизматлар, яшаш жойлари фонди, ахолининг уй-жой билан таъминланганлик даражаси, коммунал хизматлар ва қулайликлар;
- инвестицион жараён, инвестиция ҳажми ва таркиби, молиялаштириш маnbai ва унинг самарадорлиги;
- молия тизими фаолияти: молиявий операциялар, муоммадаги пул ҳажми, ажратилган ссудалар ҳажми, сугурта компаниялари операциялари, фонд бозори, қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ва ҳоказо;
- ташқи иқтисодий фаолият натижалари.

Шундай қилиб, макро-микроиқтисодий статистика статистика фанининг мухим тармоғи бўлиб, у ўзининг мустақил предмети, усули, обьекти ва вазифаларига эга.

Қисқача холосалар

Макро-микроиқтисодий статистика - ижтимоий-иқтисодий статистика фани ва давлат статистика органлари амалий фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. У давлат муссасалари ва жамоатчиликни иқтисодиётнинг ривожланишини ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий жараёнлар ҳақидаги ахборотлар билан таъминлайди ва уларни статистиканинг хилма-хил усулларидан фойдаланиб чуқур таҳлил қиласди.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий ҳисоблар тизими концепцияси бўйича миллий иқтисодиётга бир бутун бирлик сифатида қаралади ва статистика уни ўрганишда 2 ҳил ёндашади:

- макроёндашув;
- микроёндашув.

Макроёндашувда мамлакат ёки унинг алоҳида регионлари (вилоят, туман) иқтисодиётини статистик ўрганиш обьекти сифатида қаралади ва уни ўрганишни макроиқтисодий статистика фани амалга оширади.

Микроёндашувда эса, айрим олинган фирма, корхона, холдинг, тармоқ статистик ўрганиш обьекти сифатида қаралади ва уни ўрганишни Микростатистика фани амалга оширади.

Юқоридаги икки даражада ўрганиладиган иқтисодиёт бўйича статистик кўрсаткичлар тизими яратилган ва уларни чуқур таҳлил қилиш услугияти ишлаб чиқилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- 1 . Макро-микроиқтисодий статистикани иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги вазифаларини тушунтиринг.
2. Нима учун макро-микроиқтисодий статистика мустақил фан ҳисобланади?
3. Макро-микроиқтисодий статистикани объекти нималарни ўз ичига олади? .
4. Макро-микроиқтисодий статистикани предмети нима?
5. Макро-микроиқтисодий статистика қандай усуллар билан ўрганилади?
6. Макро-микроиқтисодий статистика бошқа ижтимоий-иқтисодий фанлар билан алоқасини тушунтиринг.
7. Макро-микроиқтисодий статистика амалиёт билан қандай боғланган?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиқтисодий статистика. 100 саволга жавоб. - Т.: Мехнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. - М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набиев Ҳ.Н., Набиҳўжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизми. - Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. - М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. -М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. - М.: Финстатинформ, 1998.
8. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. -М.: Финстатинформ, 2000.

II боб

МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАДА ҚҮЛЛАНИЛАДИГАН ГУРУХЛАШ ВА ТАСНИФЛАШЛАР

2.1. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий худуд ҳамда идоравий тассаруфи бўйича таснифлаш

Ўзбекистон Республикаси истиқболига эришиши, жаҳон ҳамжамиятига ва БМТга аъзо бўлиши муносабати билан унинг макроиқтисодий фаолият кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ва уларни ривожланган мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш вазифаси туғилди.

Макроиқтисодий статистикасининг ўрганиш обьекти - мамлакат иқтисодиёти бўлгани сабабли, у кўп сонли ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар фирма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро бир-бiri билан боғлиқ, фаолиятини ўрганади. Матъумки, бу субъектларнинг айримларида моддий неъматлар яратилиб, уларни истеъмолчиларга етказиб беради, айримлари турли-туман хизматларни амалга оширади, давлатни бошқаришда иштирок этади, баъзилари эса илмий, маърифий фаолият, маданий ва маиший хизматлар кўрсатади. Шунинг учун мавжуд корхона, ташкилот ва муассасалар фаолиятини ўрганишда уларни мулкчилик шаклларини маъмурий ва иқтисодий худудий ҳамда идоравий тасаруфи бўйича гурухларга ажратиш-таснифлаш лозим.

Халқаро ҳамжамият мамлакатларининг андозалари асосидаги таснифлаш юқоридаги қайд этилган белгилар асосида амалга оширилади.

Мулкчилик шакллари бўйича гурухлаш учун республиканизнинг кўп укладли иқтисодиёти ўзига мос равишда қуйидаги гурухларга бўлинади:

1. Давлат мулки;
2. Жамоа—кооператив мулки;
3. Жамоа мулки;
4. Турли жамиятлар (акционерлик) мулки;
5. Хусусий мулк ;
6. Шахсий мулк.

Мулкчилик шакллари бўйича бундай гурухлаш ҳар бир мулкчилик шаклининг мамлакатимиз ялпи миллий маҳсулотини яратишдаги ўрни, салмоғини ва аҳоли бандлигини аниқлаш имконини беради.

Маъмурый, идоравий тассаруфи бўйича гурухлашнинг асосий зарурати шундан иборатки, унинг ёрдамида халқ хўжалиги тармоқларини бошқаришнинг ташкил қилиши шакллари аниқланади. Халқ хўжалиги тармоқларининг бошқариши эса тармоқ қоидалари асосида амалга оширилади. Масалан, умумтаълим мактабларини халқ таълими вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғини эса қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқаради ва х.к.

Корхона ёки ташкилотлар вазирлик ёки идоравий тасаруфи доирасида яна республика, вилоят, туман тасаруфидаги корхоналарга гурухланади.

Маъмурый ва идоравий тассаруфи бўйича гурухлашдан асосий мақсад ҳар бир вазирлик бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми, динамикасини, меҳнат унумдорлиги динамикасини, ишлаб чиқарган ва сотган маҳсулотлари бўйича режалари ва битимларини бажарилиши даражасини назорат қилишдан иборат.

Худудлар бўйича гурухлаш мамлакат турли худудларини ривожланишини, ишлаб чиқариш кучларини жойланишини ва худудлар ўргасидаги иқтисодий алоқаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти алоҳида—алоҳида иқтисодий худудларга бўлинмаган, балки маъмурый худудларга ажратилган. Шу сабабли, корхоналарни автоном республика, вилоят, шаҳар ва туманлар тассаруфи бўйича ҳам гурухларга ажратиш мумкин.

Айrim тармоқларда худудлар бўйича маҳсус гурухлар қўлланилади. Масалан, кўмир саноатида, кўмир хавзалари бўйича қишлоқ хўжалигида ер зоналари ва табиий иҷлим шароити бўйича ҳам гурухларга ажратилади.

2.2. Институтцион бирлик тушунчаси ва иқтисодий фаолият турларининг секторлама таснифи

Миллий ҳисоблар тизимининг асосий моҳияти иқтисодий фаолият натижасида даромад олишни ва ундан фойдаланишини талқин қилишдир.

Миллий ҳисоблар тизимида (МҲТ) моддий неъматлар яратиш, хизматлар кўреатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилишида қатнашувчилар бажарадиган иқтисодий вазифаси асосида гурухларга ажратилган. Ҳар бир гуруҳ ёки хўжалик бирлиги МҲТда иқтисодий агент деб юритилади.

Иқтисодий фаолият олиб бориши хуқуқига эга ва бошқа агентлар билан бўладиган ишларда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган иқтисодий агент институтцион бирлик деб аталади.

Институтцион бирлик бу мустақил равишда фаолият кўр-

сатиб, даромад олувчи, барча молиявий мажбуриятларни бажа-
рувчи, каромогида барча турдаги мол-мұлқа ва пул маблағлари
бўлган, уларни ўз ихтиёри билан ишлата оладиган муассасалар-
дир. Бундай муассасалар алоҳида корхона, фирма, молиявий
ташкилот ва бошқалар бўлиги мумкин. Улар ўз ҳисоб-китоб
ишларини ўзлари тўлиқ юритадилар, банкларда ҳисоб рақамига
эга бўладилар. Аудиторлар эса, уларнинг хўжалик фаолияти
натижаларини таҳдил қиласидилар. Йиғитиуционы бирликлар амалга
оширайтган бир жинсли фаолият асосида қуйидаги секторлар
ва секторчаларга бўлинадилар:

1. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори;
2. Молиявий корпорациялар (ташкилотлар) сектори;
3. Умумдавлат бошқарув сектори;
4. Ўй хўжалигига хизмат кўрсатувчи давлат тасарруфи-
да бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар сектори;
5. Ўй хўжалиги сектори;
6. Ташки дунё сектори.

Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сектори молиявий ташкилотлардан ташкари институтцион бирликларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифаси маҳсулот ишлаб чиқариш ва номолиявий хизматлар кўрсатиш бўлиб, ўз харажатларини қоплаш учун фаолиятлари натижаларини кўзланган баҳоларда сотишдир. Аммо кўпгина ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми миллий икътисодиёт маңбаатларини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджетидан субсидия ва дотациялар ҳисобидан қопланади. Бу секторга яна шартли равиша давлат бюджети ҳисобидан тўла молиялаштирилувчи корхоналар, шунингдек, корхоналар томонидан молиялаштирилувчи маблағларга боғлиқ бўлган нотижорат ташкилотлар ҳам киради.

Молиявий корпорация (ташкилот)лар сектори мулкчилик шаклидан қаътий мазар тижорат асосида молиявий ва суурта операциялари билан шуғулланувчи институтцион бирликларни яъни тижорат банклари, қарз берувчи жамиятлар ва ассоциацияларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий вазифалари — молиявий маблағларни чиқариш, сотиб олиш, сақлаш ва тақсимлаш, қимматбаҳо кағозлар чиқариш, пул маблағларини сақлаш, корхоналарга ва уй хўжаликлари ва бошқаларга карз беришдан иборат.

Банкларни ҳам, молиявий ташкилотларни ҳам давлат муассасалари сирасига киритиш мумкин. Марказий банк пул сиёсатини олиб боради ва унинг вазифасига қуйидагилар киради:

1. Пул чиқариш.
2. Хорижий валюталар резервини бошқариш ва сақлаш.
3. Суда орқали бошқа (тижорат) банкларни

пул билан таъминлаш. 4. Ҳукумат банки. 5. Қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва сотиб олиш.

Суғурта ташкилотлари - ҳаётий кўнгилсиз ҳодисалардан суғурта қилиши ҳамда корхона ва уй хўжалигининг мулкларини суғуртаси билан шуғулланувчи институтцион бирликларни ўз ичига олади.

Умумдавлат бошқарув сектори бозордан ташқари хизматлар кўрсатувчи ҳамда миллӣ даромад ва миллӣ бойликни қайта тақсимлаш вазифасини бажарувчи институтцион бирликлардан иборат. Уларга асосан давлат бюджети томонидан молиялаштирилувчи бошқарув, молия фаолияти атроф-муҳит муҳофазаси, давлат ҳимояси, жамоа тартибини бошқарувчи ҳамда аҳолига илм олишида, соғлиқни сақлаша, санъат ва маданият, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий суғурта соҳаларида пулсиз ёки имтиёзли хизматларни амалга оширувчи давлат муассасаса ва ташкилотлари киради.

Давлат молия муассасаларига марказий, минтақавий ва маҳаллий банклар кириб, уларнинг асосий вазифалари - давлат ташкилотларига молиявий хизматлар кўрсатиши (қимматбаҳо қоғозлар ва пул чиқариш, темир пуллар босиш тилла захиралари ва хорижий валюта захираларини сақлаш) ва уй хўжалигига ва хусусий тадбиркорларга молиявий хизмат кўрсатишдир.

Агар аҳолига хизмат кўрсатувчи давлат тасарруфида бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар давлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилса ва назорат килинса, улар «Умумдавлат бошқарув»и секторига киритилади.

Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи давлат тасарруфида бўлмаган нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар уй хўжалигига бозордан ташқари хизматлар кўрсатиши билан шуғулланувчи институтцион бирликларни қамраб олади. Бунда давлат муассасалари томонидан молиялаштирилмайдиган ва назорат қилинмайдиган ташкилотлар кўзда тутилиб, уларга асосан аҳолининг ва турли сиёсий партиялар, касаба уюшма ва турли ижтимоий ташкилот аъзоларининг ўлм олиши, соғлиқни сақлаши, дам олишини таъминловчи, уларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи ва бошқа соҳалардаги индивидуал ва жамоа истеъмолини қондирувчи ижтимоий ташкилотлар киради.

Уй хўжалиги сектори аҳоли ёки аҳоли гуруҳларини маҳсулот ва хизматларнинг истеъмолчилари ва ишчи кучини етказиб берувчиларни ўз ичига олади. Уй хўжалигига ҳам иктиносий ҳам юридик нуқтаи назардан ажратиб бўлмайдиган айrim шахсларнинг тадбиркорлик фаолияtlари ҳам киради.

Ташки дунё секторига шу мамлакат резидентлари билан

ҳар кандай операцияларни амалга оширувчи чегтэл иктиносидий бирликлари киритилади.

Үмуман иктиносидий фаолият турларини мулк шакиллари, худудлар, иктиносидий секторлар бүйича таснифлаш ва гурӯхлаш макроиктиносидий жиҳатдан миллий иктиносидётни ўрганишнинг бошланиши ва бирламчи асоси ҳисобланади. Улар ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лар ҳажми, уларнинг турлари ва таркиби, пул айланиши бүйича объектив маълумотларни олиш, бу маълумотларни таҳдил қилиш ва ички имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

2.3. Ишлаб чиқариш бирлиги ҳақида тушунча ва иктиносидий фаолият турлари тармоқларининг таснифи

Маълумки, иктиносидётда асосан уч хил фаолиятни кўриш мумкин: 1. Ишлаб чиқариш. 2. Истемол. 3. Жамғариш.

Ишлаб чиқариш шундай жараёнки, унинг натижасида истемол ёки жамғариш учун товар ва хизматлар яратилади. Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун эса ишчи кучи, иш қуроли ва технология, меҳнат предмети бўлиши шарт. Демак, ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни топиш ва маҳсулот (хизмат) яратиш фаолият турини аниqlайди.

Алоҳида олингган иш фаолияти бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади яъни бир турдаги иш фаолияти асосан битта оддий ишлаб чиқариш жараёнидан иборат. Аммо ҳар кандай ишлаб чиқариш жараёни ёки иш фаолияти бир неча босқичлардан иборат. Ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари қанчалик кўп бўлса, фаолият турлари ҳам шунчалик ортиб боради.

Масалан, автомобиль ишлаб чиқариш бир турдаги фаолият ҳисобланади. Аммо бу жараён қўйиш, темиричилик ишларини, пайвандлаш, йиғув, бўяш ва бошқа бир қанча фаолият турларини ўз ичига олади. Агар бу жараёнда автомобильнинг мотори, узатиш кутиси, асбоб ускуналар ишлаб чиқарилса, уларнинг ҳаммасига бир фаолият тури сифатида қаралади. Дейлик, корхона охирги маҳсулотни ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқаришда турли фаолият турлари қўлланилади. Аммо ишлаб чиқариш жараёnlари, бу корхонада жуда юқори даражада узвий боғлиқдир. Бундай ҳолатда, бу корхонадаги фаолият турларининг бирига асосий, қолганларига ёрдамчи фаолият деб қаралади. Бундай фаолият турлари бўйича сотилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматларни қўшимчага салмоғи орқали аниqlаш мумкин. Лекин бу жуда мушкул иш. Шу боис асосий ва ёрдамчи фаолият

ят кўпинча фаолият натижасидаги товар ва хизматларга тўғри келган ялпи маҳсулот салмоғи билан бу ҳам тўғри келмаса фаолият турларида банд бўлган ишчилар салмоғи орқали аниқланади.

Яна бошқа томондан қаралса, бир турдаги фаолият натижасида икки ва ундан ортиқ турдаги маҳсулотлар яратилиши мумкин. Аммо ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш жараёнлари бир-бiri билан боғлиқ эмас, технологияси ҳам ишлаб чиқариш омиллари ҳам турлича. Бошикача айтганда, бу корхона бир-бiri билан боғлиқ бўлмаган икки хил маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнларини турли фаолият турларига ажратиш мумкин. Лекин, бу ишлаб чиқариш бўлинмаларини тўғридан-тўғри ажратиш деган сўз эмас.

Кўриниб турибдики, фаолиятни асосий ва ёрдамчи турларга ажратиш мумкин. Асосий ва ёрдамчи фаолият натижасида олинган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар бозорда сотиш учун аввалдан белгиланмаган ҳолларда ишлатиш, сақлаш ёки қайта ишлаш учун ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи фаолият эса, асосий ва кўмакчи фаолиятга хизмат қилиш учун амалга оширилади. Бу фаолият маҳсулоти тасдифий равишда бозорда сотилиши мумкин. Бундай ҳолларда у кўмакчи фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Масалан, корхона ўзининг компьютер хизматларидан ўзи фойдаланди ёки турли дастурларни четта сотди.

Иккиласми фаолият турига ҳар бир алоҳида фаолият тури кириб, унинг маҳсулоти охирги ҳисобда З томон учун ишлаб чиқарилади ва у албатта иккиласми фаолият маҳсулоти ҳисобланади. Аксарят иктиносий обьектларда бир қанча иккиласми маҳсулотлар яратилади. Ёрдамчи фаолиятлар асосий ва иккиласми фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас. Ёрдамчи фаолиятга бухгалтерия хисоби, маҳсулотларни ташиб, сақлаш, сотиш ва сотиб олиш, тузатиш, хизмат кўрсатиш, кўриқлаш ва хоказолар киради. Статистик бирликларни таснифлашда ёрдамчи фаолият турлари ҳисобга олинмайди. Асосий фаолият турининг бирлиги асосан бошқа бирликларга ёки истеъмолчиларга сотган ёки жўнатган маҳсулоти ёки хизмати асосида аниқланади. Демак, бир турдаги ишлаб чиқариш фаолиятларининг ийфиндиси тармоқни ташкил этади. Ижтимоий меҳнат тақсимотига, бажарадиган вазифалари моҳияти ва хусусиятига қараб меҳнат фаолиятининг барча турлари тармоқларга ажратилади. Халқ хўжалиги тармоқлари ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ижтимоий маҳсулот яратишдаги хусусиятига қараб, моддий неъмат ишлаб чиқарадиган ва моддий неъмат ишлаб чиқармайди.

дигай соҳа тармоқларига бўлинган ва улар ўз навбатида яна бир неча тармоқларга ажратилган эди.

Халқаро андозадаги иқтисодий фаолият турларининг тармоқ таснифи 1948 йилда БМТнииг Статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқарилган ва қабул қилинган. У 1958, 1968 ва 1993 йиллардан қайта кўриб чиқилган. Бунда иқтисодий фаолият натижаси миллий даромад яратишнинг асоси сифатида қаралиб, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига ажратилмаган. Бундай тасниф асосига уч белги қабул қилинган:

1. Асос қилиб олинган материалларнинг натура кўриниши.
2. Маҳслотни бевосита белгиланган мақсадда ишлатиш.

З Мехнат предметларига ишлов бериш даражаси билан боғлиқ бўлган технологик жараённинг хусусияти.

Халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХАТТ) ишлаб чиқариш жараёнларининг кетма-кетлик қоидалари бўйича тузилиб, натурал табиий моддий ресурслардан фойдаланувчи тармоқлардан (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчilik, овчилик) боштаниб, қазиб олиш, қайта ишлаш саноати, қурилиш, алоқа, транспорт, молия ва кредит ва ҳоказо тармоқларга ўтилади.

Барча иқтисодий фаолият турлари бўйича халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХАТТ) иқтисодий фаолият турларини таснифлашни БМТ томонидан қабул қилинган таснифлари бўлиб, 1993 йилда статистика комиссиясини З-ўқиши билан тўлдирилган.

Юқоридаги жадвалда кўрсатилган (ХАТТ) 17 шўйбадан иборат бўлиб, лотин ҳарофлари билан белгиланган. Бир щўъба бир бўлимдан иборат. Бўлимлар ва гурӯхлар қўйидагилардан иборат:

- а) ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган товар ва хизматлар (жисмоний ҳолати, ишлаб чиқариш босқичлари);
- б) товар ва хизматлар номи;
- в) хомашё, ишланувчи материаллар ва ишлаб чиқариш технологияси;

Шунингдек, жадвалда маҳсулотларни марказий таснифлаш бўйича шу таснифга эга бўлган 10 та шўъба кўрсатилган, аммо бაъзи бўлимлар бўйича берилмаган. Буларга 1,2,3 ва 7-шўъбалар киради. Транспортабель товарлар ўз навбатида 0-4 бўлимларда, нотранспортабель товарлар ва хизматлар 5-9 бўлимларда кўрсатилган.

I-жадвал

Халқаро андозавий тармоқлар таснифи тузилиши
(3-редакция, 1990 йилдаги нашри)

Шұйбалар	Жами	Гурұхлар сони				
		Шу жумладан, дарежалари бүйіча				
		I таснифлани ш дарежасы	II (бүлім)	III (гурұх)	IV (сияніф)	
1	2	3	4	5	6	
А. Қишлоқ хұжалиғи, овчилік ва ұрмончилик	18	1	2	6	9	
В. Балықчилик	4	1	1	1	1	
С. Қазіб одувичи саноат	28	1	5	10	12	
Д. Қайта ищловчи саноат	210	1	23	61	125	
Е. Электроенергетика, газ ва сув таъмноти	11	1	2	4	4	
Ғ. Қурилиш	12	1	1	5	5	
Ғ. Улгаржи ва чакана товар айланма; автомобиль, мотоциклдар ремонти	50	1	3	17	29	
Н. Мәхмөнхона ва ресторандар	6	1	1	2	2	
І. Транспорт, омборхона хұжалиғи ва алоқа	33	1	5	10	17	
Ј. молиявий воситачилик	21	1	3	5	12	
К. Күчмас мұлк операциялари, ижара ва тижорат фаянлияты	54	1	5	17	31	
Л. Давлат бошқаруви ва мудоеғе, ижтимоиј сұгурултага ажартмалар	13	1	1	3	8	
М. Тәзтім	11	1	1	4	5	
Н. Сорғынның сақлаш ва ижтимоиј сұгуру	11	1	1	3	6	
О. Башқарув коммунал, ижтимоиј ва персонал хизметтерлар	36	1	4	9	22	
Р. Едламма персоналға асосланған хусусий үй хұжаликтер	4	1	1	1	1	
Q. Экстерриториал ташкилотлар ва идоралар	4	1	1	1	1	
Жами	256	17	60	159	290	

**2.4. Макроиқтисодий статистикада құлланиладиган бошқа
гурұхлаш ва таснифлашлар**

Юқорида баён этилған ХАТГдан тапқары статистикада у
билаи бөглиқ бир қанча таснифлашларни күриб чиқып мүмкін.
Жумладан, тармоқларни ҳудудий бошқаришининг ташкилий тузи-
лиши (шакли) бүйіча, мұлкчылық шакли бүйігча таснифлаш ва
хоказо. Бундан тапқары макроиқтисодий статистикада маҳсу-
лотларнинг халқаро таснифи ва халқаро савдо таснифларини
үрганиш ҳам мұхым аҳамияттада. Маҳсулотлар таснифи
жабхасидаги хозирги замон андозалары халқаро мәжнатни таш-

кил этиш доирасида узоқ муддатли олиб борилган иш натижаси бўлиб, ҳозирги кун амалиётида 1957 йилдаги таснифга нисбатан 1968 йилда аниқлик киритилиб, тўлдирилган таснифдан фойдаланиб келинмокда. Маҳсулотларнинг ҳалқаро андозалардаги таснифи (МХАТ) бўйича гурухлашгага «фаолият тури» асос қилиб олинган. Лекин бунда кўпинчча тармоқ белгиларига асосланган. Ҳозирги кунда амал қилиб келинаётган МХАТИга асосан ходимлар кўйидаги 11 та гурухга бўлинган.

1. Эркин мутахассисликка эга шахслар, техниклар ва бирбирига ўхшаш мутахассислар;
2. Маъмурий ва бошқарув ходимлари;
3. Девонхона ходимлар;
4. Савдо ходимлари;
5. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари;
6. Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ходимлари, балиқчилик ва овчилик;
7. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари;
8. Транспорт соҳаси ходимлари;
9. Алоқа соҳаси ходимлари;
- 10.Машғулот тури буйича таснифга кирмайдиган ходимлар;
- 11.Маҳсус гурух, ҳарбий хизматчилар.

Ҳалқаро андозалар юқорида келтирилган МХТнинг йирик гурухлари асосида 84 та гурухчаларга (иккинчи даражали бўлинеш), 784 та уч рақамли (3 даражали бўлинеш) ва 150 та тўрт рақамли, жами 5,5 мингта турли машғулотларни бирлаштирувчи бўлимчаларга бўлинган.

Ҳалқаро савдо таснифи бошқа таснифларга нисбатан тўллароқ ва мукаммалроқ ишлаб чиқилган. Бу таснифга давлат ташкилотларининг, ҳалқаро ташкилотларнинг алоҳида эътибор беришларига асосий сабаб божхона сиёсатининг талабчанлигидир. Ташки савдо соҳасида жуда кенг турдаги истеъмол моллари ва ишлаб чиқариш воситаларининг барча ассортиментлари бўйича турлари қамраб олинган. Савдо таснифида маҳслотлар таснифи билан тармоқлар таснифини чамбарчас бирлаштириш имкониятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш зарур. Агар товарлар таснифида тармоқ белгисига мос келмайдиган белти асос қилиб олинса, у ҳолда маълумотларни солиштиришда қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунингдек, турли тармоқ маҳслотларини товарлар гурухида аралаштириб юбориш натижасида ҳам қийинчиликлар туғилиши мумкин. Аксарият маҳсулотларнинг истеъмол қийматларидан келиб чиқсан ҳолда маҳсулотлар илмий таснифланади. Бошқалари соғф натурал белгилар, масалан, маҳсулотларни химиявий таркиби орқали таснифланади.

1974 йилда БМТ Статистика комиссияси томонидан қабул қилинган иккинчи таҳрири (матни) асосида қабул қилинган халқаро андозалардаги савдо таснифи (ХАСТ)нинг йирик бўлими ва бўлимчалари қўйидагилардан ташкил топган:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари (10 та бўлим);
2. Ичимликлар ва тамаки маҳсулотлар (2 та бўлим);
3. Бирламчи хомашё (ёқилғи кирмайди) (9 та бўлим);
4. Минерал ёқилғи ва мойлаш материаллари (4 та бўлим);
5. Ўсимлик ва ҳайвон ёғлари (3 та бўлим);
6. Химия маҳсулотлари (9 та бўлим);
7. Саноат ярим тайёр маҳсулотлари (9 та бўлим);
8. Машинасозлик маҳсулотлари ва транспорт воситалари (9та бўлим);
9. Ишлов берувчи саноатнинг бошқа товарлари (8 та бўлим);

10. Аввал қайд этилмаган бошқа товарлар.

Хулоса қилиб айтганда, халқаро тармоқлар таснифи иқти-
содиётда тармоқлар, корхоналар ва уларнинг бўлинмаларини
тақсимлаш учун зарур. Иқтисодий фаолият турларини тасниф-
лаш ишлаб чиқариши ва унга таъсир қилувчи омиллар тўғриси-
даги статистика маъдумотларини таҳдил қилиш учун база бў-
либ хизмат қиласди. Ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро андо-
завий таснифлаш (БМТ методологияси бўйича) тизимини ки-
ритиш зарур. Бир сўз билан айтганда, барча иқтисодий фаоли-
ят турлари бўйича халқаро таснифлашлар иқтисодиётни ўрга-
ниш ва уни таҳдил қилишда иерархик тузилма бўлиб хизмат
қиласди.

Қисқача хулосалар

Миллий иқтисодиёт - кўп сонли ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар: фирма, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ фаолиятидан ташкил топади. Уларнинг айримларида моддий неъматлар яратилиб, уларни истеъмолчиларга етказиб беради, айримлари тури-туман хизматларни амалга оширади, давлатни бошқаришда иштирок этади, баъзилари эса илмий, маърифий фаолият билан шугулланади, маданий ва майиший хизматлар кўрсатади. Шунинг учун уларни мулкчилик шакллари, идоравий тасарруфи, маъмурий ва иқтисодий худудлари, ҳамда иқтисодий фаолият турлари ва тармоқлари, бўйича гурухларга ажратиш - таснифлаш лозим. Узбекистон Давлат статистика қўмитаси амалий фаолиятига халқаро андозавий таснифлаш (БМТ методологияси бўйича) тизими киритилмоқда, у иқтисодиётни ўрганиш ва уни таҳлил қилишда иерархик тузилма бўлиб хизмат қиласди.

Назорат ва мухокама учун саволлар

1. Иқтисодиётни мулк шакллари бўйича гуруҳлашдан кўзланган асосий мақсад нима ва уларни турларини кўрсатинг.
2. Институцион бирлик деганда нимани тушунасиз?
3. Институцион бирликларни секторларга таснифланг.
4. Халқаро андозавий тармоқлар таснифи (ХААТ) ва унинг моҳиятини тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиқтисодий статистика. 100 саволга жавоб. - Т.: Мехнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. - М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набиев Ҳ.Н., Набиҳўжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизми. - Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. - М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германия, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. -М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. - М.: Финстатинформ, 1998.

III боб

МАКРОИҚТІСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

3.1. Статистик күрсаткичлар тизими ҳақида түшунчада

Кундалик ҳастимизда күпдан-күп статистик маълумотлар ёки күрсаткічларни учратамиз. Амалий фаолиятимизга тегишли воқеаларни ўрганиб, иқтисодий ахволимизни тахлил қилаётганды эса улардан кенг күламда фойдаланамиз. Мисол тариқасыда мамлекеттимиз ақолисининг сони, шу жумладан иқтисодий фаолликка эга бўлганлар сони, улардан иқтисодиёт соҳаларида бандлар сони, бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот, ҳосил қилинган соф ва ялпи миллий даромад, истеъмол қилинган товар ва хизматлар ҳажми, уларни шакллантиришда давлат ва нодавлат секторларининг ҳиссаси кабилар ҳақидаги маълумотларни эслайлик. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлиги ахборотига кўра, 1998 йили юртдошларимиз сони 24,1 млн. кишига етган. Уларнинг иқтисодий фаол қисми 8,85 млн. кишини, ҳалқ ҳўжалиги тармоқларида банд қисми 8,8 млн. кишини ташкил этган, шу жумладан 25,8%и давлат корхоналарида, 74,2%и ҳусусий секторда ва бошқа нодавлат секторларда ишлаган. Улар 1020 млрд. сўмлик (таққослама баҳоларда) ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарган ва 1358,8 млрд. сўм (жорий баҳоларда) миқдорида соф миллий даромад ҳосил қилинган. 1992-1993 йилларда Ўзбекистонда реал ички маҳсулот камайган, 1996-1997 йилларда 7% ва 1998-1999 йилларда 11% ошган. Шу каби маълумотларга таяниб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш жараёнлари таҳлил қилинади ва макроиқтисодий сиссат белгиланади. Аммо бундай статистик күрсаткічлардан фойдалана туриб, одатда уларнинг табиати, моҳияти, бажарадиган функциялари, бир-биридан фарқи, ҳисоблаш тартиби устида бош қотирмаймиз. Ваҳоланки, үдар ҳаёт-мамот масалаларидан ҳисобланади, катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Хўш, статистик күрсаткич нима? Күрсаткичлар тизими деганда нимани түшунамиз? Макроиқтисодий күрсаткичлар ва уларнинг тизими қандай тартибда тузилади?

Статистик күрсаткич - битта ёки бир иечта (тўплам) ҳодисаларнинг у ёки бу ҳусусиятини, белгисини таърифловчи сондир. Сон эса энг муфассал миқдорий таъриф(аниқлик)дир. Агар статистик күрсаткич айрим ҳодисага тегишли бўлса, якка күрсаткич деб, бордию ҳодисалар тўпламини таърифласа, умумлаштирувчи күрсаткич

деб аталади. Бу ўринда ҳодиса деганда маълум предмет ёки ҳақиқатда содир бўлган воқеа, объектив ҳаётий воқеелик назарда тутилмоқда. Шу жиҳатдан бу ердаги ҳодиса тушунчасининг талқини унинг фалсафий мазмuniдан бир мунча фарқ қиласди.

Маълумки, фалсафада ҳодиса деганда объектив воқеелик нинг ҳаракатчан ва ўзгарувчанроқ юзаки томони тушунилади. Унинг табииатини белгилайдиган ички томони эса моҳият деб аталади. Демак, статистикада ҳодиса тушунчаси ўрганилаётган предмет ёки воқееликнинг ҳам ташки, ҳам ички томонларини яхлит ҳодиса сифатида олиб қарашга асосланади.

Табиатан статистик кўрсаткичлар уларни тузувчи статистикларнинг ихтироси бўлмасдан, балки ўрганилаётган ҳодисаларнинг реал хоссаларини илмий жиҳатдан умумлаштириш ҳосиласи, объектив алҳақлиқда рўй берадиган жараёнларнинг тасвири ҳисобланади. Улар ёрдамида иқтисодий, маънавий, сиёсий ва бошика ҳаётий ҳодисалар таърифланиши мумкин. Шу жиҳатдан (статистик кўрсаткичлар муҳим турларга ажralади. Улар орасида иқтисодий кўрсаткичлар гуруҳи стакчи аҳамият каеб этади, чунки иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг асоси ҳисобланади.

Иқтисодик кўрсаткич - бу иқтисодий ҳаётда рўй берадиган у ёки бу ҳодиса ёхуд жараённинг сифат-миқдорий аниқлиги-дир. Сифат деганда ҳодисанинг ички қиёфаси (аниқлиги) ёки унинг ривожланиши қонуни билан бевосита боғлиқ бўлган моҳияти тушунилади. Сифат ҳодисанинг турли-туман жиҳатлари, ҳодисалари, муҳим белгилари биримасида намоён бўлади.

Миқдор - ҳодисанинг ташки қиёфаси (аниқлиги) бўлиб, унинг у ёки бу хоссаси, ўлчами, сони, рўёбга чиқиши даражаси шаклида кўринади. Миқдор ҳодисанинг хоссалари қандай ривожланаётганига қараб таърифлайди, у умумий, абстракт, ноалҳак тушунчадир. Миқдор маълум ўлчамда, сонда ифодаланганидагина аниқликка, муайян реалликка эга бўлади. Сифат ва миқдор бир-бiri билан чамбарчас боғланган бўлиб, ягона бир бутунликда ҳодиса меъёрини ҳосил қиласди. Меъсрда сифат миқдорий ўлчамга эга бўлади, миқдорий аниқлик эса сифатга эга бўлади. Ҳар қандай иқтисодий ҳодиса сифат ва миқдорий аниқликларнинг ягона бирлигida гавдаланади. Иқтисодий кўрсаткич эса ўрганилаётган иқтисодий ҳодиса ёки жараённинг меъёри бўлиб хизмат қиласди. Унинг умумий иқтисодий мазмуни кўрсаткичининг сифат томонидир. У ўз навбатида тасвиrlанаётган иқтисодий тоифа, предмет ёки ҳодисанинг моҳияти унинг ҳарактери, ички хислат ва хоссалари билан белгиланади.

Масалан, Ўзбекистонда 1998 йилда 3326 минг тонна пахта ҳосили олинганларни ҳақидағи кўрсаткич етиштирилган пахта

микдорини унинг умумий иқтисодий мазмунини ифодалайди. У ўз навбатида ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг натижаси - «маҳсулот» деган иқтисодий тоифа билан уйғун ва ҳамохант-дошдир. Кўрсаткичнинг микдор томони - бу унинг аниқ ўлчами, оз ёки қўплигидир. Мисолимизда, 1998 йилда Ўзбекистонда 3326 минг тонна стиширилган пахта ҳажми. Агар кўрсаткичнинг сифат томони - изоҳданаётганда иқтисодий тушунчанинг ўзига хос белгиларига алоҳида эътибор берилса, микдор томони баён этилаётганда эса доимо микдорий ўлчами фазовий ва замоний тавсифлари билан бирга шарҳланади.

Агар кўрсаткичнинг сифат томони «Ким?», «Нима?», «Қандай қилиб?» деган саволларга жавоб берса, микдорий томони эса «Қаерда?», «Қачон?», «Қанча?» деган саволларга жавоб беради.

Иқтисодий кўрсаткич сифат ва микдорий томонларнинг ягона бирлигига гавдаланади. Аммо унутмаслик керакки, сифат жиҳатигагина эга кўрсаткич бўлмаганидек, фақат микдор томонига эга кўрсаткич ҳам бўлмайди.

Айрим адабиётларда иқтисодий кўрсаткичларнинг сифат томонини ўрганиш фақат иқтисодий назария ва бошқа иқтисодий фанлар предмети ҳисобланади. Статистика фани эса уларнинг микдор томонини тадқиқ қилиш билан чегараланади, деган фикр оддинга сурилади. Бундай қараш нотўғридир, чунки бунда сифат билан микдор бир-биридан ажратиб қолади. Ваҳоланки, статистика кўрсаткичлари уларга яхлит ҳолда қаралганданда гавдалана-ди. Статистик текшириш кўрсаткичларнинг сифат йомонини ҳам, микдор томонини ҳам қамраб олади. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бундай текширишларни амалта ошираётганда (статистикани ҳеч шак шубҳасиз иқтисодий назарияга таянади, ундан иқтисодий тоифа на тушунчалар, уларнинг ривожланиши қонун ва қонуниятлари ҳақидаги таълимоти билб олади ва уни иқтисодий назария тилидан статистик кўрсаткичлар тилига ўйради).

Иқтисодий фанлар иқтисодий тоифа ва тушунчалар моҳи-ягини, ривожланиш қонун ва қонуниятларини ёритаётганда, уларнинг муҳим туб белгилари ва ўзаро боғлиқлигига таянади ва назарий жиҳатдан умумлаштиради. Аммо юзароқ қатламларда ётган бошқа белги ва ўзаро боғланишлар ҳам мавжудки, иқтисодий фанлар уларга иккиласми деб қарайди назарий умумлаштиришдан четда қолдиради.

Статистика тушунчалари учун эса бундай белги ва муносабатлар ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Чунки улар ҳам иқтисодий ҳодисаларни бир-биридан фарқловчи белгилар қаторига киради. Демак, улар иқтисодий ўлчам шаклланиши учун кўрсаткичларнинг тўла, очиқ ва хаққоний бўлишида у ёки бу даражада роль ўйнайди.

Масалани ойдинлаштириши мақсадида баён этилганларни иш ҳақи мисолида кўриб чиқайлпк. Бу кўрсаткичнинг моҳияти ва асосий намоён бўлиш шаклларини икътисодий назария ёритиб беради. Иш ҳақи ишлаб чиқаришида сарфланган ишчи кучи қиймати эканлигини, бозор шароитида ишлаб топилган даромад, сарфланган меҳнат баҳоси кўринишида намоён бўлишини, меҳнат жараёнининг миқдорий ўлчами иш вақти узунлиги билан меҳнат унумдорлиги вақт бирлигидаги яратилган маҳсулот ҳажмига боғлиқлигини ва шу сабабли вақтбай ҳамда ишбай ҳақлар тарзида шаклланишини икътисодий фанлар ўргатади. Статистика иш ҳақи кўрсаткични аниқлаётганда ана шу икътисодий назарияга таянади, албатта. Аммо иш ҳақининг миқдорий ўлчамини ҳисоблаш учун бундай сифат белгиларини билишининг ўзигина камлик қиласди. Чунки иш вақти тўловлар кўринишида юзага чиқади. Уларнинг шакллари турли тумандир. Масалан бажарилган иш ёки ишланган вақт учун, болали аёлларга эмизиш вақти учун тўловлар, бригадани бошқариш учун тўловлар, шогирдларни ўргатиш учун тўловлар, турли мукофот тўловлари, хизмат вазифасини бошقا жойларга бориб бажарганда қўлинган харажатларни қоплаш учун тўловлар, яқин қавму қариндоши ўлганда ёки болали оиласларга ёрдам тўловлари ва ҳоказо. Бундай белги ва хоссалар иш ҳақи тоифаси билан боғлиқ бўлиб, уни қатламларида ётади. Иш ҳақи кўрсаткичини ҳисоблашада алоҳида аҳамият қасб этади. Статистика ушбу кўрсаткичини тузатганда унинг сифат томонларига алоқадор белги ва ўзаро боғланишлардан миқдорий ўлчамга таъсир этадиганларини ажратиб чиқади, яъни сифат мазмунини аниқлаштиради.

Шундай қилиб, статистика икътисодий ҳодисалар табиатини, сифат томонини ўрганмасдан туриб, уларнинг миқдорий аниқлигини, меъёрини илмий асослай олмайди, икътисодий кўрсаткичларни тузиш услубиятини яратолмайди.

Икътисодий кўрсаткичлар қатор унсурларга эга бўлиб, улар қуйидаги чизмада тасвирланган:

Статистик кўрсаткичлар			
Сифат томони			
I Ходисанинг номи Масалан: нахта ялпи	II Тегишли макон Ўзбекистон Республикаси	III Тегишли макон 1998 йилда	IV Миқдор ва ўлчов бирлик 3226 минг т.
Миқдор томони			

I-чизма. Статистик кўрсаткичининг таркиби унсурлари.

Бунда римча рақамлар иқтисодий кўрсаткичнинг асосий унсурларини ифодалайди.

I кўрсаткичнинг сифати ва иқтисодий мазмуни, II унинг фазовий тавсифномасини беради (макон жиҳатдан миқёсини чегаралайди), III кўрсаткични замон (вақт) жиҳатидан тавсифлайди. IV унинг миқдорий ўлчамини ифодалайди. II ва III унсурлар кўрсаткичнинг сифат томонига ҳам, миқдор томонига ҳам бевосита алоқадор бўлиб, сифат ва миқдорни макон ва замон жиҳатида чегаралайди.

Иқтисодий ҳодисаларни статистик кўрсаткичларда ифодалаш енгил иш эмас. Уларни шакллантириш, излаб топиш мураккаб, кўп вақт талаб қиласидиган жараёндир. Юқори сифатли статистик кўрсаткичларни топиш ва тузиб чиқишининг мураккаблиги шундаки, иқтисодий ҳодисаларнинг айrim хоссалари юзага яқин, бошқалари эса үларнинг ич-ичида, чуқур тубида жойлашган.

Маълумки, фазодаги хоссаларни топиш қийин иш бўлмасада, аммо бу хоссаларнинг иккинчи турдагилари учун тегишли кўрсаткичларни топиш ва тузиши катта матонат ва ижодий изланишларни талаб қиласи.

Етиширилган пахта оғирлиги унинг сиртқи тавсифидир. Бу хусусиятни акс эттирадиган статистик кўрсаткични аниқлаш жуда осон. Бунинг учун етиширилган чигитли пахта оғирлиги ўлчанса кифоя. Аммо пахтадан турли миқдорда тола олиниади. Тола эса тўқимачилик саноати учун зарур хомашёдир. Ишлаб чиқарилган пахта толаси ҳажмини аниқлаш бирмунча мураккаб. Бунинг учун аввало пахта заводларида чигитли пахтадан тола ажратилиши лозим. Бу масалани танлама усуlda ҳам ечиш мумкин. Бунинг учун умумий чигитли пахтадан бир қисмини маҳсус илмий асосланган усулларда танлаб олиб, ундан тола чиқиш даражасини лаборатория ёки завод шароитида аниқлаш керак. Бу олинган кўрсаткич асосида хирмонлардаги пахта толасини белгилаш керак. Бундай статистик текшириш бирмунча вақт ва куч талаб қиласи. Бундан ташқари олинган натижага кейинчалик (ҳамма чигитли пахтадан заводларда тола олинганидан сўнг) аниқлик киритишни талаб қиласи.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, етиширилган тола ҳажми пахтанинг барча истеъмол хоссаларини акс эттирмайди. Тўқимачилик саноати ва пировард истеъмол (кийим бош шаклида) учун толанинг узунлиги, қалинлиги, чидамлилиги, йўғонлиги, чўзилувчанлиги ва бошқа хоссалари ҳам мухим аҳамият касб этади. Буларни толанинг умумий оғирлик кўрсаткичи таърифламайди. Шунинг учун тола ҳажми ҳам пахтакорлар фао-

лияти натижасини тұла ва аниқ таърифлашға қодир әмас. Демек, оддийгина ҳисобланған стиштирилған пахта ҳажмини ўлчаш каби масалани сиши ҳам катта қийинчиликтер билан бөгөлік. Шундай экан, миллий иқтисодиёттің қолати ва ривожланиш даражасини аниклаш ва баҳолашдек жуда мұракаб вә күп қирралы мұаммоми ечиш қанчалик оғир вә қийин иш эканлыгын тасаввур қилиб күринг-чи? Китобхонлар вә бириңчи на-вbatда талабалар бу ҳақда ўйлаб күрадилар деган умиддамиз.

Масалани бироз ойдинаштириш, уларга күмаклашып мақсадида эътиборни шүнга жалб қылмоқчимизки, олдимиздаги жумбоқни биттә ёки бир неча статистик күрсаткич тузиш йўли билан ечиб бўлмайди. Бунинг учун илмий асосланған күрсаткичлар тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Маълум иқтисодий обьекттінг күрсаткичлар тизими деганда уни бошқариш ва илмий таҳжил қилиш учун мұхим ҳисобланадиган белгилари ва ички ўзаро боғланышларини таърифлайдиган миқдорий ўлчамлар (күрсаткичлар) мажмуаси тушиунилади. Тизим шаклланиши учун энг мұхими күрсаткичлар мазмунан ўзаро боғланған ва изчил таркибий тузилиш мантиқига эга бўлиши керак. Иқтисодий статистика күрсаткичлар тизими такрор ишлаб чиқаришни, унинг мұхим жараёнлари ва тоифаларини ўзаро боғланышда таърифлайдиган, мазмуний умумийлиқка эга бўлган күрсаткичлардан ташкил топади.

Ўрганиладиган мавзуга қараб, күрсаткичлар тизими оддий ёки мұраккаб бўлиши мумкин. Агар статистик текшириш мавзуи сифатида бир маъноли иқтисодий табиатта эга бўлган тоифа (хулоса, жараён) олинса, у ҳолда уни миқдорий таснифлайдиган күрсаткичлар тизими бир тартибли күрсаткичлар тўплами шаклида тузилиши мумкин. Макроиқтисодиёт даражасида бундай оддий күрсаткичлар тизимига мисол қилиб меҳнат унумдорлиги ёки маҳсулоттінг қыймат күрсаткичлари тизимини күрсатиши мумкин. Текшириладиган мавзу мазмунан мұраккаб ижтимоий-иқтисодий тоифа (ҳодиса, жараён) ёки уларнинг тўпламидан иборат бўлса, у ҳолда күрсаткичлар тизими тизимостилардан ташкил топади. Ҳар бир тизимости ўз навбатида бир қатор ўзаро боғланған ва маълум тузилиш мантиқига эга бўлган күрсаткичлар мажмуасини қамраб олади. У мазмун жихатидан мустақил кисм бўлиб, бутун тизим доирасида маҳсус функционал вазифаларни бажаради. Барча тизимостилар мантиқий ўзаро боғлиқ умумий мақсадга бўйсунади ва ягона тизимнинг органик бирлигини таъминлайди. Бундай мұраккаб тизимга макроиқтисодий статистика күрсаткичлар тизими мисол бўла олади.

Бу тизимни тузиш услугияти бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Бу борада энг муҳим талаблар қўйидагилардан иборат:

- макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизимини тузиш услугияти бозор иқтисодиёти назарияси, унинг асосий илмий концепциясига монанд бўлиши;
- жамиятда қарор топган иқтисодий жараёнлар орасидаги боғланишларни ҳамда оммавий ҳодиса ва жараёнларни;
- статистик тўпламларга кўпинча иқтисодий оқимлар кўрининида объектив тасвирланишини таъминлаши;
- тизим ва унинг тизимости кўрсаткичлар жамиятда шаклланастган бозор муносабатларини иқтисодий таҳлил қилиш ва уларни давлат томонидан тартибга солиш учун макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши вазифаларига бўйсундирилиши;
- тизим ва тизимости кўрсаткичлари мантиқий жиҳатдан изчил кетма-кет, бош мақсад нуқтаи назаридан эса мазмуний ўзаро боғлиқ бўлиши;
- ҳар бир тизимости кўрсаткичлари энг муҳим белгиларни таърифлаш ва уларни микдоран объектив ўлчаш усулига асосланиши;
- тизим кўрсаткичларининг таркиби ва маъновий мазмуни миллий иқтисодиётнинг у ёки бу даражасига (мамлакат, вилоятларда) тегишли шароитларга мос бўлиши.

Тизим кўрсаткичлари жорий давр яқунлари билан бир қаторда ҳодисаларнинг динамикасини ўрганиш учун шароит яратиши лозим.

Макроиқтисодий статистика кўрсаткичлар тизимини тузиш услугияти учун ҳозирги замон бозор иқтисодиёти илмий концепциялари, биринчи навбатда иқтисодий доиравий айланма ҳақидаги Кейнсча таълимот назарий асос бўлиб хизмат қиласди.

3.2. Миллий маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланмаси макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асоси

Иқтисодиёт инсоннинг тирикчилик ўтказишга қаратилган хўжалик фаолияти бўлиб, ҳаётий эҳтиёжни қондириш воситаси ҳисобланади. У кишиларни яшаши ва инсон сифатида камол топишини таъминлайди.

Инсон табиатнинг бир қисми, жонзодларнинг энг олийсидир. У бошқа жонзодлардан ақл-идроқи ва фаросати билан ажralиб туради.

Инсон тирик жон экан, овқат ейини, ухлаши, дам олиши,


ўз кучини тиклаши, ўзини иссик-совуқдан асраши керак. Мазкур моддий эҳтиёжларни қондириш учун кишилар кийим-кечак, озиқ-овқат, турар жой ва бошқа буюмларга эга бўлиши, уларни ишлаб чиқариши ва истеъмол қилиши лозим.

Инсон танҳоликда эмас, балки аниқ бир ҳудуд(шаҳар, қишлоқ, маҳалла)да бошқа кишилар билан ёнма-ён яшайди, алоқада бўлади, маълум мамлакат фуқароси ҳисобланади. Демак, у ижтимоий меҳнат тақсимоти шароитида яшаб, кун кечиради; бу жараёнда маълум вазифани бажаради. Кишиларнинг моддий эҳтиёжлари билан бирга ижтимоий эҳтиёжлари ҳам борки, булар сирасига билим олиш, маданий савияни ошириш, малака ва маҳоратта эга бўлиш, соғлом ҳаёт кечириб, узоқ умр кўриширади. Мазкур эҳтиёжлар кишиларга хизмат кўрсатиш орқали қондирилади Хизмат кўрсатиш ҳам ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб, унинг номоддий шакли ҳисобланади.

Эҳтиёжлар турли-туман бўлганидан уларни қондириш ҳам турлича йўллар билан амалга оширилади. Лекин бу жараён барibir иқтисодий фаолиятни талаб қиласиди. Иқтисодий фаолият - бу инсон тирикчилигини таъминлаши воситалари мажмуасидир.

Иқтисодий фаолият ишлаб чиқаришдан бошланиб, яратилган маҳсулотларни тақсимлаш ва айирбошлиш орқали истеъмол этиш билан туталланади. Унинг асосий бўғини ишлаб чиқариш, яъни ҳар хил буюмлар ва хизматларни яратишидир. Меҳнат яратган неъматлар иқтисодий неъматлар дейилади. Бу неъматлар табиат инъомлари (ҳаво, сув, ер ости бойликлари ва ҳоказо) лардан фарқ қиласиди. Чунки бу инъомлар текин неъматлар бўлиб, меҳнат маҳсулни ҳисобланмайди.

Маҳсулотларни тақсимлаш ва айирбошлиш орқали истеъмол қилиш (ишлатиши) ҳам иқтисодий фаолият таркибига кириб, унинг маҳсус шаклларини ташкил этади ва ишлаб чиқариш, тижорат (савдо сотиқ) орқали истеъмол билан боғлади.



2-чизма. Иқтисодий фаолият турлари.

Иқтисодий фаолият турлари хилма-хил бўлсада, бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо этади. Одамзот ишлаб чиқаришсиз яшай олмайди, ишлаб чиқариш орқали яратган маҳсулотларини ўзаро тақсимлаб, бир-бирларига керакли қис-

мларга бўлиб, сўнгра айирбошлаш орқали ўз талабларини қондирадилар, яъни истеъмол қилишга эришиди.

Унутмаслик керакки, инсон ўз эҳтиёжини қондирмаса, иш қобилиятини тиклай олмайди. Бинобарин, ишлаб чиқаришсиз истеъмол бўлмайди. Демак, инсон яшаши учун доимо меҳнат қилиши, керакли буюмлар ва хизматларни яратиши, тақсимлаш ва айирбошлаш орқали истеъмол қилиш лозим. Бу иқтисодий жараён тақрор ишлаб чиқариш деб аталади.

Тақрор ишлаб чиқаришнинг бош бўғини бевосита ишлаб чиқаришдир. У иккига - моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига бўлинади:

1. Моддий ишлаб чиқариш - аниқ моддий буюм шаклига эга маҳсулотлар (масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, ёқилги, хомашё, машина, ускуна ва бошқалар)ни яратиши, шунингдек миллий соҳага хизмат кўрсатиши билан шуғулланади. Бунга саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш тармоқлари киради.

Режали ижтимоий мулкчиликка асосланган хўжалик шароитида моддий ишлаб чиқариш бир оз кенгроқ мазмунда талқин этилади. Униг таркибига юқорида зикр қилинган З та асосий тармоқдан ташқари уларга хизмат кўрсатувчи транспорт, алоқа (ишлаб чиқаришга хизмат қисмида), савдо, омбор хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш каби тармоқлар ҳам киритилган. Аммо бу масала (айниқса қайси хизматларни киритиш) ҳали узил-кесил ечишмаган, илмий тортишув предмети ҳисобланади.

2. Номоддий ишлаб чиқариш - моддий кўринишга эга бўлмаган, инсон сезги органлари томонидан бевосита хис этилмайдиган, аммо нафи бор хизматлар кўрсатиши билан шуғулланади. Масалан, шифокор ёки ўқитувчи хизмати, молиячи ва солиқчи хизмати, транспорт ва алоқа хизмати, омбор хўжалиги, ахборотлар хизмати, маданият, ҳалқ таълими, соглиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, давлат бошқаруви, мудофаа билан бир қаторда транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ташкилотлари, ахборотларни тарқатиши, савдо ва шу каби хизматлар ҳам киради.

Иккала ишлаб чиқариш соҳаларида маҳсулотлар яратилади, сарфланган меҳнат унумлидир. Аммо шаклан бу маҳсулот турлари турлича бўлибгина қолмасдан, иқтисодий жараёнларни кечишида ўзига хос фазилатларга эга.

Моддий ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот, буюм муайян шаклга эга бўлгани учун сифатига таъсир этмайдиган маълум шароитлар яратиб, сақлаш мумкин.

Демак, ишлаб чиқариш жараёнида айирбошлаш ва истеъ-

мол жараёнлари ажратиб, улар орасида сақлаш ва саралаш жараёнлари кечади. Бу эса бозор иқтисодиётида кўшимча фойда олиш учун шароит яратади.

Номоддий ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот истеъмолчига кўрсатилган хизматлардан иборат бўлгани учун ишлаб чиқариш жараёни билан истеъмол жараёни бир вақтда кечади. Бинобарин, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ривожланган бозор шароитида айирбошлиш жараёни ҳам бир вақтнинг ўзида содир бўлади. Демак, тақрор ишлаб чиқариш жараёнлари хизматларни кўрсатиши соҳасида бир вақтнинг ўзида амалга ошади.

Тақсимланаш фаолиятида маҳсулотлар ҳар хил мезон асосида иқтисодиёт иштирокчилари орасида тақсимланади. Натижада уларнинг даромадлари вужудга келади. Тақсимот бевосита ишлаб чиқариш доирасида ҳам, иқтисодий фаолиятнинг бошқа жараёнларида ҳам амалга ошади. Кишилар маълум маҳсулотни ишлаб чиқарадилар, иш ва хизматларни бажарадилар. Айирбошлиш фаолиятида маҳсулотлар маълум микдорий нисбатда бир-бирига алмаштирилади. Бу жараён икки хил: бири - маҳсулот айирбошлиш, иккинчиси - товар айирбошлиш шаклида кечиши мумкин.

Бир маҳсулотни бошқасига бевосита маълум микдорий мезонда айирбошлиш бартер деб аталади.

Бартер энг колоқ айирбошлиш усули бўлиб, олди-сотди муомалалари издан чиқсан, пул шиддат билан қадрсизланган шароитда қўлланади. Меъсрдаги иқтисодиёт шароитида товар айирбошлиш амал қиласди.

Бир маҳсулотни бошқасига пул воситасида ва маълум нарх асосида олди-сотди ўйли билан айирбошлиш товар айирбошлиш деб аталади. Бу холда товар олдин пулга, сўнгра пул бошқа керакли товарга айирбошлианди. Натижада, айирбошлиш самарали бўлиши учун қулай шароит туғилади, чунки пулга хоҳлаган товарни хоҳлаган жойда ва вақтда, масалан, нархи юқори жойда ва вақтда сотиш ёки нархи паст бўлган жойда ва пайтда сотиб олиш мумкин бўлади. Бундай айирбошлиш ҳаммабон, универсал бўлибгина қолмай, у айирбошлишнинг иқтисодий жиҳатдан энг самарали, энг юксак ва энг қулай шаклидир.

Юқорида айтилганидек, айирбошлиш орқали истеъмол фаолияти юз беради. Истеъмол деганда маҳсулотларни тегишли эҳтиёжларни қондириш учун ишлатиш тушунилади. Маҳсулотлар ва хизматлар биринчидан, тирикчилик учун кишиларнинг ўзлари томонидан истеъмол этилади, иккинчидан ишлаб чиқаришни давом эттириш учун унинг ўзи томонидан ишлатилиади.

Маҳсулотлар ва хизматларни истеъмол қилиш ҳар хил йўсинда кечади. У якка, оиласидан, гурухий ёки умуммиллий истеъмол фаолияти сифатида юз бериши мумкин. Масалан, овқатни ёки кўйлакни ҳамма якка тартибда истеъмол қиласди. Телевизор, мебель ва бошқа уй жихозларини оила биргаликда ишлатади. Мактаб, касалхона ёки болалар боғчасидаги асбоб-анжомларни ҳам бир гурух қишилар биргаликда ишлатади. Армия, хавфсизлик хизмати ёки бошқа маъмурий ташкилотлар хизматидан бутун ҳалқ баҳраманд бўлади. Аммо маҳсулотлар ва хизматларни истеъмоли қандай тарзда юз беришидан қатъи-назар улар истеъмол этилгач яна қайта яратилиши лозим. Демак, шундай қоида бор: чексиз эҳтиёжларни қондириши узлуксиз иқтисодий фаолиятни талаб этади, яъни такрор ишлаб чиқариш заруриятини туғдиради.

Иқтисодий фаолият ёки иқтисодиёт қишиларнинг маълум мақсад йўлидаги хатти-ҳаракати бўлиб, унинг маҳсули эришилган натижа (самара)дан иборатdir. Товар айирбошлиш шароитида бу самарани маҳсулот сифатида бозор тан олади. Бунинг учун муайян фаолият бошқа истеъмолчиларга наф келтириб, уларнинг эҳтиёжини қондира олиши, товар ишлаб чиқарувчига (таклиф этувчи, сотувчи) эса даромад келтирадиган бўлиши керак. Бу икки талабдан бирига жавоб бера олмаган фаолият иқтисодиёт деган номга сазовор бўла олмайди.

Демак, бозор шароитида иқтисодий фаолият - бу маълум мақсад йўлидаги шундай хатти-ҳаракатки, унинг натижаси бошқалар эҳтиёжини қондириб, ишлаб чиқарувчиларга даромад келтириши лозим.

Иқтисодий фаолият билан фуқаролар якка тартибда ёки гурух-гурух бўлиб, оиласидан тарзда, корхона ва хўжаликларга уюшиб шугулланishiади. Бу фаолият билан шунингдек, давлат ҳам шугулланади. Иқтисодий фаолият билан шугулланувчилар хўжалик юритувчи субъектлар деб аталади. Ўларни миллий хисоблар тизимида институтцион бирликлар деб юритилади. Улар учун қуйидагилар хосдир:

- ташкилий-хукуқий жиҳатдан тўла мустақилликка эга бўлиб, эркин хатти-ҳаракат қилиш;
- иқтисодий фаолият учун керакли воситалар ва маблаг-лар (актив ва пассивларга эга бўлиб, улардан ўз хоҳишларича, самарали фойдаланиш;
- бошқа субъектлар билан тенг хукуқли алоқа ўрнатиб, пировард бу алоқаларнинг натижалари учун ҳам, бутун фаолият натижаси учун ҳам, вақти келгандга бошқалар учун кафолатда туриб ҳам жавобгарликни ўз зиммасига олиш;

- хўжалик операцияларининг тўла ҳисоб-китобларини юритиши.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро мунтазам алоқада бўладилар. Бу эса уларнинг иқтисодий муносабатлариdir. Ўзаро алоқасиз на ишлаб чиқариш, на тақсимот ва на айирбослаш ва на истеъмол юз беради.

Иқтисодий муносабатлар зарурат ҳисобланади. Режали иқтисодиёт шароитида халқ хўжалиги деган тушунча кенг тарқалган эди. Бозор иқтисодиёти шароитида эса унинг ўрнига миллий иқтисодиёт сўзи кўпроқ ишлатилмоқда. Бу сўзлар бир хил лугавий маънога эга бўлсаларда иқтисодий-статистик талқинда бир биридан фарқ қиласди.

Халқ хўжалиги дегандা мамлакат иқтисодиётида ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида шаклланган моддий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари йифиндиси тушунилади. Ижтимоий мулкчиликка асосланган режали хўжалик шароитида унинг фаолият натижаси сифатида ялпи ижтимоий маҳсулот гавдаланади. Бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида яратилган ялпи маҳсулотларнинг арифметик йифиндиси ҳисобланади.

Миллий иқтисодиёт тушунчаси бундан фарқ қиласди. Мамлакатда функционал меҳнат тақсимоти натижасида бир хил турдаги иқтисодий фаолиятлар асосида шаклланган ишлаб чиқариш тармоқлари, соҳалари бир-бири билан изчил ва узвий боғланиб, ягона ижтимоий иқтисодиётни барпо этадилар. Ана шу яхлитлик нуқтаи назаридан ижтимоий иқтисодиёт миллий иқтисодиёт деб аталади.

Демак, бу ҳолда миллий иқтисодиёт тармоқлар кетма-кетлигида ҳосил бўлган тўплам сифатида эмас, балки ўзаро иқтисодий бирикиш натижасида юзага келган бир бутун организм сифатида талқин этилади. Миллий иқтисодиёт фаолиятининг натижаси барча тайёр маҳсулотлар ва хизматлардан иборат бўлиб, улар пировард натижада истеъмол қилинади ёки истеъмол қилишга мўлжалланади.


Куйидаги чизмада халқ хўжалиги ва миллий иқтисодиёт тушунчалари орасидаги фарқлар яққол кўриниб турибди:

ишлаб чиқариш соҳаси
+ + + +

ноишлаб чиқариш соҳаси



а) Халқ хўжалиги



б) Миллий иқтисодиёт

З-чизма. Халқ хўжалиги ва миллий иқтисодиёт тушунчаларини тузилмавий тасвири.

З-а чизмадан кўриниб турибидики, халқ хўжалиги - кетма-кетликдаги турли тармоқлар тўпламидир. Миллий иқтисодиёт эса З-б чизмада тасвирланганидек, бир-бiri билан ўзаро бири-киб кетган тармоқлардан ҳосил бўлган ягона иқтисодий организм(тизими)дир. Халқ хўжалиги деганда ёпиқ ижтимоий иқтисодиёт кўз ўнгимиизда гавдаланса, миллий иқтисодиёт эса бозор иқтисодиёти билан ўзаро боғлиқ ва унинг хусусиятларидан келиб чиқадиган тушунчадир.

Бозор иқтисодиёти очиқ иқтисодиёт бўлиб, ташки иқтисодий алоқаларни кенг миқёсда йўлга кўйиб, миллий иқтисодиётни жаҳон бозори билан изчил, жаҳон ҳамжамияти билан узвий боғланишни тақозо этади.

1) бу ерда «иктисодий тизим» сўзи тор лугавий маънода ишлатилган, кенг маънода у иқтисодий ресурслар, иқтисодий муносабатлар, иқтисодий механизм ва иқтисодий сиёсатни қамраб олади.

Шу боисдан мамлакат миллий иқтисодиётини статистика тилига мослаштириш учун бу тушунчага аниқлик киритиш зарурияти туғилади. Бунинг учун уни иерархиявий (поропама-пофона) ва ҳудудий тузилиши жиҳатидан кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш керак.

Ҳудудий тузилиши миллий иқтисодиётни ётиқ (горизонтал) кесимда қарашга асосланади. Бу ҳолда у айрим хўжаликлар, минтақалар ва мамлакат ички иқтисодиёти ва шу мамлакатдаги миллат (аниқроғи резидентлар) иқтисодиётидан ташкил топади. Айрим хўжаликлар ўз фаолиятини маълум макон шароитда олиб боради. Одамларнинг мазкур макон чегарасида бир-

лашиб, маълум мақсад йўлида биргаликда ҳаёг кечириши, меҳнат қилиши, турли ишларни бажариши, кўзланган натижага эришиши муайян хўжаликнинг туб моҳиятини белгилайди. Бу хўжалик якка тартибда, оиласинй, гурухий, корпоратив ва бошқа шаклларда ташкил этилиши мумкин.

Минтақа иқтисодиёти маъмурӣ-худудий ва иқтисодий бўлинма (масалан, туман, вилоят, худудий ишлаб чиқариш мажмуи, иқтисодий район ва ҳоказо)ларга таянади. Бундай иқтисодиёт худудий бўлинмалар чегарасида олиб бориладиган иқтисодий фаолиятларнинг изчил, бир бутун мажмуасидир.

Мамлакат ички иқтисодиёти унинг иқтисодий-худудий чегарасида шаклланган иқтисодий тизимини англатади. Иқтисодий худуд жуғрофий маънодан фарқ қиласиди. Бундай худуд чегарасида фуқаролар, товарлар ва капиталларнинг эркин ҳаракати учун давлат ҳокимияти томонидан барча зарурий шарт-шароитлар яратилади. У мамлакат жуғрофий худудидан ташқари, давлат тасарруғидаги оролларни, худуддаги сувларни, фазони ва бошқа мамлакатлардаги «худудий анклава»ларни (уларни мазкур мамлакатдаги анклавалари ҳисобидан чиқарилади) ҳам қамраб олади. Худудий анклавалар - бу, давлат ҳокимияти измидаги бошқа мамлакатлар худудида жойлашган срлар бўлиб, улардан фойдаланиш ижаражилик ёки мулкий қонунчиликка биноан тузилган икки ёқлама битимлар ва шартномаларга асосланади ҳамда дипломатик илмий ва қисман ҳарбий (ҳарбий базалар жойлаш) мақсадларни кўзлайди.

Шундай қилиб, ички миллӣ иқтисодиёт мамлакат иқтисодиётини иқтисодий худуд нуқтаи назаридан талқин этишига асосланади. У мазкур худудда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолияти бир бутун организм (тизим) сифатида шаклланишини ифодалайди. Бу масаланинг бир томони, унинг иккинчи томони мамлакат иқтисодиётига резидентлик нуқтаи назаридан қаралиши билан боғлиқдир.

Хўжалик юритувчи субъектлар эркин ҳаракатдаги мустақил иқтисодий сиймо сифатида гавдаланиши учун уларнинг мамлакат иқтисодий худудида фаолият кўрсатиши асосий мезон бўла олмайди. Бунинг учун улар мазкур худудда иқтисодий манфаат марказига эга бўлиши шарт. Бу белги хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий табиатини аниқловчи энг муҳим сифат ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодий худудида жойлашиб, муайян субъект тасарруғи остида бўлган мулк ёки объект, масалан, уй-жой, иморат, ер, иншоот, асбоб-ускуна, жиҳоз ва бошқа шаклдаги моддий ресурслар иқтисодий манфаат маркази деб аталади. Субъект ушбу

объектга нисбатан тўла мулкчилик ёки ундан фойдаланиш ва ижарага бериши ёхуд фойдаланиш тартиб қоидаларини белгилаш ва солиққа тортиш хукуқларига эга бўлиши мумкин. Мулкчилик хукуқининг даражасидан (тўлиқ ёки қисман) қатйина зар, ҳамма ҳолларда хўжалик юритувчи субъект ўзи яшатган мамлакат иқтисодий ҳудудида жойлашган мулк ёки обьектга (иқтисодий манфаат марказига) эга бўлгани учун мазкур мамлакатнинг резиденти ҳисобланади. Аксарият резидентлар ўз мамлакати иқтисодий ҳудудида фаолият кўрсатадилар. Уларнинг бир қисми бошқа мамлакатлар ҳудудида иқтисодий фаолият билан қисқа вақтда (1 йилгача мулдат) давомида шуғулланадилар. Бундай икки тоифадаги резидентлар - субъектлар иқтисодий фаолиятнинг мажмуасидан ягона организм (тизим) сифатида ҳосил бўлган мамлакат иқтисодиёти бутун миллат - резидент иқтисодиёти ёки тўла маънодаги миллий иқтисодиёт деб аталади. Миллний иқтисодиётта тикка (вертикал) сифатида қаралса, унинг иерархиявий (погонама-погона) тузилиши кўзга ташланади.

Иқтисодий иерархиянинг энг қуий погонасидан хўжалик юритувчи субъектлар яъни корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, уй хўжаликлари, корпорациялар, фирмалар, якка тартибда товар ишлаб чиқарувчилар ўрин эгаллайди. Уларнинг иқтисодий фаолияти миллний иқтисодиётнинг негизини ташкил этади.

Функционал моҳият таҳсимиоти натижасида бир турдаги, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектлар бирикмасидан тармоқлар ҳосил бўлади. Иқтисодий иерархияда куйидан юқорироқ ўрин тутади ва ўрга погона ҳисобланади.

Корхоналар иқтисодиёти билан тармоқлар иқтисодиёти микроиқтисодиёт деб юритилади. Демак, микроиқтисодиёт иерархиянинг энг қуий ва ундан юқорироқ погоналарида шаклланади.

Бир хил жинсли иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган хўжалик юритувчлар субъектлар ўзаро бирлашувидан иқтисодий секторлар вужудга келади. Мамлакат миллний иқтисодиёти куйидаги йирик иқтисодий секторлардан ташкил топади:

- товар ва хизматларни ишлаб чиқарадиган номолиявий корпоратив сектор;
- иқтисодиёт тартибга солиши умумдавлат бошқарув вазифаларини ўтайдиган марказий хукумат ва маҳаллий ҳокимиётлар (ижтимоий таъминотни ҳам қўшиб) сектори;
- молиявий воситачилик вазифасини бажарадиган молиявий корпоратив сектор;
- товар ва хизматлар истеъмоли ва ишчи кучини қайта

яратиш билан шуғулланадиган уй хўжаликлари сектори;

— уй хўжаликларига хизмат қиласидиган нотижорат ташкилотлар сектори;

— юқорида қайд этилган барча секторлар бирлашиб, жуда йирик бирикма ички иқтисодиёт секторини вужудга келтиради;

— ва ниҳоят, ташки иқтисодий фаолиятларни ифодалайдиган ажнабий давлатлар сектори.

Мазкур секторлар орасида изчил ўзаро иқтисодий алоқалар мавжуд. Улар товар-пул муносабатлари шаклида кечадилар.

Макроиқтисодиёт тушунчаси секторлар иқтисодиёти ва улар орасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларни бир бутун иқтисодий организм сифатида қарашга асосланади. Шундай қилиб, мамлакат ҳамда минтақалар миқёсида олиб қараладиган милий иқтисодиёт яъни иқтисодий жараёнлар мажмуаси макроиқтисодиёт деб аталади.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги пул-товар муносабатлари негизида турли-туман, беҳисоб хўжалик операциялари ётади. Хўжалик операциялари - бу маълум иқтисодий масала бўйича шундай саъй-ҳаракат ёки келишувки, пировард натижада унинг ҳолатида, тузилишида ўзгариш рўй беради. Масалан, олди-сотди операцияси натижасида товар бир томондан иккинчи томонга, пул тўлови эса тескари йўналишида ҳаракатга келади, пировард натижада алмашув жараёни рўй беради. Бир хил турли хўжалик операцияларининг мажмуаси иқтисодий оқимларни ҳосил қиласи.

Иқтисодий секторлар орасида икки тоифадаги иқтисодий оқим мавжуд: бири - товар ва хизматлар оқимлари деб аталади. Бу оқим товар ва хизматлар ҳаракатини, уларниң ҳолатидаги ўзгаришларни ифодалайди. Йиккинчиси - даромадлар ва ҳаражат(буромад)лар оқимлари деб юритилади. Улар товар ва хизматлар ҳаракати натижасида даромадларнинг шаклланиши ва пул тўловлари сифатида ҳаражатларнинг вужудга келиш жараёнларини ифода этади.

Бу оқимлар бир-бирига қарама-қарши йўналишида ҳаракат қилиб, биргаликда маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланмасини ҳосил қиласи. Доиравий айланма эса бозор иқтисодиёти моделининг соддалаштирилган тасвири ҳисобланади. Шундай қилиб, иқтисодий оқим - бу товарлар ва даромадлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган шундай иқтисодий жараёнки, у вақт нуқтai назаридан узлуксизлик хусусиятига эга бўлиб, маълум давр учун одатда пулда ёки бошқа ўлчов бирликларида ифодаланади.

Маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланмаси деганда, ишлаб чиқарувчилар билан уй хўжаликлари орасида бозор келишувлари асосида маҳсулотларни айирбошлиш жараён-

ларини тасвирлайдиган товар ва хизматларнинг оқимлари ва улар билан пул тұловлари ёрдамида мувофиқлаштирилген да-ромаддар (харажатлар) оқимлари тушунилади.

Авшало иқтисодий доиралың айланмада иккита күтб мав-жудлиги күзга ташланади: бири товар ва хизматларни ишлаб чиқаруучилар, яғни ишлаб чиқариш соҳаси сектори иккінчиси товар ва хизматларни истеъмол қылувчилар, яғни пировард ис-теъмол сектори (чиzmada улар уй хўжаликлари деб аталган). Соат милининг ҳаракат йўналиши бўйича товарлар ва хизмат-лар оқимлари, уларнинг ҳаракатлари тасвирланган.

Дастлаб ишлаб чиқариш секторига моддий-иктисодий ва табиий ресурслар ҳамда меҳнат оқимлари (ишловчи куч) жалб қилинади.

Хар бир тармоқ чегарасида улар ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий захираларини ёки фондларини ҳамда ишловчи кучини ҳосил қиласди

Бугун миллий иқтисодиёт миқёсида эса улар миллий бой-ликни шакллантиради (бу ҳолда иқтисодий салоҳият ва ресур-слар деб ҳам юритилади). Иқтисодий ўсиш натижасида мазкур бойлик кўпая боради. Ишлаб чиқариш фаолиятида бевосита ишлатилмайдиган уй-жой, уй жихозлари, шахсий истеъмол бу-юмлари каби моддий ресурслар ҳам борки, улар ноишлаб чиқа-риш фондлари деб аталади ва миллий бойликни таркибий қисми ҳисобланади.

Макроиктисодий ва табиий ресурслар ишлаб чиқариш фаолиятининг моддий-ашёвий омилини, меҳнат ресурслари эса унинг шахсий-инсоний омилини ҳосил қиласди.

Шахсий-инсоний омил - иқтисодий фаол аҳоли, унинг жисмоний ва ақлий қобилияти, билим ва савиаси, малака ва маҳорати, тадбиркорларнинг иш кўзини билиши ва ташкилот-чилиги, хавф-хатардан қўрқмасдан таваккалчилик асосида иш юритишиди.

Моддий-ашёвий омил - ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча моддий шаклдаги воситалардир. Улар меҳнат қуроллари ва воситаларидан, меҳнат буюмларидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари деб ҳам аталади. Уларнинг бир қисми - табиий ресурслар, бошқалари эса меҳнат жараёнида яратилган жамғарма иқтисодий ресурслардир.

Ишлаб чиқариш воситалари ва ишловчи куч маълум тех-ник-технологик усууллар ёрдамида бир-бири билан бирикиб, ўза-ро бир-бирига таъсир этиб ҳаракатга келади. Натижада ишлаб чиқариш юзага чиқади, товарлар ва хизматлар яратилади.

Барча ишлаб чиқариш соҳалари ва тармоқларида яра-

тилган товарлар ва хизматлар тўплами ялпи ишлаб чиқариш деб аталади. Мазкур товарлар ва хизматларнинг бир қисми ишлаб чиқариш доирасидан ташқарига истеъмол учун тайёр маҳсулот сифатида чиқмайди, балки улар бир тармоққа маҳсулот сифатида чиқиб иккинчи тармоққа ишлаб чиқариш воситалари сифатида киради ёки ишлаб чиқаришда ишлатилган бошлангич моддий-ашёвий захиралар ўрнини қоплайди. Масалан, ялпи дон ҳосилидан бир қисми уруғлик заҳхира жамғармасини тўлдириш учун ажратилади.

Ялпи ишлаб чиқаришнинг таркиби қисми бўлган мазкур товарлар ва хизматлар оралиқ истеъмол деб аталади. Улардан ташқари ишлаб чиқаришнинг қолган муайян воситалари ялпи қисми пировард истеъмол учун яроқли товарлар ва хизматлардан ташкил топади. Ишлаб чиқариш соҳаси(сектори)да улар тайёр маҳсулот ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт миқёсида бундай товарлар ва хизматлар агрегати ялпи ички маҳсулот деб аталади, унинг тармоқлари ва секторлари доирасида эса ялпи кўшилган қўймат деб номланади.

Иқтисодий доиравий айланмада мазкур тайёр маҳсулотлар товарлар ва хизматлар бозори орқали истеъмолчилар, уй хўжалиги сектори томон ҳаракат қиласи.

Мамлакат ички бозорларини товарлар ва хизматлар билан тўйинишида ички иқтисодиёт билан бир қаторда ташки иқтисодий фаолият ҳам муҳим роль ўйнайди.

Одатда жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини ички ишлаб чиқариш ҳисобига ҳамма товарлар ва хизматлар билан қондириш иложи бўлмайди. Тақчил маҳсулотлар бошқа ажнабий мамлакатлардан импорт қилинади, иқтисодий наф (самара) келтиридиган товарлар эса чет элга экспорт қилинади.

Ички ишлаб чиқариш билан импорт ҳисобига мамлакат ички бозорларининг товарлар ва хизматлар ресурслари шаклланади. Олди-сотди операциялари натижасида улар харидорлар - аҳоли билан давлат ташкилотлари ихтиёрига ўтади. Иқтисодий доиравий айланмада 4-чизмада тасвирланганидек, товар ва хизматларнинг аҳоли хариди билан давлат хариди кейинчалик бирлашиб, уй хўжаликлари сектори томон ҳаракат қиласи. Мазкур товарлар ва хизматлар асосан пировард истеъмол учун уй хўжаликлари томонидан ишлатилади. Демак, такомиллашган янги ишловчи кучни қайта тиклаш учун хизмат қиласи. Ишлаб чиқариш техника воситаларидан ташкил бўлган қисми омиллар бозори томон янги тикланган ишловчи куч билан биргаликда ҳаракат қиласи. Пировард натижада янги асосий фондлар ва моддий-ашёвий захиралар ҳамда номоддий активлар

жамғармалари вужудга келәди. Аслида улар бошқачароқ күри-нишда кечади.

Ахоли сотиб олган товарлар ва хизматлар асосан шахсий истеммол учун ишлатилади. Уларнинг бир қисми эса моддий-техника ресурслари сифатида омиллар бозори томон йўл олади. Давлат харид килган товарлар ва хизматларга келсак, улар қисман шахсий истеммол, қисман жамоа истеммоли ва қисман умум-миллат истемоли учун ишлатилади ҳамда ахоли шахсий истеммоли билан қўшилиб, провард истеммолни ҳосил қиласди. Моддий-техника воситалари шаклидаги қолган қисми давлат томонида янги асосий фонdlар ва моддий - ашёвий захиралар жамғармасини вужудга келтириш учун ишлатилади. Пировард на-тижада истеммол фонди ва жамғарма фонди шаклланади. Шундай қилиб товарлар ва хизматлар оқимлари пировард истеммолни ва асосий фонdlар, моддий-ашёвий захиралар ҳамда номоддий активлар жамғармаларни вужудга келтириш билан якунланади. Ушбу жамғармалар ва қайта тикланган ишловчи куч янги кенгайтирилган ишлаб чиқариши жараённада моддий ашёвий ва шахсий инсоний омиллар сифатида хизмат қиласди.

Демак, товар ва хизматлар иқтисодий доиравий айланада турли мақомлар ва шаклларга эга бўлади.

Юқорида товарлар ва хизматлар оқими тасвирланаётганда биз аниқ бозор шароитидан бирмунча четландик. Асосий эътиборни миллий маҳсулот тоифаси ўз ҳаракати давомида иқтисодий жараёнларда қандай шаклда намоён бўлишига жалб қилиш учун бундай абстракция (алхақ воқеликдан четланиш) зарур эди. Реал бозор шароитида товарлар ва хизматлар ҳаракати олди-сотди амаллари натижасида пул ёрдамида юзага чиқади. Сотиб олинган товарлар учун харидор пул тулади, яъни ўз даромадларини ҳарж қиласди. Сотувчи эса ушбу пул тушумига яъни даромадга эга бўлади. Демак, товарлар учун пул тўлови сотувчи учун даромад, харидорлар учун буромад (харажат) ҳисобланади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва хизматлар оқими доиравий айланади. У билан мувофиқлашган пулда ифодаланган даромадлар ва буромадлар оқими шаклида кечади. Мазкур оқим биринчисига қарама-қарши йўналишда ҳаракат қиласди. Энди мазкур оқимни чуқурроқ кўриб чиқамиз.

Дастлаб молиявий бозорлар, хукумат (давлат бошқарув ташкилтлари) ва ташкии иқтисодий алоқалар мавжудлигини эътиборга олмайлик. У холда доиравий айланада кутблари - уй хўжаликлари ва фирмалар бир-бири билан икки тоифадаги бозорлар орқали боғланганини кўрамиз. Паастдаги омиллар бозоридан фирмалар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган ресурслар-

ни ишловчи куч, капитал (асосий фондлар ва моддий-ашёлар) ва табиий ресурсларни уй хўжаликларидан сотиб олишини кузатамиз. Демак, ушбу пул тўловлари фирмалар учун буромад, уй хўжаликлари учун эса даромадлардир. Улар ресурслар учун тегишли пул тўловлари амалда иш ҳақи, фоиз даромадлари, рента тўловлари, фойда ва ҳоказо шаклларни олади. Макроиқтисодиёт миқёсида мазкур даромад шакллари йиғиндиси уй хўжаликлари қўлида тўпланадиган миллый даромаддир. У товарлар ва хизматлар бозорларидан тўплама истесьмол учун уларни сотиб олишга ҳарж килинади.

Миллый даромад миллый маҳсулотга тенгdir. Ҳақиқатдан ҳам фирмалар ўз маҳсулотларини товарлар ва хизматлар бозорида уй хўжаликларига сотадилар. Макроиқтиеодиёт миқёсида ушбу товарлар тупламидан миллый маҳсулот ҳосил бўлади. Миллый даромад эса уни сотиб олиш учун уй хўжаликлари қилган харажатлардир. Унинг аксарият қисмини фирмалар ишчиларга иш ҳақи, ер ронтаси, капитал учун фоиз тўловлари ва ҳоказо шаклларда ишлатади. Ушбу тўловлар миллый маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, бутун миллый даромад ҳажмини ўз ичига олади. Барча харажатлар қоплангандан сўнг фирмаларда қоладиган фойда миллый даромаднинг таркибий қисми ҳисобланади. Чунки бир вактнинг ўзида фирмалар эгаси бўлмиш уй хўжаликлари уни ишлаб топадилар.

Шундай қилиб, иш ҳақи, фойда ва бошқа ишлаб чиқариш ресурслари учун тўловлар миллый маҳсулотни сотишдан олинган пул туловлари бўлиб, улар тўла ҳолда уй хўжаликлари ихтиёрига ўтадилар ва миллый даромадни барпо этадилар. Доиравий айлана таркибий қисмлари (миллый даромадни ҳам, миллый маҳсулотни ҳам) реал ва номинал ҳолда ўзгариши мумкин. Иқтисодий фанда «номинал» атамаси ҳар кандай миқдорни ҳақиқий баҳоларда ифодалаш учун ишлатилади. Демак, товар ва хизматларни ҳақиқий бозор баҳоларида ҳисоблаш уларнииг номинал ҳажмини аниқлашдир. Агарда пул инфляцияга учраган бўлса, бунда ҳисоблаш унинг таъсирини ҳам ҳисобга олади. «Реал» баҳолаш эса инфляция таъсиридан ҳоли бўлади. Бунинг учун номинал ҳисоблаш натижаси индексацияланиши керак.

Уй хўжаликлари билан фирмалар орасидаги ўзаро макроиқтисодий алоқаларни баён эта туриб энди тармоқ, жамгариш, инвестиция қилиш ва молиявий бозорлар билан боғлиқ бўлган боғланишларни кўриб чиқамиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликларининг истемол харажатлари, одатда, уларнинг даромадларидан оздир. Истемол товарлар ва хизматларни сотиб олиш ҳамда соликларни

тұлаш учун қилинган харажатлардан ташқари уй хўжаликлари қўлида умумий даромадларидан қолган қисми жамғарма доб аталади. У даромадларни тежаб-тергаб ишлатиш натижасида ҳосил бўлади. Жамғаришининг энг кўп тарқалган шакли нақд пуллар тұлаш ёки уларни банкларга қўйиш ёки қимматли қоғозларни сотиб олишдир. Бундай шаклларда жамғармалар вужудга келтириш учун даромадлардан бир қисми ишлатилади.

Айрим иктисадчилар уй хўжаликлари томонидан қарзларини тұлаш учун қилинган харажатлар ҳам жамғариш жараёнига киради деб ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳолда қарздан кутилиш учун кетган пул истемол учун ҳам, солиқларни тұлаш учун ҳам ишлатилмайди.

Таъкидлаш керакки, барча уй хўжаликлари жамғарувчи-лар қаторига кирмайди, албатта. Масалан ёш оиласлар ишлаб топган даромадларидан кўпроқ харж қиласилар, жумладан улар уй-жой, қиммат уй жиҳозлари сотиб олиш, билим олиш учун кўп маблағ сарфлайдилар. Одатда, бу маблағ қарз ҳисобига қопланади. Қариялар ҳам нафақаларидан ташқари яхшироқ кун кечириш учун олдин жамғариб қўйган маблағларидан кўшимча харажат қиласилар. Шу билан бир қаторда ортиқча даромадларга эга бўлган оиласлар ҳисобидан кўпроқ маблағ жамғаришга эришилди. Пировард натижада макроиқтисодиёт миқёсида уй хўжаликлари қўлида бирмунча жамғарма маблағлар ҳосил бўлади.

Агар уй хўжаликлари йил давомида ишлаб топган даромадларидан камроқ маблағ харж қиласалар, тадбиркор корхона ва фирмалар эса, аксинча ўртача ҳар йили маҳсулотлар сотишидан келган даромадлардан кўпроқ маблағ харажат қиласилар. Бунинг сабаби шундаки, улар ишлаб чиқариш ресурслари учун тұловлардан ташқари кўшимча инвестициялар барпо этишлари учун маблағ ажратмалари керак. Ушбу инвестициялар асосан икки қисмдан ташкил топади - бири асосий фондларни кўпайтириш учун инвестициялар, иккичиси моддий-ашёвий захираларни кўшимча тўлдириш учун инвестициялар.

Кўшимча инвестицияларни барпо этишини молиялаштириши масаласига келсак, одатда у молиявий бозорлар ёрдамида ечилади.

Даромадларни тежаб-тергаб сарфлаш натижасида вужудга келган жамғармаларни уй хўжаликлари, кўшимча инвестиция түплашни эса фирмалар амалга оширади. Бунинг учун биридан иккинчисига пул маблағларининг кўчишини таъминлайдиган механизмлар зарур. Бу механизмлар молиявий бозорларнинг амал қилиши натижасида вужудга келади.

Молиявий бозорлар турли йўллар мажмуасидан иборат

бўлиб, улар орқали пул маблағлари жамғарма соҳиблари (эгала-ри) дап қарз олувчиларга (тадбиркор фирмаларга) ўтади. Мазкур каналлар асосан иккита тоифадан ташкил топади: бири - тўғридаи-тўғри молиялаштириш йўлтари бўлиб, улар орқали жамғарма эгаларидан маблағлар бевосита қарз олувчиларга ўтади, иккинчиси - эгри молиялаштириш йўлида, яъни уй хўжаликлидан маблағлар тижорат ва жамғарма банклари, сугурта ташкилотлари ва хоказолар орқали фирмаларга ўтади. Демак, бу ташкилотлар улар ўртсида молиявий воситачилик ишларини ба-жаради.

Тўғридан-тўғри молиялаштириш ўз навбатида икки усулда амалга ошиши мумкин: бири - ҳиссадорлик йўли билан молиялаштириш, иккинчиси - қарз (кредит) олини йўли билан молиялаштириш. Биринчи ҳолда фирма инвестициялар учун пул маблағларини жалб қилишга уларнинг эгалари ҳиссадорлик шартномаси асосида фирма мулкига қатнашиш хукуқини бериш йўли билан эришади. Бунинг учун турли акциялар чиқариб хўжаликларга сотилади, улар фирма фойдасидан бир ҳиссасини олиш хукуқига эга бўлади. Иккинчи ҳолда фирмалар инвестиция учун пул маблағларини жалб қилаётганда ўз зиммасига ушбу маблағларни келажакда келишишган фоиз билан қайтариб бериш мажбуриятини олади. Шундай қилиб, миллий даромаднинг бир қисми молиявий бозорлар орқали инвестицион жамғармаларга айланади. Уй хўжаликлари учун мазкур жамғармалар келажакда оғир кунларда истеъмол қилиш учун тўплаб кўйилган маблағлардир. Шунинг учун шахсий истеъмол билан жамғарма биргаликда тўплама истеъмол деб ҳам аталади.

Иқтисодий доиравий айланмада, макроиқтисодий ўзаро муносолабатларни шаклланишида, давлат сектори муҳим роль ўйнайди. Айланча чизмасида давлат бошқарув ташкилотларнинг барча даражалари - марказий хукуқий қонунчилик идоралари ва хукуматнинг ижроия ташкилотлари, вилоят ва туман ҳоқимиятлари, бошқа маҳаллий ташкилотлар ягона давлат секторига бирлаштирилган бўлиб, бу сектор бошқа иқтисодий секторлар билан тўрт воситалар ёрдамида - солиқлар, трансфертлар, товарлар ва хизматларни давлат хариди ва нихоят қарзлари орқали боғланиши тасвирланган.

Демак, бюджет асосан фирмалардан ва уй хўжаликларидан олинадиган солиқ тушумларидан ташкил топади. Доиравий айланини соддалаштириш мақсадида олдин барча фирмалар ялпи фойдаларни ўз эгалари бўлмиш уй хўжаликларига тўлайди, сўнгра улар мазкур фойдалардан ҳамма солиқларни давлат бюджетига йўллайдиган деган гоя чизмада акс эттирилган.

Бундай қараш масала туб моҳиятига таъсир этмайди, албаттa. Бюджет даромадлардан уй хўжаликлари давлат пенсиялари ва нафақалари, кам даромадли аҳоли қатламларига турли шаклдаги иқтисодий ёрдамлар, ишсизларга нафақалар ва бошқа бир ёқлама тўловлар берилади. Бундай тўловлар трансферлар деб аталади. Уй хўжаликларидан давлат секторига тушадиган пул маблағлари оқимиға мавжуд солиқ тизимининг соф таъсирини аниқлаш учун ялпи солиқ тўловларидан трансферт тўловларини айриб ташлаш керак. Натижада соф солиқлар ҳажми ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, давлат трансферлари - давлат бюджетига келадиган солиқ тушумлари билан уй хўжаликлари секторидан чиқадиган пул маблағлари оқими ҳажми орасидаги фарқ ёки бошқача сўз билан айтганда давлат бюджетидан уй хўжаликларига бир ёқлама товонсиз тўловлардир.

Соф солиқлар - ялпи солиқ тўловларидан давлат трансферларини чегириб ташлаш натижасида олинган кўрсаткич (баҳолаш)дир.

Умумий давлат бюджети харажатлари икки қисмдан иборат: бири - трансферлар, иккинчиси - товар ва хизматларни давлат томонидан сотиб олиш харажатлари ёки қисқача давлат харидлари. Улар давлат ташкилотлари сотиб олган товарлар ва хизматлар учун тўловлардан, шунингдек, давлат хизматчиларига бериладиган иш ҳақидан иборат. Шундай қилиб, давлат харажатлари - бу давлат харидлари билан трансферт тўловлари йигиндисидир.

Бу ерда ҳам маълум даражада соддалаштиришга йўл кўйилган. Аслида давлат харидлари таркибида ҳисобга олинган давлат хизматчиларининг мояналари ўз ҳаракатида товар бозорлари ҳамда фирмалар секторини ташқарида қолдириб, давлат секторидан бевосита ишловчи куч (ишлаб чиқариш омиллари) бозорлари томон ҳаракат қиласи, сўнгра уй хўжалиги секторига кириб боради.

Ва ниҳоят, давлат сектори бошқа секторлар билан молиявий бозорлардан олинадиган давлат қарзлари орқали боғланган. Давлат харажатлари ҳар доим солиқ тушумлари ва бошқа давлат даромадларига тенг бўлавермайди. Одатда улар даромадлардан кўпроқ бўлади. Натижада бюджет тақчиллиги ҳосил бўлиб, у молия бозорларидан олинадиган қарзлар ҳисобига қопланади. Мазкур қарзлар давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғозларини молиявий воситачилар уй хўжаликларига ҳамда корхоналарга сотиш йўли билан қопланади. Давлат бюджетидаги ортиқчалик (даромадлар харажатлардан кўп) холи

ҳам бўлиши мумкин, албаттa. Бу ҳолда у тўпланиб қолган давлат қарзларини тўлаш учун ишлатилади. Демак, давлат сектори молиявий бозорларни пул маблағлари билан таъминловчи сифатида гавдаланади.

Шу пайтгача иқтисодий тизимни ёпиқ шаклда қарадик, яни у ташки дунё билан иқтисодий алоқаларга эга эмас деб фараз қилдик. Аммо реал ҳаётда бундай тизим йўқdir. Бозор шароити миллий иқтисодиётни очиқ тизим шаклида бўлишини тақозо этади. Очиқ иқтисодий тизим бутун жаҳон билан товар ва хизмат импорти ва экспорти ҳамда ҳалқаро молиявий бозорлар орқали боғланган. Ёпиқ иқтисодий тизим - бу бошқа мамлакатлар билан алоқалари йўқ тизим.

Очиқ иқтисодий тизим - ажнабий давлатлар билан экспорт, импорт ҳамда молиявий операциялари механизмлари ёрдамида боғланган тизим.

Товарлар ва хизматлар импорти ташки дунё билан алоқада бўлишнинг биринчи бўғинидир. У импорт қилувчи ажнабий давлатларга пул тўловларини англатади. Шунинг учун импорт - даромадлар ва ҳаражатлар оқими, демак, иқтисодий доиравий айланада ички миллий иқтисодиётдан чет эл томон ҳаракат қилувчи оқим сифатида ўрин згаллайди.

Экспорт ички миллий иқтисодиётни чет эл билан боқлайдиган яна бир бугин ҳисобланади. Ажнабий давлатларга сотилган товарлар ва хизматлар қийматини қоплайдиган тўловлар сифатида олинган маблағлар ички товарлар бозорлари орқали уй хўжаликлари, фирмалар ва давлатга маҳсулотларни сотишдан олинган пул маблағлари оқими билан кўшилади. Ушбу барча манбалардан олинган маблағлар ички миллий маҳсулотни сотишдан фирмалар олган даромадлар билан кўшилади.

Товар ва хизматларни экспорт ва импорт қилишдан ташқари миллий иқтисодиёт чет эл билан ҳалқаро молиявий операциялар орқали ҳам боғланган. Мазкур молиявий операциялар таркибига, масалаи, қарз олиш ва кредит бериш, реал ва молиявий активларни чет элдан сотиб олиш (ҳалқаро харид) ва бошқа мамлакатларга сотиш киради. Пировард натижада ички миллий иқтисодиёт томон ёки ундан ташқарига, чет элга йўналган тўловлар оқими ҳосил бўлади. Чет эл сотувчилардан активларни соф хариди билан ажнабий молиявий воситачилардан олинган соф қарзлар натижасида вужудга келган ва ички иқтисодиёт томон йўналган маблағ оқимлари капитал оқиб келиши деб аталади. Бу ерда қарзлар деганда янги нархлар билай эски қарзлар (ссудалар) бўйича тўловлар орасидаги фарқ тушунилади. Ажнабий харидорларга активлар сотишнинг соф

ҳажми ёки улар томонидан соф харид деганда умумий харид ҳажмидан ажнабий харидорлар томонидан сотиб олинган активларни қайтадан мамлакат резидентлариға сотиши ҳажмини айриб ташлаш натижаси назарда тутилади.

Мамлакатнинг молиявий воситачилар томонидан чет элдан сотиб олинган активлар ва ажнабий кредиторларга берилган кредит (ссуда)лар соф ҳажмини бошқа мамлакатларга капиталнинг оқиб кетиши деб аталади.

Импорт ва экспорт бўйича тўловлар оқимлари билан кипталлар оқимлари орасида маълум ўзаро бағланиш мавжуд.

Иктиносий доиравий айланмада молиявий бозорларнинг давлат бошқарув ташкилотлари ва ташки иктиносий фаолиятдаги роли билан боғлиқ бўлган масалаларни баён этиш якунида қўйидагиларни таъкидлаб ўтамиз.

Биринчидан, ялпи ички маҳсулот таркибидаги товар ва хизматларни мамлакат бозорларидан сотиб олиш билан бевосита алоқадор бўлмаган пул маблағларидан фойдаланишини учта йўли мавжуд:

- давлат бюджетига тушадиган соф солиқлар;
- молиявий бозорларга келадиган жамғармалар;
- ниҳоят, импорт бўйича қоплама тўловлар.

Улар чет элга “ажнабий давлатлар сектори”га кетадилар. Пул маблағларини харид қилишни ушбу учта усули маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланмасидан “қочирмалар” деб аталади.

Қочирмалар - бу миллый даромаднинг шундай қисмики, уни уй хўжаликлари мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олиш учун ишплатмайдилар. Санаб ўтилган утта “қочирмалар”нинг ялпи ҳажми билан истемол учун харажатларнинг йиғиндиси ҳар доим миллый даромадга тенг.

Иккинчидан, мамлакат ичида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар учун харажатларнинг учта турлари борки, улар бевосита иккни истеъмолчиларнинг харажатлари ҳисобланмайди. Булар инвестициялар, давлат харидлари ва экспортдан тушумлар. Бундай оқимларни доиравий айланага қилинадиган «инъекциялар» деб аталади. «Инъекциялар» - бу миллый маҳсулотни молиялаштириш учун истеъмолчилардан ташқари бошқа субъектлар томонидан қилинадиган харажатлар, яъни давлат харидлари, экспортни пул билан қоплаш.

Барча “инъекциялар” микдори билан истеъмол учун харажатлар йиғиндиси ҳар доим миллый маҳсулотта тенг. Доиравий айланманинг мазкур унсурлари (таркибий элементлари) орсидаги бағланишларга таяниб, уларни ифодалайдиган тенгламалар тузиш мумкин.

C - истеъмол, I - инвестициялар, G - давлат харидлари, X - экспорт, S - жамғарма, T - соф солиқлар, M - импорт десак, у ҳолда:

$$\text{Ялпи ички миллий маҳсулот } Y = C + I + G + (X - M).$$

(X-M) - товарлар ва хизматлар соф экспорти. Ялпи ички маҳсулот ҳажми Y аниқланаётган тўплама истеъмол (C+I) билан «инъекциялар» йиғиндисидан импорт «X» айриб ташланиши керак, чунки С.И ва С тарифига биноан, импорт истеъмол товарлари учун харажатлар ҳам инвестиция товарлари учун харажатларни ҳам, инвестиция товарлари учун харажатларини ҳам ва ниҳоят давлат харид қилган товарлар учун харажатларни ҳам ўз ичига олади, акс ҳолда импорт икки марта ҳисобдан ўтади.

Миллий даромад «Д» = C+I+S. Ушбу тенгламани, ўз навбатида, қўйидагича қўринишга айлантириши мумкин:

I+G+X=S+T+M яъни умумий «инъекциялар» ҳажми умумий «қочирмалар» ҳажмига teng. Энг муҳими шундаки, фақат «қочирмалар» ва «инъекциялар»нинг тўплама кўрсаткичларигина бир-бирига тенгdir. Айрим «қочирма» ва «инъекциялар» турларидан жуфт ҳолда олиб қараганда одатда аниқ баланс бўлмайди, умуман бундай бўлиши талаб қилинмайди. Бошқача айтганда, давлат харидлари соф солиқларга, импорт экспортта, жамғарма инвестицияларга teng бўлиши умуман шарт эмас, чунки молиявий бозорлар «қочирмалар» натижасида олинган маблағларни мавжуд оқимлардан ҳар қандай молиялаштиришга йўналтириш қобилиятига эга.

Иқтисодиётга молиявий бозорлар таянч ролга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб, «қочирмалар» ва «инъекциялар» тенгламасини қўйидаги қўринишда ёзиш мумкин:

$$I+(G-T)=S+(M-X)$$

I инвестициялар ва (G-T) - давлат бюджети тақчиллиги молиявий бозорлардан чиқадиган маблағларни ишлатиш усулларидир.

S - жамғарма ва (M-X) - моливий бозорларга «кириб келадиган» маблағлар йиғиндисидир.

Шундай қилиб, маҳсулотлар ва даромадлар доиравий айланаси бозор иқтисодиёти секторлари орасидаги боғланишларни улар ўз харажатида қандай шаклларда юзага чиқишлиарини ҳар тарафлама тавсифлайди.

Шунинг учун мазкур иқтисодий доиравий айланна макро-

иктисодий статистика кўрсаткичлари тизимини тузиш учун асос ҳисобланади.

3.3. Макро-микроиктисодий статистика фанининг кўрсаткичлар тизими

Мароиктисодий статистик кўрсаткичлар тизими асосида иктиносидий доиравий айланма назарияси ётади. Шу билан бирга уларни тузиш жараёнида тизимли таҳлил илмий қоидалари (принциплари) ни ҳисобга олиш мумкин эмас, чунки миллий иктисодиёт, унинг фаолияти мураккаб объект (тизим)дир. Тизимли ёндашишнинг энг муҳим қоидалари, илмий принциплари қуийдагилардан иборат:

- яхлитлик (бутунлик), яъни ўрнатилаётган объект хоссаларини унинг таркибий унсурларига тегишли ҳоссалар арифметик йигиндиси сифатида талқин этиш бутунлай нотўғри хатти-ҳаракатдир;

- структуравийлик (тузилмалик), яъни объект тузилишини аниқлаb, у орқали тизимни тасвирлаш мумкин. Унинг табиати айрим унсурлар табиатинига эмас, балки ўзининг тузилмавий хусусиятига бевосита боғлиқдир;

- иерархиялик (поғонама-поғона), яъни унсурлар тартибли тизмаликка эга бўлиб, бири иккincinnisiga бўйсунади. Демак, объектни унинг таркибий қисмлари ва уларнинг тавсифномалари (кўрсаткичлари) ни тадқиқ қилиш изчил кетма-кетликда олиб борилиши керак.

- тизим унсурларининг ўзаро алоқадорлиги, яъни битта ёки бир тўда унсурлар (омиллар) қийматлари, тавсифномалари, ҳоссаларининг ўзгариши бошқа унсурлар (натижада) ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Системали таҳлилнинг мазкур илмий қоидаларидан келиб чиқсан ҳолда иктиносидий статистика кўрсаткичлари тизимини тузаштандандар иктиносидий тараққиёт мақсадли йўналиши, кўзланган мақсадга эришиш учун зарур булган ресурслар билан уни таъминлаш ва ижобий натижалар олиш (ишлаб чиқариши ҳажми, истеъмол даражаси, миллий хавфсизлик ва ҳоказо) муаммолари ҳисобга олинади. Иктиносидий ўсиш мақсадлари иктиносидётни ривожлантиришнинг барча босқичларига, шу жумладан қайта қуриш даврига хосдир.

Иктиносидётни ривожлантириш умумдавлат мақсадлари аҳолининг барча ижтимоий қатламлари (гуруҳлари) ва умумжамият манфаатларини, жумладан, иктиносидий фаолиятни давлат томонидан тасарруф қилиш, инвестициялар ҳажмлари ҳамда

йўналишларини, баҳолар даражаси ва ўзгаришини аниқлаш, демографик ва илмий-техник сиёсат, ижтимоий муаммоларни ечиш, экология, миллий хавфсизликни таъминлаш ва ҳоказо масалаларни акс эттиради.

Объектив мантиққа бинсан тараққиёт мақсадларини белгилаш уларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни аниқлашни тақозо этади. Мавжуд ресурслар ўз навбатида иқтисодий тараққиёт соҳасида аниқ натижалар олишга қаратилган иқтисодий, илмий-техникавий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун моддий замин ҳисобланади.

Шундай қилиб, системали ёндашишлар асосида миллий иқтисодиёт ўзаро боғланган блоклардан иборат бўлган мантиқий структуравий модель кўринишида тасвирланиши лозим.

Миллий иқтисодиётни режалаштириш мақсадлари - уларга эришиш воситалари - ривожланишнинг умумий натижалари ва самарадорлиги.

Мазкур иқтисодиётни ривожлантиришнинг системали таҳлили моделига айният тарзида макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизими тузилади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларини таърифловчи кўрсаткичлар - уларга эришиш воситаларини таърифловчи кўрсаткичлар ривожланишнинг умумий натижалари ва самарадорлигини таърифловчи кўрсаткичлар - иқтисодий жараёнлар билан уларнинг натижалари орасидаги ўзаро боғланишлар ва мутаносибликни акс эттирувчи баланс тузилемалар.

Биринчи блокдаги кўрсаткичлар норматив, башорат қилиш, режалаш хусусиятига эга бўлиб, улар тизимидан ташқарида шаклланади ва унга чегдан кириб келади. Муайян кўрсаткичлар иқтисодий ривожланиш мақсадлари қандай даражада амалга ошаётганлиги устида статистик назорат ўрнатиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Охирги блок кўрсаткичлари миллий иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнини умумлаштириб унинг барча томонларини ўзаро боғланишда ва яхлитликда таърифлаш ва таҳлил қилишини таъминлайди.

Биринчи блок кўрсаткичларини ҳисобга олмаган тақдирда, системали ёндашишлар асосида тузилган макроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизими иқтисодий доиравий айланма назарияси билан мувофиқлашган бўлиб, унинг илмий принципларига тўла жавоб беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, макроиқтисодий кўрсаткичлар тузилиш жиҳатидан ҳам, ҳисоблаш услубияти нуқтаи назаридан ҳам халқаро статистика амалиётида қабул қилинган стандарт тартиб қоидалар ва талабларга тўла мувофиқлашган бўлиши ке-

рак. Масалан, миллий бойлик кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича Бирлашган Миллалар Ташкилоти Статистика Хайъати (БМТ СХ) ва унинг ихтинослашган муассасалари (Халқаро Банк (ХБ) ва Тараққиёт Дастури (ТД)) томонидан янги концепция ва халқаро тавсиялар ишлаб чиқилган. Унинг моҳияти шундаки, шахсий-инсон омилига инвестицияларнинг ортиб бориши натижасида жамиятда катта ҳажмда «инсоний капитал» вужудга келади. У эса ўз навбатида иктиносидий ўсишни таъминлаш учун ҳарж қилинади. Пировард натижада ишлаб чиқаришнинг учта омили: меҳнат, капитал ва ер ҳақидаги эски формула ўрнига унинг янгича талиқини (концепцияси) вужудга келди. Шунга монанд тарзда миллий бойлик тушунчаси жамғариладиган «инсоний, табиий ва қайта яратиладиган капитал» тўплами сифатида талқин этилади.

Шу билан бирга халқаро банк миллий бойликнинг янги концепциясини яраттигини қолмасдан, унинг умумий ҳажмини аниқлаш услугиятини ҳам ишлаб чиқди ва шу асосда 92 мамлакатнинг миллий бойликларини тажриба (экспериментал) тарзда баҳолашга эриди.

Янги концепциянинг моҳияти шундаки, Халқаро банк иктиносидий ўсиш омиллари назариясидан «Инсонни барқарор ривожлантириш» назариясига ўтишини таклиф қиласди. Ушбу назарияда ҳар бир киши шахсияти миллий даражада ҳам, халқаро даражада ҳам жамият дикъат марказида бўлиши керак. Инсонни ривожлантириш пиропард мақсад бўлиб, иктиносидий ўсиш эса ушбу мақсадга эришиш воситасигинадир деб таъкидланади. Шу билан бирга инсонни ривожлантириши меъёри сифатида товарлар ва ҳизматлар мўл-кўлигини эмас, балки ишчиларнинг моддий ва маънавий бойиш даражасини қабул қилиши таклиф қилинади.

Қисқача холосалар

Статистик кўрсаткич - бир ёки бир неча (тўплам) ҳодисанинг у ёки бу хусусиятини, белгисини таърифловчи сондир. Соn эса энг муфассал миқдорий таъриф (аниқлик)дир. Агар статистик кўрсаткич айрим ҳодисага тегишли бўлса, якка кўрсаттич деб, бордию ҳодисалар тўпламини таърифламаса, умумлаштирувчи кўрсаткич деб аталади.

Иқтисодий кўрсаткич - бу иқтисодий хаётда рўй берадиган у ёки бу ҳодиса ёхуд жараённинг сифат-миқдорий аниқлиги-дир. Сифат деганда ҳодисанинг ички киёфаси (аниқлиги) ёки унинг ривожланиш қонуни билан бевосита боғлиқ бўлган мөҳият тушунилади. Сифат ҳодисанинг турли-туман жиҳатлари, ҳоссалари, муҳим белгилари бирикмасида намоён бўлади.

Миқдор - ҳодисанинг ташқи киёфаси (аниқлиги) бўлиб, унинг у ёки бу ҳоссаси ўлчами, сони, рўёбга чиқиши даражаси шаклида кўринади. Сифат ва миқдор бир-бири билан чамбар-чарс боғланган бўлиб, ягона бир бутунликда ҳодиса меъёрини ҳосил қиласиди.

Макро-микроиқтисодий статистика кўрсаткичлари тизимини тузиш учун ҳозирги замон бозор иқтисодиёт илмий концепциялари, биринчи навбатда иқтисодий доиравий ҳаракати Кейнсча таълимит назарий асос бўлиб хизмат қиласиди ва у қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Потенциал ва ресурслар.
2. Ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси ва илмий техника тараққиёти.
3. Макроиқтисодий фаолиятнинг якуний кўрсаткичлари.
4. Бозор иқтисоди кўрсаткичлари тизими ва аҳоли турмуш даражаси.
5. Статистик кўрсаткичлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Статистик кўрсаткич деганда нимани тушунасиз?
2. Статистик кўрсаткичининг таркибий унсурларига нималар киради?
3. Миллий маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланмасини таърифланг ва мисоллар ёрдамида тушунтириинг.
4. Моддий ва номоддий ишлаб чиқариш деганда нимани тушунасиз?
5. Халқ хўжалиги ва миллий иқтисодиёт тушунчаларининг тузилмавий тасвирини таснифланг.
6. Иқтисодий манфаат маркази, резидент, иқтисодий худуд тушунчалари нималарни англатади?
7. Товар ва хизматлар оқимининг шаклларини тушунтириинг.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. 100 саволга жавоб. - Т.: Мехнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. - М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набиев Ҳ.Н., Набиҳўжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизми. - Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. - М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германия, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. -М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. - М.: Финстатинформ, 1998.
8. Келдишев Г.С. и др. «Общая теория статистика» М.: Статистика, 1987.

IV боб

АХОЛИ СТАТИСТИКАСИ

4.1. Ахоли ва уни статистик ўргакиши

Ахоли статистикаси-статистиканнинг энг қадимги тармоғи ҳисобланади.

Қадимги дастлабки ҳисоб операциялари харбий ва хўжалик мақсадларида ахолини ҳисобга олиш билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. Кўпчаб маълумотларни ўрганиш натижасида аниқланган қонуниятлар биринчи марта ахолининг туғилиши ва ўлиши билан боғлиқ жараёнларда аниқланган.

Ҳозирги кунда ҳам ахоли ҳар томонлама тадқиқотлар обьекти ҳисобланади, чунки ахоли ишлаб чиқариш жараёнининг бевосита иштирокчиси ва бу жараён натижасининг истеъмолчиси ҳам ҳисобланади. Ҳозирги кунда ахолини, жамиятда рўй берастган жараёнларни, турмуш шароитларини статистик ўрганишга қизиқиши ортиб бормоқда.

Ахоли статистикасининг ўрганиш обьекти маълум худудда яшовчи одамлар йиғиндиси ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакатнинг ахолиси ўз таркиби бўйича бир хил эмас ва у вақт бўйича ўзгарувчан, шунинг учун ахолининг яшаш қонуниятлари, унинг таркибий ўзгаришлари ва бошқалар аниқ шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўрганилиши керак.

Ахоли статистикасида кузатиш бирлиги кўпинча алоҳида одам, индивид ҳисобланади. Аммо битта оила ҳам бирлик бўлиши мумкин.

Ахоли статистикасида кузатиш обьекти бўлиб эса турли хил йиғиндишлар: бутун ахоли, ахолининг алоҳида гурӯҳлари, меҳнат ресурслари ва хоказолар бўлиши мумкин.

Кузатиш обьекти ва бирлиги тадқиқот мақсадига боғлиқ ҳолда танланади. Ахоли статистикасининг асосий манбалари жорий ҳисоб ва ёспасига ёки танлама рўйхатга олиш кўринишидаги кузатишлар ҳисобланади. Рўйхатга олиш яхоли ҳақидаги маълумотларни биринчи манбаидир. У ахоли сони ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотларни беради. Туғилганлар, ўлганлар ёки бу худудга келганлар ёки чиқиб кетганларнинг жорий ҳисоби ва охирги рўйхатга олиш натижалари асосида йиллик ахоли сонини аниқлаш мумкин.

Рўйхатта олишлар орасида жамиятда юз берган демографик ва ижтимоий жараёнлар ҳақидаги маълумотларни олиш учун, одатда, танлама кузатиш ўтказилади.

Ахолини статистик таҳлил қилишда ҳар хил масалалар очи-

лиши мумкин. Лекин умуман аҳоли статистикаси ҳақида гапирганда унинг қуидаги вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- аҳоли сонини ва унинг мамлакат худуди бўйича тақсимлашишини (жойлашишини) ўрганиш;
- аҳоли таркибини (жинси, ёши, миллати, ижтимоий аҳволи, маълумоти, бандлиги ва бошқалар бўйича) ўрганиш;
- аҳолининг табиий ҳаракатини (тугилиш, ўлим, табиий ўсиш, никоҳдан ўтиш ва бекор қилиш) ўрганиш;
- аҳоли миграциясини ўрганиш;
- аҳолига ижтимоий тавсиф бериш ва хоказо.

4.2. Аҳолининг сонини ва мамлакат худуди бўйича жойлашишини ўрганиш

Статистиканинг биринчи даражали вазифаларидан бири аҳолининг таркиби ва мамлакат худуди бўйича жойлашишини ўрганиш ҳисобланади. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, аҳоли ҳақидағи маълумотларнинг манбаи аҳолини рўйхатта олиш саналади.

Аҳолини рўйхатта олиш аҳоли сони ҳақидағи аниқ сана ва аниқ даврга доир маълумотларни беради. Аҳолини рўйхатга олишлар ўртасидаги аҳоли сонини аниқлаш боцлांгич маълумотлар ва аҳолининг табиий ва механик ҳаракати ҳақидағи жорий статистик маълумотлар асосида ҳисоблаш йўли билан аниқларади: йил бошидаги аҳолининг сони + шу йилда тугилганлар сони + шу йилда келганлар сони - шу йилда ўлгаёнлар сони - шу йилда чиқиб кетганлар сони = йил охиридаги аҳоли сони.

Алоҳида аҳоли яшаш жойларидаги аҳолининг маълум муддатдаги сонини аниқлашда аҳолининг шу жойда доимий яшовчи ва ҳисобга олинадиган вақтда мавжуд бўлган сонини эътиборга олиш лозим.

Яшаш жойининг доимий аҳолисига ҳисобга олиш даврида шу ерда яшаётган шахслар, мавжуд аҳолига эса ҳисобга олиш даврида шу ерда бўлган барча шахслар киради. Бунда уларнинг бир жойга вақтингча ёки доимий келмагани ҳисобга олинади.

Маълумки, доимий аҳолини ҳисобга олишда уни вақтинча йўқлар ва аксинча мавжуд аҳолини ҳисобга олишда вақтинча келганлар гурӯхларига бўлиш мумкин. Бунда бир вақтнинг ўзида ҳам доимий, ҳам мавжуд аҳоли ҳисобга олинади. Иккала ҳисобни биргалиқда олиб бориши зарурлиги ҳир хил эҳтиёжларга асосланади. Масалан, уй-жой курилишини режалаштириш, мактаблар, болалар муассасалари, касалхоналар ва бошқаларни куришда ҳар бир жойнинг доимий аҳолиси сонидан, шаҳар траспортини тўхтовсиз ишлани таъминлашда мавжуд аҳоли сонидан келиб чиқиши зарур.

Ҳар қандай жойнинг аҳолиси йил давомида ўзгариб туради, шунинг учун умумий кўрсаткичларни ҳисоблаш учун статистикада аҳолининг йил мобайнидаги ҳаракати эътиборга олинади.

$$\begin{aligned} \bar{D}_A &= M_A + V_Y - V_A \\ M_A &= \bar{D}_A - V_Y + V_A \end{aligned}$$

Бунда: \bar{D}_A - доимий аҳоли сони;
 M_A - мавжуд аҳоли сони;
 V_Y - вақтингча йўқ бўлган аҳоли сони;
 V_A - вақтингча яшаётган аҳоли сони.

Аҳолининг ўртача йиллик сони одатда оддий ўртача арифметик формула бўйича аниқланади. Бунда аҳолининг муайян давр бошидаги ва давр охиридаги сони кўрсаткичлари қўшилиб иккига бўлинади:

$$\bar{S} = \frac{(S_6 + S_0)}{2}$$

Аҳоли сони ҳақидаги маълумотлар бир ичча тенг оралиқли саналарга, масалан, ҳар бир ойнинг биринчи кунига нисбатан берилган бўлса, аҳолининг ўртача йиллик сони ўртача хронологик формула бўйича аниқланади:

$$\bar{S} = \frac{\left(\frac{1}{2} \cdot S_1 + S_2 + \dots + S_{n-1} + \frac{1}{2} \cdot S_n \right)}{n-1}$$

Мамлакат аҳолиси унинг ҳудуд бўйича жойлашиши нуқтаи назаридаи шаҳар аҳолиси ва қишлоқ аҳолисига бўлинади. Шаҳар аҳолисига шаҳарларда ва шаҳар кўринишидаги посёлкаларда яшовчи, қишлоқ аҳолисига эса қишлоқ жойларида яшовчи барча шахслар киради.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони 2000 йил I апрелда 24 548 минг кишини ташкил этган. Уларнинг 60%дан зиёдроги қишлоқларда яшайди. Аҳоли сони бўйича Ўзбекистон МДХда Россия ва Украинадан сўнг учинчи ўринда туради. Аҳоли зичлиги 1 кв. км га 53,3 кишини (1998й) ташкил этади. Ўзбекистонда Марказий Осиё минтақасининг 40% аҳолиси яшайди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик ҳусусияти шундаки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори. Кейинги йилларда аҳоли табиий ўсишининг бир қадар пасайишига қарамасдан, республикада бу кўрсаткич МДХ давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб қолмоқда. Чунончи, биргина 1990-2002

йилларда мамлакат аҳолиси 24,3 %га кўпайган. Аҳоли ўсишининг ўртача йиллик суръатлари 1,8 %ни ташкил этди.

Кўйидаги жадвалда Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш кўрсаткичлари берилган.

2-жадвал

1990-2002 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг сони
(минг киши ҳисобига)

Йиллар	Жами аҳоли сони	Шу жумладан				Аҳолининг йиллик ўртача ўрта ўсиш суръати (%)			Аҳолининг 1 кв. км га тўтири келадиган аҳоли сони	
		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси		Жами аҳоли	Шу жумладан			
		сони	хиссаси	сони	хиссаси		Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси		
1990	20322	8282	40,8	12040	59,2	2,1	2,1	2,1	45,4	
1995	22256	8733	38,7	13830	61,3	1,6	0,9	2,1	50,4	
1996	23007	8831	38,4	14176	61,6	1,9	1,1	2,4	51,4	
1997	23444	8944	38,2	14500	61,8	1,9	1,3	2,3	52,4	
1998	23867	9059	37,9	14809	62,1	1,8	1,3	2,1	53,3	
1999	24632,4	9216,1	37,4	16416,3	62,6	3,2	1,8	1,9	53,0	
2000	24654,7	9289,6	38,1	16365,1	61,9	-	-	-	53,0	
2001	24966,3	9291,1	37,9	16675,2	62,1	1,3	1,1	1,2	53,2	
2002	25210,8	9356,8	38,4	15854,0	61,6	1,2	0,9	1,3	53,6	

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Чунончи, республикада умумий аҳоли сони 1998 йилда 23 млн. 807 минг кишини ташкил қилган. Унинг 9 млн. 59 минг нафари (37,9%и) шаҳар аҳолиси» 14 млн. 809 минг нафари қишлоқ аҳолисининг (62,1%и) ҳиссасига тўғри келмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳарга нисбатан қишлоқда аҳолининг кўпайиш даражаси анча юқори. Дарҳақиқат, 1998 йилда мамлакатда умумий аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати 1,8 %ни, бу кўрсаткич шаҳар аҳолисида 1,3%ни ва қишлоқ аҳолисида эса 2,1%ни ташкил этди.

4.3. Аҳоли таркибини ўрганиш

Аҳолидан мураккаб мажмуани алоҳида гуруҳлар ва гуруҳчаларга бўлмасдан ўрганиб бўлмайди. Бу амал аввало аҳоли таркиби ҳақидаги турли хил кўрсаткичлар бўйича муайян тасаввур беради.

Аҳоли статистикасида аҳолини гуруҳлаш куйидагилар бўйича олиб борилади: жинси, ёши, оиласвий аҳволи, миллати.

1. Аҳолини жинси бўйича гуруҳлаш ва тақсимлаш унинг тар-

кибіда әрқаклар ва аёллар сонини аниқлашға имкон яратади. Худудлар бүйічә олинган жинсий таркиби тұғрисидеги маълумотлар мамлекаттің аҳоли регионларында әрқаклар билан аёллар сонининг ўзаро тенг ёки тенг эмаслиғи ҳақидағи тасаввурни беради. Ўз навбатида бундай мұносабат минтақа іктисодінің ишлаб чыкарыш йұналишига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, кўмир, нефть, металлургия тармоқлари бор жойда әрқаклар, ентил ёки туқымачилик саноати ривожланған жойларда аёллар нисбатан кўп бўлади.

Жинс бүйічә гурухлаш бошқа гурухлаш белгилари (ёши, ижтимоий келип чиқиши, маълумоти ва бошқалар) билан бирга амалга оширилади.

2. Аҳолини ёши бүйічә гурухлаш ҳам аҳоли статистикасінинг асосий ва мұхим визифаларидан бири ҳисобланади. Кўплаб амалий масалаларни ечишда турли хилдаги ёш контингентларини аниқлаш зарур: боғча ёшдаги, мактаб ёшидаги, меҳнатта лаёқатли ёшдаги аҳоли сонини, меҳнатта лаёқатли ёшдан кичик ёки катталар сони ва бошқалар.

3. Ҳар бир давлатда турли хил миллатдаги шахслар яшайды. Шунинг учун рўйхатта олиш хужжатлари шаклларини ишлаб чиқишида миљат бүйічә тақсимланиш ҳақидағи кўрсаткичлар ифодаланишини талаб этувчи саволлар берилади.

Аҳолини миллат таркибини ўрганишида алоҳида миллатлар гаплашадиган тил ҳисобланади.

4. Аҳоли статистикасіда аҳолини оилавий аҳволи бүйічә гурухларга тақсимлаш мұхим ақамиятта эга. Бу масала бүйічә рўйхатта олиш хужжатлари ҳар хил тарзда ишлаб чиқилиши мүмкін. Чунончи улар бүйічә баъзан никоҳдан ўтган ва никоҳдан ўтмаган шахслар сони аниқланади. Оилавий ҳолат тұғрисида тұлиқ ва тұғри тасаввур берадиган гурухлаш қуидагиларни ўз ичига олади: ҳеч қаңон никоҳдан ўтмаганлар, бева қолғанлар, никоҳдан ўтмаганлар, ажрашғанлар ва бошқалар. Бу тарздаги гурухлаш әрқаклар ва аёллар учун алоҳида-алоҳида ўтказилади. Бунда улар 16 ёшдан бошлаб турли гурухларга бўлинади.

Гурухлашда шу билан бирга меҳнатта лаёқатли шахслар орасыда иқтисодиётда банд бўлғанлар сони ва ишсизлар сони ҳам ўрганилади. Ўз навбатида, банд бўтан аҳоли учун иқтисодиёт тармоқлари ва секторлари бүйічә гурухланади.

Рўйхатта олиш хужжатларини ишлаб чиқишида аҳолининг маълумотини акс эттиришга кетта эътибор берилади. Бунда аҳоли маълумоти даражаси бүйічә қуидаги гурухларга бўлинади: олий, тугалланмаган олий, ўрта маҳсус, умумий ўрта, тұлықсиз ўрта.

4.4. Аҳолининг табиий ҳаракати статистикаси

Маълумки, аҳоли сони муттасил ўзгариб туради. Аҳоли соннинг туғилишлар ва ўлишлар ҳисобига ўзгариши аҳолининг табиий ҳаракати деб аталади.

Аҳолининг табиий ҳаракатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар туғилиш, ўлиш, табиий ўсиш кўрсаткичлари, шунингдек, улар билан боғлиқ бўлган никоҳдан ўтиш ва ажralишлар сони ҳисобланади.

Аҳолининг туғилиш, ўлиш, табиий кўпайиш кўрсаткичлари мутлақ ифодаларда ҳисобга олинади. Аҳолининг табиий ўсиши бу туғилганлар билан ўлганлар орасидаги фарқقا тенг. Лекин аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари туғилиш, ўлиш, табиий ўсиш даражаларини ифодалай олмайди, бу аҳолининг умумий сонига боғлиқ бўлади. Шунинг учун аҳолининг табиий ҳаракатини ифодалаш учун қайд этиб ўтилган кўрсаткичлар 1000 кишига нисбатан ҳисобланади, яъни нисбий кўрсаткич промилле (%) да ҳисобланади.

Аҳоли табиий ҳаракатининг асосий нисбий кўрсаткичлари куйидагилар ҳисобланади: туғилиш коэффициенти, ўлиш коэффициенти, табиий ўсиш коэффициенти, никоҳдан ўтиши коэффициенти, ажralиши коэффициенти. Никоҳдан ўтиш коэффициентини аниқлаш учун жорий йилдаги никоҳдар сони аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлинади, ажralиши коэффициентини эса, шу йилда бекор қилинган никоҳдар сонини аҳолининг ўртача йиллик сонига бўлиш ўйли билан аниқланади.

Туғилиш ва ўлиш орасидаги фарқни аниқлаш учун аҳоли статистикасида ҳаётийлик кўрсаткичига таянилади. У ўзида туғилганлар сони билан ўлганлар сони орасидаги фарқни ифода этади.

Аҳолининг табиий ҳаракатини ифодаловчи барча кўрсаткичлар одатда бир йилга нисбатан ҳисобланади. Лекин айrim ҳолларда у бир мунча узокрок давр оралиғига нисбатан ҳам ҳисобланиши мумкин.

Куйида Ўзбекистон туғилиш ва ўлиш, аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичлари ҳамда никоҳ ва жралишлар ҳақидаги маълумотлар берилади.

3-жадвал

1980-2002 йилларда Ўзбекистон Республикасида түғилиш, ўлиш ва аҳолининг табий ўсиши

Йиллар	Түғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табий ўсиши	Аҳолининг ҳар 100 киши ҳисобига		
				түғилганлар сони	ўлганлар сони	табий ўсиши
1980	540,0	118,9	421,1	33,9	7,5	26,4
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
1996	634,8	144,8	490,0	27,3	6,2	21,1
1997	614,0	138,6	475,4	26,0	5,9	20,1
1998	596,0	137,3	458,7	25,4	5,8	19,6
1999	554,2	136,3	417,9	23,2	5,1	18,1
2000	532,1	135,2	397,9	22,1	6,1	16,0
2001	513,0	132,6	380,4	20,4	5,3	15,1
2002	532,5	137,0	395,5	21,0	5,4	15,6

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

4-жадвал

1980-2000 йилларда Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва ажралишлар сони¹

Йиллар	Никоҳлар сони	Ажралишлар сони	1000 киши ҳисобига	
			никоҳлар	ажралишлар
1980	173,6	22,5	10,8	1,4
1990	217,3	29,9	10,6	1,5
1996	171,7	20,2	7,4	0,9
1997	181,4	21,5	7,7	0,9
1998	190,3	22,4	8,2	1,0
1999	186,2	23,1	7,7	0,9
2000	172,9	22,6	7,1	0,8
2001	170,1	15,7	6,8	0,6
2002	165,6	18,3	6,5	0,7

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқоридаги барча ифодаланган аҳолини 1000 кишига нисбатан ҳисобланган кўрсаткичлари умумий коэффициентлар саналади. Аҳолини янада мукаммалроқ тавсифлаш учун хусусий (маҳсус) коэффициентлар ҳам аниқланади. Бу хусусий коэффициентларда умумий коэффициентлардан фарқли ўлароқ аҳолининг ёши, жинси, касби ёки гурӯхларнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича ҳам ҳисобланади.

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. – Т.: 1998.

Демак, тугилишни ўрганишда маҳсус тугилиш коэффициенти (базан бу фертил кўрсаткич ҳам дейилади)дан кенг фойдаланилади. Бу тугилишлар сонининг 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёлларнинг ўртача сонига нисбати кўринишида ҳисобланади.

Аҳоли статистикасида қўйидаги маҳсус коэффициентлар ҳам ҳисобланади:

а) аёлларнинг алоҳида ёшлари бўйича гурӯҳлари учун тугилиш коэффициенти;

$$б) K_{\text{маҳ.тур}} = (T * 1000) / S_{15-49 \text{ ёш аёллар}}$$

Бу ерда T - тугилган болалар сони; S - 15-49 ёшгача бўлган аёлларнинг ўртача йиллик сони;

в) вафот этиш коэффициенти;

г) табиий ўсиш коэффициенти;

д) никоҳ қуриш ва ажралиш коэффициенти;

е) ҳаётийлик коэффициенти.

Аҳоли сони ўзгармасдан доимий бир хил бўлиб қолмайди. Аҳоли сони тугилиш, вафот этиши ҳисобига ўзгариб туради. Табиий ҳаракатни ифодаловчи кўрсаткичлар бу тугилиш, вафот этиши ва табиий ўсиш коэффициентларидир.

1. Аҳолининг умумий тугилиш коэффициенти.

Бир йилда тугилгандар сонини 1000 га кўпайтирилади. Ҳосила аҳолининг ўртача йиллик сонига нисбатига тенг бўлади, яъни:

$$K_{\text{тугилиш}} = (T * 1000) / \bar{S}$$

Бу ерда T - тугилган болалар сони;

\bar{S} - аҳолининг ўртача йиллик умумий сони.

2. Вафот этиш коэффициенти.

Вафот этиши коэффициенти йил давомида вафот этгандар сонини 1000 га кўпайтирилгач, олинган натижга аҳолини ўртача сони нисбатига тенг:

$$K_{\text{вафот}} = (B * 1000) / \bar{S}.$$

Бу ерда B - вафот этгандар сони.

3. Табиий ўсиш коэффициенти. $K_{\text{таб.ус}} = K_{\text{тур}} - K_{\text{вафот}}$

4. Никоҳ қуриш коэффициенти:

$$K_{\text{никоҳ}} = (H * 1000) / \bar{S}$$

H - никоҳ кўрганлар сони.

5. тугилиш ва вафот этиши орасидаги нисбат ҳаётийлик коэффициентини ҳисоблайди.

6. Ажралиш коэффициенти:

$$K_{ажралиш} = (A * 1000) / \bar{S}$$

Бу ерда A - ажрашганлар сони.

✓4.5. Аҳоли миграцияси. Аҳоли сонининг истиқболини аниқлаш

Алоҳида аҳоли пунктлари, худудлари аҳолининг сони фақат табиий ҳаракат натижасида ўзгармасдан, балки механик ҳаракат натижасида ёки алоҳида шахсларнинг худудий кўчиши натижасида, яъни аҳоли миграцияси ҳам ўзгаради.

Аҳолининг мамлакат ичкарисида у ердан бу ерга кўчиши ички миграция, бир мамлакатдан бошқа мамлакатта кўчиши эса ташқи миграция деб аталади. Ички ва ташқи миграция ҳар хил сабаблардан келиб чиқиши мумкин: масалан, иш қидириш сабабли.

Собиқ Иттифоқ тарқаб кеттанидан сўнг унинг таркиби-даги иттифоқдош республикаларда миграция жараёнлари анча кучайди.

Хозирги вақтда статистикада аҳоли миграциясининг қўйидаги сабаблари ажратиб қўрсатилади: ўқишини давом эттириш, иш жойини ўзгартириш, ишга жойлашиши имкониятларининг йўқлиги, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш, тадбиркорлик ёки индивидуал меҳнат фаолияти, экологик шаротлардан қониқмаслик, қишлоқ (шаҳар) жойларида яшашни истамаслик ва бошқа сабаблар.

Ҳар бир аҳоли пункти ва умуман мамлакат учун аҳоли миграциясининг асосий қўрчсаткичлари қўйидагилар ҳисобланади: кириб келганлар сони, чиқиб кетганлар сони ва уларнинг коэффициентлари.

Кириб келиш коэффициенти қўйидагича ҳисобланади:

$$K_{кириб\ келиш} = (\text{кириб келганлар сони} / \bar{S}) * 1000$$

Чиқиб кетиш коэффициенти қўйидагича ҳисобланади:

$$K_{чиқиб\ кетиш} = (\text{чиқиб кетганлар сони} / \bar{S}) * 1000$$

$$K_{мех.} = (\text{кириб келганлар сони} - \text{чиқиб кетганлар сони}) / \bar{S} * 1000$$

Кириб келганлар ва чиқиб кетганлар сони мамлакат бўйича ҳисобланади, шунингдек, у жинси, ёшли миграцияси сабабла-ри бўйича тақсимланади.

Миграция ҳақидаги маълумотларнинг таҳлили аҳолининг давлатнинг қаерига ва қаеридан, қандай миқдорда кўчиши юз берастганлигини кўрсатади, бу эса ўз навбатдаги кўплаб хўжалик ва бошига тадбирларни режалаштиришда муҳим ҳисобланади.

Аҳолининг келажакда маълум вақт оралиғидан кейин бўладиган сонини турли хил усуслар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Аҳоли сонининг умумий истиқболини маълум таҳлил қилинаётган маълум даврда аҳоли сонининг табиий ва механик ўсиши ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланади. Масалан, агар аҳолининг сони муайян давр бошига маълум бўлса ва умумий ўсиш коэффициенти ҳисобланган бўлса, у ҳолда аҳоли сонининг т ўйдан кейин бўладиган истиқболини қўйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин.

$$S_{b+t} = S_b (1 + K_{um.yc})^t \cdot 1000$$

S_b - режалаштирилайтган давр бошига аҳоли сони;

T - башорат қилинаётган йиллар сони;

$K_{um.yc}$ - шу даврга аҳолининг умумий ўсиш коэффициенти.

Умумий аҳоли сонини башорат қилишининг бошига усули ҳам мавжуд. У динамика қаторларини экстраполация қилишига асосланади.

Аҳоли сони истиқболини алоҳида ёш бўйича гуруҳларга ажратиб ҳам ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун аҳоли сони ва ёш структураси ҳақида, ёши бўйича туғилиш коэффициентлари ҳақида маълумотлар ва хоказолар бўлиши керак.

Қисқача холосалар

Аҳоли статистикаси - статистикасининг энг қадимги тармоғи бўлиб, у аҳолининг сони, таркиби, мамлакат ҳудуди бўйича жойлашиши, унинг табиий ва механик ҳаракатини ўрганади. Аҳоли сони доим ўзгариб турувчи миқдор бўлгани учун, уни маълум бир ҳудуд ва муайян кунга нисбатан аниқланади. Бунда маълумот манбаи бўлиб, аҳоли рўйхати маълумотлари ҳисобланади. Аҳоли жинси, ёши, оиласвий аҳволи, миллати ва хоказо бўйича гурӯҳ ва гурӯҳчаларга бўлинади. Аҳолининг табиий ҳаракати дейилганда, унинг туғилиши, вафот этиши ва табиий ўсиши (нокамайиши) тушунилади. Улар аввало мутлақ миқдорларда ифодаланади, лекин улар бу ҳаракатларнинг даражаларини ифодалайолмайди. Шу мақсадда қайт этилган кўрсаткичлар минг кишига нисбтан ҳисобланади, яъни нисбий кўрсаткичлар промилле (%) да ифодаланади (туғилиш коэффициенти, вафот этиш коэффициенти, никоҳдан ўтиш коэффициенти, ажralиши коэффициенти ва хоказолар).

Аҳолининг мамлакат ичida бир пункдан иккинчисига кўчиши ички миграция, бир мамлакатдан бошقا мамлакатга кўчиши эса ташқи миграция деб аталади. Бу кўрсаткичлар ҳам абсолют, ҳам нисбий миқдорларда ифодаланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Аҳоли статистикасини асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Аҳолини ўртача йиллик сонини ҳисоблаш формулаларини мисоллар орқали тушунтиринг.
3. Аҳолининг табиий ва механик харакати қўрсаткичларига нималар киради?
4. Аҳоли истиқболдаги сонини қандай ҳисобланади?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиқтисодий статистика. 100 саволга жавоб. - Т.: Мехнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. - М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набиев Х.Н., Набиҳўжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизими. - Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. - М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. -М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. - М.: Финстатинформ, 1998.
8. Келдишев Г.С. Статистика населения. М «Ф» и «С», 1986.

V боб

МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИ

5.1. Миллий бойлик ва миллий мулк ҳақида тушунча ва уларнинг таркиби

Мамлакат миллий бойлиги - инсон меҳнати туфайли тўпланган номолиявий ва молиявий активлар ва табиат инъомларининг йигиндисидан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси миллий бойлигининг ҳажми 1991 йил 1 сентябрдан ҳисобланана бошланди. У яратилиши манбай бўйича 2 қисмдан иборат:

- миллий мулк - инсон меҳнати туфайли шу давргача тўпланган бойликлар;

- табиат инъомлари - бойликлари.

Умуман, Европада қўлланадиган МХТ концепциясига асосан Ўзбекистон Республикаси миллий бойлиги кўйидагилардан ташкил топади:

Йил бошида

Моддий бойликлар		Молиявий ресурслар
Табиий ресурслар	Киши меҳнати туфайли тўпланган моддий бойликлар	
АВ	ВГДЕ	ЖЗИКЛМН

Йил давомида қилинган операциялар

Моддий бойликлар қилинган операциялар бўйича	Молиявий ресурслар бўйича қилинган операциялар

Йил охирида

Моддий бойликлар		Молиявий ресурслар
Табиий ресурслар	Исон меҳнати туфайли тўпланган моддий бойликлар	
АВ	ВГДЕ	ЖЗИКЛМН

1. Табиий ресурслар;
 А - фойдаланишга киритилмаган;
 Б - ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган;
2. Инсон меҳнати туфайли йигилган моддий бойликлари;
 В - асосий фондлар;
 Г - моддий айланма маблағлар ва захиралар;
 Д - аҳолининг шахсий мулки;
 Е - бошқа моддий бойликлар.
3. Молиявий ресурслар:
 Ж - олтин;
- 3 - мавжуд пуллар ва банкдаги ҳисоблар;
- И - қимматли қоғозлар (акциялардан ташқари);
- К - заёмлар;
- Л - акциялар;
- М - сугута фондлари;
- Н - бошқа молиявий маблағлар.

Миллий бойлик ҳажми одатда йил боши ва охирида қўйи-
дагича аниқланади:

$$МБ = ТБ + КМТЙМБ + МР$$

Бунда: МБ - миллий бойлик;

ТБ - табиий ресурслар;

КМТЙМБ - инсон меҳнати туфайли йигилган моддий бой-
ликлари;

МР - молиявий ресурслар.

Қандай мақсадга мўлжалланганинг қараб инсон меҳнати
туфайли яратилган миллий бойликлар икки гурухга бўлинади:

1. Ишлаб чиқариш фондлари;
2. Ноишлаб чиқариш фондлари.

Биринчи гуруҳ инсон меҳнати туфайли йигилган бойлик-
нинг 40 фоизга яқинини ташкил қилиб, ишлаб чиқариш соҳа-
сидаги ишлаб чиқариш воситаларидан иборат. Иккинчи гуруҳ
инсон меҳнати туфайли йигилган бойликларнинг асосий қисмини
(60%) ташкил қилиб, ноишлаб чиқариш фондларни, айланма
фондларни ва аҳолининг шахсий мулкини ўз ичига олади.

Айланма фондлар - бу ишлаб чиқариш воситаларининг бигта
ишлаб чиқариш жараёни давомида тамомила истеъмол қилин-
ган қисми бўлиб, унинг қиймати тайёр маҳсулотга тўлалигича ўта-
ди. Ноишлаб чиқариш воситалари таркибига қуйидагилар киради:

- меҳнат ашёлар ва ғамламалари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим фабрикатлар;
- келажак учун мўлжалланган харажатлар.

Айланма фондлар асосий ишлаб чиқариш фондларининг таҳминан 19-20 физини ташкил қилади. Улар йил даиомида бир неча марта айланади. Шу сабабли йил мобайнида сарфланган ресурсларнинг умумий ҳажми уларнинг ўртача йиллик ҳажмига қараганда бир неча баробар катта бўлади.

Статистика мамлакатимиз миллый бойлиги ҳажмии хисоблиши билан бирга унинг динамикасини ҳам таҳлил қилади.

Миллый бойлик индекси кўйидаги кўринишига эга бўлади:

$$J_{mb} = \frac{MB_{0+} + MД_1 \times T_1}{MB_0} = \frac{MB_1}{MB_0}$$

Бу ерда: MB_1 , MB_0 - миллый бойликнинг базис ва жорий даврдаги қиймати;

$MД_1$ - жорий даврда яратилган миллый даромад;

T_1 - миллый даромаддаги жамғарма меъёри.

Бу формула миллый бойлик ҳажмининг миллый даромаддаги жамғарма меъёрига тўғри пропорционал, миллый бойликнинг йил бошидаги ҳажмига эса тескари пропорционал боғланнишида эканлигини ифодалайди. Миллый бойликининг ўсиши, жамғариш қонуни асосида юз беради. Бу қонунга биноан иқтисадиётда ўсиши юз берганда кўшимча маҳсулотнинг жамғариладиган қисмиси миллый бойликка айланади.

5.2. Миллый бойлик, миллый хисоблар тизимида фаол ва пассив тушунчалари

Актив - бу институтционал бирликлар қўлидаги мулк бўлиб, унинг эгалари унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш хуқуқи туфайли улардан иқтисодий даромад топадилар. Активлар мулк обьекти бўлганлиги сабабли заҳхира кўринишида на-моён бўлади. Мулкнинг қийматидаги ифодаси МҲТ да иқтисодий фаол маъносини беради. Иқтисодий фаолнинг миқдори (кўлами) олинган иқтисодий даромад ҳажмига, шунингдек, муайян даврда ундан фойдаланилганлик даражасига ҳам боғлиқ.

Мулк обьектларининг хизмат қилиш даври турлича бўлади. Вақт ўтиши билан улардан олинадиган даромад камайиб боради. Натижада мазкур мулкнинг бозор қиймати пасаяди. Турли кўринишидаги фаоллардан фойдаланиш даражаси, эгалик шакли турлича бўлганлиги сабабли улардан олинадиган даромад ҳам ҳар хил бўлади. Шу тариқа ҳар бир институтцион бирлик даромад топади. Айтайлик:

- ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага бериб рента олишдан;

- пул ёки қимматли қоғозлар эгаси уни қарзга бериб фоиз олишдан;

- капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан даромад топади.

Пассивлар - институцион бирликларниң қарзлари ёки уларни узиш бүйича қарздорлик мажбуриятидир.

Фаолларнинг қийматини хисобга олиш уларнинг умумий миқдори (хажми) хисобга олиш имконини беради. Активларнинг (А) умумий қийматидаи (П) пассивларни айириб ташласақ, у ҳолда институцион бирликларнинг хусусий капитали (ХК) келиб чиқади:

ХК=А-П

Макроиктисодиёт минёсида хусусий капитал соф фаоллар деб юритилади. Фаолар икки турдаги ресурслардан ташкил топади:

- моддий (номилиявий) ресурслардан;
- молиявий ресурслар.

Моддий ресурслар ўз навбатида тикланадиган ва тикланмайдиган фондларга бўлинади.

Моддий айланма воситалар ва моддий-товар маблағлар фамламалари таркибига қуйидагилар киради:

-ишлаб чиқарувчилардаги тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш фамламалари;

-оралиқ истеъмол учун четдан сотиб олинган хомашё, маблағ ва ярим фабрикатлар фамламалари;

-муомаладаги товар фамламалари ва давлат ихтиёридаги захиралари.

Асосий фондлар ҳам ўз навбатида икки гурӯҳ активларидан иборат:

1. Моддий тикланадиган активлар - тураг жойлар, ишлаб чиқариш бинолари ва қурилиш маҳсулотлари, ускуналар, ишлаб чиқаришга жалб қилинган табиий ресурслар, буюмлашган бадий асарлар;

2. Номоддий тикланадиган активлар тадқиқотлар ва изланишлар, қазиб олинадиган минерал ресурслар, электрон хисоблаш машиналари дастурлари, адабиётлар ҳамда санъатнинг нодир асарлари ва ҳоказо.

Моддий активлар жамятнинг моддий эҳтиёжини қондирувчи ва аниқ моддий ашёвий шаклдаги активлардир. Номоддий активлар ҳам моддий кўринишга эга бўлиб, улар номоддий эҳтиёжни қондиради.

Асосий фондлар деганда хизмат муддати бир йилдан ортиқ ва қиймати 15 минимал иш ҳақидан кам бўлмаган ишаб чиқариш воситалари тушунилади.

Улар ишлаб чиқаришнинг бир босқичида эмас, балки бир неча босқичда иштирок этадилар, маҳсулот ишлаб чиқарадилар ва натуран ашёвий шаклини сақлаб қолган ҳолда қийматларни тайёрланаётган маҳсулот қийматига қисман-қисман ўтказиб борадилар. Моддий бойликларни ишлаб чиқариш воситалари шаклидаги қисми гарбда асосий ва айланма капитал деб, МДХда эса асосий ва айланма фондлар деб юритилади.

Соф молиявий фаол иқисодиётнинг соф фаолларини ёки хусусий капитални ҳисоблаш учун зарур. У қуйидагича аниқладади:

$$\text{СМА}=\text{МА}-\text{ММ}$$

Бу ерда: СМА - соф молиявий фаол;

МА - молиявий фаол;

ММ - молиявий мажбуриятлар;

Молиявий мажбурият кредиторлар ва қарздорлар ўртасида тузилган шартнома муносабатлари натижасида вужудга келади.

Молиявий мажбурият қарздорларнинг ўз кретидорлари талабларини қондириш (тўлаш) бўйича мажбуриятдир.

Актив ва пассив баланслар оддатда йил боши ва йил охиридаги ҳолати билан ҳисобга олинади. Шунга қараб мутаносиб равишда актив ва пассив баланслар бошлангич ҳамда якуний кўринишларда тузилади. Бу баланслар МДХ таркибидағи түртингчи тоифа счёtlар бўлиб уларда активлар элементларнинг таркиби мажбурият ва хусусий капиталнинг муайян вақтдаги ҳолати акс эттирилади.

Иқтисодиётнинг соф активи барча секторларнинг соф активлари йигиндисига тенг:

$$I_{ca}=EC_a$$

Бу ерда: I_{ca} - иқтисодиётнинг соф активи;

EC_a - секторлар соф активларнинг йигиндиси.

Чет эл молиявий активлар мамлакатнинг чет эллар бўйича актив ва пассив балансларига асосланиб ҳисобланади. Бу баланснинг актив қисмида қуйидагилар ҳисобга олинади:

1. Чет эл валютаси фамламаси;
2. Хорижий инвестиция ва қимматли қоғозлар;
3. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари;
4. Экспорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит;
5. Хорижий давлатларнииг қарзлари;
6. Халқаро ташкилотларга берилган бадаллар;

7. Бошқа ташқи фаоллар (бунга валюта банкларининг қисқа муддатли чет эл активлари ва корпорацияларининг чет эл активлари киради).

Баланснинг пассив қисмидаги үнсурлар ҳисобга олинади.

1. Ички қимматли қоғозларга қилингандай инвестициялар;

2. Ички иқтисодиёттага қилингандай инвестициялар;

3. Импорт бўйича кечиктирилган тўловлар учун берилган кредит;

4. Хорижий давлатлардан қарзлар;

5. Бошқа ташқи қоғозлар (бунинг таркибига валюта банкларининг қисқа муддатли ташқи қарзи ва корпорацияларининг ташқи қарзлари киради).

Активлар ва мажбуриятлар баланслари ўрганилаётган давр боши ва охиридаги ҳолати билан қўйидаги даромадлар бўйича ишлаб чиқилади:

- институтионал бирликлар;

- иқтисодиёт секторлари;

- мамлакат иқтисодиёти миқёсида.

Активлар ва мажбуриятлар балансни тузиш чоғидаги бозор баҳоси баҳоланади. Активнинг таркибий элементлари ва уларнинг давр боши ва охиридаги ўзгариши қўйидагича ифодаланиши мумкин:

$$A_0 + B - C + D + X = A_1$$

Бу ерда: A_0 ва A_1 - активларнинг давр боши ва охиридаги қиймати (бозор нархида);

B - сотиб олингандай активлар (олди-сотди қилиш чоғидаги баҳода);

C - сотиб юборилган активлар;

D - активлар таркибидаги бошқа ўзгаришлар;

X - активлар бўйича холдинг номинал фойдаси (+) ва зарраси (-).

Жамғарма - капиталнинг шаклланишида ҳал қўлувчи омил ҳисобланади. Унинг миқдори мавжуд даромаддан жамғариш фоизига боғлиқ ва у мавжуд даромад билан ҳақиқий пировард истемол ўртасидаги фарққа teng. Соғ жамғарма капитал ҳажмининг ўзгаришида биринчи ва ҳал қўлувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Молиявий активлар таркибидаги ўзгаришлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳалокат ёки фожия натижасида кўрилган заарлар;

- қопланмайдиган мусодара қилишлар;

- тасниф ва таркибий қисмлардаги ўзгаришлар;

Қисқача хуосалар

Мамлакатимиз миллий бойлиги - инсон меҳнати туфайли тўпланган номолиявий ва молиявий активлар ва табиат инъомларининг йигиндисидан ташкил топади. Статистика миллий бойлигимиз ҳажмини 1991 йил 1 сентябрдан ҳисоблай бошлади ва у яратилиш манбай бўйича 2 қисмдан иборат:

1. Миллий мулк - инсон меҳнати туфайли шу давргача тўпланган бойликлар.

2. Табиат инъомлари бойликлари.

Миллий бойликнинг ўсиши, жамғариш қонуни асосида юз беради. Бу қонунга асосан иқтисодиётда ўшиш юз берганда қўшимча маҳсулотнинг жамғариладиган миллий бойликка айланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий бойлик деганда нимани тушунасиз?

2. Миллий бойлик статистикасини асосий вазифаларини тушунтириб беринг?

3. Миллий мулк нима?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. 100 саволга жавоб. - Т.: Мехнат, 1998.

2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. - М.: Финстатинформ, 2000.

3. Набиев Х.Н., Набиҳӯжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизми. - Т., 1998.

4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. - М.: Дело, 2001.

5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, Штутгарт, 1995.

6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. -М.: Инфра, 2000.

7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. - М.: Финстатинформ, 1998.

8. Ўлмасов А., Шарифхӯжаев М. Иқтисодиёт асослари. - Т.: Мехнат, 1995.

VI боб

МАКРОИҚТІСОДИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КҮРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ

6.1. Макроиқтисодий күрсаткічларни ҳисоблашпинг умумназарий асослари

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатиши учун қуйидаги омиллар бўлиши шарт: ишчи кучи, капитал, ер ва тадбиркорлик. Ишчи кучи ишлаб чиқариш жараёнининг энг асосий омили бўлиб, унинг меҳнат сарфи натижасида товарлар яратилади ва хизматлар күрсатилади. Меҳнат сарфи учун ишчи кучи иш ҳақи олади ва бу унинг даромади ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва уй хўжалиги капитал билан таъминланса, товар ва хизматлар ҳажми ортади, миллый иқтисодиёт ривожланади. Ишлаб чиқаришни энг илғор технология билан қуроллантириш, маҳсулотнинг рақобат қобилиятини оширади, яхши реклама қилиш, хомаше олиш ва бошқа кўп масалалар капиталга боғлиқ. Капитал эгалари сарфлаган капиталларидан белгиланган фоизда даромад оладилар.

Ишлаб чиқариш корхоналари ҳам, уй хўжаликларига хизмат күрсатиши соҳалари ҳам маълум жойда, яъни ерда жойлашган. Капитал эгалари сарфлаган капиталларидан белгиланган фоизда даромад оладилар.

Тадбиркорлар ишчи кучи, капитал ва ердан фойдаланиб, бозорда талабга мос ҳажмдаги, сифатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Агар тадбиркорлар бозор конъюнктурасига мос товарларни ишлаб чиқарса, уни сотиб даромад ёки фойда оладилар.


Фойда олган тадбиркорлар фаолиятини давом эттире, фойда олмаганлари эса инқирозга учрайди ва табиий танловда йўқолиб боради.

Юқоридаги 4 гурӯҳда баён этилган ишлаб чиқариш омиллари биргаликда товар ва хизматлар яратар экан, уларнинг эгалари даромад қиласидилар. Уларнинг биргаликдаги харажатини мувофиқлаштириш зарур, чунки уларнинг ялпи фаолиятидан ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва миллий даромад (МД) яратилади.

Товар ва пулли хизматларни ишлаб чиқариш жараёни эркин тадбиркорлар ва эркин истеъмолчилариининг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўз ичига олади. Уларнинг эркин иқтисодий муносабатларини ўрганишимиз учун товар ва пулли хизматларнинг доиравий айланиш моделини кўриб чиқамиз (4-чизмага қаранг).

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун жами фирмалар ишлаб чиқариш омиллари бозорига мурожаат қыладилар. Ишлаб чиқариш омиллари бозоридан хомаше ва материаллар, ёқильти, ишчи кучи, капитал ва шу каби ишлаб чиқариш омилларини сотиб оладилар. Фирмаларда сотиш учун товар (хизмат)лар ишлаб чиқарылади ва уни товар ва хизматлар бозорига олиб бориб сотилади.

Бунда омилларнинг фирмаларга қараб ҳаракатини, фирмалардан ишлаб чиқариш омиллари учун пултнинг оқимини кўрамиз.



4-чизма. Товар пуллик хизматларни доиравий айланиш модели.

Фирмалардан зса товар ва хизматлар бозорига товарлар оқими ҳаракат қилса, ўз навбатида товар ва хизматлар бозоридан фирмаларга уларнинг сотилишидан пул келади. Уй хўжаликлари зса тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчиларидир. Улар товарларни истеъмол қилиш учун сотиб оладилар ва уларнинг ўрнига пул тўлайдилар. Уй хўжаликлари ва пул ишлаб чиқариш омиллари бозоридан келиб тушади. Яъни, уй хўжаликлари ишчи кучини ишлаб чиқариш омиллари сифатида сотиб, унинг эвазига пул оладилар.

Шундай қилиб, товар ва хизматлар макро ва микро кўламда ҳаракат қилади. Макро кўламдаги товар ва хизматларнинг доиравий айланиши ва унинг самарадорлигини ошириш билан макроиктисодиёт шугуулланади. Микроиктисодиёт эса худди шу омилларни яхлит фирмалар, уй хўжалиги, дехқон-

фермер хўжалиги, яхлит миллий ишлаб чиқариш омиллари ва товар, хизматлар бозори сифатида ўрганади.

4-чизмада келтирилган товар ва пулларнинг макроқўламдаги доиравий айланиши товар ва пуллар оқимининг энг оддий моделидир. Унинг ёрдамида товар ва пулларнинг оқимини, унинг доиравий функциялари борлигини, иқтисодий манфаатларнинг тўқнашувини ҳар бир омилнинг самарали алмашув учун ҳаракатини макроқўламдаги мураккаб манфаатларни, истакларни тасаввур этиш мумкин.

Товар ва хизматлар натурал, шартли-натурал ва қиймат (пул) ҳолатида ҳисобга олинади.

Маҳсулотнинг натурал ҳолда ҳисобга олинини шу маҳсулотнинг истеъмол қиймати томонини ифодалаб, унинг физик хусусиятига боғлиқ бўлган ўлчов бирлиги билан ўлчанади. Маҳсулотларни натурал ҳолда ҳисобга олганда қуйидагилар ўлчов бирликлари бўлиб хизмат қилиши мумкин: маҳсулотларнинг сони (дона), вазни (кг), узунлиги (м, км), майдони (м кв, га), ҳажми (м куб) ва ҳоказо.

Айрим ҳолларда бир турдаги маҳсулотлар бир-бирини сифат жиҳатдан фарқ қиласди. Аммо маҳсулотлар натурал ҳолда ҳисобга олинганда уларнинг сифат томонлари ўз ифодасини топмайди. Маҳсулотлар шартли натурал ўлчов бирлигига ҳисобга олинганда уларнинг истеъмол қийматлари эътиборга олинади. Шартли-натурал ўлчов бирлиги бир турдаги маҳсулотларга қўлланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмига тавсиф бериш учун бир корхона доирасида ҳам, тармоқ ва халқ хўжалиги бўйича ҳам ҳар хил турдаги маҳсулотларни ўзаро қўшиб ҳисоблаш лозим.

Маҳсулотларни қиймат (пул) усулда ҳисоблаш усули, уларни корхона ва бутун халқ хўжалиги бўйича қўшиб ҳисоблаш ва йиғиндисини аниқлаш имконини беради. Бунда маҳсулот сифати ҳам эътиборга олинади, чунки юқори навли маҳсулотлар паст навли маҳсулотларга нисбатан юқори баҳоларда баҳоланади. Бу усулда кўрсатилган хизматлар ҳам айнан шу усулда ҳисобга олинади.

6.2. Иқтисодий фаолиятларнинг умумий макроиқтисодий натижасини аниқлашнинг икки модели, уларнинг моҳияти ва фарқи

Бозор иқтисодиёти - умумбашарий ҳолат бўлиб, жаҳон цивилизацияси ривожланиши йўлидаги муқаррар босқичидир. Тартибли асосдаги бозоргина халқимизнинг ижодий ва меҳнат

имкониятларини рўёбга чиқаришга, ташаббускорлик ва ишбинармонликни ривожлантиришга хизмат қиласди.

Ўзбекистон иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказишда, давлат статистика органларининг роли каттадир.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда амал қилинаётган статистика ва ҳисобот тизими иқтисодиётни маъмурий бўйруқбозлиқ усули билан бошқариш шароитида вужудга келган бўлиб, марказлаштирилган режалаштириш услугиятига ва ялпи статистик қузатишига асосланган эди.

Кўрсаткичлар тизими вазирларлар ва маъмурий идораларнинг бошқариш заруриятидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, бозор муносабатларига жавоб бера олмайди.

Бозор муносабатлари шароитида статистика соҳасидаги янги муаммоларни ҳал этиш унинг назарий асосини қайта кўриб чиқишини мавжуд статистика амалиётида кескин ўзгаришлар бўлишини талаб этади.

Шу мақсадда макроиқтисодий статистика ривожланишининг асосий йўналишларида туб ўзгаришлар ҳосил қилиш учун ҳалқ хўжалиги баланси (ХХБ)ни сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий шароитларга месолашган миллий ҳисоблар тизимининг (МХТ) ҳалқаро стандартни ишлаб чиқиши ва жорий этиши керак бўлади.

Қўйида иқтисодий фаолиятларнинг умумий макроиқтисодий натижасини аниқлашнинг юқорида зикр этилган икки модели ХХБ ва МХТ, уларнинг моҳияти ва фарқи билан танишиб чиқамиз.

Ҳозирги даврга қадар мамлакатимизда иқтисодий ривожланишининг тартибга солган режа хўжжатларининг асосийси бўлиб, ХХБ ҳисобланиб келинди. ХХБи асосида А. Смит таълимоти: меҳнатнинг қиймат назарияси, моддий ишлаб чиқариш соҳаси, миллий даромадни яратиш ва бошқалар ётади.

ХХБнинг сиссий иқтисод таълимотлари асосида ташкил этилганлиги учун уларнинг асосий кўрсаткичларига ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад, реал даромад ва шу кабилар киради.

ХХБнинг статистик тизими маҳсулотни қайта ишлаб чиқариш механизми, ҳалиқ хўжалигини моддий техника базасини шакллантиришнинг қатор соҳалари ҳақида анча қимматли маълумотларни олишга имкон беради.

Шу билан бирга жамият ижтимоий тараққиётини қўпгина соҳаларини, капитал ва молиявий ўзаро алоқадорликни, бутун ҳалиқ хўжалиги юритилиши ва хўжалик механизмини амалга оширилишини ўрганиш учун иқтисодиётни макростатистик

моделлаштиришга мөддий ишлаб чиқариш соҳасининг устунлиги нуқтаи назаридан ёндашиши бир тарафлама бўлади.

Бутун халқ хўжалиги бўйича ишлаб чиқариш соҳасидаги барча хўжалик бирликлари ўртасидаги мавжуд алоқалар, ахоли фаровонлиги ва турмуш даражасига баҳо бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш, давлат бюджети, кредит, тўлов баланси каби тушунчалар ва тавсифлар XXБда ўзининг етарлича ифодасини топмайди.

XXБ даромадларнинг ҳаракат жараёнини таҳдиил қилишда энг содда усулидир. У фақат товарнинг экспорт ва импорти билан чегараланиб, тўлов балансининг энг муҳим элементларини ҳисобга олмайди. Шу билан бирга XXБ жаҳон тажрибалари асосидаги кўрсаткичларни, яъни тақсимланган даромад, жамғармаларни ҳам ўз ичига олмайди.

ХХБнинг энг муҳим камчиликларидан бири мөддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган маҳсулотларнигина ҳисобга олиб, номоддий соҳада кўрсатилган хизматларни (маишӣ хизматлар, тиббий хизматлар, уй-жой, коммунал хизматлар, фан, маориф, маданият ва санъат) унумсиз ва мамлакатда яратилган даромадда иштирок этмайди, деб кўрсатилган.

ХХБ билан МҲТ ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, МҲТда ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларининг натижалари ҳисобга олинган бўлади.

Агар ХХБ иқтисодиётни бошқаришининг маъмурий буйруқбозлиқ усулига, марказлаштирилган режалаштириш шароитига хизмат қилган бўлса, МҲТ эса бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитидаги иқтисодий бошқаришга хизмат қиласди.

МҲТ макростатистика модели сифатида бозор иқтисодиётига, иқтисодий жараёнларнинг барча субъектлари (иштирокчилари) ўртасидаги товар-пул муносабатлари қонуниятларини билишга йуналтирилганdir. У аввало макроиктисодий кўрсаткичлар тизимининг ҳар томонлама ривожланиши натижасида юзага келди.

МҲТнинг асосий вазифаси - бир-бири билан чамбарчас боғланган иқтисодий операцияларни ўрганишдан иборат.

МҲТ - бу, пул (қиймат) шаклида ифодаланган макроиктисодий кўрсаткичларнинг жамланган тизими бўлиб, иқтисодиётни таърифлаш ҳамда иқтисодий башоратлар тузиш ва халқ хўжалигини мувофиқдаштириш учун хизмат қиласди. МҲТ - макроиктисодий кўрсаткичларга алоқадор жадваллар мажмуудир. МҲТ жадваллари турли туман баланслардан ташкил топган бўлади. Унинг таркибига киравчи жадваллар халқаро статистикада кенг кўлланиладиган макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблашга қаратилган.

6.3. Миллий иқтисодиётни амал қилишининг ялпи ва пировард натижаларини таърифловчи кўрсаткичлар

Макроиктисодиётда турли мақсадларга йўналтирилган кўплаб курсаткичлардан фарғаниллади. (Ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад ва бошқалар). Улар орасида энг асосийси бўлиб, ялпи ички маҳсулот (**ЯИМ**) кўрсаткичи ҳисобланади.

ЯИМ - бу халқ хўжалиги бўйича иқтисодий фаолиятни якуний кўрсаткичларини ифодаловчи умумий кўрсаткичdir. У асосан бир-бири билан мустаҳкам боғланган иқтисодий жараён оқимларини: моддий несьматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, даромадларни тақсимлаш, моддий несьмат ва хизматлардан пировард фойдаланиши ўрганишда кенг қўлланиллади.

ЯИМ - бу барча хўжалик бирликлари бўйича: моддий ишлаб чиқариш соҳасидан корхоналар, ташкилотлар ва муасасаларни, хизмат кўрсатиш соҳасини, шунингдек аҳолини шахсий ёрдамчи хўжаликларини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини иқтисодий натижаларини ўз ичига олади. Иқтисодий фаолият натижаларида яратилган моддий несьматлар ва кўрсатилган хизматлар киради.

ЯИМни ҳисоблашда З хил усулдан фойдаланамиз (ишлаб чиқариш, таксимот ва якуний истеъмол).

ЯИМ - ЯММнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади ва уларнинг (фарқи шундан иборатки, ЯММ шу мамлакат корхоналарининг қайси давлат худудида жойлашганлигига қарамасдан иқтисодий фаолият натижаларини ифодалайди.

ЯИМ эса ушбу мамлакат худудидағи хўжалик бирликлари томонидан моддий бирликлар ишлаб чиқариш ва хизматларни кўратишни акс эттиради.

ЯИМ - бу йил давомида мамлакатда яратилган пировард маҳсулотларнинг қийматини ифодалайди. (5-жадвалга қаранг) МҲТ нинг умумий ҳисобларида **ЯИМ**ни тақрор ишлаб чиқаришни ҳар хил аспектлари: уни ишлаб чиқариш, ташкил топиши, тақсимлаш ва жамғариш ҳамда бошқа қатор мақсадлари акс эттирилади.

ЯИМда ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этадиган товарлар ва хизматлар, даромадлар оқими тақрор ишлаб чиқариш жараёнида босқичма - босқичи ифодалаб борилади.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти таркиби, %

	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Саноат	17,0	17,1	17,8	15,6	14,9	13,9	14,2	14,1	14,1
Қишлоқ хўжалиги	34,5	28,0	22,4	28,2	26,8	28,0	30,1	30,0	30,6
Транспорт ва алоқа	5,8	7,3	0,7	6,5	6,8	6,5	7,7	7,5	8,2
Курилиш	7,2	7,1	8,3	7,3	7,5	6,9	6,0	5,8	4,9
Савдо ва умумий овқатланиш	7,5	5,2	7,1	8,4	8,4	9,3	9,7	10,4	9,8
Башқа соҳалар	19,8	22,2	23,3	21,2	21,2	20,4	19,8	20,3	20,7
Товарларга ва экспорт, импорт муомалаларига соғиф соликлар	8,2	13,1	14,4	14,4	14,4	15,0	12,5	11,9	11,7
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, республика ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги тармоғининг салмоғи анча каттадир. Ўзбекистонда ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи 1996 йилда 22,4% ни ташкил этган бўлса, 1999 йилда 28% ни ташкил этди. Асосан 1996 йилнинг ҳозирги давргача реал ЯММ ўсиши давом этиб келмоқда. 1999 йилда реал ЯИМ дефлятори 1,385 1998 йил дефляторидан фарқ қилимади(1,385). Ялпи ички маҳсулотни ҳажмининг 37,2%ни йилнинг биринчи ярмида ва 67,8% йилнинг иккинчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилганлиги иқтисодиётнинг мавсумийликка мойиллигини акс эттиради. Мустақиллик йилларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши таъминланмоқда. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган пул тушумлари 1999 йилда 8,9 млрд. сўмни ташкил қиласди. Ўзбекистон Республикаси саноат тармоқларида 1990-1999 йиллар оралиғида ЯИМни 15,0%и яратилди. Бозор иқтисодиёти шароритида саноат тармоғини ривожлантириш учун саноат марказларини ва ҳудудий жойлаштиришни янада такомиллаштириши мухим аҳамият касб этади. Бунинг учун қуйидаги йўналишларга эътиборни кучайтириш зарур:

- келгусида саноат тармоқларининг ижтимоий иқтисодий ривожлантириши имкониятларини белгилашга;
- республика вилоятларининг табиий ва ижтимоий-иктисодий ихтисослашиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш мажмуини ривожлантиришга;

– саноатнинг ҳудудий ривожлантириш даражасини кўтаришда янги қурилаётган объектларни мақсадга мувофиқ жойлаштиришига;

– саноат узеллари ва марказларининг туманларда, туман марказларида, кичик шаҳарларда ишлаб чиқариши ҳудудий мажмумини ташкил этиш ва унинг ривожланишини таъминлаш ва шу кабилар.

Соф миллий маҳсулотни аниқдани. Соф миллий маҳсулот (СММ) - бу микдоран ялпи миллий маҳсулотдан асосий фонdlар истеъмоли амортизацияси)ни чегириб ташлагандан сўнг қолган қисмiga тенг, яъни

СМ = ЯММ - А

Соф миллий маҳсулот моҳияти билан меҳнат туфайли янгидан хосил қилинган маҳсулот бўлиб, у пул (қиймат) шаклида ўлчанади. СММ икки қисмдан иборат бўлади: а) зарурий маҳсулот; б) қўшимча маҳсулот;

Зарурий маҳсулот - соф миллий маҳсулотнинг яратиш жараёнида ўз меҳнати билан иштирок этганларнинг иш қобилиятини тиклаш, оиласини таъминлаш учун кетадиган маҳсулотdir.

Қўшимча маҳсулот эса зарурий маҳсулотдан ортиқча маҳсулотdir. Агар зарурий маҳсулот ишчи кучи эгаларига ёки меҳнат соҳибларига тегадиган бўлса, қўшимча маҳсулот моддий ашёвий омил эгаларига уларнинг даромаддаги ҳиссаси орқали тегади.

Соф миллий маҳсулот уни яратишида иштирок этишилар омил эгасига даромад бўлиб, ер эгасига рента, капитал эгасига фойда ва фоиз, ишчи эгасига иш ҳақи, тадбиркорларга иш ҳақи ва фойда тақдим этади.

Соф миллий маҳсулотнинг жамият аъзоларига уларнинг даромади сифатида теккан қисми миллий даромад (МД) деб юритилади.

Миллий даромад жамият минёсидағи барча даромадлар йиғиндисиdir, у табиатан янгидан хосил этилган маҳсулот, лекин унинг пул шаклида ифодаланишиdir.

Миллий дромад моҳият жиҳатдан олганда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларидан иборат бўлиб, зарурий ва қўшимча маҳсулотнинг асосий қисмини ўз ичига олади.

Янги миллий ҳисоблар тизимида энг муҳим кўрсаткичлар орасидаги боғланиш қуидагича ифодаланади:

А. Ялпи ички маҳсулот.

Б. Берилган мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари (мулкдан олинган даромад, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга соликлар).

В. Хорижий мамлакатларга бериладиган бирламчи даромадлар.

Г. Ялпи миллий даромад (А+Б-В).

Д. Берилган мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган жорий трансферлари қолдиги (ижтимоий ёрдам, қариндошлардан олинган совға-саломлар).

Е. Ялпи миллий соф даромад (Г + Д).

Янги МХТ методологияси бўйича ялпи фойда (ялпи аралаш даромад) ва соф фойда (соф аралаш) даромад қўйидагича аниқланади: Ялпи фойда = ялпи қўшилган қиймат - ишловчиларни меҳнат хақи - ишлаб чиқаришга солиқлар + субсидиялар.

Соф фойда = ялпи фойда - асосий фондлар истеъмоли.

Агар ЯИМдан асосий фондлар истеъмолини айриб ташласак, у ҳолда соф миллий маҳсулот кўрсаткичи келиб чиқади.

Миллий иқтисодиётнинг пировард натижаларини таърифловчи кўрсаткичлар таркиби билан келгуси бобларимизда батафсил танишиб чиқамиз.

6.4. Ялии ички маҳсулог ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган баҳолар тизими

Статистика ва ҳисобнинг халқаро андозаларга ўтказиш Ўзбекистон Республикаси статистика амалиётида қўлланиладиган тушунча ва категорияларнинг мазмунига муҳим ўзгаришлар киритди, яъни иқтисодий тушунчалар ўзгарди; унинг чегаралари ва натижалари тўғрисидаги тушунчалар ўзгарди; ички ва ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичлари ҳосил бўлади; хизмат кўрсатиш соҳаларининг моддий неъматлар яратишдаги роли қайтадан кўриб чиқилди; иқтисодиётнинг тармоқлар ва секторларга бўлиниши аниқлаштирилди ва хоказолар.

Миллий Хисоблар Тизимининг биринчи халқаро стандарти 1950 йилда БМТ томонидан тайёрланган; БМТ хузуридаги статистика комиссияси томонидан - 1998 йилда маъқулланган иккинчи халқаро стандарт бўйича иқтисодий фаолият натижаларини ўрганиши учун халқаро статистика амалиётида ички ва миллий иқтисодиёт тушунчаларининг қўлланиши, ўз навбатида, ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичларини аниқлаш заруритини келтириб чиқаради.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳудудидаги резидент ва норезидентларнинг иқтисодий фаолиятини ифодалайдиган иқтисодиёт - ички иқтисодиёт деб; қаердан бўлишдан қатъиназар фақат резидентларнинг иқтисодий фаолиятини ифодалайдиган иқтисодиёт эса - миллий иқтисодиёт деб юритилади.

МХТда ички иқтисодиёт чегарасини аниқлаш учун қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

- а) иқтисодий худуд;
- б) резидент;
- в) иқтисодий қизиқиши мақсади.

Шахслар товарлар ва пул маблағларининг эркин ҳаралат қилиши кузатиладиган ҳамда мамлакат ҳукумати билан маъмурий бошқариладиган худудга - иқтисодий худуд деб аталади. Мамлакатнинг географик худудидан фарқли равишда иқтисодий худудга бошқа давлатларнинг элчихоналари, консулликлари ва башқа дипломатик муассасалари киритилмайди.

Қандай давлатга қарашилиги ва фуқаролигидан қатъий назар мамлакатнинг иқтисодий худудида иқтисодий қизиқиши марказида эга бўлган ҳамда бир муддатдан кам бўлмаган давр ичида иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ёки яшовчи барча иқтисодий бирликлар резидентлар деб аталади.

Статистика ва ҳисоботнинг халқаро мстодологияси бўйича резидентлар иқтисодий фаолиятнинг охирги натижага эга бўлиб, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳаларида иқтисодий фаолият натижаларини ҳисобга олиш учун қўйидаги тушунчалар кўлланилади:

- а) маҳсулотлар;
- б) хизматлар;

Моддий шаклга эга бўлган тўғри, фойдали меҳнат натижалари ва энергия маҳсулот ҳисобланади.

Шахсий ва жамият аъзолари эҳтиёжини қондирадиган моддий шаклга эга бўлмаган меҳнат натижалари хизмат ҳисобланади. Иқтисодий бирликлар (корхоналар ва уй хўжаликлиари) ўз истеъмолчи учун яратган қандайдир хизмат, бошқа резидентлар томонидан ишлаб чиқарилмаса иқтисодий фаолият натижаси бўлиб ҳисобланмайди. Демак, спорт билан шуғулланишини ва физиологик эҳтиёжларни қондириш иқтисодий фаолият таркибига киритilmайдi.

Ишлаб чиқариш харажатларини қоплайдиган баҳоларда сотиш учун мўлжалланган маҳсулотлар ва хизматларга - товарлар деб юритилади.

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичининг таърифида унинг З асосий хусусияти кўрсатилган:

1. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи - охири истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати бўлиб ҳисобланади, яъни ЯИМ ҳажмида оралиқ истеъмолнинг қиймати акс эттирилмайди.

2. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи - охирги истеъмол учун ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати бўлиб ҳисобланади, яъни ЯИМ ҳажмида оралиқ истеъмолнинг қиймати акс эттиради.

Ўзининг мустақил баланси ҳамда ҳукуқий шахс мақомига эга бўлган бирликка - иқтисодий бирлик деб юритилади.

3. Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳажмида асосий капиталнинг истеъмоли ҳам акс эттирилади.

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи билан асосий капиталнинг истеъмоли ўртасидаги фарқ - соф ички маҳсулот кўрсаткичини ифодалайди. Соф ички маҳсулот кўрсаткичини аниқлаш учун асосий капиталнинг амортизацияси тўғрисидаги маълумотлар талаб қилинади. Бухгалтерия ҳисобининг асосий капитал амортизацияси тўғрисидаги маълумотлари эса МХТ услубиятига мос келмайди. Чунки, бухгалтерия балансида асосий капиталнинг қиймати икки хил баҳода: дастлабки ва тўла тиклаш баҳоларида ҳисобга олинади. Шунинг учун, МХТ услубияти бўйича иқтисодий фаолият натижаларини ифодалаш учун ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи қўлланади. Агар мамлакат иқтисодиёти ташқи дунёга боғлиқ бўлмаса, ялпи ички маҳсулот қиймати ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил қилинган резидентларнинг ялпи даромадига тенг бўлади. Ҳақиқатда эса мамлакат иқтисодиёти ташқи дунёга боғлиқ бўлмаганлиги сабабли ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллӣ даромад кўрсаткичлари бир-бирига тенг бўлади. Ялпи ва соф ички маҳсулотлар ҳамда ялпи ва соф миллӣ даромад кўрсаткичлари ўртасидаги боғланышларни қўйидагитенгламалар билан ифодалаш мумкин:

1) Соф ички маҳсулот = ялпи ички маҳсулот - асосий капиталнинг қиймати;

2) Ялпи миллӣ даромад = ялпи ички маҳсулот - бирламиши даромад қолдиги;

3) Соф миллӣ даромад = ялпи миллӣ даромад - асосий капиталнинг истеъмоли;

4) Соф миллӣ даромад = соф ички маҳсулот - бирламчи даромад қолдиги;

1993 йилдаги МХТнинг учинчи ҳалқаро стандарти бўйича ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини аниқлаш учун статистика амалиётида қўйидаги баҳолар қўлланилади:

- а) омилли баҳо;
- б) асосий баҳо;
- в) ишлаб чиқариш баҳоси;
- г) харидор баҳоси.

МХТдаги баҳоларнинг ҳосил бўлишини қўйидаги тартибда ифодалаш мумкин:

1) Омил баҳо = меҳнат ҳақи + оралиқ истеъмоли + ялпи фойда.

2) Асосий баҳо = омил баҳо + ишлаб чиқариш соф солиғи;

3) Ишлаб чиқариш баҳоси = асосий баҳо + маҳсулот соф солиги.

4) Харидор баҳоси = ишлаб чиқариш баҳоси + савдо-транспорт устамаси.

Омилли баҳо - ишлаб чиқаришдаги 4 омилнинг қийматини ўзида акс эттиради (ишчи кучи, асосий, айланма фондлар, тадбиркорлик) ва ундан тармоқлараро баланс тузишда фойдаланилади.

Асосий баҳо - бозор баҳоси бўлиб, омил баҳога ишлаб чиқариш соф солиги қўшилади. У ўз навбатида ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар баҳосига бўлинади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг бозор баҳоси - ишлаб чиқарувчи томонидан маҳсулот бирлигининг сотилган баҳосини англатади. Бунда асосий баҳога маҳсулотларга бўлган солик қўшилади (қўшилган қиймат ва импорт солигидан ташқари) ва маҳсулотларга бўлган субсидиялар айрилади. Субсидиялардан ташқари соликлар - соф соликлар деб аталади.

Харидорлар бозор баҳоси - харидор томонидан маҳсулот ва хизматларга тўланган тўловлардир. Буларга маҳсулотларга бўлган соф соликлар ва савдо-транспорт устамалари қўшилади.

ЯИМ (ЯММ) омил баҳо (асосий баҳода) ва харидорлар бозор баҳосида баҳоланиши мумкин. Омилни баҳода ҳисоблаш юқорида қайд қилинганидек фақат ишлаб чиқариш харажатларини ёки асосий фондлар амортизацияси, айланма фондлар қиймати, иш ҳақи ва фойдани ўз ичига олади. Бозор баҳосига эга ундан ташқари яна соф ва тескари соликлар қўшилади.

МХТ ва тармоқлараро баланслардаги ҳар хил баҳолаш усусларида қўшилган қийматнинг ҳосил бўлишини қўйидагича ҳисоблаш мумкни:

1. Иш ҳақи;
2. + Фойда;
3. Омилли баҳодаги қўшилган қиймат;
4. + Ишлаб чиқариш солиги;
5. -Ишлаб чиқариш субсидиялари,
6. Асосий баҳодаги қўшилган қиймат;
7. + Маҳсулотларга соликлар;
8. -Маҳсулотларга субсидиялар;
9. Ишлаб чиқарувчи баҳосидаги қўшилган қиймат;

ЯИМ билан ЯҚҚ йиғиндилиари орасидаги тенглама қўйидаги қўринишга эга:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{ЯҚҚ} + \Sigma C^1 - \Sigma C$$

ЯҚҚ - истеъмолчи баҳодаги ЯҚҚ;

С¹ - маҳсулот солиқлари;
С - маҳсулот субсидиялари.
Агар ялпи маҳсулот ишлаб чиқарувчилар баҳосида баҳоланса, ЯИМ билан ЯҚҚ йигиндилиари орасидаги тенглама күйидеги күриштеги эга бўлади:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{ЯК} + \Sigma \text{ККС} + \Sigma C^1 - \Sigma C$$

ЯҚҚ - ишлаб чиқарувчи баҳосидаги қўшилган қиймат солиғи

C¹ - импорт товарлар солиғи.
C - импортга субсидиялар.

6.5. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлаш усуллари

Ялпи ички маҳсулот ҳажми қўйидеги З усул билан ҳисобланниши мумкин:

- 1) Ишлаб чиқариш усули;
- 2) Тақсимот усули;
- 3) Охирги фойдаланиш усули.

Ишлаб чиқариш усули. ЯИМ кўрсаткичи ишлаб чиқариш усули билан ҳисобланганда, унинг ҳажми мамлакат иқтисодий ҳудудидаги барча резидентлар томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)лар йигиндисига тенг бўлади:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{ЯК}$$

Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини ишлаб чиқариш усули билан ҳисоблаш учун, дастлаб ялпи ишлаб чиқариш кўрсаткичи аниқланиши лозим.

МХТ услубиятига асосан ҳисобот даврида мамлакат иқтисодий ҳудудидаги резидентлар ишлаб чиқарган барча маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг жорий баҳолардаги қиймати йигиндисига - ялпи ишлаб чиқариш деб аталади.

МХТнинг учинчи халқаро стандартига асосан ялпи ишлаб чиқариш қўйидеги элементлардан ташкил топади:

- 1) қаерда фойдаланишидан қатъиназар ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар (бошқа резидентларга жўнатилган маҳсулотлар ҳамда ўз истеъмоли ёки жамғариш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар);
- 2) бошқа резидентларга кўрсатилган бозор хизматлари;
- 3) давлат бошқарув идоралари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг нобозор хизматлари;
- 4) Ҳақи тўланадиган уй хизматкорларининг уй хизматлари;

Ҳақи тўланмайдиган уй хизматлари иқтисодий фаолият соҳасига киритилмайди.

5) Ўз эҳтиёжлари учун уй ва квартира эгалари томонидан кўрсатиладиган уй-жой хизматлари.

Қонун билан таъқиқланган маҳсулотлар ишлаб чиқардиган ва хизматлар кўрсатадиган иқтисодиёт ҳамда қонунан руҳсат этилган, аммо давлат бошқарув идораларидан даромадни яширадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган иқтисодиёт МХТ услугубияти бўйича иқтисодий фаолият соҳасига киритилади.

Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми одатда бир йил учун аниқларади. Шунинг учун маҳсулотлар ҳисобга олиниш вақтида тайёргарлик даражасига қараб уч хил кўринишда бўлади:

- тайёр маҳсулотлар;
- ярим тайёр маҳсулотлар;
- туталланмаган маҳсулотлар.

Иқтисодий бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва хоказо) миқёсида ишлаб чиқарилиши туталланган маҳсулотлар - тайёр маҳсулотлар дейилади. Кўп ҳолларда ишлаб чиқарилиши туталланган ҳамда бептиланган техник талабларга жавоб берадиган маҳсулотларнинг тайёргарлик даражасининг қайд этилиши вақти техник назорат бўлими томонидан қабул қилиниш далолатномаси билан чизмайлаштирилади. Бошқа ҳолларда ишлаб чиқарилиши туталланган маҳсулотларнинг тайёргарлик даражасини қайд этилиши вақти реализация вақтига мос келади (қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлатга сотилиши, умумий овқатланиш маҳсулотларининг сотилиши). Баъзи ҳолларда эса маҳсулотларнинг тайёрлик даражаси вақти қайд этилмайди. Қишлоқ хўжалигига ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар). Бундай ҳолларда маҳсулотларнинг тайёрлик даражаси, вақти ишлаб чиқариш жараёнининг туталланishi вақтига мос келади.

Корхонадаги мавхум бир цехда ишлаб чиқарилиши туталланган ҳамда ўгу корхонанинг бошқа цехларида ёки бошқа корхоналарда қайта ишланиши талаб этиладиган маҳсулотлар - ярим тайёр маҳсулотлар дейилади.

Ярим тайёр маҳсулотларга саноат ва умумий овқатланиш корхоналарининг маҳсулотлари киради.

Корхонанинг маълум бир цехида ишлаб чиқариш жараёни бошланган, лекин ишлаб чиқарилган туталланмаган маҳсулотлар - туталланмаган ишлаб чиқариш дейилади. (саноат ва умумий овқатланиш корхоналарида туталланмаган ишлаб чиқаришга, маълум бир ишлаб чиқариш босқичида ишлаб чиқарилиши туталланмаган маҳсулотлар киради.

Қишлоқ хўжалигининг дехқончилик тармоғида туталланмаган ишлаб чиқариш ҳажми келгуси йил ҳосилини стиштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси билан аниқланади. Чорвачилик тармоғида эса туталланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ёш чорва молларини ўстириши билан боғлиқ бўлган харажатлар суммаси билан аниқланади. Чорвачилик тармоғида эса туталланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ёш чорва молларининг ўстириш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасига тенг бўлади.

Туталланмаган қурилиш ҳажми қурилиши туталланмаган ҳамда буюртмачи ҳақини тўлаган айrim қурилиш ишлари ёки конструктив элементлар қиймати билан аниқланади.

Энди айrim тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми-ни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз:

Саноат тармоининг ялпи илпи ишлаб чиқаришига қўйидагилар киради:

- корхонанинг ялпи маҳсулоти, тайёр маҳсулотлар, ўзида ишлатилгандан ташқари ярим тайёр маҳсулотлар, саноат хусусиятига эга бўлган хизматлар ва туталланмаган ишлаб чиқаришнинг давр охиридаги ҳажми билан давр бошидаги ҳажми қийматларининг фарқи;

- маший хизматлар (кийимлар, оёқ кийимлар, трикотаж ва юнгли буюмларни ташиш ва таъмирлаш).

Уй хўжаликларининг саноат хусусиятига эга бўлган фаолиятига қўйидагилар киради:

- сотиш учун ва ўзи учун ишлаб чиқарилган ўсимлик ёфи, вино ва қурилиш материаллари;

- саноат ва бадиий буюмлар ишлаб чиқариш.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи ишлаб чиқариш дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ва кўрсатилган бозор ва нобозор қишлоқ хўжалиги хизматлари.

Қурилишнинг ялпи ишлаб чиқариш, янги қурилиш ишлари қиймати, мавжуд асосий фондларни кентайтириш ва қайта қуриш ишлари қиймати.

Тўловли хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқариши (комунал хўжалик, маший хизматлар кўрсатиш, тўловли илм олиши ва соғлиқни сақлаш, маданий муассасалар ва хоказо) бу хизматларни кўрсатанлиги учун тўловлар суммалари йифиндисига тенг.

Тўловсиз хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқариши (тўловсиз илм олиш ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, мудофаа, бошқарув, ички ишлар вазилиги) бу хизматларни кўрсатиш учун жорий харажатлар қиймати.

Молиявий сектор ялпи ишлаб чиқариши қўйидагиларнинг

ялпи ишлаб чиқариш йифиндисидан ташкил топади: Республика халқ банки, тижорат банклари, молиявий компания ва корпорацияларнинг хусусий инвестицион фондлари, сугурта компаниилари ва нафака фондлари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар асосида капитал истеъмоли бундан мустасно ва хизматларнинг ишлаб чиқаришига киритилиши вақтида мавжуд бўлган баҳолардаги қийматига - оралиқ истеъмоли дейилади.

Оралиқ истеъмоли қўйидаги элементлардан ташкил топади:

- моддий харажатлар;
- номоддий хизматлар учун тўловлар;
- сафар харажатлари ва меҳмонхона хизматлари;
- оралиқ истеъмолининг бошқа харажатлари.

Товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат буюмлари моддий харажатлар деб юритилади.

Моддий харажатларга қўйидаги меҳнат буюмлари киради:

- а) хомацё материаллари;
- б) ярим тайёр маҳсулотлар ва деталлар;
- в) энергия ва ёқилғининг барча турлари
- г) маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан бөглиқ бўлган орхоналарнинг ишлари ва хизматлари;
- д) ўзининг ва чет корхоналарининг транспорт хизматлари, алоқа ва ҳисоблаш марказларининг хизматлари;
- е) ўраш материалларининг қиймати;
- ж) ходимлар учун зарурий инструментлар, иш кийимларига харажатлар;
- з) корхонанинг бир муассасасидан бошқа муассасага ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун жўнатилган товарлар ва хизматлар;
- и) ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатиш учун меҳмонхона, ресторон, кафеларнинг озиқ-овқат маҳсулотларининг харид қилиши, касалхона ва бошқа медицина муассасаларининг беморлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сотиб олиши;
- к) уй хўжаликларининг инструментлар, иш кийимлари, қурилиш материаллари, уруғ ва ем-хашак харид қилиши;
- л) харбий ташкилотларнинг қуролланиш ва уларни келтириши учун харажатлари;
- м) армия учун формали кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларининг харид қилиниши;

Номоддий хизматлар учун тўловларга қўйидагилар киради:

- а) товар сифатини текшириш учун түловлар;
- б) илмий-текшириш ва экспериментал ишлар учун түловлар;
- в) молиявий воситачиларнинг хизматлари учун түловлар; сугурта хизматлари;
- г) корхона ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўкув муассасаларига түловлар (маҳсулот таннархига киритилидиган);
- д) корхона ходимларининг соғлиғини сақлаш учун соғлиғини сақлаш муассасаларига түловлар;
- е) бино, иншоот, машина ва асбоб-ускуналар учун түловлар; реклама учун түловлар;
- и) товарларни ишлаб чиқариш учун рухсатномага түловлар;
- к) ёнғиндан сақлаш ва қоровуллик хизматлари учун түловлар.

Сафар харажатларига қўйидагилар киради:

- а) иўл харажатлари;
- б) меҳмонхона харажатлари (овқатланиш харажатлари ва майший хизматлар меҳнат ҳақига киритилади).

Оралиқ истесъмолига қўйидагилар киритилмайди:

- а) бино ва ишоотларини капитал тузатиш ёки қуриш учун харажатлар;
- б) натурал шаклдаги ижтимоий ёрдам, ердан фойдаланганлик учун ижара тўлови;
- в) ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган ижтимоий-маданий хизматларнинг қиймати;

Демак, МҲТ услугиятига асосан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи «ишлаб чиқариш» усули билан ҳисобланганда, унинг ҳажми қўйидаги тартибда аниқланади:

- 1) ЯКК=ЯИЧ-ОИ;
- 2) ЯИМ=ΣЯКК;

2. Тақсимлаш усули

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи тақсимлаш усули билан ҳисобланганда, унинг мамлакат иқтисодий ҳудудидаги барча резидент ва норезидентларнинг тўлаинган бирламчи даромадлари йиғиндисига тенг бўлади:

$$\text{ЯИМ} = \Sigma \text{БД}$$

1993 йилда статистика амалиётига киритилган МХТ нийгүүчинчи халқаро стандарты бүйича қуидаги даромадлар бирламчы даромадлар ҳисобланади: 1. Ишлаб чиқариш фаолияттадан олинган даромадлар:

- а) ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи;
- б) ишлаб чиқариш ва импорт соғ солиғи;
- в) ялпи фойда ва ялпи аралаш даромад.

2. Мулқдан олинган даромадлар, яъни бошقا иқтисодий бирлайлар фойдаланиши учун уларнинг ихтиёрига берилган мөмкинливий ва номолиявий активлардан олинган даромадлар:

- а) фоизлар;
- б) дивидентлар;
- в) чет эл инвестицияларини қайта инвестициялаш натижасида олинадиган тушум;
- г) сугурта полисларининг эгаларига бериладиган мулқдан олинадиган даромадлар;
- д) рента.

Ҳисобот даврида ёлланма ходимлар бажарган ишлар учун иш берувчилар томонидан уларнинг пул ёки натура шаклидаги рафбатлантиришиши - ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи деб аталади.

Мамлакат иқтисодий худудидаги резидент ва норезидентларга тўланган меҳнат ҳақи ҳисобланган суммалар асосида ҳисобга олинади ва иккى қисмдан ташкил топади:

- 1) ялпи иш ҳақи;
- 2) ижтимоний сугурта ажратмалари;

Даромад солиги ва ажратмалар учун тўланадиган тўловлар ҳам ялпи иш ҳақи ҳажмида кўрсатилади.

Пул шаклидаги ялпи иш ҳақига қуидаги элементлар киритиади:

а) ҳисобот даврида ёлланма ходимлар бажарган ишлари учун ишбай нархлар, тариф ставкалари ва лавозим маошлари бүйича ҳисобланган иш ҳақи;

б) ишбай нархлар, тариф ставкалари ва лавозим маошларига қўшимча ва устама хақлар; оғир шароитларда бажарилган ишлар учун тўловлар; ишбай вақтидан ташқари ва тўғри вақтларда бажарилган ишлар учун қўшимча хақлар; дам олиш ва байрам кунларида бажарилган ишлар учун тўловлар;

в) чакана нархларнинг ўзгариши муносабати билан тўланган устама хақлар;

г) ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлари ва кўп йиллик ютуқлари учун мукофот ва рафбатлантиришлар;

д) ходимларнинг ҳар йилги таътили учун ва қўшимча тўловлар;

с) ходимлар малакасини ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган ходимларнинг ўқиши даври учун тўланган иш ҳақи;

з) ходимларни тиббий текшириш учун уларга тибиёт мусасасаларида бўлган вақтлари учун тўловлар;

и) меҳнат шартномасида кўрсатилган фойданинг бир қисми;

к) комиссион ва чой пули;

л) ёлланма хизматкорларнинг иш ҳақи;

Натура шаклидаги ялпи иш ҳақига қуйидаги элементлар киритилади:

а) корхоналарнинг ёлланма ходимларига бажарган ишлари учун берилган, яъни шу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар қиймати;

б) айрим тармоқларнинг ўз ходимларига (қонунга мувофиқ) текинга берилган уй-жой хизматлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар, шу жумладан формали қийим-кечакларнинг қиймати ёки уларнинг пасайтирилган нархларда сотилиши муносабати билан имтиёзли суммалар;

в) ходимларнинг яшайдиган уй-жойлари учун корхона томонидан тўланадиган харажатлар;

г) ходимларнинг ошхона, буфет ва даволаниши жойларида текинга ёки имтиёзли суммалар бўйича овқатланиши;

д) ходимларни иш жойларига олиб келиш учун транспорт тўловлари;

е) айрим ёлланма ходимлар учун корхона томонидан тўланадиган сугурта тўловлари;

ж) айрим ёлланма ходимлар учун корхона томонидан нодавлат ижтимоий фондларга тўланадиган ажратмалар;

з) мактабгача таълим муассасалида болаларни тарбия қилиш учун тўловлар; даволаниши мақсадида ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун йўлланма ҳақи;

и) ходимларни рағбатлантириш мақсадида текинга берилган акцияларнинг қиймати ёки акцияларга эгалик қилиш учун уларга берилган имтиёзлар ва натура шаклидаги меҳнат ҳақининг бошқа турлари;

МХТ услугияти бўйича ёлланма - ишчилар учун ҳисобланган иш ҳақдарининг ҳисоблаш методикаси қуйидаги жадвалда ифодаланади:

Ялпи иш ҳақи

Кўрсаткичлар

Қатор рақами

1. Рўйхатдаги ходимларнинг пул ва натура шаклидаги иш ҳақи фонди

01

2. Рўйхатдаги ходимларнинг иш ҳақи фондига киритил-

майдиган харажатлар, МХТ услугияти бўйича эса иш ҳақи фонди-
га киритилган

(03 + 04 4- 05 + 06 + 07) 02

Шу жумладан:

а) бир кечада кундузлик харажатлар ва йўл ҳақи 03

б) кашфиётлар ихтиrolар ва рационализаторлик таклиф-
лари учун раббатлантиришлар 04

в) шахсий сугурта полисига кўра айрим ёлланма ходим-
лар учун иш берувчилар томонидан нодавлат ижтимоий фонд-
ларга тўланадиган ажратмалар 05

г) ёлланма хизматкорларнинг иш ҳақи 00

д) чой пули, совғалар 07

е) шартнома бўйича даволаш муассасаларининг хизмат-
лари учун иш ҳақи фондида ҳисобга олинадиган корхона ха-
ражатлари, МХТ услугияти бўйича эса иш ҳақи фондига кири-
тилмаган 08

ж) меҳнат статистикаси ҳисботида ҳисобга олинмаган
иш ҳақи 09

з) Жами иш ҳақи (01+02-08 + 09) 10

Ижтимоий сугурта ажратмалари икки хил бўлиши мумкин:

а) ижтимоий сугуртага ҳақиқий ажратмалар;

б) ижтимоий сугуртага шартли ҳисобланган ажратмалар;

Ёлланма ходимларнинг келгуси даврларда ижтимоий таъ-
мирлаш мақсадида корхона ва ташкилотларнинг давлат ижти-
моий сугуртаси, нафақа ва тиббий сугурта фондларига қадимги
тўловлари - ижтимоий сугуртага ҳақ шартли ажратмалар бўлиб
ҳисобланади.

Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариш
омилларидан фойдаланиши муносабати билан ишлаб чиқариш
бирликлари томонидан давлат бошқарув идораларига ўтказида-
диган мажбурий текин қайтарилмайдиган тўловлари ишлаб чиқа-
риш ва импорт солиғи деб аталади.

ишлаб чиқариш ва импорт солиғи икки хил бўлади:

- маҳсулот ва импорт солиғи;

- ишлаб чиқаришнинг бошқа солиқлари.

Резидентлар ишлаб чиқарадиган соҳадаги ёки чет эллар-
дан келтириладиган товар ва хизматларнинг қийматига муно-
сиб равища улардан олинадиган солиқлар маҳсулот ёки им-
порт солиғи ҳисобланади.

Маҳсулот ва импорт солиғига қуйидагилар киритилади:

а) қўшилган қиймат солиғи;

б) акциз солиғи;

в) айланма солиғи:

- г) реклама солиги;
- д) фойда солиги;
- г) импорт ва экспорт солиги;

Резидентларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиши ҳамда қандайдир ишлаб чиқариш фаолият билан шуғулланниши учун рухсатномага улардан олинадиган соликлар ишлаб чиқаришнинг бошқа соликлар ҳисобланади.

Иқтисодий бирликлари ихтиёрида ёлланма ходимларга меҳнат ҳақи, давлат бошқарувига ишлаб чиқариш ва импорт солиги тўлангандан кейин қоладиган ялпи қўшилган қийматнинг бир қисмига ялпи фойда деб аталади.

Меҳнат ҳақи ва фойда бирга қўшилган даромад аралаш даромад бўлиб ҳисобланади

3. Охирги фойдаланиш усули

Ялпи ички маҳсулот ҳажми “охирги фойдаланиш” усули билан аниқланганда, унинг қиймати охирги истеъмолни ташкил этувчи элементларнинг суммаси сифатида аниқланади:

1. Охирги истеъмол. Товарлари ва хизматларини харид қилиш учун сарфланган харажатлар;
2. Ялпи жамғариш;
3. Соф экспорт.

Охирги импорт товарлари ва хизматларини харид қилиш учун сарфланган харажатларга қўйидаги харажатлар киритилади:

- уй хўжаликлари томонидан истеъмол товарлари ва хизматларнинг харид қилиш учун сарфланган харажатлар;
- давлат бошқарув муассасалари томонидан алоҳида ёки жамоа бўлиб истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматларни харид қилиш учун сарфланган харажатлар;
- уй хўжаликларида хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар томонидан алоҳида ёки жамоа бўлиб истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматларни харид қилиш учун сарфланган харажатлар.

Уй хўжаликларининг охирги истеъмол харажатларига қўйидагилар киритилади:

- а) истеъмол товарлари ва хизматларининг харид қилинishi учун сарфланган харажатлар;
- б) натура шаклидаги меҳнат ҳақи учун олинган товар ва хизматларнинг истеъмол қилиниши;
- в) уй хўжаликлари ишлаб чиқарган товар ва хизматларнинг ўз эҳтиёжлари учун исътемол қилиниши;

Уй хўжаликларининг охирги истеъмол харажатларида резидентлар чет элларда харид қилган товар ва хизматлар қий-

мат ҳисобга олинади, норезидентлар мамлакат иқтисодий худудида харид қылган товар ва хизматлар қиймати эса ҳисобга олинмайды. Ўй хўжаликларининг охирги истеъмол харажатлари истеъмол товарлари ва хизматлари учун ҳақиқатда тўланган суммалар билан аниқланади.

Давлат бошқарув муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларнинг охирги истеъмол харажатлари қўйидаги тартибда аниқланади:

Ушбу муассасалар ва ташкилотларнинг жорий харажатлари (жорий харажатларда асосий капитал истеъмоли ҳисобга олинади) - уларнинг товар ва хизматларни сотишдан оладиган тушумлари + уй хўжаликларига текинга бериладиган истеъмол товарлари ва хизматларини ушбу муассасалар ва ташкилотлар томонидан сотиб олиниши + давлат ижтимоий сууруга фондлари ҳисобига амалга оширилган уй хўжаликларининг охирги истеъмол харажатлари.

МХТнинг учинчи халқаро стандартида охирги истеъмолни ифодалаш учун янги кўрсаткич, яъни ҳақиқий охирги истеъмол кўрсаткич киритилган. Ҳақиқий охирги истеъмол харажатлари ва натура шаклидаги ижтимоий трансферлар киритилади.

Уй хўжаликларининг ҳақиқий охирги истеъмол харажатлари давлат бошқарув муассасалар ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлардан олинган натура шаклидаги ижтимоий трансферлар суммаси билан аниқланади.

Охирги истеъмол учун фойдаланилмайдиган, жорий даврда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларни резидентлар томонидан харид қилиншишга - ялпи жамғариш деб аталади.

Ялпи жамғаришга қўйидагилар киритилади:

- 1) асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши;
- 2) моддий айланма маблағлар заҳираларининг ўзгариши;
- 3) бойликларнинг харид қилиниши.

Келгуси даврларда даромад олиш учун ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий капитал объектлар учун сарфланган маблағларга - асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши деб аталади.

Бир йилда кам бўлмаган муддат давомида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ишлаб чиқарилган активлар асосий капитал деб юритилади.

Асосий активларга қўйидаги активлар киритади:

- 1) бинолар;
- 2) иншоотлар;
- 3) машина ва асбоб-ускуналар;

- 4) транспорт воситалари;
- 5) ускуналар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари;
- 6) ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар;
- 7) кўп йиллик дараҳтлар;
- 8) фойдали қазилмаларни топиш учун сарфланган маблағлар;
- 9) компьютерлар учун дастурлар яратишга сарфланган маблағлар;

10) адабиёт ва санъатнинг нодир асарлари.

1968 йилдаги МХТнинг халқаро иккинчи сандартида фойдали қазилмаларни топиш учун сарфланган маблағлар; компьютерлар учун дастурлар яратишга сарфланган маблағлар; адабиёт ва санъатнинг нодир асарлари оралиқ истеъмоли тарзида ҳисобга олинган.

1993 йилдаги МХТ нинг учинчи халқаро стандартида эса улар асосий капитал таркибига киритилган, чунки ушбу харатжатларни натижалари ишлаб чиқариш жараёнига узоқ ва кўп марта хизмат қиласи.

Асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши қуйидаги баҳоларда ҳисобга олинади:

- а) асосий капиталнинг харид қилинishi қиймати;
- б) асосий капиталнинг ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар қиймати.

Асосий капиталнинг ялпи жамғаришига ишлаб чиқарилмаган активлар ҳолатини яхшилаш учун сарфланган маблағлар ҳам киритилади.

Ишлаб чиқарилмаган активлар қуйидаги элементлардан иборат: ер ва -табиий ресурслар; патентлар; руҳсатномалар ва хоказо; Ушбу активлар асосий капитал таркибида акс этирилмайди, лекин уларнинг ҳолатини яхшилаш учун сарфланган маблағлар асосий капиталнинг ялпи жамғарилишига киритилади.

Ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар ва қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар қийматининг ҳисобот даврида ўзгаришига - моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгариши деб аталади.

Моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгариши маҳсулотларнинг заҳхирага киритилиш ёки чиқарилиши пайтида бозор баҳоларида ҳисобланган фарқи сифатида аниқланади. Лекин заҳхирага киритилган ва чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида аниқ маълумотларни олиш қийин бўлганлиги учун амалиётда моддий айланма маблағлар захираларининг ўзгариши бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича йил охири ва бошида мавжуд бўлган заҳхира қийматларининг фарқи сифатида аниқланади.

Кийматни аниқданни мақсадида, яъни оралиқ ва охирги иштемолга сарғламайдиган буюмларнинг резидентлар томонидан харид қилинини бойликларнинг харид қилинини деб аталади.

Бойликларга куйидаги буюмлар киритилади: қимматбаҳо металл ва топшар (бойликлар таркибида монетар ҳисобга олинмайди) заргарлик буюмлари: санъатта доир подир асарлар;

Мамлакат иктиносидий ҳудудига чет эллардан келтирилган ва мамлакат иктиносидий ҳудудидан чет элларга чиқарилган товарларнинг қиймати - товар ва хизматлар экспорти ва импорти деб аталади.

Куйидаги шарғли мисолда ялни ички маҳсулот ҳажми қўрсаткичини юқорида баён этилган З хил усул ёрдамида аниқлаймиз (млрд. сўм):

1. Ишлаб чиқариш усули:

1. Асосий баҳолардаги ялни ишлаб чиқариш	1057019,7
2. Маҳсулот солиғи	69179,5
3. Субсидия	17018,0
4. Оралиқ иштемоли	498179,1
ЯММ=ЯИЧ+МС-С-ОИ=	1057019, 7+69179, 5-17018,0-
498179,1=	610993,1 млрд. сўм

2. Таҳсилмаш усули

1. Ялни даромад ва ялни аржалани даромад	309356,6
2. Ёлланма ходимларнинг меҳнат ҳақи	233384,0
3. Ишлаб чиқариш ва импорт солиғи	85270,5
4. Субсидия	17018,0
ЯИМ=(ЯД + ЯАД)+МХ + ИИС-С=	309356,6 + 233384,0 +
85270,5-17018,0 =	610993,1 млрд. сўм.

3. Охирги фойдаланиши усули

1. Ялни мавжуд даромад	610993,1
2. Охирги иштемол харажатлари	418735,7
шу жумладан:	
а) уй хўжаликлари	247082,8
б) давлат муассасалари	134986,4
в) уй хўжаликларига хизмат қўрсатувчи нотижорат таш-килотлар	36676,5
3. Ялни жамғарма (1-2)	192257,4
ЯИМ=ОИХ + ЯЖ=	418735,7 + 192257,4-610993,1 млрд. сўм.

6.6. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш усуслари

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш учун қуийдаги усуслар кўлланилади:

1) баҳо индекси ёрдамида дефляторлаш;

2) икки каррали дефляторлаш;

3) физик ҳажм индекси ёрдамида базис давр кўрсаткичларини экстраполяциялаш;

4) харажат элементларини қайта баҳолаш.

Жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг қийматини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш баҳо индекси ёрдамида дефляторлаш усули билан амалга оширилади:

$$\sum p_1 q_1 / I_p = (\sum p_1 q_1) / (\sum p_0 q_1)$$

$\sum p_1 q_1$ - жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг жорий баҳолардаги умумий қиймати;

$\sum p_0 q_1$ - жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг ўзгармас баҳолардаги умумий қиймати;

Жорий ва базис даврларда умумий охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг умумий қиймати таққосланса, физик ҳажм индекси ҳосил қилинади:

$$I_q = \sum p_0 q_1 / \sum p_0 q_0$$

Баҳо статистикасида Ласпейрес, Пааше ва Фишер индекслари кўлланилади.

Ялпи ички маҳсулотни ўзгармас баҳоларда ва физик ҳажм индексни ҳисоблаш учун қайси индекс кўлланилади деган савол туғилади.

МХТ нинг учинчи халқаро стандартида амалиётда кўллаш учун Фишер индекси тавсия қилинади. Чунки Фишер индекси кўлланилганда «индекслар аксимотик назариясининг» асосий талабларидан бири – индекснинг таққослаш базисига боғлиқ эмаслигини аниқлашадир. Фишер индекси ўрача геометрик міндор формуласи ёрдамида, яъни Фишер, Ласпейрес ва Пааше индекслари кўпайтмасидан олинган квадрат илдиз билан аниқланади:

$$I^F = I^2 \cdot I^P = (\sum p_1 q_0 / \sum p_0 q_0) / (\sum p_1 q_1 / \sum p_0 q_1)$$

Индекснинг таққослаш базисига боғлиқ эмаслиги сабабли талабни ўртача арифметик миқдор формуласи қаноатлантирмайди.

Мисол, агар иккинчи даврдаги баҳонинг биринчи даврдаги баҳога нисбатини ифодалайдиган Лайпейрес индекси 120 га ва фойда миқдори 110 га тенг бўлса, у ҳолда ўртача арифметик миқдор 115 ни ташкил этади, яъни:

$$I_{2/1} = \left(I_{2/1}^F + I_{2/1}^P \right) / 2 = 115$$

Фараз қилайлик, биринчи даврдаги баҳонинг иккинчи даврдаги баҳога нисбатан аниқлаш талаб қилинса, у ҳолда Ласпейрес индекси $I_{2/1}^F = 1/120 = 0,833$, Пааше индекси $I_{2/1}^P = 1/110 = 0,909$ га тенг бўлади. Ўртача арифметик миқдор эса $I_{2/1} = \left(I_{2/1}^F + I_{2/1}^P \right) / 2 = (0,833 + 0,909) / 2 = 0,871$

Иккинчи даврдаги баҳонинг биринчи даврдагига баҳога нисбати ҳисобланса, у ҳолда $I_{2/1} = 1/0,871 = 114,8$ га тенг бўлади.

Демак, тўғри ва тескари индексларнинг бир-бирига тенг бўлмаслиги, ўртача арифметик миқдорнинг таққослаш базасига боғлиқлигини кўрсатади. Фишер индекси кўлланилган ҳолда эса ҳисоблаш натижаси таққослаш базаси учун биринчи давр олинса, у ҳолда:

$$\left(I_{2/1}^F \right)^2 = 120 \cdot 110 = 114,9$$

Агар таққослаш базаси учун иккинчи давр олинса, у ҳолда:

$$\left(I_{2/1}^F \right)^2 = 0,833 \cdot 0,909 = 0,870$$

$$I_{2/1}^F = 1/0,870 = 114,9$$

МХТнинг учинчи халқаро стандарти бўйича статистика амалиётида Ласпейрес ва Пааше индексларидан фойдаланилади, шунинг учун индекслар икки хил мақсадда кўлланилади:

1) аналитик;

2) техник.

Аналитик мақсадда фойдаланилганда баҳо индекси баҳо динамикасини ўрганиш учун кўлланилади, яъни бу мақсад учун Ласпейрес индекси тавсия қилинади. Чунки мақсадда фойдаланилганда сотилган маҳсулот миқдори олинади. Техник мақсадда фойдаланилганда баҳо индексини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш учун кўлланилади, яъни у мақсад учун Пааше индекси тавсия қилинади. Чунки физик ҳажм индекси билан баҳо индексининг кўпайтмаси қиймат индексига тенг бўлади:

$$\sum p_1 q_1 / \sum p_0 q_0 = \left(\sum p_1 q_1 / \sum p_0 q_1 \right) \cdot \left(\sum p_0 q_1 / \sum p_0 q_0 \right)$$

баҳо, физик ҳажм ва қиймат индекслари орасындағы боғланыш “индекслар аксиоматик назариясы”нинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ласпейрес ва Пааше формуласининг камчилити шундаки, бунда:

А) агар баҳо динамикани ўрганиш учун Ласпейрес формуласи күлланилса, у ҳолда жорий даврда ишлаб чықарылган товар ва хизматларнинг қиймати ҳисобга олинмайди;

Б) агар баҳо динамикаси ўрганиш учун Пааше формуласи күлланилса, у ҳолда биринчидан, жорий даврда ишлаб чықарылган янги товар ва хизматларнинг қиймат базис даври учун қандай ҳисобланиши номағым, иккинчидан, “ўрин алмаштириш самараси”нинг кучи камайтирилади. Масалан, истеъмолчи вақт ўтиши билан арzon баҳоли товар ва хизматларни харид қиласи. Харатжатлар умумий ҳажмида арzon баҳоли товар ва хизматларнинг салмогининг ортиши баҳо индексининг пасайишига олиб келади.

Фараз қиласи, базис даврда А ва В товарларнинг салмоги бир хил, яъни 50 фойзга тенг бўлсин. Жорий даврда А товарнинг баҳосининг 2 марта ортиши, унинг салмогини 10 фойзгача камайтирилсин. Агар баҳо индексини ҳисоблаш учун Пааше формуласи күлланилса, у ҳолда:

$$\begin{aligned} I^P &= \sum p_1 q_1 / \sum p_0 q_1 \cdot 100 = (\sum p_1 q_1 / \sum p_1 q_1) / I_p \cdot 100 = 1 / (\sum d_i / i_p) \cdot 100 = \\ &= 1 / (0,2 / 2 + 0,9 / 1) \cdot 100 = 105\% \end{aligned}$$

агар Ласпейрес формуласи күлланилса, у ҳолда:

$$I^2 = \sum p_1 q_0 / \sum p_0 q_0 \cdot 100 = (\sum i_p p_0 q_0) / \sum d_i \cdot 100 = (2 \cdot 0,5 + 1 \cdot 0,5) \cdot 100 = 150\%$$

агар А товар салмоги 0 гача камайса, Пааше формуласи баҳо дараражасини ўзгармасдан қолишини кўрсатади. Ҳакиқатда эса А товар баҳосининг ошиши унинг салмоги пасайишига олиб келади. Демак, Пааше формуласи истеъмол товарлар таркибининг ўзгаришига боғлиқ деб хулоса чықарыш мумкин. Жорий даврда охирги истеъмол учун фойдаланилган товар ва хизматларнинг қийматини ўзгармас баҳоларда оширилади. Икки каррали дефляторлаш усули қўлланилганда дастлаб ялпи ишлаб чықариш, кейин эса орлик истеъмоли ўзгармас баҳоларда ҳисобланади. Ўзгармас баҳоларда ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми қуйидаги муносабат билан аниқланади:

$$\text{ЯИМ} = \text{ЯИЧ-ОИ} + \text{МИИС}$$

Мисол. Қуйидаги матъумотлар асосида ЯИМ ҳажмини ўзгармас баҳоларда ва ЯИМ физик ҳажмнинг индекси ҳисоблансин.

Кўрсаткичлар:

	Давр	Индекс	
	базис жорий баҳо ҳажм		
1. Моддий ишлаб чиқариш тармоқтарининг ялпи ишлаб чиқариши	100	200	160
2. Бозор хизматларини ялпи ишлаб чиқариш	150	450	250
3. Жамоага хизмат кўрсатиш учун бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари	80	160	120
4. Алоҳида корхоналарга хизмат кўрсатиш учун бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари	50	95,7	116
5. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларидағи оралиқ-оралик истеъмоли	40	90	180
6. Бозор хизматлари соҳасида оралиқ истеъмоли (ялпи ишлаб чиқаришга нисбатан фоиз ҳисобида)	30	28	-
7. Бюджет ташкилотларининг оралиқ истеъмоли	32,5	66,5	175
8. Маҳсулот ва импорт соғиф солиги	24	60	240

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда икки каррали дефляторлик усули ёрдамида ҳисоблаш услугияти:

1) Базис даврдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми:

$$\sum p_0 q_0 = 100 + 150 + 80 + 50 = 380 \text{ млрд. сўм}$$

2) Жорий даврдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми базис давр баҳоларида:

$$\sum p_0 q_0 = 40 + 0,3 + 150 + 32,5 = 117,5 \text{ млрд. сўм}$$

3) Базис даврдаги оралиқ истеъмол:

$$\sum p_0 q_0 = 40 + 0,3 \cdot 150 + 32,5 = 117,5 \text{ млрд. сўм}$$

4) Жорий даврдаги оралиқ истеъмоли базис давр баҳоларида:

$$\sum p_0 q_1 = 90 / 1,8 + 0,28 * 450 / 2,5 + 66,5 / 1,75 \text{ млрд. сўм}$$

5) Базис даврдаги ЯИМ ҳажми:

$$\sum p_0 q_1 = 380 - 117,5 + 24 = 286,5 \text{ млрд. сўм}$$

6) Жорий даврдаги ЯИМ ҳажми базис давр баҳоларида:

$$\sum p_0 q_1 = 459 - 1384 + 60 / 2,4 = 3456 \text{ млрд. сүм}$$

7) ЯИМ физик ҳажм индекси:

$$I_q = \sum p_0 q_1 / \sum p_0 q_0 = 3456 / 2865 = 1,241 \text{ ёки } 124,1\%.$$

Демак, ўзгармас баҳоларда (базис давр) ҳисобланган ЯИМ жорий даврда базис даврга нисбатан 24,1 % га ортган.

Қисқача хулосалар

Макроиқтисодий фаолият дейилганды иқтисодиётдаги барча субъектлар фаолиятининг йиғиндиси тушунилади ва унинг ҳаммаси маҳсулотлар ва күрсатилган хизматлар сифати юзага келади. Макроиқтисодий фаолият натижасини аниқлашнинг назарий асоси бўлиб, товар ва хизматларнинг доиравий айланиш модели ҳисобланади.

Макроиқтисодиётда турли мақсадларга йўналтирилган кўплаб ялпи миллий маҳсулот, соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва бошқалар. Улар орасида энг асосийи бўлиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи ҳисобланади. Унинг ҳажмини аниқлашнинг уч хил усули мавжуд (ишлаб чиқариш, тақсимот ва якуний истеъмол). ЯИМ бу йил давомида мамлакатда яратилган пировард маҳсулотнинг қийматини ифодалайди.

Соф миллий маҳсулот — микдоран ЯИМдан асосий фондлар истеъмоли (амортизация)ни чегириб ташлагандан сўнг қолган қисмига тенг.

Соф миллий маҳсулотнинг жамият аъзоларига уларнинг даромади сифатида теккап қисми миллий даромад деб юритилади.

ЯИМ ҳажмини аниқлашда тўрут хил баҳо тизими дан фойдаланилади: омилли баҳо, асосий баҳо, ишлаб чиқариш баҳоси, харидор баҳоси, ЯИМ динамикасини аниқлаш мақсадида ўзгармас баҳолардан фойдаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Товар ва пуллик хизматларнинг доиравий айланиш мөделини тушунтиринг.
2. Ялпи ички маҳсулот (товар бозор баҳоларидан қандай ҳисобланади?
3. ЯИМни ҳисоблаш усулларини тушунтиринг.
4. Ялпи миллий даромад қандай ҳисобга олинади?
5. Соф фойда қандай топилади?
6. Макроиктисодий кўрсаткичларнинг баҳолаш усуллари ни тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. 100 саволга жавоб. – Т.: Мехнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набиев Ҳ.Н., Набихўжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизми. – Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финстатинформ, 1998.
8. Европейская система интегрированных экономических счетов. – М.: Экономика, 1994г.

VII боб

МОЛИЯ – КРЕДИТ ТИЗИМИ СТАТИСТИКАСИ

7.1. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари кўсаткичлари ҳамда бюджет камомадини статистик ўрганиши

Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати ва хўжалигининг ривожланишида бюджет-солиқ тизими муҳим роль ўйнайди. Бюджет-солиқ сиёсати иқтисодий ресурслардан ялпи фойдаланишига ва ялпи талаб даражасига таъсир этади, тўлов балансининг ҳолатини, қарздорлик ва иқтисодий ўсиш даражасини белгилайди.

Мамлакат бойлигининг тақсимланиши, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар харажати, солиққа тортиш ва давлат харажатлари, қарз олиши жараёнидаги сиёсат, макроиқтисодистдаги дисбаланслар бюджет камомадига боғлиқ ва у билан ифодаланади.

Давлат молия статистикаси бўйича давлат бошқарув ташкилотларига қўйидагилар киради:

- марказий ҳукумат;
- регион ёки маҳаллий даражасидаги ташкилотлар;
- маҳаллий ташкилотлар.

Давлат бошқариш ташкилотлар секторидаги бюджет операциялари жуда бўлмаганда марказий ҳукуматни ўз ичига олиб, бу ҳукумат давлат бюджетини ташкил этади. Қўп мамлакатларда бюджет операциялари билан регион ва маҳаллий бошқарув ташкилотлар (органдари) ҳам шугулланади.

Ҳар бир даражадаги давлат бошқарув ташкилотлари қўйидаги операцияларни бажаради:

- бюджет операциялари;
- бюджетдан ташқари операциялар;
- ижтимоий сугурталаш фондлари маблағлари билан боғлиқ операциялар.

Бюджет операциялари бюджет орқали амалга оширилади. Бюджетдан ташқари операциялар эса мажбурий тўлов ва бадаллар орқали олиб борилади. Масалан: ёқилғига қўйилган маҳсус солиқ маблағлари йўл-транспорт хўжалигини сақлаб қолиш учун сарфланади.

Давлат молия статистикаси жараёнидаги операциялар касса ёки тўлов принципи асосида қайд қилинади. Олинган маблағлар ва тўловлар касса принципи бўйича молиявий ҳисобкитоб вақтига ҳисобга олинади.

Давлат операцияларини бюджет усулида олиб бориш уларни шул-кредит ҳисоб варакаларида қайд этилган ҳолати билан солиштириш имкониятини беради. Бундай таққослаш иқтисодий таҳлил нуқтаи назаридан жуда муҳим, чунки касса принципи асо-

сида қайд этилган операциялар (давлат молия статистикаси) ва ўтказиш усулида ҳисоблаш (начисления) усулидаги операцияларни чизмайлаштиришда маълум бир фарқ пайдо бўлади. Бу фарқ асосан товарлар бўйича қарз муддати ўтиб кетиши билан боғлиқ. Бундай фарқ давлат бошқариш ташкилотларини ўз мажбуриятларини вактида бажара олмаслигини кўрсатади ва касса асосида ҳисобланган бюджет билан ўтказиш усулида ҳисобланган бюджет миқдорлари орасида анчагина фарқ пайдо бўлишига олиб келади.

Ўтказиш усулида ҳисобланган бюджет мамлакатининг ташки ва ички мажбуриятларини тўлиқ ифодалайди, касса усулида ҳисобланган бюджет эса ҳақиқий фоиз тўловларини ифода этади.

Давлат молия статистикаси тизими давлат бошқарув органларининг барча операцияларини миллтий ва жаҳон иктисолдиёти барча секторлари билан бўлган соҳаларини қамраб олади.

Бу тизимнинг асосий принциплари ўз ичига қуидаги тушунчаларни олади:

- даромадлар, киirimлар, тўловлар ва харажатлар. Биринчидан, барча даромадлар - киirimлар, лекин ҳамма киirimлар даромад бўла олмайди. Мажбуриятни қўшаши билан боғлиқ бўлмаган киirimларнинг барчаси даромаддир. Давлатта кредит шаклида тўланган киirimлар даромад эмас, чунки улар қайтарилиши керак.

Шунга ўхшаш ҳамма тўловлар ҳам харажат бўлмайди. Масалан: кредитни қайтариб бериш бу харажат эмас, лекин фоиз тўлови харажатдир;

- ялпи ва соф сумма. Даромадлар ва харажатлар одатда унинг ялпи миқдори (суммаси) билан кўрсатилади.

- икки томонлама ва бир томонлама операциялар натижасида пул товар ёки хизмат эвазига тўланади. Бир томонлама операцияларда эса тўлов қандайдир товар ёки хизматта эга бўлиш билан белгиланмайди (масалан, трансферт ёки грант).

- солиқ ёки носолиқ бўлмаган тушумлар; даромадлар (грантлардан ташқари) барча қайтмайдиган тушумларни ўз ичига олади.

Даромадларни икки турга бўлиш мумкин:

- жорий маблағлар ҳисобига тушган даромадлар ва капитал эвазига тушган даромадлар. Солиқ эса давлат органлари томонидан олинган (бир томонлама тушумлар) ва ижтимоий эҳтиёжлар учун сарфланган бир томонлама тушумлардир.

Солиқ тушумларига фискал монополиялар томонидан давлат бюджетига туланган даромадлар ва ижтимоий сугурта бўйича мажбурий операциялар киради.

Носолиқ тушумлари - мулк эгалигидан тушган даромад, тўловлар, жарималар ва давлат корхоналари томонидан фойдадан ажратмалардир.

- бегараз тушумлар – бу бошқа мамлакат хукуматларидан ва ҳалқаро ташкилотлардан бир томонлама тушумлардир;

- давлат ташкилотларини соф кредитлаш - соф кредитлаш (кредит минус сўндирилган кредит) эмас, балки давлат сиёсатига оид масалани ҳал этиш тадбиридир. Масалан, кичик фирмаларга бюджет субсидиялар. Давлат молия статистикаси бўйича соф кредитлаш молиялаштириш эмас, балки харажатлардир.

- банк капиталини тўлдириш. Айрим мамлакатлarda хукуматга қисман ёки тўлиқ тегишли банклар капитал етишмаслигини ҳис этади. Бу ҳолатда мамлакат хукумати уларнинг капиталига маблағ қўшиш ёки қарз мажбуриятлари ўрнини олиши мумкин;

- давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар;

- марказий банкнинг фойдаси. Марказий банк томонидан хукуматга ўтказилган фойда даромад ҳисобланади.

Шундай қилиб давлат бошқарув органларининг операциялари даромадлар ва харажатларга бўлинади. Уларнинг таснифи иқтисодий мазмуни асосида олиб борилади.

Бюджет операциялари кўйидагича гурухланиши мумкин:

- даромадлар ва трансферлар;
- солиқ тушумлари;
- кўйимча қўйматдан олинган солиқ;
- акциз ҳолиқлари;
- корпорациялардан олинадиган даромад солиғи;
- шахсий даромадлардан олинадиган солиқ;
- ижтимоий сурурта ва пенсиялардан олинадиган солиқ;
- ташқи савдо солиқлари;
- бошқа солиқ тушумлари;
- соликдан ташқари тушумлар;
- лицензия, йигим ва ҳоказо;
- марказий банк фойдасидан ажратмалар;
- трансферлар;
- харажатлар ва соф кредитлаш;
- жорий харажатлар;
- иш ҳаки;
- товар ва хизматлар;
- фоиз тўловлари;
- ташки фоиз тўловлари;
- ички фоиз тўловлари;
- пенсиялар;
- трансферлар;
- субсидиялар;
- бошқа харажатлар;
- капитал қўйилмалар;

- соф кредитлаш;
- янги сиёсат доирасидаги кредитлаш (дөхçon хўжаликлари ва давлат хўжаликлари ва субсидиялар). Сўндирилиши ҳисобидан тўловлар;
 - умумий сальдо = (даромадлар ва трансфертлар) – (харажатлар ва соф кредитлаш);
 - молиялаштириш;
 - ташқи молиялаштириш;
 - янги қарз олишлар;
 - қарз тўлаш ҳисобига тўловлар;
 - ички молиялаштириш;
 - ички банк молиялаштириш;
 - банқдан ташқари молиялаштириш.

Бюджет балансини қўйидагича ифодалаш мумкин:

умумий камомадлар = (даромад + олинган грантлар) (харажатлар + қопланган қисми чегириб ташланаган кредитлар).

Бошқа усулда бюджет камомадини қўйидагича аниқлаш мумкин:

умумий камомадлар/мусбат сальдо = молиялаштириш = (заёмлар - амортизация) – нақд пулнинг соф ўзгариши.

Демак давлат бюджети дефицити - бу даромад ва грантлар ҳисобига бўлган тущумдан харажатлар ва соф кредитлаш микдорининг бир қангча устунлиги. Бу камомад давлат бошқарув органлари томонидан ёки қарз олиш ёхуд ўзининг мавжуд маблаглари ҳисобига қопланади.

Бюджет балансини аниқлаш ва бюджет баланси камомади таҳлили ўта муҳим ва бу таҳлил давлатнинг молиявий ахволи, пул, кредит соҳаси, ички талаб ва тўлов билансини тўлиқ ифода этади.

Бюджет баланси ва бюджет камомадини ҳисоблашнинг бир неча усули бўлиб, ягона усули йўқ. Қўйилган мақсадларга қараб бюджет баланси ҳар хил усулларда ҳисобланиши мумкин.

Балансни ҳисоблашда қўйидагилар эътиборга олиниши керак:

- дисбаланс тури;
- қамраб олиш жараёнини (марказий хукумат, давлат бошқарув сектори ёки давлат секторлари);
- бухгалтерия ҳисоби усули (касса принципи усули);
- шартли мажбуриятлар ҳолати.

Баланс ҳар хил усулларда ҳисобланиши мумкин:

а) жорий бюджет баланси (жорий операциялар бўйича баланс). Бу баланс жорий даромадлар ва жорий харажатлар асосида аниқланади ва жорий бюджет сальдоси = давлат жамғармалари = ялпи жорий даромадлар - ялпи жорий харажатлар.

б) бирламчн ёки фоизсиз баланс. Бу баланс фоизли тў-

ловларни ўз ичига олмасдан, жорий бюджет сиёсатининг ҳар хил босқичлардаги самарасини аниқлашга имкон беради.

в) оператив баланс – бу, анъанавий баланс ёки бирламчи баланс + реал фоиз тўловлари (инфляцияни ҳисобга олмаган фоизлар).

Даромадлар таҳлили

Макроиктисодий нуқтаи назардан давлат бюджети даромадлари динамикаси даромадларни ялпи ички маҳсулот миқдорига нисбатан тақдослаши лозим. Бюджет камомадини камайтириш зарурияти солиқлар ҳажмини ошириш билан боғлик бўлса, у ҳолда давлат харажатларини камайтириш билан боғлик харажатларини иқтисодий харажатлар билан солишириш зарур.

Солиқ тизими самараорлагини аниқлашда эластик коэффициенти ва солиқлар динамикаси кўрсаткичидан фойдаланилади.

Эластик коэффициенти кўйидагича ҳисобланади:

Солиқ тушумларининг эластик коэффициенти = солиқ тизими ўзгармас ҳолидаги солиқ тушумининг фоиздаги ўзгариши / солиқка тортиш базасининг фоиздаги ўзгариши.

Агар солиқка тортиш базаси кўрсаткичи ўрнига ялпи миљий маҳсулот кўрсаткичидан фойдалансак, у ҳолда ЯММ бўйича эластиклик коэффициенти кўйидагича бўлади:

Эластиклик коэффициенти = $(\Delta AT/AT) / (\Delta YMM / YMM)$

Бу ерда: ΔAT - ўзгармас солиқ тизимидағи солиқ тушумларининг фоиздаги ўзгариши;

AT - солиқка тортиш базасининг фоиздаги ўзгариши;

ΔYMM - ялпи миљий маҳсулот ҳажмининг кўшимча ўсиши;

YMM - ялпи миљий маҳсулот ҳажмининг базавий даражаси.

Эластиклик коэффициенти I дан юқори бўлса, у ҳолда солиқ тизими ҳам эластик (мосланувчан) ҳисобланади, яъни янги солиқлар ва солиқка тортиш меъёрлари ўзгармаган ҳолда солиқлар ҳажми **ЯИМ** нисбатан ўсади. Эластиклик - бу ижобий ҳолат ва қайси мamlакатда давлат харажатлари ўсиши суръатлари **ЯИМнинг ўсиши** суръатларидан юқори бўлса, бу ҳолатни аниқлаш керак.

Солиқлар динамикаси олинган солиқ суммасини **ЯИМ** нисбий ўсишига нисбатан олинади.

Унинг формуласи кўйидагича:

Динамика коэффициенти = $((\Delta T/T) / \Delta YIM)/YIM$.

Бу ерда:

T - солиқ миқдори (суммаси);

ΔT - жорий даврда солиқлар миқдорининг мутлақ ўзгариши.

Солиқ тизимини баҳолаш учун бир неча меъzonлар кўлланади. Бунинг учун Танзи диагностик тестидан фойдаланиши мумкин.

Даромадлар самарадорлигини баҳолаш учун Танзи диагностика тести қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Концентрация индекси. Умумий даромадларнинг аксаријат қисми камроқ солиқ турлари ва солиққа тортиш ставкалари ҳисобига олинадими?

2. Дисперсия индекси. Кам тушумли солиқлар борми ва бундай солиқлар солиштириш учун ноқулайми?

3. Эрозия индекси. Ҳақиқий солиқ базалари потенциал солиқ базаларига тентми ёки фарқы борми ва бу фарқ қанча?

4. Кечикиб қолиш индекси. Солиқлар қанча вактда тўланади? Кечикиб қолса бу кўрсаткич динамикаси?

5. Аниқ индекси. Солиқ тизимида имкон қадар кам бўлган конкрет ставкали солиқлар сони асосланилганми?

6. Объективлик индекси. Олинадиган солиқлар қанчалик объектив аниқланган солиққа тортиш базасидан олинади?

7. Солиқлар олиш даражасининг таъминланиш индекси. Солиқлар тўлиқ йиғиб олинадими?

8. Солиқлар олингандаги харажатлар индекси. Солиқларни йиғиб олиш бўйича бюджет харажатлари қанчалик энг кам меъёрига (минимумга) келтирилган?

Барча саволлар бўйича ижобий жавоблар ушбу мамлакатнинг солиқ тизими самарали, тушумлар нуқтаи назаридан эса энг юқори баҳога лойиқ эканлигини кўрсатади.

Солиқларни йиғиши даражасини ифодаловчи самарадорлик индикатори бу самарадорлик коэффициентидир.

Самарадорлик коэффициенти = Солиқ тушумлари / ЯИМ.

Давлат харажатлари таҳлили

Давлат харажатлари – давлат бошқарув органлари томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, даромадларни трансферт қилиш билан боғлиқ харажатлардир.

Харажатлар даражаси ва таркибини баҳолашда маҳсус аналитик усул қўлланилади.

Бу усул ўз ичига беш элементни олади:

- ялпи харажатлар даражаси ва макроиқтисодий таҳлилга мойил бюджет баланси;

- хусусий сектордан товар ва хизматлар бажарилиши учун оқилона фойдаланиш;

- берадиган самараасига қараб харажатларни тақсимлаш;

- маълум дастур ёки секторга сарф қилинадиган харажатлар таҳлили;

- бюджет институтларининг батафсил таҳлили (ялпи харажатлар микдорини камайтириш ва тақсимланадиган ха-

жатлардан юқори самарали фойдаланиш мақсадида).

Давлат харажатлари турлари иш хақи, товар ва хизматлар, субсидиялар, трансфертлар, фоиз түловлари ва капитал қўйилмалари.

Давлат даромадлари ва харажатлари баланси — давлат бюджети ўз ичига кўйидаги кўрсаткичларни олади.

6-жадвал

Давлат бюджетининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	млн.сўм
1. Маҳсадли фоизлар даромадларни ҳисобга олмаган даромадлар. Жами:	
<ul style="list-style-type: none"> - кўшимча қиймат солиги; - акцизлар; - юридик шахслар фойдасидан олинадиган солиқ; - жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ; - республика худудига киритилган товарлардан олинадиган йиғим; - ишбизармон шахслар даромадидан олинган солиқ; <p>Мутук солиги:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ер солиги; - ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун солиқ; - экология солиги; - бошқа солиқ ва даромадлар; - кўпроқ солиқ олинганинги сабабли қўшимча даромадлар. 	
2. Маҳсадли фондлар даромадлари: Жами:	
<ul style="list-style-type: none"> - шу жумладан: - пенсия фонди; - бандлик фонди; <p>Давлат мулк кўмитаси маҳсус счети йўл фонди.</p>	
Жами даромадлар	
Даромадлар камомади	

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромад қисми қарийб 622 миллиард сўмни, бошқача айтганда режага нисбатан 100,3 % ни, харажатлар қисми эса 658,7 миллиард сўмни, яъни режага нисбатан 99,0 % ни ташкил этди. Олий Мажлис томонидан 3 % даражасида белгиланган Давлат бюджети тақчиллиги хақиқатда 1,8 % бўлишга эришилди. Ялпи ички маҳсулотга нисбатан Давлат бюджети даромадлари 30,4 % ни, харажатлари эса 32,2 % ни ташкил этди. Давлат бюджети даромадларининг асосини ташкил этадиган солиқларга назар ташласак, 1998 йилда бевосита солиқлар умумий даромадларнинг 31,2 %ини ташкил этган бўлса, 1999 йилда 29,4 % га етди.

Билвосита солиқларнинг Давлат бюджети умумий даромадлари-даги улуши эса ошиб, 46,1 % ни ташкил этди.

Давлат бюджети тақчилитини қоплашнинг асосий маңбаси Давлат қисқа муддатли облигациялари ва бошқа иоинфляцион маблағлардан ташкил топади. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг давлат бюджетини қоплаш ҳажми 11,75 млрд. сўмни, бошқача қўлиб айтганда ялпи ички маҳсулотнинг 0,6 % ни ташкил этади.

Бюджет камомадининг таҳчили

Юқорида кўрсатилгандек, бюджет тақчилити ҳар хил усулларда ҳисобланиши мумкин. Асосий усул бюджет даромадлари ва харажатларини солиштириш усулидир.

Умумий камомад = (даромад + грантлар) - (харажатлар + кредитнинг қопламаган қисми) ёки

Умумий фарқ = молиялаштириш = (зәёmlар - амортизация) накд пулнинг соғ ўзгариши.

7-жадвал

Давлат бюджети тақчилигини қоплашнинг асосий манбалари

Кўрсаткичлар	млн.сўм
<p>1. Мақсадли фоизсиз харажатлар – жами:</p> <p>шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none">- ижтимоий-маданий тарбиrlарга харажатлар. <p>Шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none">- маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт;- фан ва маданият, оммавий алоқа воситалари;- ижтимоий таъминот;- аҳодини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари – жами;- ҳалқ ҳўжалиги учун харажатлар;- марказлашган сармояллар харажатлари;- давлат бошқарув органдарини сақлаш харажатлари;- резерв фонди;- бошқа харажатлар.	
<p>2. Мақсадли фоизли харажатлар – жами:</p> <p>шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none">• пенсия фондлари;• бандлик фонди;• давлат мулк кўмитаси счети;• йўл фонд.	
<p>Жами харажатлар:</p>	

7.2. Банк статистикасинийг асосий күрсаткичлари

Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими, шу жумладан бу тизимнинг йирик қисми – банк тизими жуда катта аҳамиятта эга. Банк тизими асосан икки поғонали бўлиб, у ўз ичига юқорида – Марказий банкни, куйида тижорат банкларини олади. Банк тизимнинг таҳлили аввало уларнинг баланси таҳлилидан бошланади.

Банк фаолиятини ифодаловчи энг асосий маълумотлар манбайи банк баланси, даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоботи.

Банк балансида банк томонидан жалб қилинган ва ўз маблағлари ва шу маблағларни жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар ўз ифодасини топади, яъни маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операциялар пассив операциялар, уларни жойлаштириш билан боғлиқ операциялар актив операциялар деб аталади.

Банк балансини куйидаги формула ёрдамида ифода этиш мумкин:

Активлар = мажбуриятлар + капитал.

Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоботида қўйидагилар кўрсатиласди:

Даромадлар	Харажатлар
Фоизли даромадлар	Фоизсиз даромадлар
Фоизли даромадлар	Фоизсиз даромадлар
Жами	Жами

Банк акцияси қиймати = келажакдаги дивидентлар тушуми / дисконт даражаси.

(1)

Бу ерда: $E(D_t)$ - акционерлар томонидан келажакда тўланадиган дивидентлар миқдори;

K - энг минимал даромад даражаси;

t - давр.

Банк фаолиятини ифодаловчи яна бир муҳим кўрсаткич фойдалилик (рентабеллик) кўрсаткичлари.

Банк фаолиятини ифодаловчи рентабеллик кўрсаткичи:

Акционер капиталига тўғри келадиган фойда (ROE) = СОФ фойда / акционер капитал.

(2)

Активлар бирлигига түгри келадиган фойда (ROA) = соф фойда / активлар
 (3)

Соф фоизли маржа = (Фоизсиз даромадлар – фоизли харжатлар) / активлар
 (4)

Соф фоизсиз маржа = (Фоизсиз даромадлар - Фоизсиз харжатлар) / Активлар.
 (5)

Операцион фойданинг маржаси = (операцион даромадлар - операцион харжатлар) / активлар.
 (6)

Битта акцияга түгри келадиган соф фойда = Соф фойда / муюмаладаги оддий акциялар сони.
 (7)

Банкнинг фоизли даромадларини берилган кредитлари учун фоиз тўловлари, банк сотиб олган қимматли қоғозлардан тушган фоизлар, бошқа кредит ташкилотларининг кўйган маблағларидан тушган фоиз тўловлари ва ҳоказолар киради.

Банкнинг фоизсиз даромадлари эса бу асосан ҳар хил маслаҳатлар (консалтинг), траст хизматлари учун тўловлар, гонорар ва шунга ўхшаш даромадларидир.

Банкнинг фоизли харжатлари - банкка қўйилган маблағлар (депозит, заём учун банк тўловлари) ва шунга ўхшаш банкнинг фоиз тўловлари.

Банкнинг фоизсиз харжатлари асосан банк ходимларига тўланадиган иш ҳақи, коммунал тўловлари, ижара тўловлари ва ҳоказолар ташкил этади.


Банк баланси маълумотлари асосида бу баланснинг таркибий қисмлари, улар орасида ва ҳар бир қисмни ташкил этувчи кўрсаткичлар орасидаги нисбат, мутлақ ва нисбий микдорлар усули асосида махсус таҳдидлар ўтказиш мумкин.

Банк акционерлик шаклида тузилган бўлса, у ҳолда унинг энг асосий кўрсаткичларидан бири – банк акциясининг (курс) ўзгариши.

Акция қийматини ўзгаришини қўйидаги формула асосида хисоблашимиз мумкин:

$$\text{Банк акциясининг қиймати} = \sum \frac{E(D_i)}{(1+K)^i}$$

Давлат бюджети камомадини ўлчаш ва таҳлил қилиши



5-чизма. Давлат камомадни ўлчаш ва таҳлил этиш.

$\text{СМРЭД} = (\text{Фоизли даромадлар} / \text{даромад келтирувчи активлар} \text{ Фоизли харажатлар} / \text{банкнинг фоиз тўланадиган пасивлари})$.
(8)

Банкнинг даромад келтирувчи базаси = Даромад келтирувчи активлар / Активлар.
(9)

Банк фойдалилигини аниқловчи кўрсаткичлар бир-бири билан боғлиқ ва бу кўрсаткичлар орасидаги энг муҳимлари акционер капиталига тўғри келадиган фойда ва активлар бирлигига тўғри келадиган соғ фойда кўрсаткичлари. Улар орасида куйидаги боғланиш мавжуд:

ROE = ROE * (активлар / акционер капитали) ёки

соф фойда / акционер капитали = соф фойда / активлар * активлар / акционер капитали.

Демак, $ROE = ((\text{даромадлар} - \text{операцион харожатлар} - \text{солиқлар}) / \text{активлар}) / (\text{активлар} / \text{акционер капитали})$.

Бу бөгланиш банк фойдаси нимага бөглигилгина ифодалайди – яның қайси ресурслар ҳисобига банк фойдаси ташкил топган мажбуриятларми ёки банкнинг акционер капитали эвазигами? ROE ва ROA кўрсаткичларини бөгланганлиги банк фойдаси (банк фаолияти) ва хавф-хатар орасидаги кескин бөгланишни ифодалайди.

Бу күрсаткычларни янада деталлаштырып қолданып тұнуда мүмкін.

$\text{ROE} = (\text{соф фойда} / \text{операцион даромадлар}) * (\text{операцион даромадлар} / \text{активлар}) * (\text{активлар} / \text{акционер капитали})$.

Ёки:

ROE = соф фойда маржаси (РМ) * активлардан фойда-
ланиш коэффициенти (АИ) * капитал мультипликатори (КМ).

Бу тенгламани ҳар бир элементти банк операциялари холатини ифодаловчи индикатор. Банк фойдаси маржаси банк хизматларига қўйиладиган баҳолар сиёсатини ва харажатларни бошқариш самарадорлигини ифодалайди.

Банк активларидан фойдаланыш даражасини ифодаловчи коэффициенти (АИ) банк активлари портфелини бошқариши самарадорлигини күрсатади.

Капитал мультиликатори (ЕМ) молиялаштириш сиёсатини ифодалайди, яъни банк ресурслари маблағларини мажжбуриятлар яъни акционерлик капиталидан фойдаланиш самарасини кўрсатади.

Демак, ROE = РМ*АИ*ЕМ га тенг.

Хар бир қўрсақчикинг камайиши банк менеджерлари томонидан бу ўзғаришининг чуқур таҳлилини талаб этади.

РОЕ банк фаолиятгина ифодаловчи асосий күрсаткич бўлиб, у ёрдамида бошқача тенглама тузишимиз мумкин. Бу тенглама банк фаолиятини тўрт соҳасидаги бошқариш ҳолатини ифодалаш тахлил этишга имкон беради.

$ROE = \frac{\text{солиқ тұлагандан кейинги фойда}}{\text{солиқ тұлагандан олдинги фойда}} * \frac{\text{солиқ тұлагандан олдинги фойда}}{\text{операциян даромадлар}} * \frac{\text{операциян даромадлар}}{\text{активлар}} * \frac{\text{активлар}}{\text{акционерлік капитал}}.$

ёки

РОЕ = солиқларни бошқариш самадорлиги * харжатлар.

ни назорат этиш самарадорлиги * активларни бошқариш самарадорлиги * ресурсларни бошқариш самарадорлиги.

Масалан: Банк баланси ва даромадлар ва харажатлар ҳисоботи маълумотлари қўйидагича:

солиқдан кейинги фойда - 1 млн. сўм;
солиқдан олдинги фойда - 1,3 млн. сўм;
операцион даромадлар - 49,3 млн. сўм;
активлар - 122,0 млн. сўм;
акционер капитали - 7,3 млн. сўм.

Бу банкнинг ROE = $(1,0 / 1,3) * (1,3 / 39,3) * (39,3 / 122) * (122 / 7,3) = 0,769 * 0,033 * 0,322 * 16,71 = 0,137$ ёки 13,7 %

ROE кўрсаткичининг ҳар бир элементида ўзгариш бўлиб, бу ўзгариш катта бўлса, у ҳолда бунинг сабабини аниқлаш лозим. Масалан, 0,769 коэффициенти 0,610 га тушга, у ҳолда банк менеджерлари солиқ сиёсатини ва солиқ тўлаш бўйича назорат ҳолатини батафсил ўрганишлар лозим.

Банк фаолияти статистик таҳлил яна бир томони ROA кўрсаткичини (активлар даромадлик даражасини) баҳолашдир. Бу кўрсаткич ҳам бир неча кўрсаткичларга бўлинниб ўрганилиши мумкин ва ҳар бир кўрсаткич банк фаолиятини у ёки бу томонини ифодалайди.

ROA = соғ фойда маржаси + фоизсиз маржа - маҳсус операциялар кўпсаткичи = соғ фойда / активлар.

Соғ фойда маржа = (фоизли даромадлар - фоизли харажатлар) / активлар → ифодалайди → активларнинг даромадлик даражаси.

Фоизсиз маржа = (фоизсиз даромадлар - фоизсиз харажатлар) / активлар → ифодалайди → солиқ тўлашдан олдинги активлар даромадлик даражаси.

Маҳсус операциялар кўрсаткичи = (маҳсус операциялар бўйича фойда / активлар → ифодалайди → жорий операциялардан фарқ қылувчи операциялар даромадлилик даражаси.

Активлардан олинадиган фойда (ROA) = соғ фойда / активлар) → ҳамма харажатлардан акционерлар ихтиёрига келиб тушадиган фойда даражасини ифодалайди. Банк фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бири кредит операцияларидир. Статистик нуқтаи назардан кредит операцияларини ҳар хил таснифлаш мумкин:

- қарз олувчилар бўйича: халқ хўжалиги, аҳоли, давлат бошқарув органлари;

- мақсади бўйича: истеъмол кредити, саноат, савдо, қишлоқ хўжалиги, сармоя, бюджет кредитлари;

- қатнашиш жараёни бўйича: асосий фоизларни кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёни ва айланма фоизлар жараёснida қатнашадиган кредитлар;

- муддати бўйича: талаб бўйича ва муддатли;

муддатлари ўз навбатида қиска муддатли (1 йилгача), ўрта муддатли (1 йилдан 3 йилгача) ва узоқ муддатли (3 йилдан ортик) кредитларга бўлинади.

- микдори бўйича кредитлар майда, ўрта ва йирик кредитларга бўлинади;

- таъминот даражаси бўйича кредитлар таъминланмаган (бланк) ва таъминланган кредитларга бўлинади.

- берилиши бўйича кредитлар компенсацисон (қопланувчи) ва тўлов кредитларига бўлинади. Биринчи ҳолатда улар қарз олувчининг ҳисоб варагига ўтказилади. Иккинчи ҳолатда эса кредит суммаси бевоси ҳисоб-пул хужжатларини тўлаш учун ўтказилади.

- қоплаш усули бўйича банк кредитлари қисман ва бир вақтта қопланадиган (қайтариб бериладиган) кредитларга бўлинади.

Кредит суммаларини ифодалаш учун статистик ўртача микдорлар кўлланилади.

Асосан бу ўртачалар кредит қайтариш даражасини таҳлил этишда қўлланилади.

Бу кўрсаткичлар:

1) муддати ўтиб кетган кредитларнинг ўртача давомийлиги;

2) қайтариб берилган кредит микдоридаги ўз вақтида қайтарилимаган кредитлар салмоғи;

3) кредит бўйича қарздорлик ҳажмида вақтида қайтарилимаган кредитлар салмоғи.

Муддати ўтиб кетган кредитларнинг ўртача давомийлиги қўйидаги формула ёрдамида топилади:

$$O_k = K_{ep} / K * D$$

Бу ерда: O_k – муддати ўтиб кетган кредитларининг ўртacha давомийлиги (кунларда);

K – муддати ўтиб қолган кредитларнинг қайтариб берилган суммаси;

K_{ep} – муддати ўтиб кетган кредитларнинг ўртача қолдиқлари;

D – даврдаги кунлар сони.

Қайтариб берилган кредит микдордаги ўз вақтида қайтарилимаган кредитлар салмоғи кўрсаткичи:

$$Y_d = (D/K) * 100$$

Бу ерда:

D - муддати ўтиб кетган кредитлар ҳисоб варагасидаги дебет сальдоси;

K - барча кредит ҳисоб варагасидаги кредит сальдоси;

Қайтариб берилмаган кредитлар салмоғи = d = муддати ўтиб кетган қарзлар миқдори / умумий қарздорлик миқдори.

Кредитларни ифодаловчи қейинги күрсаткыч – кредитларнинг айланishi тезлиги (кунларда ва айланиш сони).

Кредитни айланishi тезлиги (кунда) — (давр мобайнида кредитни ўртacha миқдори / қайтариб берилгандан кредитларнинг умумий миқдори) * даврдаги кунлар:

$$D = K / (K^*t)$$

Кредитни айланishi тезлиги (айланishi сони) = Давр узунлиги / айланishi тезлиги (кунда):

$$V = K \cdot K / D$$

Банк операцияларининг янги муҳим тури депозит операцияларидир. Бу операциялар банк ресурсларини жалб этиш билан боғлиқ. Депозитлар муддати бўйича биринчи талаб билан қайтариб бериладиган депозитларга, жамгарма ва муддатли депозитларга бўлиниши мумкин.

Уларни ўрганишда мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар усули, ўртacha миқдорлар ва динамика қаторлари усулидан фойдаланиши мумкин.

Депозитларнинг ўртacha миқдори оддий ўртacha миқдор ва тортилган ўртacha миқдор формулалари ёрдамида топилиши мумкин. Депозитларни таҳлил қилишда уларнинг ўртacha миқдори оддий гармоник ўртacha миқдор шаклида ҳисобланishi мумкин. Депозитлар бўйича кўйидаги кўрсаткичлар ҳисобланishi мумкин:

1) депозитнинг ўртacha миқдори (D):

$$A = A/n$$

Бу ерда: D - счетлардаги депозит қолдиқлари;

n - депозит счетлари сони.

2) депозит сақланишининг ўртacha вакти (I):

$$a) t = t D / D$$

t - депозитнинг сақланиш муддати.

$$b) t = T * (d^* / d)$$

Бу ерда: T - даврдаги кунлар ёки ойлар сони.

d^* - депозит бўйича ҳисобланган ҳақиқий фоиз тўловлари;

d - депозит бир йил сақланганда тўланадиган фоиз тўловлари.

Шу усулларда кредитнинг ўртacha миқдори ва кредитлашнинг ўртacha муддатини ҳисоблаш мумкин. Кредитнинг ўртacha миқдори K қуидагича ҳисобланади:

$$K = (K \cdot t) / t$$

Бу ерда: К - берилгандар кредитлар мөкдори;
t - кредит муддаты;
Кредитлашынынг ўргача муддати түркеме усулда ҳисобланышы мүмкін:

Биринчи усул: $I = (Kt) / K$

Иккінчи усул: $I = T^*(d^* / d)$

T - даврдағы күнлар ёки ойлар сони;

d - кредиттден бутун давр фойдаланғандағы тұланадыған фоизлар мөкдори;

d^* - кредит учун тұланған ҳақиқиеттік фоиз тұловлари.

Банк статистикасында қоюорда қайд этилған күрсаткыштардан ташқары банк хавф-хатарлари статистикаси, банк капиталини ифодаловчы статистик күрсаткыштар, қимматли қоғозларға сармоялар статистикаси, балансдан ташқары операцияларнинг статистик таҳдили ҳам киради. Лекин бу алоқида ўрганиладыған мавзу.

7.3. Пул муюмаласи баланси ва пул қадрсизланишини статистик ўрганиш

Пул муюмаласи мамлакатдаги товар ва нотовар тұловларининг ички айланмаидаги нақд ва нақд пулсиз шаклидаги пуллар ҳаракатидір. Пул муюмаласини ифодаловчы асосий иқтисодий күрсаткыштар - пул массаси, товар ва хизматлар баҳоси, кредит мөкдори, нақд пулсиз ва ўзаро ҳисоб-китоблар, пулнинг айланыш тезлигидір.

Бу күрсаткыштар асосида пул муюмаласи қонунини чиқариш мүмкін.

Муюмала учун зарур пуллар мөкдори (КД) қуйидагича ҳисобланады:

$$KD = (CTB - K + P - VP) / C$$

Бу ерда: СТБ - сотилған товар ва хизматлар баҳоси суммаси;

K - кредитта сотилған товарлар қыймати;

P - мажбuriятлар бүйінша тұловлар;

VP - ўзаро ҳисоб-китоблар натижасыда сүндирілген мажбuriятлар;

C - пулнинг айланыш тезлигі.

Бу формуланы бошқа күрініши америкалық иқтисодчи, статистик ва математик Ірвинг Фишернинг пулнинг мөкдорий назариясыда ўз аксини топған. И. Фишер ўз изланишлари нағтижасыда «алмашув тенглигини» топған. «Алмашув тенглиги» бүйінша $MV = PQ$

Бу срда:

M - мұомаладаги пуллар мікдори;

V - пулнинг айланиш тезлиги;

P - нархларнинг ўртача тортилган даражаси;

Q - товарлар ҳажми.

Бу баланс асосида у қуидаги хulosаларга келади. Бахо даражаси пул мікдори ва унинг айланиш тезлиги билан түғри, товар ҳажми билан эса тескари боғланган, яъни:

$$P = (M \cdot V) / O$$

Иқтисодий нобарқарорлик натижасида ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш имкони бўлмайди. Бундай шароитда нарх наво даражасига таъсир этувчи асосий омил - пул массасини бошқариш ҳисобланади:

$$P = M^* (V / O)$$

Пул массасини ўзгартириб иқтисодиётдаги нарх-навога, нарх-наво орқали эса бутун иқтисодиётга таъсир этиши мумкин.

Пул массасининг ҳажми ва таркибини ўрганишда бир неча кўрсаткичлар қўлланилади.

Пул агрегатлари тўрт турга бўлинади:

M_1 - нақд пуллар ва жорий счетлардаги пул маблағлари;

M_2 - $M +$ муддатли ва жамғарма депозитлар;

M_3 - $M +$ маҳсус молия-кредит ташкилотларидағи жамғарма депозитлар;

M_4 - $M +$ капиталдан даромад олиш ҳуқукини берадиган депозит сертификатлари, кредит жамғарма ташкилотлари акциялари ва бошقا кредит мажбуриятлар.

Пулнинг айланиш тезлигини икки хил ҳисоблаш мумкин:

1) $V =$ ялпи миллий маҳсулот (ёки ялпи миллий даромад)

/ Пул массасининг ўртача мікдори (m).

2) $V =$ тўлов айланмаси / пул массасининг ўртача мікдори (M)

Йккинчи кўрсаткич ЯММга кирмайдиган олди-сотди операциялар ҳажмини ҳам ўз ичига олади.

Иқтисодий муаммоларни счишда аҳолининг сотиб олиш қобилияти даражаси мухим роль ўйнайди. Бу қобилиятни ўрганиш учун аҳолининг даромад ва харажатларини таҳдил этиши зарур. Бунинг учун аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси тузилади.

Аҳоли даромадлари ва харажатлари баланси З қисмдан иборат:

1) даромадлар;

2) харажатлар;

3) баланс сальдоси (даромадларни харажатлардан устунлиги ёки аксинча).

127

128

3. Кредит ва капиталлар ҳаракати баланси. Бу балансда хусусий ва давлат капиталлари билан ҳалқаро кредитларни олиши ва бериш ҳаракати ифодаланган. Тўлов баланси кўрсаткичлари таснифи қўйидагича:

А. Жўрий операциялар товарлар хизматлар сармоялардан тушган даромад бошқа хизматлар ва даромадлар хусусий трансферлар чизмайи трансферлар.

Б. Бевосита сармоялар ва бошқа узоқ муддатли капитал, бевосита сармоялар, портфел сармоялар, бошқа узоқ муддатли капитал.

С. Кисқа муддатли бошқа капитал.

Д. Хатолар ва ўтказишлар.

Е. Компенсацион моддалар.

SDR ни тақсимлаш ва фойдаланиш, олтин-валюта захираларини қайта баҳолаш.

Ф. Фавқулодда молиялаштириш.

Г. Чет эл чизмайи ташкилотлари захираларини ташкил этувчи мажбуриятлар.

И. Захираларни якуний ўзгариши.

Олтин, SDR, XBФ ни заҳхира йўли, чет эл валютаси, бошқа талаблар XBФ нинг кредитлари.

Тўлов балансидан ташкири ҳисобот баланси ҳам тузилади. Ҳисобот балансининг муайян мамлакатнинг бошқа мамлакатларга бўлган талаб ва мажбуриятлари маълум санага тузилган балансидир. Ҳисобот балансининг сальдоси мамлакатнинг нетто-қарздор ёки нетто-кредиторлигини билдиради.

Тўлов баланси мамлакатни чет эл сектори билан алоқаларини ифодалайди. Унинг кўрсаткичлари ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичлари асосида аниқланиши мумкин. Тўлов баланси, айниқса, очик иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди.

1. Миллий ҳисобларнинг асосий тенгламаси қўйидагича:

$$Y = C + I + G + N_x \quad (1)$$

Бу серда:

Y - ялпи миллий маҳсулот;

C - товар ва хизматлар истеъмоли;

I - сармоялар;

G - давлат томонидан товар ва хизматларга харажат;

N_x - соғ экспорти (экспорт ва импорт фарқи).

Очиқ иқтисодиётда молиявий бозорлар товар ва хизматлар бозори билан чамбарчас боғлиқ. Буни ифодалаш учун юқоридаги тенгламани икки томонидан (C ва G) чегириб ташлаймиз. У ҳолда

$$Y - C - G = I + N_x \quad (2)$$

Молиявий бозорнинг асосий кўрсаткичи жамғармалардир.
Улар ижтимоий жамғармалар

$$Sp_{bl} = T - G$$

ва хусусий жамғармаларга бўлинади

$$Spr_{iv} = Y - C - T,$$

(бу ерда: T – солиқлар ҳажми).

Умумий жамғарма (S) буларнинг йигиндисига тенг. Яъни:

$$S = (T - G) + (Y - C - T) = T - G + Y - C - T = Y - C - G$$

Иккинчи формула билан солиштиреак, бу ҳолда:

$$S = I + N_x.$$

Бунда миллий ҳисобларнинг асосий тенгламаси қуийдагича бўлади:

$$(I - S) + N_x = O$$

Бу формула капитални жамлаш билан боғлиқ ҳалқаро маблағлар оқими ($I - S$) ҳамда товар ва хизматларнинг ҳалқаро оқимлари (N_x) орасида боғланишини ифодалайди.

Бу тенгламани ҳар бир қисми ўз номига эга. ($I - S$) – тўлов балансининг кредит ва капиталлар ҳаракати биланси деб аталади. Капиталлар ҳаракати счёти ички жамғармалардан устунлиги (ортиқчалиғи)ни ифодалайди. Сармоялар ички жамғармалардан жаҳон молия бозорларида инвесторлар томонидан қарз олиши оқибатида ортиқроқ бўлиши мумкин.

N эса тўлов балансининг жорий операциялар баланси номини олған. Жорий операциялар счёти – бу соғф экспорт эвазига чет элдан мамлакатга келадиган валюта маблағлариридир.

Миллий ҳисоблар тенгламаси капитал ва кредит ҳаракати счёти билан жорий операциялар счёти баланслаштирилганлигини кўрсатади, яъни капиталлар ҳаракати счёти сальдоси + жорий операциялар счёти сальдоси = 0.

$$(I - S) + N_x = 0$$

Демак, тўлов балансининг капиталлар ҳаракати счёти ва жорий счёт – бир ҳодисанинг икки томондан ифодаланиши.

Агар мамлакат жамғармалари унинг сармояларидан юқори бўлса, у ҳолда мамлакат ичida сармояга сарфланмаган жамғармалар чет эллик қарз олувчиларга берилади. Капитал мамлакатдан оқиб кетади.

Агар мамлакат сармоялари мамлакат жамғармаларидан юқори бўлса, у ҳолда мамлакатда пул маблағлари оқиб келади ($I > S$). Бу ҳолатда биз импортни тўлаш учун халқаро молиявий бозордан қарз оламиз ва N_x счёти манфий бўлади.

Тўлов балансини ифодаловчи бу счётлар ёрдамида биз уни статистик баҳолаш ва таҳлил қилишимиз мумкин.

Қисқача хуросалар

Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати ва хўжалигининг ривожланишида бюджет-солиқ тизми муҳим роль ўйнайди. Бюджет солиқ сиёсати иқтисодий ресурслардан ялни фойдаланишга ва ялни талаб даражасига таъсир этади, тўлов балансини ҳолатини, қарздорлик ва иқтисодий ўсиш даражасини белгилайди.

Давлат молия статистикаси тизими давлат бошқарув органларининг барча операцияларини, миллий ва жаҳон иқтисодиёти барча секторлари билан бўлган алоқаларни қамраб олади. Давлат бошқарув органларининг операциялари даромадлар ва харажатларга бўлинади. Давлат даромадлари солиқ тушумлари, солиқдан ташқари тушумлар, харажатлари эса иш ҳақи, товар ва хизматлар учун тўловлар, субсидиялар, трансферлар, фоиз тўловлари ва капитал қўйилмаларни ташкил этади.

Давлат бюджети камомади даромад ва грантлар ҳисобига бўлган тушумдан харажатлар соф кредитлац мулкларининг катталигидан келиб чиқади. Бу камомад давлат бошқарув органлари томонидан ёки қарз олиш ёхуд ўзининг мавжуд даромадларини ва харажатларини солишибдириш усулидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бюджет даромадлари ва харажатлари таснифини беринг.
2. Бюджет даромадлари ва тушумлари орасида қандай фарқ бор?
3. Бюджет харажатлари таснифини беринг.
4. Бюджет тақчилигини қайси кўрсаткичлар ифодалайди?
5. Эластик коэффициенти нимани ифодалайди?
6. Соилиқ тушуми самарадорлигини қандай баҳолаш мумкин?
7. Банк актив операцияларига тушунча беринг?
8. Банк пассив операцияларига тушунча беринг?
9. Банк фаолиятини қандай кўрсаткичлар ифодалайди?
10. Пул қадрсизланишини қандай статистик кўрсаткичлар ёрдамида ифодалаш мумкин?
11. Тўлов балансининг асосий таркибий қисмларини тушунириб беринг.
12. Жўрий операциялар счётига тушунча беринг.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиқтисодий статистика. 100 саволга жавоб. – Т.: Мехнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набисев Х.Н., Набиҳўжасев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизми. – Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финстатинформ, 1998.
8. Статистика финансов. Под ред. проф П.П.Маслова. – М.: Инфра, 2000.
9. Улмасов А.Ў. Шарифхўжаев М.Ш. Иқтисодиёт асослари, “Мехнат”, 1995.

VIII боб

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ

8.1. Миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги ҳақида тушунча ва бозор иқтисодиётига ўтиши шароитида статистиканинг бу соҳадаги вазифалари

Ҳозирги кунда иқтисодий сиёсатимизнинг бош мезони республикамизда бозор муносабатларини шакллантириш ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларни изжобий ҳал этишга қаратилган.

Ҳар қандай мамлакатда ўз халқнининг фаровонлигини таъминлаш учун, албатта, ишлаб чиқариш юқори даражада ташкил этилиб, самарадорлик оширилиши керак. Шундай экан, республикамизда ижтимоий ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиёт негизини ташкил қиласди.

Самарадорликнинг турли жиҳатларини, уни амалга оширишнинг иқтисодий механизмини ўрганиш миллий иқтисодиётнинг асосини ташкил қиласди. Миллий иқтисодиётда самарадорликнинг ўзига хос мазмуни ишлаб чиқаришининг ижтимоий шакли, мақсадли йўналиши, ишлаб чиқариши натижаларининг ўзига хослиги билан белгиланади.

Ижтимоий ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўла қондириши ишлаб чиқариши самарадорлигининг бош мезонидир.

Инсонни ўзи ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ҳамда бошқа ижтимоий ҳаёт ва фаолиятдаги бошқа соҳалар ривожининг пировард натижасидир. Ана шу сабабга кўра, ишлаб чиқариши самарадорлигини соф иқтисодий самарадорлик деб билмоқ лозим. У яратилган маҳсулот ҳисобидан жами эҳтиёжларни қондириши даражасини ифодалар экан, аҳолининг турмуш даражаси билан инсон меҳнатининг мазмуни ва шароитлари, яшаш муҳитининг аҳволи, бўш вақтнинг миқдори ва шу кабиларга боғлиқдир. Ҳозирги шароитда юқорида таърифланган самарадорликка кенг ёндашувнинг аҳамияти иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йўналиши кучайиши билан ижтимоий соҳани ривожлантиришга қолдиқ маблағларни ҳисобга олган ҳолда ёндашишни бартараф этилиши билан анча – мунча ортмоқда. Ижтимоий жиҳатдан юзага келган провард натижаларни ҳисобга олиш, меҳнат шароитларини ёмонлаштириш, инсон ҳаётини пасайтириши ҳисобига ишлаб чиқаришни ҳажмини кенгайтиришнинг самарасизлигини ва бунга йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этишини билдиради.

Бозор иқтисодиёсти шароитида миллий иқтисодиётнинг самарадорлик ситатистикаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- бозор муносабатлари шароитида халқ хўжалигини бутунлигича қамраб оладиган самарадорлик услугияти ишлаб чиқиши ва унинг кўрсаткичлар тизимини тузиш ҳамда ҳисоблаш усуларини яратиш.
- ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳақиқий даражасини белгилаш.
- ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқловчи омиллар таъсирини кўрсатиш.
- ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини ва улардан фойдаланиш йўлларини белгилаш.

8.2. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари андозаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- миллий иқтисодиёт бўйича кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш қонунларининг амал қилиш натижасини ифодалаш;
- миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини аниқлаш имкониятини яратувчи ягона услугиятини ишлаб чиқиши.
- самарадорликнинг намоён бўлувчи барча шаклларини ифодалаш.
- самарадорлик даражаси билан бир қаторда унга таъсир кўрсатувчи турли хил омилларни аниқлаб бериш.

1. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлигининг қуйидаги асосий омилларни кўрсаткичларини ҳисоблаш лозим:

- фонд самараси;
- меҳнат унумдорлиги;
- капитал қўйилмалар самарадорлиги;

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги мураккаб категорияидир. Унда ишлаб чиқариш натижаларига ва харажатларига таъсир кўрсатувчи кўп омилларнинг ҳаракати жамланган. Ишлаб чиқариш натижаларининг ўсиши маҳсулот сифати ошишида ҳамда ишлаб чиқариластган маҳсулот таркибига ижтимоий эҳтиёжлар таркибига муфовиклигини таъминлашда ўз ифодасини топади. Шунингдек, харажатларни камайтириш ўз ичига жонли меҳнатни тежашни, унинг унумдорлигини оширишни, жорий моддий харажатларни, асосий ишлаб чиқариш фондларига капитал харажатларни тежашни олади.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлигини ўл-

шаш учун күрсаткычлар тизими зарур. Улардан энг мұхими ижтимоий мәхнат унумдорлигидир. Үйдең тәжапши қонуннинг амал қылишини ифодалайди.

Мәхнат унумдорлығы маҳсулотни жонли мәхнат сарфига нисбатидир, яғни:

Натура ёки пул шаклидаги маҳсулот миқдори

МУ =

Жонли мәхнат сарфи

Мәхнат унумдорлығы даражаси ҳар хил усулдар ёрдамидан анықланади:

- бевосита натурал усул;
- шартли натура усул;
- мәхнат усули;
- қиймат усули.

Бевосита натурал усулда натура ҳолдаги маҳсулот (тонна, кг, м, км) ҳажми ходимлар сонига ёки ана шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақтта бўлинади. Натижада бир ходимга ёки сарфланган вақт бирлигига қанча маҳсулот тўғри келиши анықланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотниң истеъмол қиймати бир хил, унинг ҳажми ёки сифати ҳар хил бўлган холларда шартли натура усулидан фойдаланилади.

Корхоналар ҳар хил маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолларда мәхнат унумдорлығы даражаси мәхнат күрсаткычлари асосида ҳам ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот норматив киши соатларида ёки киши кунларда ифодаланади.

Мәхнат унумдорлигини асосий умумлаштирувчи күрсаткычи қиймат күрсаткычидир. Бунда статистика мәхнат унумдорлығы даражасини аниқлагина қолмай, балки унинг динамикаси ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳам таҳлил қиласи. Бунинг учун индекслар тизимидан фойдаланилади.

1. Агар бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариладиган бўлса, мәхнат унумдорлигининг якка тартибдаги индекслари ҳисобланади:

$$i_w = W_1 \div W_0.$$

2. Бир хил турдаги маҳсулотни бир исча цех, участка ёки корхона ишлаб чиқарганда, мәхнат унумдорлигини умумий индекси ҳисобланади.

1. Ўзгарувчан таркибли индексни аниқлаш учун 2 даврдағи мәхнат унумдорлигини ўргача даражалари солиштириллади.

$$i_{\text{ъзг}} = \left(\sum q_i p_i \div \sum T_i \right) = W_i \div W_0.$$

Бу индексга 2 та омил таъсир кўрсатади:

а) айрим олинган участкалардаги меҳнат унумдорлигининг ўзгариши. Бу омил таъсирида меҳнат унумдорлигини доимий таркибли индекси ҳосил бўлади, яъни:

$$i_{\text{доимий}} = \left(\sum (q_i T_i) \div (q_0 T_0) \times \sum T_i \right) = \sum i T_i \div \sum T_i$$

б) жорий даврда базис даврга нисбатан ишчилар таркибида юз берган таркибий ўзгаришлар. Бу омил таъсирида таркибий силжиши индекси ҳисобланади:

$$I_{\text{таркибий}} = I_{\text{ъзг}} \div I_{\text{доимий}}$$

2. Статистикада меҳнат унумдорлигининг тескари кўрсаткичи ҳам ҳисобланади. Бу кўрсаткич бир дона (бир бирлик) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт ҳажмини ифодалайди ва у қанчалик кичик бўлса, ишлаб чиқариш самародорлиги шунчалик юқори бўлади. Меҳнат унумдорлигининг тескари кўрсаткичлари асосида тузилган индекслар қуйидагича:

а) якка тартибдаги индекс: $i = t_0 \div t_1$

б) умумий индекслар. Меҳнат унумдорлиги тескари кўрсаткич бўйича аниқланганда унинг умумий индекси агрегат формула бўйича аниқланади:

$$I = \sum q_i t_0 \div \sum q_i t_1$$

Формуланинг иқтисодий моҳияти шундаки, унинг сурати жорий даврдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун базис даврдаги ҳажмида меҳнат сарфланса ҳаммаси бўлиб, қанча вақт, маҳражи зса жорий даврдаги ҳажмда меҳнат сарфланса, ҳаммаси бўлиб қанча накт сарфланади, деган саволга жавоб беради. Демак, унинг сурати билан маҳражи орасидаги фарқ меҳнат унумдорлигининг ўзгариши натижасида тежалган ёки ортиқча сарфланган вақт ҳажмини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун касрнинг сурати билан маҳражи орасидаги айрма олинади.

Меҳнатни асосий фонд билан қуролганиш даражаси унумдорликка муҳим таъсир кўрсатади. Бу фонд даражаси асосий фонdlар ўргача йиллик қийматининг ($A\Phi$) жонли меҳнат сарфига (ходимлар сонига (T)) нисбати билан ўлчанади ва қуйидагича ифодаланади:

$$\Phi K = A\Phi / T$$

Ушбу боғлиқликни меҳнат унумдорлигининг умумий самарадорлигига таъсирини кўриб чиққан ҳолда ҳисобга олмоқ зарур. Ҳалқ хўжалиги нуқтаи назаридан ҳар қандай ошиши эмас, балки жонли меҳнатни тежаш. Унинг техника билан куролланиш кўлами ўсишига кетган кўшимча харажатларни, мумкин қадар қисқа муддатларда қоптайдиган даражада ошишигина самаралидири.

Фонд самараси (ΦC) асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. У асосий фондлар муайян миқдорига тўғри келадиган маҳсулот миқдори билан ўтчанади:

$$\Phi C = \frac{MM}{A\Phi}$$

Бу ерда: MM – маҳсулот миқдори;

$A\Phi$ – асосий фондларни ўртача йиллик қиймати.

Фонд самарасининг иктиносидай маъноси бир сўмлик фонддан фойдаланиш ҳисобига неча сўмлик маҳсулот олини, деган сўроққа жавоб беради. Бу кўрсаткич қанча катта бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик ортади.

Фонд самараси, меҳнат унумдорлиги ва меҳнатнинг фонд билан куролланиши ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд:

$$\Phi C = \frac{MY}{FK}$$

Бу ерда: MY – меҳнат унумдорлиги;

FK – меҳнатни фонд билан куролланиши.

Юқоридаги боғлиқликдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат унумдорлиги меҳнатни фонд билан куролланишига қараганда тезроқ ўсиб борган тақдирдагина фонд самараси ошади ва аксингча, агар меҳнат унумдорлигининг ўсиши фонд билан куролланишининг ўсишидан орқада қолса, фонд самараси камаяди.

Фондларнинг самарадорлик даражаси маҳсулотнинг кўшимча ўсишидаги салмоги бўйича аниқланади. Маҳсулотнинг кўшимча ўсиши бир томондан мутлақ суммасини ўсиши эвазига (M) ҳосил бўлади:

$$M = (\Phi - \Phi_0) \cdot \Phi C_0$$

Бу ерда: ΦC_0 – базис даврдаги фонд самараси;

Φ ка Φ_0 – базис ва ҳисобот йилдаги асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати.

Маҳсулотнинг қўшимча ўсиши иккинчи томондан фондлардан фойдаланиш даражаси эвазига (M) амалга оширилади.

$$M_2 = (\Phi C - \Phi C) \cdot \Phi_1$$

Маҳсулотларнинг умумий қўшимча ўсиши ҳар иккала кўрсаткич натижаларини қўшиш ёрдамида ҳисобланиши мумкин.

$$M = M_1 + M_2$$

Нихоят ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлил қилишда бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарф қилинган капитал қўйилмалар самарадорлигини аниқлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Капитал қўйилмалар бирлигига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, миллӣ даромад, соф миллӣ маҳсулот қўйидаги формула билан топилади:

$$C = \frac{ЯИМ \text{ ёки } МД \text{ ёки } СММ}{КК}$$

Бу ерда: C – капитал қўйилмаларнинг самарадорлик дарражаси;

ЯИМ – ялпи ички маҳсулотни қўпайиш қисми;

СММ – соф миллӣ маҳсулотнинг қўпайиш қисми;

КК – капитал қўйилма ҳажми.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар самарадорлик дарражасини ифодалайди.

8.3. Табиатни муҳофаза қилишининг халқ ҳўжалигидағи аҳамияти ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими

Инсон камол топилишида табиат иккى асосий вазифани баҳаради:

Табиат барча “бойликларнинг онаси”, ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларнинг манбаи, шунингдек, истиқомат қила-диган муҳитки, уни сақлаб қолиб туриб, жамиятнинг нормал яшаши, одамзод ҳаётининг давом этиши мумкин эмас. Юқорида келтирилган ҳар икки вазифани табиат доимий равища бажаради, лекин уларнинг аниқ мазмуни ўзгаради. Табиат ролининг такрор ишлаб чиқаришдаги биринчи туб ўзгариши йирик машинали ишлаб чиқариш вужудга келиши билан содир бўлади: жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлиги кучаяди, товар ишлаб чиқариш жараёнларига табиат воситалари ва кучлари тобора кўп ва муттасил жалб этилди.

Кейинги вақтда эса жамиятнинг табиатга тазиёки шу қадар ўса бошладики, табиий муҳитни сақлашга маҳсус қаратилган фаолият доирасига эҳтиёж табиий равища пайдо бўлди.

Фан-техника инқилюби ва ишлаб чиқаришни ҳар томонlama интенсивлаштириш шароитида табиатнинг ишлаб чиқаришдаги роли ва ўрни ўзгаришида янги, фоят зиддиятли йўналишлар ривожланди. Бу бир томондан, ҳозирги замон технологиялари ишлаб чиқаришнинг табиий омилга боғлиқлигини камайтиришга имкон бермоқда. Иккинчи томондан, унинг аҳамияти кучаймоқда: такрор ишлаб чиқариш жараёсига илгари кўлга киритиш мумкин бўлмаган ресурслардан, шу жумладан, жаҳон океани хазинасидан олиш мумкин бўлмаган ресурслар жалб этилмоқда, айрим ишлаб чиқариш жараёнларини фазога, шунингдек, ер қарига кўчириш тобора реал тус олмоқда.

Табиий муҳитнинг салбий томонга ўзгариши кишилар соламатлигига жиҳдий зарар стказмоқда, юрак-қон тизими ҳамда ҳавфли ўсма қасалликлари кўпайишининг асосий сабабларидан бирига айланмоқда.

Шундай экан, бугун биринчи навбатда, табиатни муҳофаза қилиш ҳақида жиҳдий тадбирлар белгилашимиз ҳамда экология муаммоларини ҳал этиш ўйларини кўрсатишмиз лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида табиатни муҳофаза қилишининг статистик кўрсаткичлар тизими қўйидагиларни тақозо этади:

- чиқиндисиз технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этилишини;

- ҳимоя иншоотлари яратилишини;

- чиқиндиларни йиғиши ва кейин қайта ишлаш, уларни ёқиб, ҳосил қилинган иссиқликдан фойдаланиши, фойдали қисмларини ажратиб олиш ва бошқаларни статистик ўрганишни.

Хулоса қилиб айтганда, миллый иқтисодиёт самарадорлигини ошиши пировард натижада республикамиз аҳолисининг моддий ва маънавий шароитларини яхшиланишига олиб келади.

Миллый иқтисодиёт самарадорлиги ошишига, айниқса, ишлаб чиқариш жараёсига янги техникани жорий қилиш ва ишлаб чиқариш технологиясини таомиллаштириш кучли таъсир кўрсатади.

Қисқача хуосалар

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги иқтисодий тарәккүйт негизини ташкил қиласади. Миллий иқтисодиётда самарадорликнинг ўзига хос мазмуни ишлаб чиқаришининг ижтимоий шакли, мақсадли йўналиши, ишлаб чиқариш натижалари нинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Ижтимоий ресурслардан оқилюна фойдаланган ҳолда ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни тўла қондириш ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош мезони ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўлчаш кўрсаткичлар тизими орқали амалга оширилади. Булар ичида энг муҳими – ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражаси ҳисобланади. Уни ҳисоблаш учун ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми миллий иқтисодиётда банд бўлганлар сонига бўлинади. Кейинги кўрсаткич ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди, бунинг учун маҳсулот микдори асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматига бўлинади. Капитал кўйилмаларнинг самарадорлигини аниқлаш учун маҳсулот ҳажми капитал кўйилма ҳажмига бўлинади.

Назорат ва муҳокама саволлари

1. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий иқтисодиётни са- марадорлик статистикаси олдида қандай вазифалар туради?
2. Самарадорлик нима ва у меҳнат унумдорлиги билан нимаси билан фарқ қиласиди?
3. Меҳнат унумдорлиги қандай усуулларда ҳисобланади?
4. Фонд самараси (қайтими) қандай ҳисобланади ва унинг моҳиятини тушунтириинг.
5. Капитал кўйилмалар самарадорлиги деганда нимани ту- шунасиз?
6. Маҳсулотни кўшнимча ўсишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
7. Табиатни муҳофаза қилишини ифодаловчи статистика кўрсаткичларни тушунтириинг.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. 100 саволга жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набиев Х.Н., Набиҳӯжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллний ҳисоблар тизми. – Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Гер- мании, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финстатинформ, 1998.
8. Вопросы статистики эффективности отраслей националь- ной экономики. – Т.: ТИИХ, 1979.

IX боб

МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ

9.1. Халқ хўжалиги баланси ва миллий ҳисоблар тизими орасида фарқлар

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида статистика соҳасидаги янги муаммоларни ҳал этиш унинг назарий асосларини қайта кўриб чиқишини, мавжуд статистика амалиётида кескин ўзгаришлар бўлишини тақозо этади.

Шу мақсадда макроиқтисодий статистикани ривожлантиришнинг асосий йўналишида туб ўзгаришлар ҳосил қилиш учун Халқ Хўжалиги Балансини (ХХБ) вакътинча сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий шароитларга мослашган, республиканинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган Миллий Ҳисоблар Тизимининг (МҲТ) халқаро стандартини ишлаб чиқиши ва статистика амалиётига жорий этиш лозим бўлади.

Маъмурий-буйруқбозлиқ тизими даврида режа ва амалий хужжатларининг асосийси ХХБ ҳисобланар эди. Унинг асосида А. Смитнинг сиёсий иқтисод таълимотлари: халқ хўжалигини моддий неъмат ишлаб чиқарадиган ва ишлаб чиқариладиган соҳаларга ажратиш, унумли ва унумсиз меҳнат, жаъми ижтимоий маҳсулот, миллий даромадларни яратиш, уларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва пировард фойдаланиш назариялари ётар эди. У мамлакат иқтисодиётини таърифлаш ва таҳлил қилиш, марказдан режаларини тузиш ва моддий воситаларни тақсимлашни ташкил этиш учун хизмат қиласлар эди.

Бутун халқ хўжалиги бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши соҳасининг барча хўжалик бирликлари ўртасидаги мавжуд алоқалар, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасига баҳо бериш, меҳнатта ҳақ тўлаш, давлат бюджети, кредит, тўлов баланси каби тушунчалар ва тавсифлашлар ХХБда старлича ўз ифодасини топмаган эди.

ХХБ даромадларнинг ҳарақат жараёнини таҳлил қилишда энг содда усул ҳисобланади. У фақат товарлар экспорти ва импорти билан чегараланиб, тўлов балансининг энг муҳим хусусиятларини ҳисобга олмайди.

ХХБнинг энг муҳим камчиликларидан бири шундаки, унда моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган маҳсулотларниги на ҳисобга олиб, хизмат кўрсатиши соҳасида кўрсатилган хизматларни (майший хизматлар, тиббий хизматлари, фан, маориф, маданият ва санъат) унумсиз ва мамлакатда яратилган даромадда иштирок этмайди деб кўрсатилади.

ХХБ билан МХТ орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, МХТда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиши соҳаларининг натижалари ҳисобга олинган бўлади.

Агар ХХБ баланси иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурӣ-буйруқбозлиқ усулига, марказлаштирилган режалаштириш шароитига хизмат қилиган бўлса, МХТ эса бозор иқтисодиёти шароитидаги иқтисодий бошқаришга хизмат қиласди. Миллӣ ҳисоблар тизими авваламбор макроиктисодий кўрсаткичлар тизимини ҳар томонлама ривожлантириши натижасида юзага келди. МХТнинг асосий вазифаси бир-бiri билан чамбарчас боғланган иқтисодий операцияларни ўрганишдир.

МХТ – пул (қиймат) шаклида ифодаланган макроиктисодий кўрсаткичларнинг жамланган тизими бўлиб, у мамлакат иқтисодиётини таърифлашда ҳамда иқтисодий башпоратлар тузиш ва миллӣ иқтисодиётни мувофиқлаштириш учун хизмат қиласди.

МХТ – макроиктисодий кўрсаткичларга алоқадор бўлган жадваллар мажмуасидир.

МХТнинг жадваллари турли-туман баланслардан ташкил топган бўлади. Унинг таркибига кирган жадваллар халқаро статистикада кенг қўлланиладиган макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблашга қаратилган. Шулардан бири Ялпи миллӣ маҳсулот (ЯММ) кўрсаткичидир.

Ялпи миллӣ маҳсулот – миллӣ иқтисодиётнинг ҳам моддий, ҳам номоддий ишлаб чиқариш соҳалари бўйича иқтисодий фаолияти якуний натижаларини тавсифловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Ялпи миллӣ маҳсулот шу мамлакат корхоналарининг улар қайси давлат ҳудудида жойлашганлигидан қатъи назар иқтисодий фаолият натижаларини ҳисобга олади.

МХТда ялпи миллӣ маҳсулотдан ташқари Ялпи ички маҳсулот деган макроиктисодий кўрсаткич ҳам мавжуд.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – Ялпи миллӣ маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, ушбу мамлакат ҳудудидаги хўжалик бирликлари томонидан моддий бойликлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни акс эттиради.

ХХБ билан МХТ тизими ўргасидаги фарқни қўйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин:

8-жадвал

ХХБ ва МХТ кўрсаткичлари орасидаги умумий боғланишлар

ХХБ кўрсаткичлари	МХТ кўрсаткичларига ўтиш	МХТ кўрсаткичлари
1. Ялпи ижтимоий маҳсулот	Пуллик ва бепул кўрсатиладиган хизматлар ҳажми; Уй-жойлар бўйича шартли квартира тўлови унинг эгалари томонидан тўланади.	1. Ялпи ишлаб чиқариш
2. Моддий ишлаб чиқариш харажатлари	Номоддий соҳадаги моддий харажатлар; Асосий фондлар истеъмоли; Хизмат сафари харажатлари; Номоддий хизматларга тўлов; Маҳсулотдан таббий оғатлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда йўқотишлар.	2. Оралиқ истеъмоли
3. Миллий даромад (1-2)		3. Ялпи қўшилган кўймат. 4. Маҳсулотларга соғ солик. 5. Импортта соғ солик; 6. Ялпи ички маҳсулот (3+4+5)

9-жадвал

**Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойдаланиши
кўрсаткичлари тизимининг схемаси (макроиқтисодий даражада)**

Кўрсаткичлар	НМ (маҳ. на измаллар)	Халқ хўжалигига маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиши							
		Оралиқ истеъмол		Шахсий истеъмол	Колектив истеъмол	Компаниал қўнилмалар ва захиралар ўсими	Экспорт ва импорт коддиги	Жами фойдаланилиган маҳсулот	Ижтимоий истеъмол
		Моддий ишлаб чиқариш соҳасида	Хизмат кўрсаткичларига						
A	B	1	2	3	4	5	6	7	8
Моддий ишлаб чиқариш соҳасида	A	A _и	A ₁₂	A ₁₃	A ₁₄	-	A ₁₆	A ₁₇	A ₁₈
Хизмат кўрсатиш соҳасида	B	B ₂₁	B ₂₂	B ₂₃	B ₂₄	B ₂₅	B ₂₆	B ₂₇	B ₂₈
Амортизация ајратмалари	-	31	32	-	-	-	-	-	-
Халқ хўжалиги	C	C ₄₁	C ₄₂	C ₄₃	C ₄₄	C ₄₅	C ₄₆	C ₄₇	C ₄₈

10-жадвал

МХТ ва ХХБдаги макроиқтисодий формуналарнинг жамланишини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	МХТ	ХХБ
Ялпи ишлаб чиқариши	$ЯИЧ=C=A+B$ $ЯИЧ=C=C41+C42+C43+$ $+C44+C45+C46+C47$	$ЯИЧ=A$ $ЯИЧ=A=A11+A12+A13+$ $+A14+A15+A16+A17$
Оралиқ истеъмол	$OИ=(A11+A12)+(B21+B22)$	$OИ=A11$
Пировард маҳсулот	$ПМ=C-(C41-Д31)+(C42-Д31))$	$ПМ=A-A11$ $ПМ=A11+A12+A13+A14+$ $+A15+A16+A17$
Миллий даромад	$МД=(A+B)-$ $(A11+B21+Д31)+(A12+B22+$ $+Д32)$	$МД=A-(A12+Д31)$ $МД=(A12+A13+A14+Д32)+$ $+(A16-Д32)+A17$

Иккинчи чизма маълумотларидан шу нарсани кўриш мумкинки, ХБДда Ялпи Ишлаб Чиқариш фақат моддий ишлаб чиқариш соҳаси фаолиятини ифодалайдиган бўлса, МХТда бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган ижтимоий маҳсулотни, пуллик ва бепул кўрсатилган моддий хизматлар ҳажмини ўз ичига олади.

Оралиқ истеъмол асосан ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилган воситалар қўйматини ўз ичига олади.

Бундан ташқари уларнинг таркибига:

- ишчи ва хизматчилар учун командировка харажатлари;
- номоддий хизматларнинг тўлови;
- ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий маданий хусусиятига эга хизматини таъминлаш мақсадида корхоналарни товар ва хизматлар сотиб олишга кетган харажатлари ва бошқалар киради.

ХХБда оралиқ истеъмол фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги оралиқ истеъмолни ўз ичига оладиган бўлса, бу кўрсаткич МХТда ҳам моддий ишлаб чиқариш, ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларида оралиқ истеъмолни ўз ичига олади.

Пировард маҳсулот бу хизмат кўрсатиш соҳасининг истеъмолга ва жамғаришга сарфланишини ифодалайдиган кўрсаткичdir. Бу кўрсаткич ХХБда моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги Ялпи ишлаб чиқаришдан шу соҳадаги оралиқ истеъмол айриб ташлангандан кейинги ҳосилага teng бўлади.

МХТда эса бу кўрсаткич моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ялпи ишлаб чиқаришдан моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги оралиқ истеъмолнинг айрилганига ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги оралиқ истеъмолнинг қўшилганига teng.

Миллий даромад – бирламчи даромадларнинг йиғиндиси-ни ифодаловчи кўрсаткич. Бирламчи даромадлар сирасига меҳнат ҳақи, фойда, ишлаб чиқаришга солиқлар, мулқдан олинган даромадлар (фоиз, рента, дивидент) киради.

Миллий даромад кўрсаткичи ХХБда ҳисобланишича янги-дан яратилган қўймат (истеъмол ва жамғариш фондларининг йиғиндиси) шаклида бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш соҳасида-ги ялпи ишлаб чиқаришдан шу соҳадаги амортизация ажратма-ларининг, хизмат кўрсатиш соҳасидаги оралиқ истеъмолнинг айирмасига тенг бўлади.

Бутун халқ хўжалиги бўйича (ҳам моддий ишлаб чиқа-риш, ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ҳисобга олганда) миллий даромад кўрсаткичини ҳисоблаш учун ялпи ишлаб чиқаришдан қўйидаги кўрсаткичлар:

- моддий ишлаб чиқариш харажатлари;
- номоддий хизматлар учун моддий ишлаб чиқариш кор-хоналари томонидан тўланадиган хизмат ҳақи;
- моддий ишлаб чиқариш корхоналаридағи кадрларни тай-ёрлаш учун қилинган харажатлар;
- моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчиларга, улар-нинг оиласларига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш учун хўжалик бирликлари томонидан қилинган харажатлар;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги ресурслар истеъмоли;
- хизмат кўрсатиш соҳасида номоддий хизматларни ора-лиқ истеъмоли;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги амортизация ажратмала-рини айриб ташлаш лозим; миллий даромад кўрсаткичини моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи ялпи ишлаб чиқаришдан шу иккала соҳадаги оралиқ истеъмолни айриш орқали ҳам ҳисоблаш мумкин.

Ушбу маълумотлар ҳам ХХБ ва МХТ ўртасидаги катта фарқлар мавжудлигини кўрсатиб туриди. Эндиликда респуб-ликамида бозор муносабатларини шакллантирас эканмиз, жа-хондаги турли давлатлар билан алоқаларимиз кенгайиб борар экан, иқтисодиётда ХХБни ўрнига МХТни қўллаш биринчи гал-даги вазифага айланмоқда. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, МХТ юқори афзаликларга эга бўлиб, иқтисодий-ижтимоий ҳамда амалий фаолиятда кенг қўл-ланмоқда.

МХТ иқтисодий сиёсатда юзага келган муаммоларни ҳал қилишида ва мақбул қарорлар қабул қилишда муҳим омил бўл-моқда. Шу билан бирга МХТнинг асосий кўрсаткичлари корхо-на эгалари томонидан макроиктисодий тизимни баҳолашда, ил-

мий текшириш ишларида, эконометрик моделиларни қайта ишлапда мухим ўрин әгалламоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, МХТни қўллаш жараёнида ҳар бир давлат иқтисодиётининг ўзига хослиги, маҳаллий шароитлари ҳисобга олинди.

Республикаизда ташкил этилаётган Миллий ҳисоблар тизими макростатистик модель сифатида бозор иқтисодиётига, иқтисодий жараёнларнинг барча субъектлари (иштирокчилари) ўргасидаги товар-пул муносабатлари қонуниятларини билишга йўналтирилган.

Бу миллий ҳисоблар тизими республикамиз иқтисодиётини таърифлаш ҳамда иқтисодий башоратлар тузиш ва ҳалқ хўжалигини мувофиқлаштириш учун хизмат қиласди.

Хозирга қадар Ўзбекистон Республикасида қўлланиб келинётган ХХБ тизими билан МХТ услубий тамойиллари орасида кўпгина фарқланишлар мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

1. ХХБ билан МХТ ўргасидаги асосий фарқлар иқтисодиётни қамраб олишида намоён бўлади.

2. ХХБ тизимининг иқтисодий фаолияти натижалари (ялпи ижтимоий маҳсулот) нафақат якунний натижани, балки моддий ишлаб соҳасидаги моддий маҳсулотларни оралиқ истеъмолини ҳам ўзида гавдалантиради. МХТда эса якунний натижалар (ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот) фақат ҳалқ хўжалиги бўйича иқтисодий фаолиятнинг якунний натижаларини ифодайди (оралиқ истеъмол бунга кирмайди).

3. ХХБ тизими билан МХТ орасидаги фарқлар молиявий оқимларни (зәёмлар, кредитлар ва бошқалар) аниқлашда намоён бўлади. ХХБда бу оқимлар милий даромаднинг қайта тақсимланиш шакллари сифатида, МХТда эса иқтисодиёт секторларининг инвестицион фаолияти сифатида аниқланади.

4. ХХБ ва МХТ ўргасидаги фарқ даромад ва харажатларни таснифлаш услубини, шунингдек, жамғариш категориясини аниқлашда юзага келади.

МХТда жорий даромад ва харажатлар ўргасида аниқ чегараланиш ўтказилади, бу капитал харажатларни молиялаштирувчи манба сифатида кўрсатиладиган «жамғариш» моддаси ёрдамида баланслаштиришдир.

ХХБда даромад ва харажатларни (айниқса қайта тақсимланиш оқимлари) нинг аниқ чегараланиши ўтказилмаган. Шунингдек учун жорий даромад ва харажатлар орасидаги фарқларни кўрсатувчи «жамғариш» моддаси ишлаб чиқилмаган. Бундай ҳолатда жамғарышнинг алоҳида кўринишлари (мавжуд пул

маблағларининг ўсиши, банкдаги қўйилмалар ва бошқалар) миллий даромадни қайта тақсимланиш шакли сифатида акс эттирилади.

9.2. МХТни асосий тушунча ва категориялари

«Миллий ҳисоблар» атамасини илк бор голландиялик статистик олим Эдвін ван Клифф 1941 йилда «De Economist» журналида нашр этган «Голландиянинг миллий ҳисоблар тизими» мақоласида қўллаган эди.

Миллий ҳисоблар тизимида ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари икки ёқлама операциялар тўплами сифатида талқин этилади ҳамда бу операциялар томонларнинг ҳисобларида қиймат кўринишида даромад ёки харажат сифатида кўрсатилади.

Миллий ҳисоблар тизими деғанда миллий иқтисодиёт фалиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва ифодалашга хизмат қиласидиган баланс тизимлари тушунилади. Бундай тизим миллий иқтисодиёт ҳолати тўғрисида аниқ тасаввур бериб, барча хўжалик бўғинларининг ўзаро алоқаларини ифодаловчи шаклни тузишга имкон беради.

1951 йилда Парижда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг миллий ҳисоблар бўйича конференцияси бўлиб, унда Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар учун миллий ҳисоблар тизимининг андозалари лойиҳаси қабул қилинди.

1952 йилда бир гуруҳ эксперт – статистиклар БМТнинг Статистика бюроси топшириғига биноан «миллий ҳисоблар ва узатувчи җадваллар» деб номланган услугибийтни тайёрладилар. Бунга Англия ва АҚШнинг миллий ҳисоблар бўйича асосий ишлари негиз қилиб олинди.

1953 йилда дастлабки МХТ қабул қилингандан сўнг БМТнинг статистика органлари томонидан миллий ҳисобларнинг назарий ва методолик асослари тақомиллаштирилди ва ривожлантирилди. Бу ишлар 1968 йилда қабул қилинган МХТнинг янги стандартига асос қилиб олинди.

1968 йили БМТнинг статистика комиссияси томонидан яна бир янги андоза ишлаб чиқилди ва у 1993 йилнинг февралига қадар ёки қарийб 25 йил давомида амалиётда кенг қўлланилди.

1993 йил феврал ойида БМТнинг Нью-Йоркдаги Статистика комиссиясининг навбатдаги сессиясида миллий ҳисоблар тизимининг янги андозасига қабул қилинди.

БМТнинг янги миллий ҳисоблар бўйича халқаро андозаси 1968 йилдаги халқаро стандарт ўрнига майдонга келди.

Миллий ҳисоблар тизимининг бу халқаро андозаси иқтисодий ҳамкорликда муҳим мақроиқтисодий кўрсаткичларни халқаро таққослашни юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Бу лойиҳа Англиялик иқтисодчи Р. Стоун раҳбарлигида бир гурӯҳ иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилди.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодчилариning таъкидлашича, БМТни миллий ҳисоблар тизимини янги андозаси 10 йил хизмат қилишга мўлжаллаб тузилган. Бу андоза 700га яқин саҳифадан ҳамда 21 бобдан иборат бўлиб, бу бобларда миллий ҳисоблар тизимини у ёки оқимлари аниқ кўрсатиб берилган.

1968 йилдаги миллий ҳисоблар тизими каби янги миллий ҳисоблар тизимида ҳам марказий кўрсаткич – ялпи ички маҳсулот бўлиб, у ёки бу даврда (йил, чорак) мамлакат иқтисодий худудида яшовчи резидентлар ишлаб чиқарган якуний товар ва хизматларнинг бозор баҳосидаги ҳажмини характерлайди.

МХТнинг янги андозасида унча катта бўлмаган куйидаги ўзарашлар юз берди:

1. Янги миллий ҳисоблар тизимида ялпи жамғариш З элементдан ташкил топади: асосий фондларнинг ялпи жамланиши, моддий айланма воситаларнинг ўсиши, қийматларни соф сотиб олиш.

2. 1968 йилдаги қабул қилинган миллий ҳисоблар тизимида давлат бошқарув органларининг ҳарбий мақсадлар учун товар ва хизматлар сотиб олиш бўйича барча харажатлари оралиқ истеъмол сифатида ҳисобга олинар эди.

Миллий ҳисоблар тизимининг янги андозасида ҳарбий аэропортлар қуриш, верфлар (кема ясайдиган ва таъмирлайдиган жой), йўллар, бинолар ва бошқалар учун қилинган харажатлар асосий фондларнинг ялпи жамланиши сифатида инобатга олинди.

3. Янги миллий ҳисоблар тизимида асосий эътибор алоҳида иқтисодий секторлар бўйича миллий бойлик кўрсаткичини актив ва пассивларни таҳлил этишга қаратилди.

4. МХТнинг янги андозасида иқтисодиёт секторлари қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

- номолиявий корхоналар;
- молиявий муассасалар;
- уй хўжалиги;
- уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий ташкилотлар).

5. МХТнинг янги андозаси қуйидаги ҳисоблар тизимидан ташкил топади:

- барча иқтисодий секторлар учун стандарт ҳисоблар;
- иқтисодий тармоқлар учун ҳисоблар (ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ташкил топиши ҳисоби);

– бутун иқтисодиётни тұлалигича таърифловчы ҳисоблар.

6. Інгі милдій ҳисоблар тизимида эң мұхим күрсаткіч-лар орасынанға боргланиш қўйидагича ифодаланади:

А. Ялпи ички маҳсулот;

В. Берилган мамлакат резидентларининг хорижий мамлакатлардан олган даромадлари (мулкдан олинган даромад, меҳнат ҳақи, ишлаб чиқаришга солиқлар);

С. Хорижий давлатларга берилдиган бирламчи даромадлар.

Милдій ҳисоблар тизимида операцияларни гурухлаш

Операциялар милдій ҳисоблар ва иқтисодий фаолиятини ҳисобга олувчи бирликтір. Үлар пул (харид-ситиши) ва натура (бартер, натурадаги иш ҳақи) шаклларда қайта тақсимлаш жараёнини акс эттиради.

Иқтисодий операцияларни аниқлаш ва үларни гурухлаштырмалы ҳисоблар тизимида ҳисоб бирлигини аниқлаш жараёнидан иборат. Иқтисодий операциялар ифодаланишига қараб бир ва икки томонлы бўлади. Агар маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар яратилган маҳсулотларни ўзлари истеъмол қиласалар, бу бир томонли операция ҳисобланади. Икки томонли операцияга мисол қилиб барча маҳсулот етказиши, ва хизмат кўрсатиш операцияларини келтириш мумкин. Иқтисодий операциялар ўзининг тузилиши бўйича 2 гурухга бўлинади:

а) операциялар компенсация асосида тузилади, бунда товар, хизмат, пул оқимига жавобан товар, хизмат, пул оқими қайтариб берилади (бартер усули);

б) трансферлар-операция бўлиб, маҳсулот, хизмат ёки пулни қайта тақсимлаш оқимидан иборат.

Трансферт 2 хил бўлади: жорий трансферлар ва капитал трансферлар.

Жорий трансферларга мисол қилиб тўғри солиқларни, жарималар, ҳар хил йиғимларни, взнослар ҳамда совфа ва бошқаларни олиш мумкин.

Капитал трансферлар иқтисодий ёрдам тариқасида бoshка давлатларга капитал қурилиш учун моддий маблағ ажратиш, ҳарбий мақсадлардан ёки табиий оғатлардан кўрилган зарарнинг ўрни давлат ҳисобидан тўлдирилишини ифодалайди.

МХТ да операциялар З синфга ажратилади:

- товар ва хизмат операциялари;
- айирбошлиш операциялари;
- молиявий операциялари.

Милдій ҳисоблар тизимида товар ва хизматлар операциялари қўйидагича тақсимланади:

Операциялар

Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш.

Товар ишлаб чиқариш.

Бозор хизматаларини кўрсатиш. Бундан шартли ҳисобланган банк маҳсулотлари чиқариб ташланади.

Шартли ҳисобланган банк маҳсулотлари.

Нобозор хизматлари кўрсатиш.

Оралиқ истеъмол.

Якуний истеъмол:

– якуний истеъмол бирликлари – берилган мамлакат иқтисодий ҳудудидаги резидентлар;

– уй хўжалигининг якуний истеъмол бирлиги – хорижий резидентлар;

– уй хўжалигининг якуний истеъмол бирлиги-мамлакат иқтисодий ҳудудидаги норезидентлар.

Якуний Миллий истеъмол.

Берилган мамлакат ҳудудидаги якуний истеъмол.

Ялпи жамғариш:

– асосий капитални ялпи жамғариш;

– моддий айланма воситалар захираларини ўзгариши.

Товар ва хизматлар экспорти.

– товарлар экспорти;

– хизматлар экспорти.

Сотиб олинган ер ва номоддий активлар қолдиги.

– сотиб олинган ер қолдиги;

– сотиб олинган номоддий активлар қолдиги.

Бу операциялар қуидаги ҳисобларда қайд қилинади:

a) товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳисоби;

b) ишлаб чиқариш ҳисоби;

c) даромадларнинг фойдаланиш ҳисоби;

d) капитал харажатлар ҳисоби;

e) «ташқи иқтисодий алоқалар» ҳисобининг жорий операциялар ҳисоби.

Айирбошлаш операциялари

Айирбошлаш операциялари – институтцион секторлар ўртасидаги даромадларни айирбошлаш операцияларини бажаради.

Улар асосан қуидагича тузилади:

– ишловчиларнинг меҳнат ҳақи;

– ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар;

– ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар;

– мулқдан ва тадбиркорликдан олинадиган даромад;

- бахтсиз ходисалардан сугурта қилиш операциялари;
- ҳар хил жорий трансферлар;
- капитал трансферлар;
- индивидуал корхоналарда молиялаштириладиган капитал қуйилмалар.

МХТ да айирбошлиш операциялари қуидагиша күрсатилади:

Операциялар

Ишлаб чиқариш билан боғланган тақсимлаш операциялари:

- ишловчиларнинг меҳнат ҳақи;
- ишлаб чиқариш ва импортга субсидиялар.

Субсидиялар.

Даромадларни айирбошлиш ичида бошқа операциялар.

- мулик ва тадбиркорликдан олинадиган даромад;
- ҳақиқий фоиз;
- сугурта полис эгаларига шартли ҳисобланган фоиз;
- ер ва номоддий активлардан даромад.

Корпоратив корхоналардан олинган дивидентлар ва бошика даромадлар.

Бахтсиз ходисалардан сугурта қилиш операциялари.

Бошқа пулсиз жорий трансферлар.

Тақсимланувчи капитал таркибидағы операциялар.

Молиявий операциялар

Молиявий операциялар иқтисодиётнинг турли секторларда молиявий активлар ва пассивлар ҳамда фондларнинг ўзгаришини ифодалайди. Улар асосида жамгариш маңбалари ётади.

Миллий ҳисоблар тизимида молиявий мажбуриятлар асан иқтисодиётни молиялаштириш, молия кредит операциялари ўзгаришининг маҳсус шаклларини күрсатади.

Молиявий мажбуриятлар 2 хил бўлади:

1. Мавжуд пул маблағлари:
 - нақд пуллар;
 - банк билетлари;
 - фуқароларнинг омонатлари;
 - бошқа омонатлар.

Қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозлар:

- облигациялар;
- акциялар.

Кредит ва заёмлар:

- қисқа муддатли кредитлар;
- ўрта муддатли кредитлар;
- узоқ муддатли кредитлар.

Республикамизда миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқиш вақтида иқтисодий тизимнинг турли гурухлари ўртасидаги муноса-батларни кўрсатиш учун институтцион бирликларни аниқлаш ҳамда уларни тармоқлар ва секторлар бўйича таснифлаш мумкин.

Институтцион бирликка республикамизда тўлиқ ҳисоб-китоб ишларини олиб борадиган ҳамда хўжалик юритишида мустақилликка эга бўлган хўжалик бирликлари киради.

Ишлаб чиқариш жараёнининг ресурслари ва фойдаланиладиган маҳсулот ва хизматлари орасидаги боғланишни характерлаш мақсадида МХТидаги институтцион бирликларни тармоқлар бўйича гурухлаш лозим.

Миллий ҳисоблар тизимида «соф тармоқ» тушунчасидан фойдаланилади.

Соф тармоқлар – бу бир хил маҳсулотни ишлаб чиқардиган шартли хўжалик бирликлари гуруҳидан иборат. Соф тармоқлар мавжуд корхона, фирма ва биноларнинг асосий фаолиятини ажратиб олиш ўюли билан ҳисобга олинади (бунда иккиламчи бирликлар ҳисобга олинмайди).

Бошқа томондан молиявий оқимларнинг ташкил қилувчилари ни аниқлаш иқтисодиётни секторлар бўйича гурухларга ажратишга олиб келади. Улар институтцион бирликларни, яъни ташкилий расмийлаштирилган корхоналар, ташкилотлар, ўй хўжаликларини қайси фаолият билан шуғулланишидан қатын назар ўз ичига олади.

Институтцион бирликларни секторлар бўйича таснифлашдан мақсад уларни даромад ва харажатларини, молия ва кредит, актив ва пассивларни ўрганишдан иборат.

Республикамизда институтцион бирликларни қуйидаги иқтисодий секторлар бўйича таснифлаш мумкин:

- «Номолиявий корхоналар» сектори;
- «Молия муассасалари» сектори;
- «Давлат корхоналари» сектори;
- «Ўй хўжалиги хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар» сектори;
- «Ўй хўжалиги» сектори;
- «Ташқи иқтисодий алоқалар» («Ташқи дунё») сектори.

1. «Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари (номолиявий корхоналар)» сектори

«Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш» корхоналари секторининг асосий вазифалари товар ишлаб чиқариш ва молиявий бўлмаган хизмат кўрсатишдан иборат. Ушбу институтцион бирликларнинг ресурслари асосан маҳсулот айирбошлиш эвазига вужудга келади.

Бу сектор ўз ичига турли-туман мулкка асосланган корхоналарни олади:

- давлатта тегишли бўлган номолиявий корхоналар;
- хусусий (оила) корхоналар ва фермер хўжаликлари;
- жамоа корхоналари;
- акционер корхоналар;
- кооператив корхоналар;
- хорижий кишилар тасарруфидан номолиявий корхоналар.

2. «Молия ташкилотлари» сектори

«Молия ташкилотлари» сектори бу тижоратта асосланган молия операциялари билан шугуулланувчи институтцион бирликларни (тижорат-кредит муассасалари) ўз ичига олади:

- марказий банк муассасалари;
- бошқа банк муассасалари;
- бошқа кредит муассасалари;
- сугурта муассасалари.

Кредит муассасалари ўз ичига тижорат банкларини, кредит берувчи ассоциация ва жамиятларни олади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тақсимлаш ва сақлаш; пул маблағларини сақлаш ва корхоналар ҳамда уй хўжаликларига кредитлар бериш ва бошқалардан иборат.

Сугурта муассасалари интитуцион бирлиги асосан ҳаётни баҳтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш, бунда ташқари уй хўжалиги ва корхоналар мулкини сугурталаш учун хизмат қилади.

3. «Давлат корхоналари» сектори

«Давлат корхоналари» сектори – бунга жамоа истеъмоли учун бозорга мувофиқ бўлмаган хизмат кўрсатиши, миллий даромад ва бойликларни қайта тақсимлашда иштирок этадиган ташкилотлар киради. Бу сектор давлат томонидан молиялаштирилайдиган давлат корхона ва ташкилотларини, мамлакатдаги умумий бошқарув, молия, иқтисодиётни режалаштириши ва бошқариш, илмий текшириш ишлари, табиатни муҳофаза қилиш, мудофаа, ички тартибни сақлаш, бундан ташқари аҳолига цулилк ва белул кўрсатилган хизмат, фан, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, ижтимоий таъминот, шунингдек ижтимоий сугурта фонdlаридан (ташкилотларидан) ташкил топган бўлади.

4. «Уй хўжалиги хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотлар» сектори

«Уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ижтимоий ташкилотлар» секторига аҳолининг якка тартибдаги ва жамоа талабларини қондиришда банд бўлган корхоналар киради.

Улар ўз ичига аҳолининг якка тартибдаги талабларини қондирувчи ижтимоий ташкилотларни (фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, дам олиш ва санаторий, ижтимоий таъминот ва бошқалар), шунингдек, жамоа истеъмолини (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва бошқалар) олади. Бундай корхоналарнинг ресурслари асосан кўнгилли взнослардан, уй хўжаликларининг хайрэҳсонларидан ва мулкдан олинган даромаддан иборат бўлади.

«Уй хўжалиги» сектори.

«Уй хўжалиги» сектори – ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи бўлмаган ягона ва гуруҳидаги шахсларни, мустақил юридик мақомга эга бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш билан шугулашувчи корхоналарнинг фаолиятини ифодалайди.

Ушбу секторга қўйидаги фаолиятларни киритамиз: ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини, якка фермер хўжаликларини, хунармандлар, косиблар, этикдўзлар, новвойлар, гиламдўзлар, репититор ўқитувчилар, ошпазларни.

5. «Ташқи иқтисодий алоқалар» – («Ташқи дунё») сектори.

Ушбу сектор асосан чет давлатлар ва мамлакат институцияни бирликлар (резидентлар) ўртасидаги операцияларни ҳисобга олишга қаратилган. Унинг ҳисоблари ёрдамида миллий иқтисодиёт билан ташқи дунё ўртасидаги муносабатни умумлашган ҳолда кўришимиз мумкин.

II-жадвал

Иқтисодиёт секторларининг асосий кўрсаткичлари
(шартли маълумот, ҳисобот йилига, млрд. сўм)

Кўрсаткич	Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш сектори	Давлат мусасасалари сектори	Молия мусасасалари сектори	Уй хўжалиги сектори	Хўжаликлирига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар	Ташқи дунё секторлари
Ялпи қўшилган қиймат	140	210	268	120	98	200
Ишловчиларнинг меҳнат ҳақи	20	38	54	14	19	50
Иштаб чиқаришга солиқлар	4	12	6	18	10	29
Субсидиялар	28	-	-	12	5	30
Ялпи фойда	140-20-4+ +28=144	210-38- -12=160	268-54-6= =208	120-14- -18+12= =100	98-19-10+ +5=74	200-50- -29+30= =151
Асосий фонdlар истеъмоли	10	14	8	13	13	26
Сой фойда	134	146	92	61	61	135

Изоҳ: Ялпи фойда = Ялпи қўшилган қиймат - Ишловчиларни меҳнат ҳаки - Ишлаб чиқаришга солиқлар + Субсидиялар.
Соф фойда = Ялпи фойда - Асосий фондлар истеъмоли.

9.3. Ички миллий иқтисодиёт бўйича тузиладиган асосий ҳисобларнинг тавсифи

Миллий ҳисоблар тизимида иқтисодиёт секторлари орасидаги муносабатларни ўрганиш мақсадида асосий ҳисоблардан кенг фойдаланилади. Бу ҳисоблар 2 гурӯҳга бўлинади:

1. Мамлакат ички иқтисодиётини таърифловчи ички иқтисодий ҳисоблар. Буларга қўйидаги ҳисобларни киритамиз:

- товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳисоблари;
- ишлаб чиқариш ҳисоби;
- даромадларни ташкил топиш ҳисоби;
- даромадларни айирбошлиш ҳисоби;
- даромадларни фойдаланиш ҳисоби;
- мулк ҳисоби;
- капитал харажатлар ҳисоби.

2. Мамлакатнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатларини ўрганишда ташқи иқтисодий алоқалар ҳисобидан фойдаланилади.

Бу ҳисобларга қўйидагилар киради:

Жорий операциялар ҳисоби, капитал харажатлар ҳисоби, молия ҳисоби.

1. Ишлаб чиқариш ҳисобламаси

Ишлаб чиқариш ҳисоби – бевосита ишлаб чиқариш жараёнига таалуқли операцияларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш ҳисоби кўйидагича ташкил этилади:

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Оралиқ истеъмол, шу жумладан: а. моддий ишлаб чиқариш соҳасида; б. хизмат кўрсатиш соҳасида. Ялпи Ички Маҳсулот, бозор баҳосида	Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар. Шу жумладан: с. маҳсулот ва моддий хизматлар; д. номоддий хизматлар. Маҳсулотларга соф солиқ. Импорта соф солиқ.
Жами	Жами

Ишлаб чиқариш ҳисобининг ресурс қисмида ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ўз ичига жорий даврда мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматини бозорли ва

нобозор хизматларни олади. Оралиқ истеъмолга эса қуидагилар киради:

- a) моддий маҳсулот ва хизматлар;
- b) корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш мақсадидаги харажатлари (хизмат сафари, медпункт, дам олиш уйлари, спортзал харажатлари);
- c) номоддий активлар (илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик, лойиҳа ва технологик ишлар, сурурга ташкилотлари хизмати қиймати ва бошиқаларни молиялаштириш харажатлари).

Ялпи ички маҳсулот мамлакатдаги резидент, ишлаб чиқариш бирликларининг ишлаб чиқариши фаолияти якуний натижаларини ифодалайди. ЯИМ мамлакат бўйича ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотлар ва импортга соғ солиқлардан оралиқ истеъмолни айириш оркали ҳосил бўлади.

Ялпи ички маҳсулотни қуидаги усуспарда ҳисоблаш мумкин:

- 1) Даромад усули;
- 2) Харажат усули;
- 3) Пировард фойдаланиш усули.

ЯИМни даромад усулида ҳисоблаш формуласи:

$$Vg=W+R+i+P$$

Бу ерда: V – ЯИМ даромад ҳосил қилиш бўйича;

W – ишловчиларнинг месҳнат ҳақи;

R – рентта;

i – фоиз;

P – фойда.

ЯИМни харажат усулида ҳисоблаш формуласи:

$$GDR=C+I+V+X$$

Бу ерда: GDR – ЯИМнинг фойдаланиш қисми бўйича;

C – шахсий истеъмол харажатлари;

I – ялпи хусусий ички инвестиция;

V – товар ва хизматларнинг давлат хариди;

X – соғ экспорт.

Ялпи ички маҳсулотни пировард фойдаланиш усулида ҳисоблаш:

$$\Pi\Phi=U\chi+D\pi+M\mathcal{J}$$

Бу ерда: $\Pi\Phi$ – ЯИМ пировард фойдаланиш усули;

$U\chi$ – уй хўжаликларининг якуний истеъмоли;

$D\pi$ – давлатнинг якуний истеъмоли;

$M\mathcal{J}$ – миллый жамгарма.

Бундан ташқари, ЯИМ «ялпи қўшилган қиймат» усулида ҳам ҳисобланиши мумкин, яъни:

$$DP-IC=\Sigma FV=V$$

Бу ерда:

DP – ялпи ички истеъмоли;

IC – оралиқ истеъмол;

Сумма FV – ялпи қўшилган қиймат;

V – ялпи ички маҳсулот.

Масалан: Ҳисобот йилида иқтисодиёт тармоқлари бўйича куйидаги шартли маълумотлар берилган (млрд. сўм):

12-жадвал

Кўрсаткич	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Транспорт ва алоқа	Савдо ва ум. ов.	Хизмат кўрсатиш	Курилиш
Ялпи ишлаб чиқариш	50	45	23	44	120	28
Оралиқ истеъмол	36	24	10	19	50	16
Кўшилган қиймат	14	21	13	25	70	12

ЯИМ=сумма ЯКК=14+21+13+25+70+12=155 млрд. сўм.

2. Даромадларнинг ташкил топиш ҳисобламаси

Дарормадларнинг ташкил топиш ҳисоби ишлаб чиқариш жараёнида бевосита тақсимлаш операцияларидан иборат. Бу ҳисоб қўйидагича тузилади:

13-жадвал

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Ишловчиларнинг меҳнат ҳаки шу жумладан: a. резидент; b. норезидент. Ишлаб чиқарилган ва импортта солинуслар. Ялпи фойда ёки ялпи аралаш даромад. Асосий фондлар истеъмоли. Соф фойда ёки соф аралаш даромад.	Ялпи ички маҳсулотнинг бозор баҳосидаги ҳажми. Ишлаб чиқармашга субсидиялар. Импортга субсидиялар.
Жами	Жами

Ушбу ҳисобнинг ресурслари асосан бозор баҳоларидаги ялпи ички маҳсулотдан ҳамда ишлаб чиқариш ва импортга бериладиган субсидиялардан ташкил топади.

Ҳисобнинг фойдаланиши қисмида эса ялпи ички маҳсулотни бирламчи тақсимланувчи элементлари: ишловчиларнинг меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар, асосий фондлар истеъмоли ҳамда ялпи фойда кўрсаткичлари акс эттирилади. ЯИМ кўрсаткичи бу ҳисобга ишлаб чиқариш ҳисобидан ўтказилади.

Субсидиялар – бу жорий трансферт бўлиб, давлат томонидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи хўжалик резидент бирликларининг ишлаб чиқарган маҳсулотлари баҳосини ўзгартиришига ёки даромадларига таъсир кўрсатади.

Субсидиялар 2 турга ажратилади:

- ишлаб чиқаришга субсидиялар;
- импортга субсидиялар.

Ишлаб чиқаришга субсидиялар маҳсулотларга бериладиган субсидияларни ўз ичига олиб, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқарувчи, уларни ички бозорда сотувчи ёки экспорт қилувчи резидент бирликларига маҳсулот ва хизматларининг микдорига ёки қийматига мутаносиб ҳолатда ажратилади.

Даромадларнинг ташкил топиши ҳисобининг фойдаланиш қисмидаги энг муҳим кўрсаткич – меҳнат ҳақидир.

Бу ҳисобда меҳнат ҳақи ўз ичига мамлакат иқтисодий худудига резидент бўлган, шунингдек, резидент бўлмаган барча ишловчиларнинг меҳнат ҳақини олади.

Меҳнат ҳақи ифодаланишига қараб:

- ялпи меҳнат ҳақи;
- корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий сугурта ҳақи-күй ажратмаларидан иборат бўлади.

Ялпи иш ҳақи ўз ичига меҳнат ҳақи фондини, ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириши фондини, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириши фонди таркибига кирмайдиган мукофот ва тақдирлашларни, бошқа меҳнат ҳақи кўринишидаги даромадларни (меҳнат шартномасида кўзда тутилган фойда ҳам ҳисобга олинади), кооператив ва колхозларда ишловчиларнинг меҳнат ҳақлари, харбий хизматчиларга озиқ-овқат ва кийим-бош, шу билан бирга воситачилик, чой-чақа пули ҳамда ёлланган уй хизматларининг иш ҳақларини олади.

Ялпи иш ҳақига корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун қилган харажатлар, хизмат сафари харажатлари, берилган мəхус кийим-бошлар қиймати, шифохона-профилактика овқатлари ёки шу мақсадда ишловчи-

ларга сарфланган харажатлар, ўқиши, ишловчилар малакасини ошириш учун қылинган харажатлар киритилмайды, булар оралиқ истеъмол кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий суғурта ҳақиқий ажратмалари уларни суғурта учун ажратган бадалларидан ҳамда мажбурий медицина суғурталаридан иборат бўлади.

Ялпи фойда даромадларининг таникли топиш ҳисобининг баланслаштирувчи моддаси ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич бозор баҳоларидағи ялпи ички маҳсулотдан меҳнат ҳақини, ишлаб чиқариш ва импортта соф соликларни чегириб ташлаш орқали ҳосил бўлади.

Ялпи фойда = Ялпи ички маҳсулот - Меҳнат ҳақи - Ишлаб чиқариш ва импортта соликлар.

Агар ялпи фойдадан асосий фонdlар истеъмолини айриб ташласак, у ҳолда сой фойда ҳосил бўлади, яъни:

Соф фойда = Ялпи фойда - Амортизация.

Асосий фонdlар истеъмоли (амортизация) асосий фонdlар қийматини бир қисми бўлиб, уларни истеъмоли эскириш мебъери натижасида олинади.

3. Даромадларни тақсимлаш ҳисобламаси

Бу иқтисодиёт миқёсида мамлакатнинг даромадини бошқа давлатлар билан муносабатини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш операцияларини ўз ичига олади.

14-жадвал

Даромадларни айирбошлиш ҳисоби

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Ишлаб чиқариш ва импортта субсидиялар.	Ялпи фойда. Ишловчиларнинг меҳнат ҳақи. Шу жумладан: a. ёлловчи резидентлардан; b. «ташқи дунё»дан. Ишлаб чиқаришга ва импортта соликлар. «Ташқи дунё»дан, мулқдан ва тадбиркорликдан олинган даромад. «Ташқи дунё»дан олинган капитал трансферлар.
Жами	Жами

Бу ҳисобнинг ресурс қисмида асосан ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар (ялпи фойда, ишловчиларнинг меҳнат ҳақи, ишлаб чиқариш ва импортга солиқлар), шунингдек, бошқа кўринишдаги даромадлар, яъни бошқа давлатлардан маҳсулотларни қайта ишлаш натижасида олинган даромадлар (мулкдан, тадбиркорликдан олинган даромадлар ва жорий трансферлар) ифодаланади. Ҳисобнинг фойдаланиш қисмида эса субсидиялар бундан ташқари мулкдан ва тадбиркорликдан «ташки дунё»га бериладиган жорий трансферлар акс эттирилади.

Даромадларни айирбошлиш ҳисобининг баланслантирувчи моддаси ялпи миллий соф даромад кўрсаткичи ҳисобланади.

4. Даромадлардан фойдаланиш ҳисобламаси

МХТни даромадлардан фойдаланиш ҳисоби ялпи миллий соф даромадни якуний миллий истеъмолга ҳамда ялпи миллий жамғармасига ишлатилишини ифодалайди.

15-жадвал

Даромадлардан фойдаланиш ҳисоби

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Якуний Миллий истеъмол, шу жумладан: а. уй хўжалиги; б. давлат муассасалари; с. уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар.	Ялпи миллий соф даромад.
Ялпи миллий жамғарма.	Жами

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобининг ресурс қисмида бир кўрсаткич ялпи миллий соф даромад кўрсаткичи ётади. Бу кўрсаткич узбу ҳисобга даромадларни айирбошлиш ҳисобидан ўтказилади. Ҳисобнинг фойдаланиш қисмида эса 2 та кўрсаткич – якуний миллий истеъмол ва ялпи миллий жамғарма ифодаланади.

Якуний Миллий истеъмол кишиларнинг якка тартибдаги ва жамоа истеъмолини қондириш мақсадида ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизматлари қийматини ифодалайди. У ўз ичига уй хўжалиги, давлат муассасалари ҳамда уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи ижтимоий ташкилотлар истеъмолини олади.

Даромадлардан фойдаланиш ҳисобида уй хўжаликларининг якуний истеъмоли бу мамлакат иқтисодий ҳудудида ҳамда

хорижий давлатларда жойлашган уй хўжалиги резидентлари-нинг якуний истеъмолини ўзида акс эттиради.

Уй хўжаликларининг якуний истеъмоли ўз ичига барча савдо ташкилотлари орқали уй хўжаликлари сотиб олган қиска ва узоқ муддатга фойдаланиладиган товарларни, кўрсатилган истеъмол хизматларини; квартира ҳақи ва коммунал хизматлари ҳақи, маиший хизматлар ҳақи (ҳаммом, кир ювиш, сартарошхона, ижара (прокат) шохобчалари, маълумот бериш хоналари, яшаш жойини алмаштириб берувчи идоралар), шу билан бирга уй хўжаликларининг шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари қўймати, натурал шаклдаги иш ҳақи сифатида берилган маҳсулот ва хизматлар қўймати, корхона ва ташкилотлар томонидан ўз ишловчиларини ва уларнинг оила аъзоларига бепул кўрсатилган ижтимоий-маданий хусусиятга эга хизматлар (корхоналар қошидаги касалхоналар, стадион, клуб, дам олиш уйлари) ҳам киради.

Давлат муассасаларининг ва уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотларнинг якуний истеъмоли ўз ичига бу корхоналар ва муассасаларнинг алоҳида кишиларга кўрсаттан бепул хизматларини; соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва санъат ҳамда жамиятдаги умумий бошқарув, мудофаа ва бошқаларни ифодалайди. Бепул кўрсатилган хизматлар қўймати корхона ва ташкилотларнинг жорий харажатлар суммасига мувофиқ аниқланади.

Давлат муассасаларининг жорий харажатлари таркибига узоқ муддатга фойдаланиладиган ҳарбий техника ва асбоб-ускуналар (бунга ҳарбий хизматчилар учун озиқ-овқатлар, кийим-бошлар киритилмайди), шунингдек, ҳарбий обьектларни қуриш қўймати (бу асосий фондларнинг ялпи жамғармасига таалтуқли), давлат резервлари учун маҳсулот сотиб олиш (бу моддий оборот воситалари захираларининг ўзгаришига тегишли бўлади) ҳам киради.

Даромадлардан фойдаланиши ҳисобининг баланслаштирувчи моддаси бу ялпи миллий жамғарма кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич ялпи миллий соф даромад билан якуний миллий истеъмол ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

5. Сармоя харажатлар ҳисобламаси

Сармоя харажатлар ҳисоби – оборот ва асосий фондларининг номатериал ва молиявий активлар, шунингдек уларнинг таъминот манбаларининг жамланиши жараёнини ифодалайди.

Сармоя харажатлар ҳисоби

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Асосий фондларниң ялпи жамланиши. Моддий оборот воситаларининг ўзгариши. Сотиб олинган ер ва номатериал активлар. «Ташқи дунё»га берилган капитал трансферлар. Соф кредит ёки соф қарзлар.	Ялпи миллий жамгарма. «Ташқи дунё»дан олинган капитал трансферлар.
Жами	Жами

Сармоя харажатлар ҳисобининг ресурс қисмидаги «ялпи миллий жамгарма» кўрсаткичи даромадлардан фойдаланиш ҳисобидан олинади.

Асосий фондларниң ялпи жамланиши кўрсаткичи ҳозиргача қўлланиб келинган асосий фондларниң ўсиши кўрсаткичига тўғри келади. Капитал харажатлар ҳисобининг баланстирувчи моддаси «соф кредит» (-) ёки «соф қарзлар» (-) ҳисобланади.

Улар қуидагича ифодаланади:

Соф кредит ёки соф қарзлар = Ялпи Миллий Жамгарма + бошқа давлатлардан олинган капитал трансферлар – асосий фондларни ялпи жамланиши – моддий оборот воситалари захираларини ўзгариши – сотиб олинган ер ва номатериал активлар – бошқа давлатларга берилган капитал трансферлар.

Халқ хўжалиги бўйича соф кредит ёки соф қарзлар соф ресурслар миқдорини кўрсатади, қайсики давлат «ташқи дунё»га буни таклиф этади ёки «ташқи дунё» бу давлатта тақдим этади.

6. Молия ҳисобламаси

Молия ҳисоби асосан мамлакатдаги молиявий актив ва пассивларниң ўзгаришини, иқтисодиётдаги молиявий ҳолатга ҳамда капитал ҳаракатига баҳо беради.

Ресурсда:

Қабул қилинган молиявий мажбуриятлар;

Соф кредит ёки соф қарзлар;

Фойдаланишда:

Молиявий активларга эга бўлиш.

7. Товар ва хизматлар ҳисобламаси

Товар ва хизматчилар ҳисоби иқтисодиёт миқёсида товар ва хизматларниң умумий ресурслари, бу ресурслардан фойдаланиш йўларини ифодалайди.

17-жадвал

Товар ва хизматлар ҳисобламаси

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Оралиқ истеъмол. Якуний истеъмол. Асосий фондларнинг ялпи жамғармаси. Моддий оборот воситалари захираларининг ўзгариши. Маҳсулот ва хизматлар экспорти.	Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар. Маҳсулотларга солик. Маҳсулот ва хизматлар импорти. Импортга соф солик.
Жами	Жами

Ушбу ҳисобнинг ресурслари асосан ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солик, маҳсулот ва хизматлар импорти, импортга соф солиқдан ташкил топади.

Ҳисобнинг фойдаланиш қисмида эса оралиқ истеъмол ва якуний истеъмол, асосий фондларни ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалари захираларининг ўзгариши, маҳсулот ва хизматлар экспорти кўрсатилиди.

Товар ва хизматлар бўйича барча кўрсаткичлар бошқа ички ҳисоблар тизимидан ўтказилади.

Ҳисобнинг ресурс қисми кўрсаткичлари бўлган ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар, маҳсулотларга солик, импортга соф солик бу ҳисобга ишлаб чиқариш ҳисобидан ўтказилади.

Ҳисобнинг фойдаланиш қисмидаги оралиқ истеъмол ишлаб чиқариш ҳисобидан, якуний истеъмол даромадларидан фойдаланиш ҳисобидан, асосий фондларни ялпи жамғармаси, моддий айланма воситалари захираларининг ўзгариши капитал харожатлар ҳисобидан ҳамда маҳсулот, хизматларни экспорти эса ташки қиётисидий алоқалар ҳисобининг жорий операциялар ҳисобидан олинади. Бу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси аниқланиши бўйича топилади.

4. Ташки дунё ҳисобламаси

Ташки қиётисидий алоқалар қуйидаги З ҳисобда ўз аксини топади:

1. Жорий операциялар ҳисоби – давлатлар ўртасидаги товар ва хизматлар олди-сотди жараёнини ифодалайди. Бу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси – жорий операциялар қолдиги бўллади.

18-жадвал

1. Жорий операциялар ҳисоби

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
<p>Бошқа давлатлардан экспорт эвазига олинадиган даромад.</p> <p>Резидент бўлмаган уй хўжаликлари сотиб олган товар ва хизметлар.</p> <p>Резидентларнинг резидент бўлмаганларни ёллаш ҳисобига олган иши ҳәқи.</p> <p>Бошқа давлатлардан олинган мулк, тадбиркорлик ва трансферт даромади.</p>	<p>Резидент бўлмаганларнинг жорий даромади.</p> <p>Резидент бўлмаганларнинг иш ҳәқи.</p> <p>Ишлаб чиқаришга ва импорта соликлар.</p> <p>Жорий операцияларнинг қоддиги.</p>
Жами	Жами

2. Капитал харажатлар ҳисоби

Капитал харажатлар ҳисоби – асосий ва оборот фонди, номоддий активларга тегишили бўлган ташки иқтисодий операцияларни ифодалайди.

Юқорида назарий жиҳатдан тавсифлаб берилган ички ҳисобламаларнинг тузилиши қўйидагича бўлади:

19-жадвал

1. Ишлаб чиқариш ҳисобламаси.

Фойдаланиш	Киймати	Ресурс	Киймати
Оралик истеъмол Ялпи қўшилган қиймат	1883	Маҳсулот ишлаб чиқариш	3737
ЖАМИ	1854		
	3737	ЖАМИ	3737

20-жадвал

2. Даромадларни ташкил топиш ҳисобламаси.

Фойдаланиш	Киймати	Ресурс	Киймати
Ходимларнинг мехнат ҳәқи	762	Ялпи қўшилган қиймат	1854
Ишлаб чиқариш солиги	191		
Ишлаб чиқаришга субсидиялар	459		
Ялпи фойда	442		
ЖАМИ	1854	ЖАМИ	1854

21-жадвал**3. Даромадларни бирламчи тақсимланиш ҳисобламаси**

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Мулқдан олинган даромад (хорижга берилганды)	399	Ялпи фойда Ходимларнинг меҳнат ҳақи Ишлаб чиқаришга солинклар Мулқдан олинган даромад	459 766 191 416
Ялпи мислий даромад	1433		
ЖАМИ	1832	ЖАМИ	1832

22-жадвал**4. Даромадларни қайта тақсимлаш ҳисобламаси**

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Жорий даромад солинчлари	212	Ялпи мислий даромад	1832
Ижтимоий сугуртага ажратмалар	320	Жорий даромад солинчи	213
Бошқа итимоий нафақалар	560	Ижтимоий сугурта ажратмалари	322
Бошқа жорий трансферлар	259	Бошқа ижтимоий нафақалар	560
Ялпи мислий мавжуд даромад	1805	Бошқа жорий трансфер	239
ЖАМИ	3166	ЖАМИ	3166

23-жадвал**5. Даромадлардан фойдаланиш ҳисоби**

Фойдаланиш	Қиймати	Ресурс	Қиймати
Якуний истеъмол харажатлари	1399	Ялпи мислий мавжуд даромад	1805
Ялпи жамғариш шу жумладан:	406		
- асосий капитал истеъмоли;	184		
- соғиф жамғариш.	222		
ЖАМИ	1805	ЖАМИ	1805

24-жадвал**5. Сармоя харажатлар ҳисобламаси**

Фойдаланиш	Киймати	Ресурс	Киймати
Асосий капитални жамгарыш	139	Соф жамгарыш Соф капитал трансферлар	222
Асосий капитал истеъмоли	12		-3
Моддий айланма воситалар	28		
Захираларнинг ўзгариши	10		
Бошқа активларни сотиб олиш ёки сотиш соф кредит	30		
ЖАМИ	219	ЖАМИ	219

25-жадвал**7. Молия ҳисобламаси**

Фойдаланиш	Киймати	Ресурс	Киймати
Соф активларни сотиб олиш	647	Соф кредит Соф қабул қилинган мажбуриятлар	30 617
ЖАМИ	647	ЖАМИ	647

26-жадвал**Капитал харажатлар ҳисоби**

ФОЙДАЛАНИШ	РЕСУРС
Бошқа давлатлар билан жорий операциялар қолдиги. Сотиб олинган ер ва номатериал активлар.	Бошқа давлатларга бериладиган капитал трансферлар. Соф кредит ёки қарзлар.
Жами	Жами

Бу ҳисобнинг баланслаштирувчи моддаси соф кредит ёки қарзлар ҳисобланади.

3. Молиявий ҳисоб

Молиявий ҳисоб мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқаларида бошқа давлатлар муносабатига молиявий актив ва пассивларнинг ўзгаришини ифодалайди.

Шундай қилиб, миллий ҳисоблар тизими ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча томонларини босқичма-босқич ишлаб чиқариши ифодалайди.

Қисқача ҳолосалар

Миллий ҳисоблар тизими – пул (қиймат) шаклида ифодаланган макроиктисодий күрсаткычларнинг жамланган тизими бўлиб, у мамлакат иқтисодиётини таърифлашда ва миллий иқтисодиётни мувофиқлаштириш ҳамда иқтисодий башоратлар тузиш; учун хизмат қиласди.

МХТнинг жадваллари турли-туман баланслардан ташкил топган. Ўнинг таркибига кирган жадваллар халқаро статистикада кенг қўлланиладиган макроиктисодий күрсаткычларни ҳисоблашга қаратидган.

1993 йил феврал ойида БМТнинг Нью-Йоркдаги Статистика комиссиясининг навбатдаги сессиясида МХТнинг янги андозаси қабул қилинди ва уни қўллаш учун руҳсат берилди. Шунга асосан 1995 йилда Європа мамлакатлари статистика кўмитаси МХТнинг янги андозасини амалиётта жорий этди.

МХТнинг янги андозасида иқтисодиёт секторлари қуидаги гурухларга ажратилди:

- номолиявий корхоналар;
- молиявий муассасалар;
- уй хўжалиги;
- уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий ташкилотлар).

МХТнинг янги андозаси қуидаги ҳисоблар тизимидан ташкил топади:

- барча иқтисодий секторлар учун стандарт ҳисоблар;
- иктисодий тармоқлар учун ҳисоблар (ишлаб чиқариш ва даромадларнинг ташкил топиш ҳисоби);
- бутун иқтисодиётни тўлалигича таърифловчи ҳисоблар.

Шундай қилиб, МХТ ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча томонларини босқичма-босқишилаб чиқариш ифодалайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Халқ хўжалиги баланси нима?
2. Миллий ҳисоблар тизими деганда нимани тушунасиз?
3. XXБ ва МХТ орасидаги умумий боғланишларни тушунириб беринг.
4. Оралиқ истеъмолга нималар киради?
5. МХТни халқаро андозаларини изоҳланг.
6. МХТда иқтисодий операция нима ва у қандай турларга бўлинади?
7. Иқтисодиёт секторларини таснифланишини тушунтиринг.
8. МХТни асосий ҳисобламалари ва унинг асосий кўрсаткичларини тавсифланг.
9. Ўзбекистон статистикасига МХТни жорий қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. 100 саволга жавоб. – Т.: Мехнат, 1998.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.
3. Набиев Ҳ.Н., Набиҳўжаев А.А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизми. – Т., 1998.
4. Салин В.Н. идр. Макроэкономическая статистика. – М.: Дело, 2001.
5. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, Штутгарт, 1995.
6. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. Учебник. – М.: Инфра, 2000.
7. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. – М.: Финстатинформ, 1998.
8. Европейская система интегрированных экономических счетов. – М.: Экономика, 1994.
9. Махмудов Б. Миллий ҳисобчилик асослари. – Т.: Академия, 2003.

II БҮЛİM

МИКРОИҚТІСОДИЙ СТАТИСТИКА

Х боб

МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ

10.1. Маҳсулот ва хизматлар статистикаси обьекті

Миллий ҳисоблар тизимида ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаша шағында күлланадиган тармоқтар маҳсулоти күрсаткичларини ҳисоблашында, шуны әтібиорға олиш лозимки, тармоқтарни ташкил этувчи, иқтисодий бирликларига таъриф берувчи тасніф бирлигі аниқланади.

Ҳамма турдаги иқтисодий фаолияттар халқаро тармоқ стандарт тасніфига биноан, тасніф бирлигі деб заведение, яғни корхонаниншын бир турдаги фаолияти билан бөглік бўлинмаси тушунилади. Заведение сифатида бутун корхонани ҳам ҳисоблаш мумкин, лекин одатда корхона турли хил бўлинмалардан ташкил топади.

Тармоқ деганда бир турдаги заведениялар йигиндиси тушунилади. Тармоқ маҳсулоти деганда тармоққа киругчи ташкилотлар томонидан яратилган барча маҳсулот аниқланади. Тармоқ асосий күрсаткичлари тарикасида ялпи ишлаб чиқариш ва ялпи қўшилган қиймат тушунилади.

Ялпи ишлаб чиқариш, бу ялпи ишлаб чиқариш натижавий күрсаткичининг бошлангич ҳисобиди. Бу күрсаткичга барча ишлаб чиқарган маҳсулотни, яғни амалга ошириш ҳажми ва ҳали амалга оширилмаган тайёр маҳсулот захираси ўзгариши киритилади. Бу күрсаткични ҳисоблашында оралиқ истеъмол этилган хомашё ва материаллар қиймати айрилмаган ҳолда ҳисобланади.

Ялпи қўшилган қиймат эса хўжалик фаолияти натижасини аниқроқ таърифлаб, оралиқ истеъмолни чегириб ҳисобланади. Бу күрсаткич асосий фонднинг истеъмол қиймати, яғни амортизация айрилмаган ҳолда ҳисобланганлиги учун «ялпи» дейилади.

Ялпи ишлаб чиқариш ва ялпи қўшилган қиймат күрсаткичлари жорий баҳоларда ва маҳсулот физик ҳажми динамикасини ўрганиш учун ўзгармас баҳоларда ҳисобланади. Жорий баҳоларда ҳисоблашында, маҳсулот амалга ошириш фурсатидаги баҳода эмас, балки ишлаб чиқариш давридаги баҳоларда ҳисоблашында олинади. Амалга оширилган маҳсулот қийматини аниқлаш

да, буюртмачидан түшгән пул җажми эмас, балки у бериши ке-рак бўлган җажми ҳисобга олинади. Маҳсулот җажмини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш тармоқларда ўзига хос хусусиятларга эга. Шу хусусиятларни кўриб чиқамиз.

10.2. Саноат ва бошқа тармоқлар маҳсулотлари статистикаси

Саноат корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятининг натижавий кўрсаткичи маҳсулот ҳисобланади. Баъзи маҳсулот миқдори пул ифодасида ва алоҳида элементлари бўйича натурал ўлчов бирликларида ўлчаниши мумкин. Бажарилган хизмат җажми эса пул ифодасида ўлгчанади.

Хизмат кўрсатиш фаолияти натижасида янги истеъмол қиймати яратилмайди, қандай бирламчи маҳсулот натурал кўринишида бўлса, шундайлигича қолади, лекин бирламчи маҳсулот қиймати ортади. Масалан, юк ташиш транспортни фаолияти натижасида “А” пунктдан “В” пунктга ташилган гишт ортилганда қандай бўлса, туширилганда ҳам шундайлигича - гиштлигича қолади, лекин гиштнинг баҳоси энди ошади, унга нафақат гиштни сотиб олиш, ортиш, тушириш қиймати, балки ташиш қиймати ҳам кўшилган.

Ишлаб чиқариш фаолияти натижасида бошланғич хомашё, материал ўз истеъмол қийматини бутунлай йўқотади. Масалан, уч метр газламадан кўйлак тикилди, бу фаолият натижасида газлама энди йўқ бўлиб, у кўйлак кўринишига кирди. Кўйлак тикингча қадар газламадан парда ҳам тикиш мумкин эди, яъни газламанинг истеъмол қиймати бутунлай йўқотилиб, унинг қиймати ҳам кўйлак қийматига бутунлай киритилади. Бунда истеъмол қиймати бир хил бўлган, яъни бирининг ўрнини бошқаси босиши мумкин бўлган маҳсулотлардан бири этalon тариқасида олиниб, қолганлари шу эталонга мослашади. Масалан, талабага 96 варакълик дафтар керак бўлса, сотувда шундай дафтарни топа олмаса, у ҳолда унинг ўрнига 2 та 48 варакълик дафтар ёки 4 та 24 варакълик дафтар олиши мумкин. Бунда 2 та, 4 та бу 96 варакъ - эталонга айлантириш кўрсаткичларидир.

Шартли-натурал ўлчов бирлиги; $\sum q \times k$ бу ерда, k - коэффицент.

Лекин талабларимиз турли хил: билимга; озиқ-овқат; қийим-кечак; дам олиш ва ҳ.к. Мана шу каби турли хил талабларни қондириш учун турли хил истеъмол қийматлар, турли хил маҳсулотлар керак бўлади. Уларнинг ҳаммасини умумлашти-

риш мақсадида қиймат кўрсаткичидан фойдаланилади. Қиймат кўрсаткичига баҳо (P) ёрдамида айлантирилади ва қиймат кўрсаткичлари $= \sum q \times p = \sum Q$ билан ифодаланади.

Қиймат ўлчов бирлиги нафақат турли хил маҳсулотларни умумлаштиришга, балки маҳсулот ва хизматларни ҳам, ишлаб чиқаришда тайёрлиги бўйича турли хил поғоналарда бўлган меҳнат натижаларини ҳам умумлаштиришга ёрдам беради.

Тайёрлиги бўйича маҳсулот қўйидагича гурухланади:

- тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- ярим фабрикат;
- тайёр маҳсулот.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш деб, корхона турли бўлимларида ишлаб чиқариш жараёни бошланиб, ҳали тугалланмаган натижага айтилади.

Ярим фабрикат деганда, турли хил босқичда ишлаб чиқариш жараёни бутунлай тутатилиб, шу босқичда бошқа ҳеч қандай ишлов бериш керак бўлмаган, корхонанинг кейинги бўлинмасига ўтказиши ёки четга сотиши мумкин бўлган маҳсулот тушунилади.

Тайёр маҳсулот деганда, корхона доирасида ҳамма ишлаб чиқариш жараёни бутунлай тутатилган, сифат стандартларига мос келиб, яроқли топилган, керакли ҳужжатлар билан расмийлаштириб, тайёр маҳсулот омборига топширилган маҳсулотлар тушунилади.

Тайёр маҳсулотлар, четта бажарилган ишлар ва ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар пулдаги ифодаси йигиндиси ялпи ишлаб чиқариш дейилади. Ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми кўшилса, ялпи айланма дейилади. Ялпи айланмага ишлаб чиқарилган барча тайёр маҳсулот ва ярим фабрикатлар (сотишга мўлжалланганми, қайта ишлов беришгани, ундан қатъиназар), тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдигининг ўзгариши ва четта бажарилган хизмат ҳажми киритилади.

Корхонанинг бир бўлимида ишлаб чиқарилган ярим фабрикат кейинги бўлимида ишлатилган бўлиши мумкин. Шунингдек, корхонанинг бир бўлими иккинчи кўрсаттан бўлимига хизмат ҳажми ҳам, корхона доирасида ҳисобот даврида ишлатилган ярим фабрикат ва хизматлар ҳажми ҳам ички ишлаб чиқариш айланма, дейилади. Шунинг учун ялпи айланма кўрсаткичи корхона концентрация қилинса ошиб боради, ихтисослаштирилса камайиб боради ва шу муносабат билан амалиётда бу кўрсаткич ҳисобланмайди. Бу кўрсаткични ҳисоблаш ус-

лубияти айрим (гўшт-сут соҳа ва ҳ.к.) саноат корхоналарида ялпи маҳсулот ҳажмини ҳисоблашда қўлланилади.

Ялпи айланмадан корхона ички ишлаб чиқариш айланмаси айрилса, ялпи маҳсулот кўрсаткичи келиб чиқади. Корхона ялпи маҳсулоти деганда, ишлаб чиқариш фаолияти умумий натижасининг айрим давр мобайнида, пулдаги ифодаси тушунилиб, унга барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар киради. Четта чиқарилган ёки сотиш учун мўлжалланган ярим фабрикатлар ва ишлаб чиқариш характеридаги бажарилган хизматлар ҳажми ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиги ҳам ялпи маҳсулот ҳисобланади.

Бундан кўриниб турибдики, ялпи маҳсулотнинг барчаси ҳам сотишга мўлжалланмайди. Шу боис, фақат сотиш учун мўлжалланган қисми, яъни товар маҳсулоти аниқланади.

Товар маҳсулоти – мазкур давр мобайнида корхона пировард фаолиятининг натижавий кўрсаткичи бўлиб, истеъмолчиларга, четта жўнатилиган ёки жўнатишга тайёр маҳсулот. Тайёр маҳсулотта омборда жўнатиш учун қулай ҳажмни тўплаш мақсадида сақланаштган маҳсулотлар киради. Товар маҳсулоти корхона фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, чунки бухгалтерия маҳсулот калькуляциясини қилиб, унга кетган харажатларни аниқлаб, таннархини ҳисоблаб, қанчадан сотиш мумкинligини аниқлайди, бу эса қанча фойда олиш мумкинligини кўрсатади. Лекин фойда фақат маҳсулот жўнатилиб, сотилиб, ҳисоб рақамига шул келиб тушгандан сўнг аниқланади. Шу мақсадда бугалтерия ҳисобида жўнатилиган ва буюргмачига топширилган маҳсулот кўрсаткичи аниқланади (уни ишлаб чиқарилган ва жўнатилиган маҳсулот орасидаги тафовут, омбордаги тайёр маҳсулотнинг ҳажми ташкил этади).

Сотилган (амалга оширилган) маҳсулот деганда, истеъмолчига жўнатилиган ва у учун тайёрловчининг ҳисоб рақамига шул келиб тушган маҳсулот тушиналади.

Саноат маҳсулоти ҳақидаги статистик маълумотлар саноат ва носаноат корхона ва ташкилотлар (мулкчилик шаклидан қатъиназар) ва уй хўжаликлари томонидан яратилган маҳсулот ҳажмини ифодалайди. Бунга носаноат ташкилотларнинг балансидаги ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари киритилади. Ёрдамчи саноат ишлаб чиқариш манзили, балансида бўлган юридик шахс манзили билан бир бўлмаслиги мумкин.

Саноат маҳсулоти қийматига, ўз хомашёсидан ёки буюргмачи хомашёсидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот, ўзи ишлаб чиқарган ярим фабрикатлар қиймати (корхона ичидаги айланмасиз), четта бажарган саноат характеридаги хизмат

қиймати буюртмачи хомашёсидан тайёрланган маҳсулотта ишлов бериш қиймати бўйича баҳоланади.

Саноат характеридаги хизматлар: транспорт воситалари, усукуналари, механизмларни созлаш ва модернизация қилиш, бошқа корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотни тўла тайёрлик ҳолатига келтириш билан боғлиқ материал ва деталларга қисман ишлов бериш бўйича айрим операцияларни бажариш, буюртмачида ускунани монтаж қилиш, созлаш ва ишга тушириш ва ҳоказолардан иборат.

Саноат корхонаси маҳсулоти ҳажмини ҳисоблашда завод усулидан фойдаланилади, яъни корхона ичидаги айланма ҳисобга киритилмайди. Шундай қилиб саноат маҳсулоти таркибиға қуидагилар киради:

- сотилган (амалга оширилган) маҳсулот ҳажми;
- четга чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми;
- ноишлаб чиқариш корхонаси бўлимларига жўнатилган товарлар қиймати (корхонанинг бөгчаси, дам олиш уйи, тиббийт муассасаси ва ҳ.к.);
- бошқа ташкилотларга гуманитар ёрдам тариқасида жўнатилган маҳсулот қиймати;
- меҳнат ҳақи эвазига корхона ходимларига берилган маҳсулот қиймати;
- сотилган (амалга оширилмаган), лекин тайёр маҳсулот қолдигининг ўсиши;
- туталланмаган ишлаб чиқариш қолдигининг ўсиши.

Саноат маҳсулоти қиймати қўшилган қийматга солиқсиз баҳоланади.

Саноат корхонаси статистик ҳисботида саноат маҳсулоти қийматини жорий баҳоларда ва физик ҳажми динамикасини ҳисоблашда керак бўладиган қиёслашда олдинги давр баҳосида кўрсатади.

Ассортименти тор бўлган тармоқларда, маҳсулотни ўзгармас баҳода ҳисоблаш натурал кўрсаткичлар асосида амалга оширилиши мумкин, кейин эса улар индексларидан ўргача арифметик (оддий ёки тортилган) усулда ўргачаси ҳисобланади. Ассортименти кенг бўлган маҳсулот сифати ўзгарувчан тармоқларда эса ўзгармас баҳодаги маҳсулот қиймати баҳо индекси ёрдамида маҳсулот қийматини деталлаштириш орқали амалга оширилади. Бу мақсадда вакил-товар бўйигча баҳо индекслари аниқланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти кўрсаткичига қаерда ишлаб чиқарилганигидан қатъиназар, зироатчилик ва чорвачилик маҳсулотлари киради. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ноқишлоп ҳўжалик маҳсулотлари қиймати иқтисодиётнинг бошқа тар-

моқлари маҳсулотига киритилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти қийматига, экинчилик ва чорвачиликнинг тайёр маҳсулотлари қийматидан ташқари, кейинги йил ҳосили учун харажатлар қиймати – тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқтарининг ҳам, чорвачилик маҳсулотига эса мол сонининг кўнайиши ҳам қўшилади.

Халқаро тармоқ стандарт классификаторига биноан, қишлоқ хўжалигига қишлоқ хўжалик хизматларини кўрсатувчи бўлимлар ҳам киритилади (ернинг ҳолатини яхшилаш ва ҳ.к.). Шунинг учун бу каби хизматлар ҳажми ҳам, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмига қўшилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти қиймати ялпи айланма усули бўйича ҳисобланади, хўжаликда ишлаб чиқарилган ва истеъмол этилган уруғ ва ем қиймати ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати жорий ва ўзгармас баҳода ҳисобланади. Жорий баҳода қишлоқ хўжалик маҳсулотини ҳисоблашда, шуну эътиборга олиш лозимки, маҳсулот турли хил баҳоларда, ҳар хил сотиш йўналиши бўйича сотилади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига катта ҳажмда нотовар маҳсулот мавжуд (шахсий пировард ва оралиқ истеъмол, сотилмаган (амалга оқирилмаган) тайёр маҳсулот захирасининг ошиши ва ҳ.к.). Шунинг учун энг самарали усул, қишлоқ хўжалик маҳсулотини жорий баҳоларда ҳисоблашнинг баланс усулидир. Нотовар маҳсулот қийматини ҳисоблашда, ўхшашиб сифатли маҳсулотларнинг сотиши (амалга ошириш) баҳоси олинади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари одатда танинрарх бўйича баҳоланади. Ўзгармас баҳода қишлоқ хўжалик маҳсулотини баҳолашда, тўғри баҳолаш усулидан фойдаланилади, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори доимий баҳога кўпайтирилади, чунки қишлоқ хўжалигига маҳсулот ассортименти чекланган, ҳар бир маҳсулот тури бўйича натуранл ҳажм ва ўргача баҳо мавжуд бўлади.

Қишлоқ хўжалигининг физик ҳажм индексини ҳисоблашда Ласпейрес усулидан фойдаланилади.

Курилиши фаолиятига қўйидагилар киради:

- хўжалик усули бўйича, қурилиш монтаж ва бошқа ишларни бажарувчи ташкилотлар;
- аҳоли буюртмаси бўйича, уй-жой қуриш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар;
- қудуқларни қазиши билан шуғулланувчи ташкилотлар;
- қидирув ташкилотлари;
- қурилишини хўжалик бошқарувини амалга оширувчи ташкилотлар;
- уй-жой, дала ҳовли, хўжалик қурилишлари буюртмаси бўйича, уй-жойни капитал таъмирлаш, индивидуал қурилиш

ишлари билан банд бўлган жисмоний шахслар, ўз кучи билан қурилиш ва таъмирлаш ишлари.

Қурилиш фаолияти даврий бўлганлиги учун бундай ишлар сирасига қўйидаги ишлар киритилади:

- қурилиш-монтаж ишлари;
- геология-қидириув ва изланиши ишлари;
- срнинг ҳолатини яхшилаш, ирригацион ва мелиоратив ишлар;
- капитал таъмирлаш;
- бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш ишлари;
- хусусий тураржой ва бошقا қурилиш обьектларини қуриш ишлари.

Қурилиш маҳсулоти қиймати ишлаб чиқариш усулида ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар – асосий фондни ташкил этишга қаратилган инвестициялар бўлиб, умумий инвестицияда салмоқли ўрин эгаллади. Капитал қурилиш статистикасида улар қўйидаги ишлар ва харажатлар қийматидир:

- қурилиш ишлари;
- ускуналарни монтаж қилиш ишлари;
- қурилиш сметасида ҳисобга олинган ускуналар, инвентарь, инструментларга харажатлар;
- қурилиш сметасига кирмаган машина ва ускуналарга харажатлар;
- айрим қурилиш обьектларига қарашли лойиха изланиш ва геология-қидириув ишлари ва бошига капитал ишлари харажатлари (узоқ йиллик экинларни, боғ, узумзор кабиларни барпо этиш учун дов-дараҳт ўстириши).

Транспорт тармоги: темир йўл, автомобиль, шаҳар электр транспорти, трубапровод, денгиз, ҳаво транспорти ва бошқалардан иборат.

Транспорт фаолиятини таърифловчи асосий қўрсаткич бўлиб: юк ва ўловчи ташишдан олинган даромад ҳисобланади. Юк ташиш транспорти фаолияти тонна/км да ифодаланиб, бу комплекс ўлчов бирлигидир, чунки юк ташиш транспортининг асосий вазифаси юкни «А» пунктдан «Б» пунктта ташиш. Демак, бунда оғирлик ўлчов бирлиги км. дан, лекин қандайдир юкни ташишда, тоннадан фойдаланилади. Бу ўлчов бирликларини ҳар бири алоҳида бўлиб, умумий юк ташиш транспорти фаолиятини аниқ ифодаламаганлиги учун иккаласидан, яъни т/км дан фойдаланилади.

Ахоли ташиш транспортида пассажир/км дан фойдаланилади.

Ташиш фаолиятидан олинган даромадларга қўйидагилар киради: юк ташиш учун олинган, пассажир ташиш учун олин-

ган, юк жүннатувчи ва пассажир учун құшымча хизмат ҳақи, ортиш-тушириш ишлари ҳақи ва ҳ.к. Тармоқ маңсулотига ҳар қандай юк ва пассажир ташиш фаолиятларини ҳисобға олиб, транспорт хұжалиги, пуллик хизмат қылувчи физик шахслар, йўл хұжалигини жорий таъмирлаш ва автомобиль йўлларини сақлаш кабилар киритилади. Йўлни қуриш ва капитал таъмирлар фаолияти қурилиш фаолиятига киради.

Савдо тармоғига:

- ички улгуржи ва чакана савдо;
- чакана савдо;
- ташқи савдо;
- хұжалик ва мәший буюмлар ижараси;
- кинофильм ва видеофильмлар ижараси;
- истеъмол товарларини ижарага бериш;
- олди-сотди билан шуғулланувчи савдо;
- уйлар, тижорат маркази, дилерлар;
- маклер, брокер, биржা кабиларнинг воситачилик хизматлари киради.

Савдо фаолиятини таърифловчى асосий кўрсаткич товарайланма, яъни товарни пулга айрибошлиш кўрсаткичи хисобаланади. Бу кўрсаткич ҳам харидорга сотилган товар ҳажмини, ҳам сотувчиларга тушган пулни ва харидорнинг товарни сотиб олишга қилган харажатини ифодалайди.

Маҳсулот бозори бир-бiri билан боғлиқ уч хил бозорга бўлиб ўлчанади:

1. Улгуржи истеъмол бозори:

- ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот бозори;
- истеъмол маҳсулотлари бозори. Бу бозорда харидорлар бўлиб, ишлаб чиқариш корхона, ташкилот, муассасалари ҳисобланади.


2. Савдо-воситачилик улгуржи бозор:

- ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот бозори;
- истеъмол маҳсулотлари бозори. Бу бозорда харидорлар бўлиб, улгуржи ва чакана савдо корхоналари бўлишади.

3. Чакана-истеъмол бозори. Бу бозорда асосий харидор индивидуал истеъмолчи аҳолидир.

Истеъмол улгуржи бозорнинг мавжудлиги шундан келиб чиқадики, айрим саноат тармоқларига истеъмол товар хомашё сифатида кўрилади. Ишлаб чиқаришнинг шу бозорлар билан боғлиқлиги қўйидагича кўринишда бўлиши мумкин.

Умумий товарайланма ҳажми алоҳида савдо корхоналари ва бозор товарайланмасидан ташкил топади. Иирик ва ўрта савдо корхоналари товарайланма ҳажми ҳақида ойлик статистик маълумот топширилади.



6-чизма. Ишлаб чиқарышнинг бозор билан боғлиқтігі

Кичик корхоналар бүйічча чораклик танлама кузатиш ўтказилади. Қишлоқ хұжалик ва бошқа истельмол товарларининг сотилиш ҳажми бүйічча ҳам чораклик танлама кузатиш асосида маълумот түрленади.

Савдо маълумоти қиймати савдо натижасига боғылғық бўлиб, бу натижка устама савдо бирлікларининг ялпі даромадидир. Бу даромад муомала харажатларини қоплашга ва фойда олишга қаратилади.

Истельмол товарлари ижараси қиймати ижара ҳақи тўлови орқали баҳоланади. Жисмоний шахслар савдо фаолиятини баҳолашда маҳсус ҳисоблашлардан фойдаланадилар.

Аҳолини ташкил этилган савдодаги хариди, уй хұжалигининг бюджет текширувлари маълумоти асосида олинган, ташкил этиладиган савдо хариди ўзаро қиёслаш йўли билан аниқланади. Кейин бу жараёнда олинган маълумотлар натижаси барча савдо ташкилотлари товарайланмасига ёйлади ва шундай қилиб умумий истельмол товарлари хариди ташкил этилмаган бозорда аниқланади. Савдо наценкаси эксперт усули билан белгиланади.

Қисқача ҳуосалар

Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бирламчи хомашё материал истеъмол қиймати бутунлай ўзгартирилиб, янги истеъмол қиймат ҳосил бўладиган технологик жарабён маҳсулидир.

Хизмат фаолияти натижасида бирламчи материал натурал физик ҳусусияти, истеъмол қиймати ўзгармайди, лекин бу фаолият натижасида бирламчи қиймат ўзгаради. Хизмат фаолияти натижаси қиймат ўлчов бирлигига ўлчанади.

Маҳсулот ҳажми эса, қўйилган вазифага биноан: натурал, сифатли натурал, қиймат ўлчов бирликларида ўлчанади. Қиймат ўлчов бирлиги нафақат турли хил истеъмол қийматларни, балки тайёрлиги бўйича ҳам ишлаб чиқариш поғоналари маҳсулуни ҳам, хизмат ва маҳсулотларнинг умумий ҳажмини ҳам умумлаштирувчи кўрсаткичдир. Маҳсулотнинг асосий қиймати ялпи ишлаб чиқариш, ялпи айланма, ялпи маҳсулот, товар маҳсулоти, жўнатилган маҳсулот, сотилган маҳсулот миқдорларидир.

Маҳсулот сотишдан тушган тушум ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таъсири мультиплікатив ва адіптив моделлар боғлиқлиги ёрдамида ўлчанади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхона фаолияти учун қандай ресурслар бўлиши мумкин?
2. Хизмат билан маҳсулот орасидаги бирлик ва фарқ нимада?
3. Маҳсулот тайёргилиги бўйича қандай тасдиқланади ва нима учун керак?
4. Маҳсулот ҳажмини натурал ўлчов бирликларидан фойдаланиб аниқлашнинг хусусияти нимада?
5. Ишлаб чиқариши фаолияти натижасини баҳолашда қиймат ўлчов бирликлари қандай ўрин тутади?
6. Қандай маҳсулот қиймат кўрсаткичларини биласиз ва уларнинг зарурияти нимада?
7. Сотилган маҳсулот тушуми ўзгаришига омиллар таъсири мультиплекатив модели ёрдамида қандай ўрганилади?
8. Шу боғлиқлик адептив модел ёрдамида қандай ўрганилади?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев Ё. Макроиктисодий статистика: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат, 1998 .
2. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. – М.: Финансы и статистика, 2000.
3. Акрамов Э.А., Ишмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода. – Т.: Узбекистан, 1993.
4. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг. Всемирный банк. 2001г.
5. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1994.

XI боб

ИШЧИ КУЧИ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИ

11.1. Бандлик таснифи

Ишчи кучининг таркибий тузилишини статистик таҳлил этиш, меҳнат бозоридаги талаб ва тақлифни башорат қилиш ҳамда меҳнат бўйича маътумотларни халқаро қиёслашда XV меҳнат статистиклари халқаро конференцияси қабул қилган «Бандлик мақомининг халқаро таснифи» (инглизча версияси ICSE - 93, ўзбекча версияси БМХТ - 93) мухим аҳамият касб этади. Айтиб ўтилган классификатордан фойдаланиш статистик амалиётга бандлик турлари бўйича иқтисодий фаол аҳолининг кўйидаги тоифаларини киритишни назарда тутади.

Иқтисодий фаол аҳоли — товар ва хизматларни ишлаб чиқариши учун (бунга товарларни бозор, бартер ва шахсий истесъмол учун ишлаб чиқариши ҳам киритилади) ўз меҳнатини тақлиф қиласидан ҳар иккала жинсга мансуб шахслардир. Халқаро стандартларга кўра, иқтисодий фаол аҳолига банд бўлган барча аҳоли ва ишсизлар киритилади. Бунда аҳоли ҳарбий хизматчилар ҳам кўшилган ҳолда иқтисодий фаол аҳоли ва фақат фуқаролардан иборат иқтисодий фаол аҳолига (яъни ҳарбий хизматчиларсиз) ажратилади.

Кўпинча “иқтисодий фаол аҳоли” тушунчаси ўрнида “ишчи кучи” ва “меҳнат ресурслари” тушунчалари ишлатилади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, “меҳнат ресурслари” тоифаси юқорида айтилган тоифалардан фақат “бандлар” ва “ишсизлар” нигина эмас, балки меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатта лаёқатли ёшдаги ўқувчилар, уй бекалари, ҳар хил сабабларга кўра, иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланмайдиган меҳнатта лаёқатли бошқа шахсларни қамраб олиши туфайли фарқланади.

БМХТ - 93 алоҳида шахсларни ҳақиқий ёки потенциал бандлика кўра таснифлайди. Бунда банд бўлган шахслар мақомини улар ҳақиқий бажараётган ишлари асосида, ишсизларникини эса улар охирги бажарган ишлари (агар улар ишлаган бўлсалар) ёки излаётган иш тури асосида аниқлаш керак бўлади.

Кўйидаги гурӯҳларни фарқлаш тавсия этилади:

1. Ёлланма ходимлар.
2. Иш берувчилар.
3. Ўз ҳисобига ишлайдиган шахслар.
4. Ишлаб чиқариши ширкатлари аъзолари.
5. Оиланинг ёрдам берувчи аъзолари.
6. Бандлик мақоми бўйича таснифланмайдиган ходимлар.

Ёлланма ходимлар. Ишловчиларнинг энг кўп сонли гурухи бўлиб, у меҳнат шарт-шароитлари ва унга ҳақ тўлаш тўғрисида ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхоналар ёки алоҳида шахс билан меҳнат шартномаси (контракт, битим) тузган шахстарни ўз ичига олади.

Бу гуруҳни ташкил этувчилар сифатида БМХТ - 93 қўйидаги кичик гуруҳларни ажратади:

- муддати қатъий белгиланган доимий ёлланма ишчилар;
- муддатесиз меҳнат битимиға эга доимий ёлланма ишчилар;
- тасодифий ходимлар;
- қисқа даврга қабул қилинган ходимлар;
- мавсумий ходимлар;
- касаначилар;
- пудратчилар;
- бир корхона билан меҳнат шартномасига эга бўлган, аммо ишни бошқа корхонада бажарадиган ходимлар;
- артель аъзолари, (булар қаторига бутун гуруҳи билан ишга қабул қилинадиган, бунда ёлаётган ташкилот шартномани ҳар бир алоҳида ходим билан эмас, балки артель раҳбари ёки воситачи билан тузадиган гуруҳ ходимлари киритилади).

Иш берувчилар. Бу гуруҳга мустақил бир ёки бир неча шериклар билан бирга ишлаб, доимо “ёлланма ишчи” сифатида бир ёки бир неча ходимларни ёллайдиган ходимлар киритилади.

Ўз ҳисобига ишлайдиган шахстар. Бу гуруҳга қоидага кўра, мустақил ёки шериклар билан ишлайдиган ва доимий асосда ҳеч қандай ёлланма ишчиларни ёлламайдиган шахслар киритилади.

Ишлаб чиқариши ширкатлари аъзолари. Бу гуруҳга ширкатларнинг фаол (ишлайдиган) аъзолари ҳисобланадиган шахслар киритилади. Бунда ҳар бир аъзо ишлаб чиқариши ташкил қилиш, маҳсулотларни сотиш, корхона даромадларини ширкат аъзолари ўртасида тақсимлашга алоқадор масалаларни бошқалар билан тенг ҳукуқларда ҳал қиласди. Ишлаб чиқариши ширкатларида ёлланма ишчилар бу гуруҳга киритилмаслиги алоҳида айтиб ўтилади.

Оиланинг ёрдам берувчи аъзолари. Оилавий корхоналар (бизнес)да фаолиятини шу уй хўжалигида яшовчи қариндош бошқарадиган шахслар оиланинг ёрдам берувчи аъзолари ҳисобланади. Бунда уларни шериклар сифатида таърифлаб бўлмайди, чунки уларнинг корхона фаолиятидаги иштироклари ишвақти ва бошқа омиллар нуқтаи назаридан турличадир.

Бандлик мақоми бўйича таснифланмайдиган ходимлар. Бу гуруҳга илгарилари даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган ишсизлар ва зарур ахборотнинг старли

эмаслиги ёки қандайдир бошқа сабаблар туфайли юқорида айтиб ўтилган гурухлардан бирортасига ҳам киритиш мүмкін бўлмаган шахслар киритилади.

Банд аҳоли иқтисодий фаол аҳолининг бир қисми бўлиб, улар қўйидагилар:

- иш ҳақи ёки даромаднинг бошқа тури учун ёлланма ишни (бир соат бўлса ҳам) бажарган ёки корхона билан расмий алоқани сақлаб қолган;

- оиласий корхонада ҳақ олмай иш (бир соат бўлса ҳам) бажарган;

- касаллик, меҳнат таътили (ҳомиладорлик, туғиш ҳамда болага қараш бўйича таътилларни ҳам қўшган ҳолда), иш ташлашлар, об-ҳаво шарт-шароитлари ва шу кабилар туфайли ишда вақтингча йўқ бўлган, аммо йўқлигига уларга иш ҳақи ёзилган - ёзилмаганлиги ва улар бу вақтда янги иш излаган - изламаганликларидан қатъиназар, корхона билан расмий алоқани сақлаб қолган бўлади.

Шундай қилиб, бандлар сонига: давлат корхона ва ташкилотларида; барча турдаги ширкатларда; хусусий корхоналар ва аралаш мулкчилик шаклидаги корхоналарда; фермер хўжаликларида ишлаб турган, шунингдек, ўз ёрдамчи хўжалигига ва айрим шахсларда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар ҳисобга олинади.

11.2. Микродарожада банд бўлганларни статистик ўрганиш

Корхона ходимлари сони ҳақида маълумот корхона меҳнат ҳисоботида акс эттирилади. Корхона ходимлари сонининг бирламчи ҳисоботи ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш буйруқларидан бошланади ва корхона ходимларининг қунлик рўйхатдаги сонига киритилади. Ҳамма ходим тоифалари, доимий, вақтингча, мавсумий ишга қабул этилган, асосий ёки ёрдамчи иш фаолиятига қарамасдан, корхона таркибида алоҳида штатдаги ходимлардан ташқари ўриндошлик бўйича ишловчилар (совместителларнинг) ҳисоби ҳам юритилади.

Рўйхатдаги ходимлар сонига ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиққан кундан бошлаб, то ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиққунча рўйхатда бўлганлар киритилади. Доимий ходимлар сонига ишга қабул қилиш буйруғида муддати кўрсатилмаган ҳодисалар киритилади.

Вақтингча ходимлар сонига икки ой муддаттacha ёки вақтингча ишламаётган ходимлар ўрнига ишлашга 4 ойгача қабул қилинганлар киритилади. Мавсумий ходимларга олти ойгача мавсумий

иши бажариш учун қабул қилингандар киритилди.

Календарь иши куни рўйхатдаги ходимлар сонига шу куни ҳақиқий ишлагандар ва турли хил сабабларга кўра ишламагандар киритилади:

- хизмат сафарида бўлганлар;
- навбатдаги ва қўшимча таътилда бўлганлар;
- давлат ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш билан

банд бўлганлар;

- оиласий сабабларга кўра;
- соғлиги туфайли;
- маъмурият рухсати билан;
- ишга чақириш бўйича дам олаётганлар;
- ўз ҳисобидан таътил;
- корхона бўш туриши туфайли;
- икки ёшгача бола тарбияси таътили;
- түргуқ таътили;
- тўла иши ҳафтаси бўйича ишламаслик шарти билан ишга қабул қилингандар;

– ўқув таътилини ўтаётган, таълимнинг сиртқи йўналишдаги талабалар ва ҳ.к. лар.

Рўйхатдаги ходимлар сонига қуидагилар киритилмайди:

- бир маротабалик иши бажариш учун жалб этилганлар;
- асосий иши фаолиятидан ташқари бошқа корхонада қўшимча фаолият кўрсатаётганлар;
- иши ҳақини сақлаб қолмаслик шарти билан бошқа корхонага вақтингча ишга юборилганлар;
- ишдан ажралган ҳолда ўқишга юборилганлар (корхона ҳисобидан стипендия олувчилар).

Рўйхатдаги ходимлар сони фурсатли кўрсаткичлардир, чунки ҳар куни ишга қабул қилиши ва ишдан бўшатиш сабабли, уларнинг сони ўзгариб туради. Турли хил иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш мақсадида ўртacha рўйхатдаги ходимлар сони, ўртacha ишга келганлар сони, ўртacha ҳақиқий ишлагандар сони ҳисобланади:

$$\text{Ўртacha рўйхатдаги ходимлар сони} = \frac{\text{Ишга келганлар} + \text{ишга келмагандар сони}}{\text{календарь кунлар}}$$

Ўртacha рўйхатдаги ходимлар сонини ҳисоблашда календарь кунларидағи рўйхатдаги ходимлар сонининг йигиндиси (ишламаган кунлардаги ходимлар сони бир кун олдинги кундаги рўйхатдаги ходимлар сони ҳисобланади) календарь кунлар йигиндисига бўлинади.

Үртача ишга келгандар сонини ҳисоблашда, ҳақиқий ишлаган күнлар йигиндиси иш күнларига бўлиниади.

Ишга келган ва ҳақиқий ишлагандар орасидаги фарқ, одатда, корхонанинг айби билан, яъни: хомашё, электр энергия, хуллас иш билан таъминламаслик сабабли бўлиб, у кун давомида ёки айрим иш соатларида тўхтаб туриши мумкин.

Бу кўрсаткичларни ҳисоблашни қўйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

Августнинг 1-декадасида корхона ходимлари ҳақида қўйидаги маълумотлар берилган (киши ҳисобида).

27-жадвал

Корхона ходимлари ҳақида маълумотлар

Ой кунлари	Рўйхатда бўлғандар сони	Ишга келгандар сони	Кун мобайнида бўш турганлар
1	320	295	2
2	322	304	-
3	321	311	-
4	323	312	-
5	325	320	9
дам олиш куни			
6	323	302	-
7	328	314	5
8	323	320	4
9	320	312	-

Аниқлаймиз:

$$\begin{aligned} \text{Үртача рўйхатдаги ходимлар сони} &= \frac{320 + 322 + 321 + 323 + 325 \times 2 + 323 + 328 + 323 + 320}{10} = \\ &= \frac{3230}{10} = 323 \text{киси} \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \text{Үртача ишга келгандар сони} &= \frac{295 + 304 + 311 + 312 + 320 + 302 + 314 + 320 + 312}{9} = \\ &= \frac{2790}{9} = 310 \text{киси} \end{aligned}$$

$$\text{Үртача ҳақиқий ишлагандар сони} = \frac{2790 - (2 + 9 + 5 + 4)}{9} = \frac{2770}{9} = 308$$

Демак, турли сабабларга кўра, ҳар куни ўртача 13 киши ишга келмаган, келгандардан иккни кун мобайнида бўш турган. Умуман, ҳар куни 15 киши меҳнатидан фойдаланилмаган.

Корхона ходимлари ҳаракатини таърифлаш учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мутлақ кўрсаткичларга: ишга қабул қилиш айланмаси, ишдан бўшашиб айланмаси, ортиқча айланма каби кўрсаткичлар киради.

Агарда ўртача йиллик рўйхатдаги ходимлар сони халқ ҳўжалигига банд бўлганлар сонини ҳисоблаш учун мўлжалланган бўлса, бу кўрсаткични ҳисоблашда маҳражида корхона қанча муддат фаолият кўрсатишидан қатъиназар, йилли календаръ кунлар олинади.

Масалан, корхона ўз фаолиятини 31 декабрда бошлаб, рўйхатдаги ходимлар сони 365 киши бўлса:

$$\text{Ўртача йиллик рўйхатдаги ходимлар сони} = \frac{365 \text{ киши/кун}}{365 \text{ кун}} = 1 \text{ киши}$$

Бундай ҳисоблашдан мақсад, бир неча корхоналарда йил давомида ишлаганларни қайта-қайта ҳисобга олмасликдир.

Корхона ходимлари ҳаракатини таърифлаш учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мутлақ кўрсаткичларга: ишга қабул қилиш айланмаси, ишдан бўшаш айланмаси, ортиқча айланма каби кўрсаткичлар киради. Нисбий кўрсаткичларга: ишга қабул қилиш айланмаси, ишдан бўшаш айланмаси, кўнимсизлик кўрсаткичи, ходимларнинг доимийлик кўрсаткичи киритилади.

Умумий ишга қабул қилиш кўрсаткичини ҳисоблаш учун умумий ишга қабул қилингандар сони ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади. Айрим тоифалар учун ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини ҳисоблашда шу тоифаларга ишга қабул қилингандар сони ва бошқа тоифалардан шу тоифага ўтганлар сони йиғиндиси шу тоифа ходимларининг ўртача сонига бўлинади. Одатда, саноат тармоғида кўрсаткичини давр охиридаги ходимлар сонига бўлиб ҳам ҳисобланади. Ишдан бўшаш умумий кўрсаткичини ҳисоблашда, ҳисобот даврида умумий ишдан бўшаганлар сони кўриладиган давр ходимлари сонига бўлинади.

Давр бошида саноатдаги кўрилаётган ходимлар сонига бўлиб ҳам ҳисоблаш мумкин. Айрим тоифалар учун ҳисобланганда ўрганаётган тоифадан бошқа тоифаларга ўтганлар ҳам ҳисобга олинади. Кўнимсизлик кўрсаткичини ҳисоблашда ортиқча айланма (шахсий сабабларга кўра бўшаганлар) ўртача йиллик ходимлар сонига бўлинади.

Саноатда йил бошидаги ходимлар сонига нисбатан ҳам олиш мумкин. Йил давомида доимий ишлаган ходимлар сонини ўртача йиллик ёки йил бошидаги ходимлар сонига бўлиш натижасида доимийлик кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблашни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Ҳисобот йилида корхона ходимларининг ҳаракати ҳақида қуйидаги маълуотлар берилган (киши):

28-жадвал

Корхона ходимлари ҳаракати ҳақидағи маълумотлар

Иил бошидаги ишчилар сони	360
Иил давомида ишга қабул қылғанлар	38
Бошқа тоифалардан ишчилар тоифасига ўтганлар	4
Харбий хизматта чакириш мүносабати билан ишдан бўшаганлар	4
Нафақага чиқини мүносабати билан бўшаганлар	6
Хоҳиши бўйича бўшаганлар	16
Мехнат интизомини бузиш бўйича бўшаганлар	2
Ишчи тоифасидан бошқа тоифага ўтганлар	2
Иил давомида доимий ишлаган ишчилар сони	340

Ишчилар тоифасига қабул қилиш айланмаси:

$$K_{\text{к.к.}} = \frac{K}{T} \times 100 = \frac{42}{366} \times 100 = 11,48\%$$

Ишчилар тоифасидан умумий бўшаш айланмаси:

$$K_6 = \frac{B}{T} \times 100 = \frac{30}{366} \times 100 = 8,2\%$$

Кўнимсизлик кўрсаткичи:

$$K_x = \frac{\text{ортиқча айланма}}{T} \times 100 = \frac{18}{366} \times 100 = 4,92\%$$

Доимийлик кўрсаткичи:

$$K_\phi = \frac{\text{ийл давомида доимий ишлаганлар сони}}{T} = \frac{340}{366} \times 100 = 92,9\%.$$

Кўриниб турибдикки, ортиқча айланма кўрсаткичи 4,92%ни ташкил этади. Бу дегани, ҳар ўртача 100 ишчидан бештаси ўз хоҳиши билан ёки меҳнат интизомини бузиш натижасида ишдан бўшатилган. Демак, интизом борасида ишчиларнинг ўз ишидан манфаатдор бўлмаслиги сабабли, бу кўрсаткич юқори бўлиб, маъмурият ўз хоҳиши билан бўшаганлар сабабини ўрганиш устидаги иш олиб боришилари лозим. Ходимлар ҳаракатини ўрганиш мақсадида куйидаги мутлақ кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Умумий ишчи тоифасига киритилганлар сони:

$$(K) = 38k + 4k = 42 \text{ киши}$$

2. Умумий ишчи тоифасидан чиққанлар сони:

$$(B) = 4k + 6k + 16k + 2k + 2k = 30 \text{ киши}$$

a) Зарурий айланма = 4k + 6k + 2k = 12 киши;

b) Ортиқча айланма = 16k + 2k = 18 киши.

Ходимлар ҳаракати нисбий кўрсаткичларини хисоблаш учун

керак ўртача йиллик ишчилар сонини ҳисоблаймиз. Бунинг учун:
а) йил охиридаги ишчилар сони:

$$T_1 = T_0 + K \cdot B, T_1 = 360 + 42 - 30 = 372 \text{ киши;}$$

б) ўртача йиллик ишчилар сони:

$$\bar{T} = \frac{T_1 + T_0}{2} = \frac{360 + 372}{2} = 366 \text{ киши}$$

11.3. Иш вақти статистикаси

Ишчи күчидан тұлароқ фойдаланиш мақсадида иш вақти ўрганилади. Агар мөхнат унинг давомийлиги билан ўлчанса, иш вақти эса календарь вақтнинг бир қисми бўлиб, ишчининг шу календарь вақтда ишлаган вақтини ифодалайди. Календарь вақт секунд, минут, соат, кун, ҳафта, ой ва йилларда ўлчанса, иш вақти эса, киши/секунд, киши/минут, киши/кун, киши/ҳафта, киши/ой, киши/йил ўлчов бирлиги билан ўлчанади.

Киши/секунд, киши/минут ўлчов бирликлари кўпроқ мөхнатни меъёрлаштиради, хронометраж ўтказиш, иш кунини суратга олиш, автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Амалиётда кўпроқ киши/кунлар ва киши/соат ўлчов бирликларидан фойдаланилади.

Ишлаган киши/кун – ишчининг ишга келиб тушган куни ҳисобланади. У қисқартирилган (имтиёзли) ёки устама ишлашдан қатыназар ишланган киши/кунлар ҳисобига киритилади.

Ишлаган киши/кунлар ҳисобига куйидагилар киритилади:

1. Мазкур кунда корхонада ишлаган ҳақиқий ишчилар киши/кунлари;

2. Корхона ташқарисида, корхона йўлланмалари билан ишлаган киши/кунлар кунлари, шу жумладан, хизмат сафаридағилар ҳам.

3. Асосий иш жойида бўш туриш бўлганлиги сабабли, бошига ишларга жалб этилганлар.

Ишлаган киши/кунларига нисбатан ишлаган киши/соати аниқроқ ўлчов бирлиги бўлиб, ҳақиқий ишлаган иш вақти, ўлчов бирлиги ҳисобланади. Ишлаган киши/соати ҳам белгиланган, ҳам устама ишлаган ҳақиқий соатларини ифодалайди. Ишлаган киши/соатларга бўш туришлар, ишга кеч қолиш, эрта кетиш, қонуний ёки ноконуний ишланмаган соатлар киритилмайди. Албатта, киши/соатнинг ҳам камчилиги мавжуд. У иш соати ичидаги йўқотищларни аниқ ҳисобга олмайди.

Киши/ҳафта, киши/ой, киши/йил ўлчов бирликлари ўрнига ўртача ҳафталик, ўртача ойлик, ўртача йиллик ишчилар сони ибораси ишлатилади.

Юқорида иш вақти ўлчов бирликлари кўриб чиқилди. Шу ўлчов бирликлари ёрдамида жами иш вақти фондлари хисобланади.

Календарь вақт фонди икки усул бўйича ҳисобланади:

- календарь вақт фонди = ишга келган киши/кунлар + ишга келмаган киши/кунлар;
- календарь вақт фонди = календарь кунлар × ўртacha рўйхатдаги ходимлар сони.

Табель вақт фонди календарь вақт фондидан байрам ва дам олиш кунлари фондига камроқдир. Максимал имкониятли вақт фонди табель вақт фондидан навбатдаги таътил кунлари фондига камроқдир.

Иш вақти фондларини қўйидаги намунавий масалада кўриб чиқамиз.

Масала:

Қўйидаги шартли маълумотлар асосида иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

29-жадвал

Ходимлар ҳақида шартли маълумотлар

Ўртacha рўйхатдаги ишчилар сони	200
Ишга келган ва келмаган киши/кунлар	73000
Ҳақиқий ишланган киши/кунлари	53200
Байрам ва дам олиш киши/кунлари	12000
Узрли ишга келмаган киши/кунлари	7700
Шу жумладан:	
Навбатдаги таътил	360
Ўкув таътили	150
Ҳомиладорлик таътили	130
Касаллик сабабли	90
Қонун бўйича рухсат этилган	40
Кун давомида узрли фойдаланилмаган киши/соатлар	1000
Шу жумладан:	
Касаллик сабабли	300
Эмизикили болага қараш сабабли	450
Давлат мажбуриятларини бажариш	250
Тўлиқ иш вақтининг йўқотилиши	100
Шу жумладан:	
Маъмурлант рухсати билан	45
Сабабенз	30
Кун давомида бўш туриш	25
Алмашиб орасидаги иш саотининг йўқотилиши	1000
Шу жумладан:	
Алмашиб орасидаги бўш туриш	500
Кеч қолниш	100
Эрта келиш	100
Меҳнат интизомини бузиш натижасида	300
Ишланган киши/соатлар	340500
Шу жумладан, устама	4000
Белгиланган иш кунинг давомийлиги	6,6

Календарь вақт фонди киши/кунлари:
 $53200+7700+100+12000=73000$ к/к.

Шу фондни ўртача рўйхатдаги ходимлар сонининг йилда-
ги календарь кунларига кўпайтмаси ҳам беради:

$$200 \times 365 = 73000 \text{ к/к.}$$

Табель иш вақти фонди:
 $73000 - 12000 = 61000 \text{ к/к.}$

Максимал имкониятли иш вақти фонди:
 $61000 - 3600 = 57400 \text{ к/к.}$

Иш вақти фонdlаридан фойдаланиш кўрсаткичлари.

1) Календарь иш вақти фондидан фойдаланиш:

$$K_{\text{киф}} = \frac{\text{ишланган киши/кунлар}}{\text{календарь иш вақти фонди}} = \frac{53200}{73000} = 0,729 * 100\% = 72,9\%.$$

2) Табель иш вақти фондидан фойдаланиш:

$$K_{\text{киф}} = \frac{\text{ишланган к/к}}{\text{табель вакт фонди}} = \frac{53200}{61000} = 0,672 * 100\% = 67,2\%.$$

3) Максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш:

$$K_{\text{киф}} = \frac{\text{ишланган к/к}}{\text{максимал иш вақти фонди}} = \frac{53200}{57200} = 0,927 * 100 = 92,7\%.$$

Демак, фойдаланилмаган иш вақти 7,3%ни ташкил этган.

Иш даври давомийлиги деганда ўртача иш куни, ўртача иш ойи, ўртача иш йили давомийлиги тушунилади. Иш даври давомийлиги меҳнат қонуниятига мувофиқ белгиланган иш ҳафтасининг узунлиги, яъни 40 ва 36 соатлик иш ҳафтасига боғлиқ ҳолда ҳисобланади.

Белгиланган иш кунининг узунлиги:

— беш кунлик иш ҳафтаси учун:

$$40c : 5k = 8c;$$

$$36c : 5k = 7,2c.$$

— олти кунлик иш ҳафтаси учун:

$$40c : 6k = 6,67c;$$

$$36c : 6k = 6c.$$

Белгиланган иш кунининг узунлиги ўртача арифметик усуlda ҳисобланади.

Масала. Корхонада 100 ходимдан 12 таси имтиёзли 36 соатлик иш ҳафтаси бўйича ишласа, белгиланган ўртача иш кунининг узунлиги:

$$I_{\text{ик}} = \frac{8c \cdot 8c + 12c \cdot 7,2c}{100} = 7,9 \text{ соат}$$

Демак, беш кунлик иш ҳафтаси бүйича ўртача белгиланган иш куни узунлиги 7,9 соатга тенг.

Белгиланган иш ойи, йилининг давомийлигини ҳисоблашда максимал имкониятли вақт фонди ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади. Ҳақиқий иш даврининг давомийлиги куйидагича ҳисобланади:

1. Иш ойи ва ҳафтасининг узунлиги:

$$L_{\text{ио}} = \frac{\text{ой (ҳафта) давомида ишланган иш кунлари}}{\text{ишчиларнинг ой (ҳафта)лик ўртача сони}} \text{ (кунларда)}$$

$$L_{\text{ик}} = \frac{\text{ой (ҳафта)да ишланган барча киши/соатлари}}{\text{ишчиларнинг ой (ҳафта)лик ўртача сони}} \text{ (соатларда)}$$

2. Иш кунининг узунлигини б кунлик иш ҳафтаси бүйича аниқлаш учун ишланган барча киши/соатлари ишланган киши/кунларига бўлинади, 5 кунлик иш ҳафтасини аниқлаш учун ишланган барча киши/соатлари ишланган киши/кунлари ва қўшимча дам олиш киши/кунларига бўлинади.

Ҳақиқий иш даври давомийлигининг белгиланган иш даври давомийлигига нисбати қай даражада иш даври узунлигидан фойдаланилганлиги кўрсаткичини беради.

30 жадвал

Корхонада йил давомида иш вақтидан фойдаланиш

Иш вақтидан фойдаланиш	Киши кун
Ҳақиқий ишланган	126000
Кун давомида бўш туриш	120
Ишга келмаган жами	32100
шу жумладан:	
Навбатдаги таътил	6200
Байрам ва дам олиш кунлари	40200

Календарь ва максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш кўрсаткичи 7,3% км.

Жонли меҳнат сарфлари ходимларининг ўртача рўйхатдаги сони ёки ишланган киши/кунлари киши/соатлари сони кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Утган асрнинг 50-йиллари охиригача социалистик давлат статистикасининг меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда ишчилар

мехнат сарфигина ҳисобга олинган, 60-йиллардан бошлаб, ишлаб чиқариш ходимларининг барча тоифалари (саноатда-саноатнинг ишлаб чиқариш ходимлари, қишлоқ хўжалигида чорвачилик ва дехқончиликда банд бўлган ходимлар, қурилишда қурилиш-монтаж ишларида, ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ва уларнинг мехнат сарфлари эътиборга олина бошлади).

Иш вақти балансини тузиш иш вақти манбалари ва улардан қай даражада фойдаланилганлигини яққол кўрсатиб беради. Бу баланс икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда иш вақти манбалари келтирилади, иккинчи қисмда иш вақти фонди қандай ишлатилганини кўрсатилади.

31-жадвал

Иш вақти баланси

Иш вақти манбалари		Ҳақиқий ишланган ва ишланмаган вақт		
Кўрсаткичлар	Киши соатлар	Фойдаланиш	киши соатлар	%
Календарь вақт фонди (73000*6,6)	481800	Ҳақиқий ишланган (53200*6,6)	351120	
		Узрли сабабга кўра ишланмаган кунлар	27060	
Байрам ва дам олиш (12000*6,6)	79200	Шу жумладан:		
		Ўқув таътили (1500*6,6)	9900	
Навбатдаги таътил (3600*6,6)	23760	Хомилодорлик таътили (1300*6,6)	8580	
		Касаллик сабабли (900*6,6)	5940	
		Конун бўйича рухсат этилган 400*6,6	2640	
		Узрли ишланмаган киши соатлар	360	
		Шу жумладан:		
		Касаллик сабабли	170	
		Гўдак болали онага имтиёз	100	
		Давлат маъжбуриятини бажарини	90	
		Иш вақтининг йўқотилиши		
		Жами :	300	
		Шу жумладан:		
		Тўлиқ иш кунининг йўқотилиши (30 к/к*6,6)	198	
		Иш куни ичиди йўқотилган киши/соатлар	102	
		Шу жумладан:		
		Смена алмасини орасида бўши туришлар	12	
		Кеч қолиш	20	
		Эрта келиш	36	
		Кеч келиб, меҳнат интизомини бузиш	34	
		Эрта кетиш	100	
		Меҳнат интизомини бузиш	300	
Максимал имкониятли иш вақти фонди	378840		378840	

Иш вақти баланси корхона, бирлашма, тармоқ доирасыда тузилиши мүмкін. Иш вақти баланс максимал имкониятлы иш вақти фондидан фойдаланишин таҳдил қилишда мұхым ажамиятта эга: ҳақынан ишланған иш вақти, узрли ишланмаган иш вақти, иш вақтитининг йўқотиши. Бундай таҳдил динамикаси вақт ўзгариши билан максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланишда қандай ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатади.

Юқоридаги масала шарти бўйича иш вақти баланси 31-жадвалдаги кўринишга эга бўлади.

Юқоридаги масала шартига биноан, тузилган баланс шуни кўрсатадики, максимал имкониятлы иш вақти фондидан (351120 к/к : 378840 к/к) 92% кам фойдаланилган. Узрли сабабларга кўра, фойдаланилган иш вақти (27420 к/к : 378840 к/к) $7,2\%$ ни ташкил этган. Иш вақтитининг йўқотиши (300 к/к : 378840 к/к) $0,8\%$ бўлган.

Таҳдилнинг кейинги босқичида шу иш вақтитининг йўқотиши қандай зарар келтирганлигини аниқлаш мүмкін бўлади ва уни бартараф этиш йўлларини излашга чорлади.

11.4. Мехнат унумдорлиги статистикаси

Мехнат унумдорлиги даражаси ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи энг мұхим кўрсаткич ҳисобланади. «Иқтисодиёт» фани меҳнат унумдорлиги муаммоларини ўрганишини XIX аср охирида бошлаган. Мехнат унумдорлигини ҳисоблаш бир ишлаб чиқариши ишчисига нисбатан натуранл ифодада ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш тарзидан амалга оширила бошлади. Бу кўрсаткичлар саноатнинг алоҳида таркиби жиҳатидан бир хил (галоген) тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг энг мұхим турлари бўйича аниқланди. Сўнгра иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот кўрсаткичлари ҳамда меҳнат сарфлари ҳисоб-китобининг ривожланиши меҳнат унумдорлигини фақат натура ифодасида эмас, балки пул ифодасида ва фақат саноатда эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам кўшган ҳолда ҳисоблаб чиқиши имконини берди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидағи меҳнат унумдорлиги даражасини тақдослаш, шунингдек, унинг динамикасини ўрганиши ишлари бошланиб кетди. Дастлабки босқичларда унумдорлик меҳнат унумдорлиги сифатида ўрганилди, кейинчалик меҳнат унумдорлигини ишлаб чиқаришининг бошқа омиллари унумдорлигига ўхшашиб хусусий унумдорлик сифатида талқин қиласидан глобал унумдорлик концепцияси умум қабул қилингандан кон-

цепцияга айланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда миллий ҳисобчилик тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши унумдорликни ўрганиш соҳасидаги ишларга янги турткি бўлди, чунки бу тизим маълумотлари меҳнат унумдорлигини тармоқ ва бутун иқтисодий даражасида тадқиқ қилиши имконини беради, шунингдек, халқаро таққослашлар учун асос яратади.

Маълумки, статистикада меҳнат унумдорлиги деганда, фақат жонли аниқ меҳнат унумдорлиги тушунилади. «Статистика»да унумдорликни фақат жонли эмас, балки моддийлашган меҳнат сарфини ҳам ҳисобга олиб ўрганадиган қатор ишлар бор. Биринчи бундай ёндашувни С. Г. Струмилин 1935 йилда нашр этилган “СССР қора металургияси” асарида асослаб берган.

Хозирги кунда иқтисодчиларнинг аксарият кўпчилиги, унумдорлик ишлаб чиқариш ва жонли меҳнат сарфлари натижаларининг нисбатини, иқтисодий самарадорлик эса ишлаб чиқариш натижаларининг жонли ва моддийлашган меҳнат сарфларига муносабатини ифодалайди, деб ҳисоблайди. Жонли меҳнат сарфлари ходимларнинг ўртача рўйхатидаги сони ёки ишланган киши/кунлари, киши/соатлари сони кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Ўтган асрнинг 50-йиллари охиригача социалистик давлат статистикасида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда ишчилар меҳнат сарфигина ҳисобга олинган. 60-йиллардан бошлаб, ишлаб чиқариш ходимларининг барча тоифалари (саноатда саноатнинг ишлаб чиқариш ходимлари; қишлоқ хўжалигига чорвачилик ва дехқончиликда банд бўлган ходимлар; қурилишда қурилиш-монтаж ишларида, ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлғанлар ва уларнинг меҳнат сарфлари) эътиборга олина бошлиди. Меҳнат унумдорлиги даражаси қилинган меҳнатдан олинган самарани (маҳсулот ёки хизмат) баҳолаб бориши лозим. Шунинг учун бу кўрсаткичини ҳисоблашда сарф қилинган меҳнат – T, натижавий кўрсаткичлар – Q лар нисбати олинади.

Ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари сифатида маҳсулотнинг натура шакли, шартли-натура шакли ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Маҳсулотнинг натура шаклидаги кўрсаткичлари бир турли маҳсулотнинг меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлаш имконини беради. Улардан меҳнат унумдорлигини маҳсулотнинг энг муҳим турлари бўйича тавсифлашда фойдаланилади:

$$W = \frac{q}{T}$$

Истеъмол қиймати бир хил бўлган, лекин айрим параметрлари билан фарқланган маҳсулотларни умумлаштириши мақсадида шартли-натурал меҳнат унумдорлиги даражасидан фойдаланилади:

$$W = \frac{\sum q k}{\sum T}$$

Бу ерда, k – шартли эталонга ўтказиш кўрсаткичи.

Маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичлари меҳнат унумдорлигининг турли хил истеъмол қийматлари бўйича умумлашган тавсифларни олиш имконини беради:

$$W = \frac{\sum q P}{\sum T}$$

Бу ерда, P – баҳо.

Меҳнат унумдорлигининг натура шакли, шартли-натура шакли ва қиймат кўрсаткичлари билан бирга унумдорликнинг меҳнат кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади. Улар айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг меҳнат талабига асосланади ва маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда меҳнат сарфининг ўзгаришини акс эттиради. Унумдорликнинг меҳнат кўрсаткичлари бир турли маҳсулотнинг бир ёки бир неча турлари бўйича аниқланади:

$$W = \frac{\sum q t}{\sum T}$$

Бу ерда, t - меҳнат талабчанлиги.

Иккинчидан, юқоридаги кўрсаткичларнинг бир-бирига нисбати $\frac{T}{Q}$ тариқасида олинса, чиқсан натижа маҳраж бирлигига қанча сурат кўрсаткичи тўғри келишини ифодалайди ёки меҳнат талабчанлиги, яъни $t = \frac{T}{Q}$ тескари кўрсаткич ҳисобланади, чунки меҳнат талабчанлиги ошса, меҳнат унумдорлиги пасаяди, яъни тўғри ва тескари меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари орасида тескари боғлиқлик мавжуддир.

$$W = \frac{1}{t}, \quad t = \frac{1}{W}$$

Биринчи нисбатда меҳнат унумдорлиги даражаси $W=q/T$ вакт бирлигига ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизмат ҳаж-
196

мини ифодалаб, меҳнат унумдорлигининг тўгри кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткичини ҳисоблашда суратига кўра, меҳнат унумдорлиги дараҷаси қўйидагилар бўлиши мумкин:

- а) меҳнат унумдорлигининг натура шаклидаги кўрсаткичи;
- б) меҳнат унумдорлигининг шартли-натура шаклидаги кўрсаткичи;
- в) қиймат кўрсаткичи;
- г) меҳнат кўрсаткичи.

Шунга кўра, гарб иқтисодчилари фикрича, унумдорлик дараҷасини аниқлаш учун маҳсулот ҳамда уни яратишда иштирок этадиган ишлаб чиқариш омилларини статистик ҳисоблаш лозим. Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот натура, шартли-натура шаклида ва қиймат кўрсаткичларида ўлчаниши мумкин. Агар унумдорлик дараҷаси ва динамикасини аниқлаш мақсадида маҳсулотнинг натура ёки шартли-натура шаклидаги кўрсаткичларидан фойдаланилса, унда улар фақат жонли меҳнат сарфи билангина таққосланади. Натижада жонли меҳнат сарфи бирлигига натура ёки шартли-натура шаклида ифодаланадиган, анъанавий статистикада кенг кўлланиладиган, мувофиқ келувчи кўрсаткичга айнан ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичига эга бўлинади. Бу усул бўйича ҳисобланган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари иқтисодиётнинг бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган тармоқларидағи меҳнат унумдорлиги дараҷасини тавсифлашда, шунингдек, бу дараҷаларни халқаро қиёслашда катта аҳамиятга эга.

Қиймат ифодасидаги унумдорлик кўрсаткичларига келсак, ҳолат бошқача тус олади. Бу ҳолатда унумдорлик дараҷаси маҳсулот кўрсаткичи ва уни ишлаб чиқариш омилларини танлашга боғлиқ бўлиб қолади.

Маҳсулот кўрсаткичи сифатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, ялпи пировард маҳсулот, соф маҳсулот, ялпи қўшилган қиймат, соф қўшилган қийматдан фойдаланиш мумкин. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш сотиши нарҳидаги товар маҳсулоти қиймати, ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилган ускуна ва хўжалик усулидаги капитал қурилиш, шунингдек, туталланмаган ишлаб чиқариш ва туталланмаган қурилиш, корхона обборларидағи тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотларнинг ўсишини қамраб олади. Ялпи пировард маҳсулот корхона ёки тармоқдан ташқари ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотнинг қийматидир. Ўз мазмунига кўра, бу кўрсаткич завод ёки тармоқ усули бўйича товар маҳсулоти кўрсаткичига мувофиқ келади. Соф маҳсулот барча ишлаб чиқариш омиллари сарфларининг (меҳнат сарфидан ташқари) қиймати чегаралangan ялпи маҳсулот қиймати сифатида аниқланади.

Жонли меңнат энг мұхим ишлаб чиқариш омили ҳисобла-
нади. Уни ҳисоблаш мақсадыда берилған даврдаги ходимларнинг
үртача сони ёки ишланған вақтдан фойдаланиши мүмкін. Ишлан-
ған вақт меңнат унумдорлиги даражаси ва динамикасини аниқ-
лаш имконини беради. Ходимларнинг үртача сони эса, фактат мең-
нат унумдорлиги динамикасини эмас, балки унинг иш вақти по-
тенциал фондидан фойдаланишига боғлиқ тарзда ўзгаришини ҳам
акс этиради. Равшанки, ишланған вақт түшүнчеси малака, ин-
тенсивлик, меңнат шарт-шароитлари ва бошқалар турлича бўл-
ганлиги туфайли турли тоифадаги одимлар, иқтисодистнинг турли
тармоқлари учун сифат жиҳатидан бир хил бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигидаги меңнат сарфи ва ёлланмаган ходим-
лар меңнат сарфини аниқлаш янада қийин муаммодир. Қишлоқ
хўжалигидаги иш кучининг давомийлиги – табиий омиллар, гео-
график зона ва стиштирилаётган экинга боғлиқ тарзда жуда ўзга-
рувчандир. Шунинг утун меңнат сарфини аниқлаш мақсадыда
яқинлаштирилган экспер特 баҳолашдан фойдаланилади.

Ёлланған ходимлар меңнат сарфига келсак, у табиркор-
лар (эгалик қилувчалар) ва унинг бепул ишлайдиган оила аъзо-
лари ишлаган вақтни ўз ичига олади. Бу сарфлар ҳисоб-китоб
иш куни ёки иш ҳафтасининг үртача давомийлигини танлаб,
текшириш маълумотлари бўйича ёки ёлланған ходимлар турли
тоифалари иш кунининг давомийлигини мувофиқ қилувчи тои-
фадаги ёлланма ходимлар иш куни давомийлигига шартли тен-
глаштириш йўли билан аниқланади.

Меңнат унумдорлиги динамикаси индекслар ёрдамида
ўраганилади. Индекслар индивидуал ва умумий бўлиб ўргани-
лади. Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилганда индивидуал
меңнат унумдорлиги индексларидан фойдаланилади:

$$i_w = \frac{W_1}{W_0} = \frac{q_1}{T_1} \cdot \frac{q_0}{T_0}$$

Бу ерда, W_1 ва W_0 - меңнат унумдорлиги базис ва жорий
даражалари.

Бу меңнат унумдорлигининг тўғри кўрсаткичи ёрдамида
тузилган индекс ҳисобот даврида базис даврга қараганда қай
даражада меңнат унумдорлиги ўзгаришини кўрсатиб беради.

Бу индексни тескари кўрсаткич ёрдамида меңнат талаби
бўйича ҳам тузиш мүмкін, лекин шунун инобатта олиш керакки,
меңнат талаби t , тўғри кўрсаткичи вақт бирлигига ишлаб чи-
қариши W кўрсаткичи билан тескари боғлиқликда бўлганлиги
сабабли, бу индекс ҳам тескари тузилади, яъни:

$$i_w = \frac{t_0}{t_1} = \frac{T_0}{q_0} : \frac{T_1}{q_1}$$

$\frac{t_1}{t_0}$, Бу кўрсаткичнинг тўғри нисбатини ҳам олиш мумкин: лекин бу ҳолда чиқсан натижаси қай меҳнат талаби даражасида ўзгарганлигини акс эттиради, яъни:

$$i_t = \frac{t_1}{t_0} = \frac{T_1}{q_1} : \frac{T_0}{q_0}$$

Демак, бу индекслар орасида ҳам тескари боғлиқлик мавжуд:

$$i_w = \frac{1}{i_t}.$$

Бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар, бирлашма бўйича умумий меҳнат унумдорлиги натурал индекси ҳисобланади.

$$I\bar{W} = \frac{\bar{W}_1}{\bar{W}_0} = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0}{\sum T_0}$$

Бу ерда ҳисобот давридаги меҳнат унумдорлигининг ўртacha даражаси базис давридаги меҳнат унумдорлигининг ўртacha даражаси билан қиссанади.

Бир турдаги истеъмол қийматига эга бўлган, лекин айрим параметрлар билан фарқланадиган маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари бўйича меҳнат унумдорлиги динамикаси ўзгариши шартли-натура индекси ёрдамида ўрганилади.

$$I\bar{W} = \frac{\bar{W}_1}{\bar{W}_0} = \frac{\sum q_1 k}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0 k}{\sum T_0}$$

Натура ва шартли-натура шаклдаги индексларнинг афзаллиги шундаки, улар энг аввал жонли меҳнат унумдорлиги динамикасини ифодалайди. Бундан ташқари, маҳсулотни ўлчашнинг натура ва шартли-натура шаклдаги индекслари ўтган аср 50-йиллари бирликларини кўллаш, бу индексларни ҳисоблаш ва бир хил маҳсулот турлари бўйича белгиланган турли корхоналар, минтақалар ва мамлакатдаги меҳнат унумдорлиги даражасида ўзгарсанлиги таъсида ишлаб чиқаради.

сини қиёслаш жараёнларини соддалаштиради. Шу билан бирга, маҳсулотнинг натура ва шартли-натура шаклидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш меҳнат унумдорлигининг натура ва шартли-натура шаклидаги индексларни қўллаш соҳасини жиддий чеклайди; улар орасида алоҳида корхоналарда, иқтисодиёт тармоқларида ва бутун мамлакат иқтисодиётидаги унумдорлик динамикасини ўрганиш деярли мумкин эмас.

$$i_w = \frac{t_0}{t_1} = \frac{T_0}{q_0} : \frac{T_1}{q_1}$$

Юқорида кўрилган индекслар ўзгарувчан таркибли индекслардир, чунки бу индексларга иккى омил таъсир кўрсатади:

1. Меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариши (\overline{W}).

2. Сарф қилинган иш вақти салмоғининг ўзгариши ($\overline{\sum T}$).

Булар ўзгарувчан таркибли меҳнат унумдорлиги ўзгарганигини ифодалайди.

Бу ўзгаришнинг ҳар бир омили таъсирини алоҳида ўрганиш мақсадида индекслар қўйидагиларга бўлинади:

Доимий таркибли меҳнат унумдорлиги индекси (Струмилин усули).

$$\overline{IW} = \frac{\sum i_w T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum \left(\frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} \right) T_1}{\sum T_1};$$

бу индекс фақат меҳнат унумдорлиги даражаси ўзгаришини акс эттиради.

Иккинчи омил, яъни сарф қилинган иш вақти салмоғи ўзгариши натижасида қай даражада меҳнат унумдорлиги ўзгарганигини акс эттиради.

$$IW(dT) = \overline{I_w} : \overline{I_w}$$

Масала.

Иккى бригада бўйича терилган пахта ва теримчилар ҳақида қўйидаги маълумотлар берилган.

32-жадвал

Пахта ва теримчилар ҳақида маълумотлар

Бригадалар	Сентябрь		Октябрь	
	Терилган пахта, кг	Ўртacha теримчилар сони, киши	Терилган пахта, кг	Ўртacha теримчилар сони, киши
1	q_0	T_0	q_1	T_1
1	75000	50	82000	62
2	100000	60	130000	78

Биринчи бригада бўйича меҳнат унумдорлиги индекси:

$$i_w = \frac{W_1}{W_0} = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{8200}{62} : \frac{2500}{50} = \frac{1323}{1500} = 0.882 * 100 = 88.2\% ;$$

меҳнат унумдорлигига 11,8% га камайган.

Иккинчи бригада бўйича меҳнат унумдорлиги индекси:

$$i_w = \frac{W_1}{W_0} = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{130000}{78} : \frac{100000}{60} = \frac{1667}{1667} = 1 * 100 = 100\% ;$$

яъни меҳнат унумдорлиги ўзгармаган

Иккала бригада бўйича меҳнат унумдорлиги индекси.

$$I_{\bar{w}} = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0}{\sum T_0} = \frac{\bar{W}_1}{\bar{W}_0} = \frac{82000 + 130000}{62 + 78} : \frac{75000 + 10000}{50 + 60} = \frac{212000}{140} : \frac{175000}{110} = \\ = 1514,3 : 1590,9 = 0,9518 * 100 = 95,18\% ;$$

яъни, 4,92 %га камайган

Шундай ўзгаришга қандай омил қай даражада таъсир этганлигини ўрганиши мақсадида қуидаги ҳосилдор индексларни хисоблаймиз:

Доимий таркибли индекс:

$$\bar{I}_w = \frac{\sum i_w T_1}{\sum T_1} = \frac{0,882 \times 62 + 1 \times 78}{62 + 78} = \frac{54,7 + 78}{140} = \frac{132,7}{140} = 0,948 \times 100 = 94,8\%$$

фақат ўртача меҳнат унумдорлиги ўзгариши натижасида умумий меҳнат унумдорлиги 5,2%га камайган.

Таркиби силжиши индекси:

$$I_{w(d)} = \frac{\bar{I}_w}{I_w} = \frac{0,9818}{0,948} = 1,036 \times 100 = 103,6\% ;$$

Иккинчи бригадада меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган, сарф қилинган иш вақти салмоғи октябрь ойида сентябрдагига нисбатан (55,7 : 54,5) 1,2 пунктта ошганлиги умумий меҳнат унумдорлигининг кўшимча 3,6% ошишига сабаб бўлган.

Турли хил истеъмол қиймати ишлаб чиқарилганда ёки истеъмол қийматлар ва хизматлар бўйича умумий меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганиши мақсадида қиймат меҳнат унумдорлиги индексидан фойдаланилади:

$$\bar{I}_w = \frac{\bar{W}_1}{\bar{W}_0} = \frac{\sum q_1 p}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0 p}{\sum T_0}$$

Бу ерда, P - ўзгармас баҳо.

Ўзгармас баҳо турли хил истеъмол қийматларини умумлаштириш мақсадида "соизмеритель" тариқасида фойдаланилади.

Шундай "соизмеритель" тариқасида t_1 - месъёр (месъёр) бўйича меҳнат талабчанлигидан ҳам фойдаланиш мумкин:

$$I\bar{W} = \frac{\sum q_1 t_H}{\sum T_1} \div \frac{\sum q_0 t_H}{\sum T_0} = \frac{\bar{W}_1}{\bar{W}_0}$$

Бу индексга ишлатилиган хомашё қиймати таъсир кўрсатмайди. Вакт бирлигида турли хил месъёр соатда ишлаб чиқариши билан фарқланади:

$$\bar{W} = \frac{\sum q t_H}{\sum T}$$

Бу индекс меҳнатни месъёрлаштириш яхши ташкил этилган ишлаб чиқаришда қўлланилади. Бунда ўзгарувчан ва доимий таркибли меҳнат унумдорлиги индекслари қиймати, қўшилган қиймат бўйича ҳам, соф маҳсулот бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Кўпинча натурал, қўшимча қиймат меҳнат унумдорлиги индексидан корхона ёки фирма даражасидаги меҳнат унумдорлигини тавсифлаш, яъни қўшилган қиймат ёки соф маҳсулотдан айрим тармоқлар ёки бутун иқтисодиёт даражасидаги меҳнат унумдорлигини тавсифлашда фойдаланилади.

Хозирги кунда меҳнат унумдорлиги даражаси, динамикасини тармоқлар ва бутун иқтисодиёт бўйича тавсифлашда миллий ҳисоблар тизими маълумотларидан кенг фойдаланилади. Глобал ёки тотал унумдорлик омиллари индексларини аниқлашда қўйидаги кўрсаткичлар, яъни соф ички маҳсулот, меҳнат сарфи, оралиқ истеъмол, асосий капитал истеъмоли ва бошқа омиллар сарфининг динамик қаторларини жорий қоида қиёсланадиган нархларда олдиндан тузиш тавсия этилади. Бунда соф ички маҳсулот омиллари қиймати бўйича баҳоланади.

Айтиш лозимки, базис даври учун омилларнинг глобал унумдорлиги бирга teng, чунки маҳсулотнинг нархлар омили бўйича қиймати омиллар сарфлари йигиндисига teng. Бошқа даврлар унумдорлигининг даражалари қиёсланадиган нархлар омилидаги маҳсулот қийматини омилларнинг қиёсланадиган нархлардаги сарфларига бўлишдан олинадиган натижа сифатида аниқланади. Бу индексларни ҳисоблашни соддалаштириш ва ҳар бир омилнинг яққол таъсирини кўриши мақсадида юқоридаги индексларга ўзгартириш киритилади:

1. Ўзгарувчан таркибли меҳнат унумдорлиги индекси:

$$I_{\bar{w}} = \frac{\bar{W}_1}{\bar{W}_0} = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0}{\sum T_0} = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum T_1} : \frac{\sum W_0 T_0}{\sum T_0} = \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum d_{T_1}} : \frac{\sum W_0 d_{T_0}}{\sum d_{T_0}} = \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}$$

Бу ўзгарувчилар $W = \frac{q}{T}$. Бундан $q = W T$ иккинчи ўзгариш шундан келиб чиқадики,

$$\bar{W}_0 = \frac{\sum W_0 T_0}{\sum T_0} \quad \bar{W}_1 = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum T_1};$$

бұ-үртача тортилган арифметик усул.

Үртачанинг айрим математик хусусиятларидан бири шундан иборатки, агар "соизмеритель" қандайдыр бир хил доимий сонга күпайтирилиб ёки бўлинса ўртача миқдор ўзгармайди. Шунинг учун T унинг салмоғи тенглаштирилиб олинади.

Бу ерда: биринчи омил (W_0 ва W_1);

иккинчи омил (d_{T_0}, d_{T_1} ва d_{T_0}).

Биринчи омилнинг таъсирини ўрганиш учун иккинчи омил ўзгармас таркибда олинади. Доимий таркибли индекс:

$$I_w = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum T_1} : \frac{\sum W_0 T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum W T_1} = \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}$$

Иккинчи омилнинг таъсирини ўрганиш учун биринчи омил ўзгармас ҳолда олинади. Таркибий силжиш индекси:

$$I_w(dT) = \frac{\sum W_0 T_1}{\sum T_1} : \frac{\sum W_0 T_0}{\sum T_0} = \frac{\sum W_0 d T_1}{\sum d T_1} : \frac{\sum W_0 d_{T_0}}{\sum d_{T_0}} = \frac{\sum W_0 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}.$$

Доимий таркибли ва таркибий силжиши индекслари ўзгарувчан таркибли индекснинг ҳосилалари бўлганилиги учун, улар орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$I_{\bar{w}} = I_{\bar{w}} : I_{w(dT)}.$$

Юқорида кўриб чиқилган, турли хил усулда ҳисобланган доимий таркибли индекслар натижалари турли хил бўлади:

$$\bar{I}_w = \frac{\sum i_{\bar{w}} T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum \frac{t_0}{t_1}}{\sum t_1 q_1} = \frac{\sum t_0 q_1}{\sum t_1 q_1} = \frac{\sum t_0 d q_1}{\sum t_1 d q_1};$$

$$\bar{I}_W = \frac{\sum W_i d_{T_i}}{\sum W_0 d_{T_0}}$$

Бу иккала усулда ҳисобланган индексларга индекслаштирилаётган күрсаткич турли хил ўзгармас "соизмеритель"да олинган:

- биринчи индексга ўзгармас маҳсулот салмоғи - (d_q);
- иккинчи индексга ўзгармас сарф қилинган вақт салмоғи - (d_T).

Таркибий силжиш индекслари ҳам шу икка усулда юқорида күрилган сабабга кўра турлича бўлади. Ҳар хил сарф бирликларига нисбатан ҳисобланган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик. Меҳнат сарфи бирлиги киши соат, кишиFкун, кишиFой ва кишиFйил демакдир. Демак, меҳнат унумдорлигининг даражаси: ўртача соатлик, ўртача кунлик, ўртача ойлик, ўртача йиллик ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Меҳнат унумдорлигини бир қанча меҳнат сарфи бирликларига ҳисоблаш меҳнат унумдорлигини ўрганиш жараёнини бойитади ва меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига иш вақтидан фойдаланиш даражаси таъсирини кўрсатиб беради.

Қисқача хуосалар

Халқ хўжалигида банд бўлганларга турли хил иқтисодий фаолият билан банд бўлганлар, корхона, ташкилот, муассасалар, яъни юридик шахсларда ва шу билан бирга физик банд бўлганлар ҳам киритилади. Демак, умумий банд бўлганларни ўрганиш микродаражада, яъни корхона, фирма ва ҳоказоларда банд бўлганларни ўрганишдан бошланади. Корхонада банд бўлганларни ўрганиш мақсадида рўйхатдаги ходимлар сони тузилади, бу кўрсаткич фурсатли бўлиб, ўзгаришига ходимлар ҳаракати таъсири этади. Бу ҳаракатни ўрганиш мақсадида мутлақ ва нисбий ҳаракат кўрсаткичлари ҳисобланади. Турли хил иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда қўлланилладиган ўртача рўйхатдаги, ўртача ишга келганлар ва ўртача ҳақиқий ишлаганлар сони ҳисобланади.

Ишчи кучидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида, иш вақти ўрганиллади. Агар меҳнат, унинг давомийлиги билан ўлчанса, иш вақти эса календарь вақтнинг бир қисми бўлиб, ишчининг шу календарь вақтида ишлаган вақтини ифодалайди. Меҳнат статистикаси амалиётида кўпроқ ишланган ишчи F-кун ва ишчи F соат ўлчов бирликларидан фойдаланиллади.

Иш вақти фондиюри: календарь, табель ва максимал имкониятли вақт фондиюрига бўлиб ўрганиллади. Шу вақтларидан фойдаланиш даражасини ўрганиш мақсадида нисбий кўрсаткичлардан фойдаланиллади. Бу нисбий кўрсаткичлардан факат максимал имкониятли иш вақти фондиудан 100%га фойдаланиш мумкин, агар ишни ташкил этиш юкори ўринда бўлса, иш вақтидан фойдаланиши ўрганишда, белгиланган иш даврининг (кун, ҳафта, ой, йил) давомийлиги ва ҳақиқий иш даврининг давомийлиги ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар бир-бирига нисбатан қай даражада белгиланган иш даври давомийлигидан фойдаланилганликни кўрсатади.

Иш вақтидан фойдаланишини ўрганишда иш вақти баланси асқотади. Бу балансда иш вақти манбалари ва улардан фойдаланиш кўрсатилади, бу эса фойдаланилмаган иш вақтини аниқлашга ва бунинг натижасида келтирилган зарур миқдорни баҳолашга ёрдам беради.

Меҳнат унумдорлиги даражаси ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади, у тўғри ва тескари кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади. Тўғри меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи - вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ифодалайди. Тескари меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи, меҳнат талабчанлиги маҳсулот бирлигига сарф этилган иш вақти бирлигини ифодалайди. Бу кўрсаткичлар орасида тескари боғлиқлик мавжуд.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишчи кучи ҳақида тушунча.
2. БМХТ-93га биноан банд бўлганларнинг таснифи.
3. Ёлланма ходимлар ҳақида тушунча ва уларнинг таркиби.
4. Рўйхатдаги ходимлар сонига кимлар киритилади?
5. Нима мақсадда ва қандай усулларда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони ҳисобланади?
6. Ишчи кучи ҳаракати қандай кўрсаткичлар ёрдамида ўрганилади?
7. Иш вақти ҳақида тушунча.
8. Иш вақти ўлчов бирликлари.
9. Иш вақти фондалари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.
10. Белгиланган иш вақти давомийлигини ҳисоблаш.
11. Ўртача иш вақти давомийлиги.
12. Ҳақиқий иш вақти давомийлиги.
13. Иш вақти давомийлигидан фойдаланиш кўрсаткичи.
14. Иш вақти баланси ва унинг моҳияти.
15. Мехнат унумдорлигини халиқ хўжалиги ривожланишида туттган ўрни.
16. Мехнат унумдорлиги даражасини ҳисоблаш усуллари.
17. Мехнат унумдорлиги динамикасини ўрганиши.
18. Ўзгарувчан таркибли индексларни ҳисоблаш усуллари.
19. Доимий таркибли индексларни ҳисоблаш усуллари ва улар орасидаги фарқ.
20. Таркиб силжиншли индексларни ҳисоблаш усуллари ва улар орасидаги фарқ.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-т.-Т.: Ўзбекистон, 1991.
2. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. – М.: Финансы и статистика, 2000.
3. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг.
4. Кулагина Г.С. Национальное счетоводство. Учебник. - М.: Финстатинформ, 1998.
5. Еремена Н.М., Маршалова В.П. Статистика труда.- М.: Финансы и статистика, 1988.

XII боб

АСОСИЙ ФОНДЛАР СТАТИСТИКАСИ

12.1. Асосий фондлар ҳақида түшүнчә

Миддий бойликнинг асосий қисми асосий фондлар ҳисобла-
нади. Асосий фондлар деганда, ишлаб чиқариш жараёнида яра-
тилган, узок муддат хизмат қиладиган, натурал физик хусусият-
ларини йўқотмайдиган, маҳсулот ишлаб чиқаришда ёки хизмат
кўрсатишда иштирок этадиган ишлаб чиқариш фаоллари тушу-
нилади. Товар ишлаб чиқаришда иштирок этадиган асосий фон-
длар, бу - аввало ишлаб чиқариш воситалари (болға, арра ва ҳ.к.)
бўлиб, меҳнат предметига таъсир кўрсатади ва бу ишлаб чиқа-
ришда иштирок этиш жараёнида ишлаб чиқариш боққичларида
узок муддат, бир неча бор иштирок этади ва физик хусусиятлари-
ни йўқотмайди. Масалан, тикув машинаси бир кўйлак тиккандан
кейин ҳам қандай бўлса, шундайligтича қолаверади, лекин у озги-
на эскиради, яъни емирилади. Кўйлак тикиш жараёнини кўриб
чиқадиган бўлсак, материал бир ишлаб чиқариш жараёнида фи-
зик хусусиятини тўла йўқотади. Олдин материал эди, кейин эса
кўйлакка айланди. Бу айланма фонд меҳнат предметидир. Ҳи-
соб-китобни осонлаштириши мақсадида, амалиётда асосий фонд-
ларга узок муддат, бир йилдан кам бўлмаган муддатга хизмат
кўрсатадиган объектлар киритилади. Қиймат чесараси, бу баҳо
динамикасига боғлиқ ҳолда ўзгарувчандир.

Асосий фондларга номоддий ишлаб чиқарилган фаоллар ҳам
киритилади. Масалан, ноёб расмлар, адабий асарлар, компьютер
дастурлари билан таъминлаш, геологик қидирив ишлари ва ҳ.к

Асосий фондларни ҳисобга олиш услугиятида МХТга қара-
ганда амалиётда фарқли томони шундан иборатки, МХТда на-
фақат хизмат қилаётган асосий фондлар, балки тугалланмаган
объектлар ҳам киритилади. Мулк эгасига топширилган дақиқа-
дан асосий фондга айланади. Шундай қилиб, МХТда асосий
фондлар қиймати тугалланмаган моддий фаол қийматига, яъни
буортмачи томонидан тўланган бино, иншоотларнинг эса тў-
ланмаган қийматига; усқуналарнинг тўланмаган ишлаб чиқа-
риш қисмига, буни ҳам буортмачи томонидан тўланган ўрна-
тилмаган усқунлар қийматига киритилади. Бу бўлимга: мол,
ҳосилга кирмаган кўп йиллик экинилар, маҳсулот олиш мақса-
дида боқилаётган асалари, куш, балиқ ва ҳоказолар киради.

12.2. Асосий фондлар таснифи

Асосий фондлар таснифи қуйидагича:

1. Бино (тураржой биносидан ташқары).
2. Иншоотлар.
3. Туарар жой бинолари.
4. Машина ва ускуналар.
5. Транспорт воситалари.
6. Ишлаб чиқариш ва хұжалик инвестори ва инструментлар.
7. Ишчи ва маҳсулдор мол.
8. Күп йилги әқін.
9. Бащқа асосий фондлар.

Бу мөддий асосий фондлар таснифи иқтисодиёттің ҳар бир тармоги учун аниқлаشتырлади. Саноат асосий фондлари таснифи, қишлоқ хұжалиғи асосий фондлари таснифидан фарқланади, лекин ҳамма тармоқ таснифлари, албаттa, асосий фондлар умумий таснифига мослашиши лозим. Асосий фондларнинг натурал-физик таснифи асосий фондлар таркибида ўзгаришларни, фаол ва суст қисми салмоғи ўзгаришини баҳолашда құл келади. Ҳар бир тармоқ ўз хусусиятларига кўра, асосий фондларнинг фаол ва суст бўлинмасига киритилади. Масалан, нефть ва газ саноатида скважиналар иншоот бўлинмасига кириб, фаол қисмни ташкил этади, енгил саноатда эса иншоотлар асосий фондларнинг суст қисмига киради.

12.3. Асосий фондларни баҳолаш усуллари

Умумий таъриф бериш, у корхонага ҳақиқатда қанчага тушганлиги, ишлаб чиқариш жараёнида емирилган қисмини ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига ўтказиш ва бошқа таъриф бериш мақсадида асосий фондлар қуйидагича баҳоланади:

Асосий фондларнинг тўла бошлангич қиймати – бу, асосий фондни ишлаб чиқариш жараёнига киритиш арафасида эгасига қанчага тушганлигини ифодалаб, ўз ичига сотиб олиш харажатидан бошлаб, то ишлаб чиқаришга бирламчи туширгунча бўлган барча харажатларни, яъни транспорт, ортиш, тушуриш, ўрнатиш ва ҳоказо харажатларни олади. Уларнинг тўла бошлангич қиймати корхона баланс китобида қайд этилади, қилинган харажатларнинг барчаси ишлаб чиқариш жараёнида қопланиши лозим.

Юқорида қайд этилганидек, асосий фондлар узок муддат хизмат қиласи, агар баҳо ўзгариши, инқизорз бўлмаса, бу кўрсаткичдан фойдаланишда ҳеч қандай қийинчиллик бўлмайди. Лекин ҳозирги пайтда икки йил олдинги 50000 сўм билан бу-

гунги 50000 сүм бир-бирига тенг әмас. Агар асосий фондни тұла бошланғич қиймати беш йил олдин 50000 сүм бўлган бўлса, бутунги кунда шу 50000 сўмга шундай асосий фондни харид қилиб бўлмайди. Демак, қилинган инвестиция ўз қийматини йўқотмаслиги учун, бутунги кунда ҳам қайтариб олинган қийматга, шундай асосий фонд харид қилиш мумкин бўлиши лозим. Шунинг учун, асосий фондни тұла тиклаш қийматидан фойдаланилади. Бу қиймат мазкур шароитда янги шундай асосий фонднинг такрор ишлаб чиқариши қийматини ифодалайди. Тұла тиклаш қийматини ҳисоблаш асосий фондларни қайта баҳолаш кўрсаткичи ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Илгари баҳо нисбатан ўзгармас даврда асосий фондларни қайта баҳолаш ўртача ўн йилга тўғри келарди. Ҳозирги пайтда улар ҳар йили қайтадан баҳоланади. Тұла тиклаш қиймати ҳисобланғандан сўнг корхона баланс китобида шу қиймат ҳақида янги баҳо қайд этилиб, энди амортизация ажратмалари шу баҳодан ҳисобланади. Миллий ҳисоблар тизимида асосий фондлар фақат тиклаш қиймати орқали баҳоланади.

Юқорида кўриб чиқилган қийматлар тұла қиймат бўлиб, асосий фонднинг янгилик ҳолатидаги қийматидир. Лекин асосий фонд доимо эскириб боради, бу эскириш икки хил бўлади:

- жисмоний емирилиш;
- маънавий емирилиш.

Жисмоний емирилиши ишлаб чиқариши жараёнида содир бўлиб, емирилиш қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўтказиб боради. Демак, жисмоний емирилиш қопланади.

Маънавий емирилиши икки кўринишда бўлади: биринчиси, техника-технология тараққиёти натижасида маънавий эскириши. Иккинчиси, шундай асосий фондни такрор ишлаб чиқарилиши бутунги кунда анча арzonлашди. Маънавий эскириши корхона учун йўқотишидир, у қопланмайди. Шунинг учун асосий фонд ишлаб чиқаришга иложи борича тезроқ киритилиб, ундан унумлироқ фойдаланиш лозим, қилинган сарф-харажат қопланғандан сўнг йиғилган амортизация фондидан юқори унумлироқ фондларга янгилаш маъқул.

Шу емиришларни инобатга олган ҳолда ҳақиқий қолдик қиймат ҳисобланади:

- тұла бошланғич қийматидан эскириш суммасининг айрилган ҳолдаги қиймати;
- тұла тиклаш қийматидан эскириш суммаси айрилган ҳолдаги қиймати.

Тұла бошланғич қийматидан эскириш суммасининг айрилган ҳолдаги қийматини ҳисоблашпа, тұла бошланғич қийматидан ишлаб

чиқарыш жарабаңыда амортизация ажратмаси орқали ишлаб чиқарылған маҳсулот қийматига үтказилған емирилиш қиймати айрилиб, таъмирлаш орқали қисман тикланған қиймати күшилади. Тұла тиклаш қийматидан эскириш суммасининг айрилған ҳолдаги қийматини ҳисоблаша, тұла тиклаш қийматини эскириш күрсаткычига ўзgartириш (корректировка этиши) орқали ҳисобланади.

Масалан, асосий фонднинг тұла тиклаш қиймати 500 мингни, эскириш күрсаткычи 12%ни ташкил этса, эскириш суммаси $500 \cdot 0,12 = 60$ минг сүм, тұла тиклаш қиймати эскириш суммасининг айрилған ҳолдаги қиймати, яғни қолдик қиймати $500 - 60 = 440$ минг сүм бўлади.

12.4. Асосий фондлар амортизацияси

Асосий фондлар ишлаб чиқарыш жарабаңыда иштирок этиши натижасида емирилиб, шу емирилиш суммаси, ишлаб чиқараётган маҳсулот қийматига амортизация ажратмаси орқали үтказилади.

Йиллик амортизация суммаси қуйидагича ҳисобланади:

$$A = \frac{\Phi - T}{\Gamma}$$

Бу ерда: Φ – асосий фонднинг тұла бошланғич ёки тиклаш қиймати;

T – асосий фонднинг тұгатилиш қиймати (Демонтам харражати айрилади);

Γ – меъерий хизмат қилиш муддати (йиллар).

Йиллик амортизация меъёри:

$$N_a = \frac{A}{B} \times 100\%;$$

B – баланс қиймати.

Амортизация меъёри хар бир асосий фондлар гурӯхлари бўйича алоҳида фарқланади. Қайси тармокда ишлатилишидан қатына-зар асосий фонднинг ҳар бир турига бир хил амортизация меъёри белгиланади. Ишлаб чиқарыш хусусиятига кўра, табиий шароитига ва бошқаларга кўра алоҳида асосий фондлари амортизация ажратмалари меъёри тўғриловчи кўрсаткычлар кўлланади. Бу амортизация ажратмалари меъёрлари йиллик ҳисобланади, бухгалтерия ҳисоботида хар ойлик амортизация ажратмалари ҳисобланади.

Амортизация меъёрлари ажратмалари фақат меъерий хизмат қилиш муддатида ажратилади. Асосий фонддан фойдаланилмаган даврда амортизация ажратмалари ажратилмайди. Қуйидаги асосий фондлар турлари бўйича амортизация ажратмалари ажратилмайди: кутубхона фонди; тураржой фонди;

шахар ободонлаштириш фонди; бюджет ташкилотлари фонди.

Хозирги пайтда қуйидаги амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари мавжуд:

- чизиқли усул;
- тезлаштирилган амортизация усули;
- пасайтирилган күрсаткичлар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усули ва ҳ.к.

Чизиқли усуlda, амортизация ажратмалари, бутун месъерий хизмат қилиш даврида тенг, бир хил ҳисоблаб борилади.

Тезлаштирилган амортизация усулида, амортизация икки месъери бўйича қолдик қийматидан ҳисобланиб борилади.

Масалан, асосий фонд баланс қиймати 500 минг сўм, месъерий хизмат қилиш мuddat 10 йил бўлса, амортизация месъери 10% бўлади ва чизиқли амортизация ажратмасини ҳисоблаш усулида ҳар йилги амортизация ажратмалари 50 минг сўм бўлади.

Тезлаштирилган амортизация усулида эса биринчи йил:

$$A = 500 \cdot 0.2 = 100 \text{ минг сўм.}$$

Иккинчи йил:

$$A = (5000 - 100) \cdot 0.2 = 80 \text{ минг сўм ва ҳ. к.}$$

Бу усул фақат асосий фонdlарнинг фаол қисмигина қўлланиши мумкин.

Пасайтирилган кўрсаткич бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблашга ўтишин корхона маъмурияти қабул қилиб, бу усул, одатда, асосий фонdlар қайта баҳоланиши натижасида корхона молиявий-иктисодий кўрсаткичлари ёмонлашади.

МХТда охирги икки амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усули қўлланилмайди.

12.5. Асосий фонdlар баланси

Асосий фонdlар баланси уларнинг йил давомидаги ҳарекатини ифодалаб, тўла қиймати бўйича ва қолдик қиймати бўйича тузилади. Бу балансда нафақат асосий фоалият билан банд бўлган асосий фонdlарни, балки ёрдамчи хўжаликлар асосий фонdlарини ҳам акс эттиради.

33-жадвал

Баланс қиймати бўйича асосий фонdlарнинг баланс жадвали

Асосий фонdlар турлари	Йил бошидан мавжудлиги	Йил давомида киритилган				Ҳисобот йилида чиқиб кеттан				Йил охирида мавжудлиги
		Ж	шу жумладан			Ж	шу жумладан			
			А	М	И		Киритилган асосий фонdlар	Бошқа киритишлар	А	М
	1	2	3	4	5	6	7	8		

Бу баланс жадвал баланс қийматида тузилиб, унинг асосида доимий, ўртача йиллик ва бошқа баҳоларда ҳисоблаш учун асос ҳисобланади. Унинг тузилиши қатори бухгалтерлик ҳисоблари ва статистик ҳисоботлардан, танланма кузатиш ўтказиш асосида тузилади. Балансда асосий фондларнинг тўла қиймати бўйича ҳаракати ёки тўла бошлангич ёхуд тўла тиклаш қиймати бўйича акс эттирилади.

Йил давомида киритилган асосий фондларга юридик ёки жисмоний шахслардан сотиб олинган, иложсиз берилган, ижрага олинган асосий фондлар киритилади.

Хозирги инкироз баҳо ўсиш даврида асосий фондларнинг ҳаракатига динамикада кўриш ва тақъослашга аниқ тарьиф бермайди.

Бу маълумотларни қиёсланадиган ҳолатга келтириш учун улар этalon базис баҳоларга қайта баҳоланади. 1991 йилга қадар шундай базис баҳо 1973 йил баҳоси ҳисобланган 1973-1972 йилда асосий фондлар шу базис баҳо асосида қайта баҳоланган. Хозирги даврда 1990 йил баҳоларидан фойдаланиш мумкин. Бундай баҳолаш асосий фондларни қайта баҳолаш усули ёки индекслардан фойдаланиб амалга оширилади.

Баланс усулида базис даврдаги мавжуд асосий фондларни тиклаш қиймати бўйича чиқиб кетган асосий фондлар микдорига камайтирилиб, киритилган асосий фондлар микдорига кўпайтирилади. Бунда киритилган ва чиқиб кетган асосий фондлар тааллуқли баҳо индекслари ёрдамида қайта баҳоланади.

Индекс усулида, ҳисобот даврида базис давридагига нисбатан умумий баҳо индекси аниқланиб, шулар асосида қайта баҳоланади.

Йил давомида баҳо ўзгаришини инобатта олиш мақсадида, асосий фондларни ўртача баҳода қайта баҳолаш зарурияти туғилади. Бундай қайта баҳолангандан ўртача асосий фондлар қиймати турли хил асосий фондлардан фойдаланиш ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда керак бўлади. Бунинг учун ўртача баҳо индексларидан фойдаланилади. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати бўйича баланси 34-жадвалдагича бўлади.

Бу балансда йил бошидаги асосий фондлар қолдиқ қиймати бўйича келтирилади; сотиб олинган ва сотилган асосий фондлар бозор баҳосида, тиклаш қийматида кўпроқ, озрок ёки teng бўлиши мумкин; бошқалардан олинган асосий фондлар ва берилган асосий фондлар – қолдиқ қиймати бўйича; чиқиб кетган асосий фондлар – тугатиш қиймати бўйича келтирилади. Йиллик асосий фондларнинг емирилиши йиллик амортизация ажратмасига teng бўлади. Йил охиридаги асосий фондларнинг тиклаш қиймати баланс усулида ҳисобланади.

34-жадвал

Асосий фондларнинг қолдик қиймати бўйича баланс жадвали

Асосий фонд турлари	Йил бошидаги асосий фондлар мавжудлиги	Йил давомида киритилган асосий фонд			Йил давомида чиқиб кетган асосий фонд				Йил охирда асосий фонд мавжудлиги	
		Ж А М И	шу жумладан		Ж А М И	шу жумладан				
			Лиги кири-тилган асосий фонд	Бошқа кири-тилган асосий фондлар		Иил давомида емнирлган асосий фонд	Тутатилган асосий Фонд	Бошқа чиқиб кетган		
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	

Баланс маълумотларига асосланиб, қуидаги кўрсаткичларни хисоблаш мумкин:

1. Асосий фондлар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичлар:
а) асосий фондларни янгилаш кўрсаткичлари

$$Я.К. = \frac{К_{янг}}{\Phi_{йил\ охирдаги\ киймат}} \times 100 \%$$

Бу ерда, Я.К. - янгидан киритилган асосий фондлар қиймати;
 Φ - асосий фондларнинг тўла қиймати.

- б) асосий фондларнинг чиқиб кетиш кўрсаткичи

$$Ч.К. = \frac{К_{чи}}{\Phi_{йил\ бошидаги\ киймат}} \times 100 \% ;$$

Бу ерда, Ч.К. - чиқиб кетган асосий фондлар қиймати.

2. Асосий фондларнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар:
а) асосий фондларнинг эскириш кўрсаткичи

$$К_{ас} = \frac{Э}{\Phi} \times 100 \%$$

Бу ерда, Э - эскириш суммаси.

- б) асосий фондларни яроқлилик кўрсаткичи

$$К_{ярок} = \frac{\Phi'}{\Phi} \times 100 \%$$

Бу ерда, Φ' - асосий фондлар қолдик қиймати.

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш динамикаси таҳлилида асосий фондларни янгилаш интенсивлиги күрсаткичи қуидагича ҳисобланади:

$$K_{янг} = \frac{\text{чикиб кетган асосий фонд киймати}}{\text{янгидан киритилган асосий фонд киймати}}$$

Бунда чиқиб кетган ва янгитдан киритилган асосий фондлар қиймати, баланс қиймати бўйича олинади.

12.6. Асосий фонлардан фойдаланиш кўрсаткичи

Иқтисодий статистик таҳлилда асосий фондлардан қай даражада фойдаланилгани муҳим аҳамиятга эга, бунинг утун сарф этилган асосий фондлар ўртача йиллик қиймати билан йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори таққосланади.

Фонд самарадорлиги:

$$n = \frac{Q}{\Phi}$$

Бу ерда, Q - маҳсулот миқдори;

Φ - ўртача йиллик асосий фондлар қиймати;

Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик сарф этилган асосий фондга қанча қайтим, маҳсулот миқдори олинганлигини ифодалайди.

Бу кўрсаткичининг тескариси:

$$L = \frac{\Phi}{Q}$$

Фонд сифими кўрсаткичи бўлиб, ҳар бир сўмлик ишлаб чиқарилган маҳсулотга қанча асосий фондлар сарфланганлиги ни кўрсатади.

Мавжуд асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини, корхонада банд бўлган ўртача йиллик ходимлар сонига нисбати эса ҳар бир ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига қанча асосий фонд тўғри келишини ифодалайди.

Қисқача холосалар

Ишлаб чиқариш омилларидан бири капиталдир. Капитал нафақат моддий предметларни, балки номоддий (инсон қобилиети, маълумотлилик даражаси каби) элементлардан ташкил топади. Капитал қуидаги кўринишларда бўлади:

- ишлаб чиқариш капитали;
- пул;
- товар.

Ишлаб чиқариш капитали:

- асосий капитал;
- айланма капиталидир.

Асосий капитал ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддат иштирок этиб, бу жараёнида физик ҳусусиятларини йўқотмай, аста-секин смириб, шу емирилиш қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига аста-секин амортизация ажратмалари ёрдамида ўтказади. Асосий капитал амалиётда ишлаб чиқариш воситалари ҳам деб юритилади.

Ишлаб чиқарип воситалари турли-туманлиги туфайли, уларни умумлаштирувчи таъриф бериш мақсадида баҳоланади. Чунончи, тўла ва қолдиқ баҳолар бўйича баҳоланиши, шу баҳоларда баланси ҳам тузилади. Ахборотлар мавжуд бўлган ҳозирги шароитда юқоридаги баҳоларни бошлангич ва тикланиш баҳолари бўйича алоҳида-алоҳида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Асосий фондларнинг фаолияти давомида смирилиш жисмоний ва маънавий бўлади. Жисмоний емирилиш амортизация ажратмалари ёрдамида қопланади. Маънавий емирилишнинг икки тури ҳам корхона учун йўқотишидир, қопланмайди.

Асосий фондларнинг ҳолати, ҳаракати, фойдаланиш йўналишлари бўйича таҳлил этилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлари

1. Асосий фонд ишлаб чиқариш жараёнларида қандай ўрин тутади?
2. Асосий фонднинг таърифи.
3. Асосий фонднинг таснифи.
4. Асосий фонdlарни баҳолаш усуллари ва зарурлиги.
5. Асосий фонdlарни қайта баҳолаш нима учун керак?
6. Асосий фонdlарни амортизацияси ҳақида тушунча ва уларни ҳисоблаш усуллари.
7. Асосий фонdlар ҳаракатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
8. Асосий фонdlар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
9. Асосий фонdlардан фойдаланиши кўрсатчиклари.
10. Асосий фонdlар баланси ва аҳамияти.

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев А. Макроиктисодий статистика: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат, 1998.
 2. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. -М.: Финансы и статистика, 2000.
 3. Акрамов Э.А., Ишмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоритические основы, условия и практика перехода. -Т.: Узбекистан, 1993.
 4. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг. Всемирный банк. 2001г.
- Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1994.

XIII боб

АЙЛАНМА ФОНДЛАР СТАТИСТИКАСИ

13.1. Айланма фондлар турлари ва манбалари

Айланма капитал - бу, бир ишлаб чиқариш жараёнида ёки қисқа муддат (бир йилгача) фойдаланиш объектларига моли-явиш ресурслардир.

Корхона бухгалтерия ҳисоботини соддалаштириш ва қулай-роқ этиш мақсадида айланма капитал таркибиға хизмат қилиш муддати бир йилгача бўлган (баҳосидан қатъиназар), кам қий-матли, яъни қиймати бутунги кунда минимал маощдан кам бўл-ган асосий воситалар ҳам киритилади. Бухгалтерия балансида бундай воситалар "кам қимматли ва тез эскирувчи предметлари" деган ҳисобда кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаша, омбордан ишлаб чиқариш жараёнига топширилган кам қимматли предметлар қиймати бир йўла ишлаб чиқариш жорий харажатлари-га ўтказилиши ёки 50% қиймати ўтказилиб, қолган 50% и истеъ-мол қийматини йўқотганда ўтказилиши мумкин. Бунда, бирин-чи йўлда ҳисоблаш иши снгиллашади, лекин у сақлаш шароити-ни таъминлай олмайди.

Иккинчи йўл - масъул ходимлар томонидан кам қимматли предметларининг, ҳисоби олиб берилишини, уларнинг тўла эс-кириши ўз вақтида ҳужжатлаштирилишини, бу эскириш сум-масини ишлаб чиқариш жорий харажатига киритиш бўйича доимий назорат юритилишини талаб этади.

35-жадвал

Айланма фонд турлари

Барча корхонадаги айланма	Муомаладаги чиқарими капитал	Ишлаб чиқарими капитал	Фонд
Ишлаб чиқариш захиралари			
Туталланмаган ишлаб чиқариш ва ярим фабрикатлар			
Туталланмаган қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши			
Ем			
Келгуси давр харажатлари			
Тайёр маҳсулот, товарлар			
Бошқа товар-моддий неъматлар			
Жўнатилган товарлар			
Пул маблаглари			
Дебиторлар			
Қисқа муддатли молиявий қурилмалар			
Бошқа айланма маблаглари			

13.2. Айланма фондларнинг мавжудлиги ва айланувчанлиги таърифи

Айланма фондларнинг мавжудлиги қандайdir вақтга нисбатан ёки ўртача ҳисобот даври учун аниқланиши мумкин. Бу аниқланиши айланма капиталининг ҳаммаси ёки айрим гурӯҳлари бўйича бўлиши мумкин. Қандайdir вақтга биноан айланма капиталининг мавжудлиги бухгалтерия баланси маълумотларига биноан ёки аниқроқ бухгалтерия синтетик ҳисоби (бухгалтерия ҳисоби режаси ҳисобномалари ва субҳисобномалари) бўйича аниқланади.

Ҳар қандай корхонани оператив бошқариш учун унинг ҳар ойлик фаолияти натижалари кўриб чиқилиши лозимлиги ўтиборда тутилиб, ҳисобот ойи айланма капиталининг ўртача қолдиги (\bar{O}) ўртача арифметик усулда ҳисобланади. Бунинг учун ойнинг бошидаги ва охиридаги айланма капитал қолдикларининг ўртачаси олинади.

$$\bar{O} = \frac{O_6 + O_0}{2}$$

Агарда айланма фондининг ўртача қолдигини ҳисоблашда берилган маълумотлар teng оралиқда моментли хусусиятга эга бўлса, ўртача оддий хронологик усулдан фойдаланилади:

$$\bar{O} = \frac{\frac{1}{2}O_6 + O_1 + \dots + \frac{1}{2}O_n}{n - 1}.$$

Агарда берилган маълумотлар моментли ҳар хил оралиқдаги хусусиятга эга бўлса, тортилган хронологик усулда айланма капиталининг ўртача қолдиги ҳисобланилади:

$$\bar{O} = \frac{\sum \frac{1}{2}(O_{n-1} + O_n)t}{\sum t};$$

Бу ерда, t - интервал оралиги .

Айланма капиталининг умумий ва айрим турлари бўйича қолдиги ўзгаришига шу таъсир кўрсатадики, ишлаб чиқариш жараёни бошида мавжуд бўлган қолдиқлар ишлаб чиқариш жараёнида истесъмол қилинади, ишлаб чиқариш узлуксиз бўлганлиги туфайли тайёр маҳсулот сотилади. Натижада молиявий ресурслар пайдо бўлади ва ишлаб чиқариш тўхтаб қолмаслиги учун янги айланма капитал қолдиги яна янгилаб қўйилади.

Демак, ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил этишда айланма капиталининг мавжудлиги ва сотилган маҳсулотта тушган пул маблағи ҳақида мальумотдан ташқари айланма капиталининг айланиш тезлиги кўрсаткичлари ҳам бўлиши керак. Энг содда кўрсаткичлардан бири айланма капиталининг айланиш кўрсаткичи бўлиб, у сотилган маҳсулот қиймати айланма капиталининг ўртача қолдигига бўлинади:

$$K_{\text{аü}} = \frac{P}{\bar{O}}$$

Бу кўрсаткич тегишли давр мобайнида ҳар бир сўмлик айланма капиталига қилинган қўйилма неча марта айланганигини кўрсатади.

Бу кўрсаткич ёрдамида бир айланма неча кун давом этганигини билдирувчи кўрсаткични ҳисоблаш мумкин:

$$D_f = \frac{T}{K_{\text{аü}}} = \frac{T \cdot \bar{O}}{P}$$

Т - ўрганилаётган давр узунлиги, юқоридаги кўрсаткичлар ёрдамида капитални ўртача кунлик айланмаси қўйидагича кўрсатилади:

$$K_b \cdot D = \frac{\bar{O}}{P} \text{ ёки } K_b = \frac{1}{K_{\text{аü}}} ;$$

Бу ерда, K_b - биринчириш кўрсаткичи.

Масалан, ой давомида маҳсулот сотишдан тушган маблағ 900 млн. сўм, айланма капиталининг ўртача қолдиги 200 млн. бўлса, айланма капиталининг айланиш кўрсаткичи қўйидагича бўлади:

$$K_{\text{аü}} = \frac{P}{\bar{O}} = \frac{900 \text{ млн.}}{200 \text{ млн.}} = 4,5 \text{ марта} ;$$

Демак, айланма капиталига киритилган ҳар бир сўм 4,5 марта айланган.

Бир айланиш эса,

$$D_f = \frac{T}{K_{\text{аü}}} = \frac{30 \text{ кун}}{4,5} = 6,67 \text{ кун} ;$$

ёки

$$D_f = \frac{T \cdot \bar{O}}{P} = \frac{30 \text{ кун} \cdot 200 \text{ млн.}}{900 \text{ млн.}} = 6,67 \text{ кун} ;$$

капиталнинг кунлик айланмаси:

$$O' = \frac{\bar{O}}{P} = \frac{200 \text{ млн.}}{900 \text{ млн.}} = 0,22 \text{ сўм.}$$

Бу кўрсаткич шуни кўрсатадики, бир сўмлик маҳсулот сотишга 22 тийин айланма капитали захираси қиймати тўғри келган.

Захира мавжудлиги айрим моментларга ҳисобланганда шундай муаммо туғиладики, амалиётда захираларни баҳолашда ўртacha баҳолардан фойдаланилади.

13.3. Корхонанинг айланма фондларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш

Корхонанинг айланма фондларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш корхона фаолияти ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, чунки айланма капиталининг танқислиги ишлаб чиқариш жараёнини етарли даражада таъминлай олмайди, айланма капиталининг кўпине эса ортиқча товар -материал захирасида молиявий йўқотишларга олиб келади.

Бу масала икки хил ҳал этилади: биринчидан, режалаштирилаётган даврдан олдинги даврдаги маълумотларга биноан ҳисоб-китоб йўли билан; иккинчидан, айланма капиталининг ҳар бир элементига бўлган асосланган эҳтиёжни техник-иктисодий ҳисоблар ёрдамида аниқлаш, сўнг эса барчаси бўйича умумий эҳтиёжни қиймат ифодасида аниқлаш орқали.

Ҳар ҳолда узокроқ муддатта эҳтиёжни аниқлашда, инфляция шароитини ҳисобга олиб, режалаштирилаётган эҳтиёжни шу инфляцияга, экспорт баҳолаш ёрдамида корректировка қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Қисқа муддатли даврга эҳтиёжни аниқлашда, ишлаб чиқаришни алоҳида: хомашё, материаллар, ёқилғи ва бошқа айланма ишлаб чиқариш фондлари захираларига эҳтиёжи асосида техник-иктисодий ҳисоб-китоблар ўтказилади. Бундай ҳисоб-китоблар зарурияти, масалан моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, пост етказиб берувчиларни аниқлаш, муддатини, ҳажмини шартнома асосида белгилаш лозимлигидан келиб чиқади.

Айланма фондларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳар бир ишлаб чиқариш фаолияти, унинг катта ёки кичиклиги ва ҳоказоларга боғлиқ бўлди. Юқоридаги масалани ҳал этишида умумий усуслардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда айланма фон-

дларига бўлган эҳтиёж, аввало бизнес-режа бўйича сотилган маҳсулоти ҳажмига ва олдинги даврдаги айланма маблағларини бириттириш кўрсаткичига биноан қуидагича аниқланади:

$$\overline{O} = K_3 \cdot P$$

Демак, олдинги даврда ҳар бир сўмлик сотилган маҳсулотга бўлган айланма маблағлари билан таъминланиш кўрсаткичи режалаштирилаётган сотув маҳсулоти ҳажми кўпайтмаси ёрдамида аниқланади. Кўшимча айланма фондларга эҳтиёжи айланма фондларига бўлган эҳтиёж ҳамда режалаштирилаётган давр бошидаги қолдиқقا асосан аниқланади.

Юқорида қайд этилганидек, олдинги давр бириттириш кўрсаткичига асосланаб, ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Лекин ҳар даврнинг шарт-шароитини баҳолаб, шу кўрсаткични пасайтириш имкониятларини кўриб чиқиши корхона фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Буни қуидаги мисолда кўриб чиқишимиз мумкин.

Масалан:

36-жадвал

Айланма маблағлар билан таъминланиш кўрсаткичи

Апрель ойида ўртача айланма маблағлари қолдиги, минг сўм.	9000
Шу жумладан:	
Маҳсулот ишлаб чиқаришда керак бўлмайдиган материал захираси қиймати	600
Харидорларнинг муддати ўтган қаризи	900
Апрель ойида сотилган маҳсулот, минг сўм	20000
Айланма маблағларини бириттириш кўрсаткичи (9000:20000), сўм	0,45

Кўриниб турибдики, корхона айланма капитали таркиби-да ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз олиб бориши учун зарур бўлмаган элементлар мавжуд: 600 минг сўм Қ 900 минг сўм қ 1500 минг сўм. Режалаштиришда май ойига шу элементларни ҳеч бўлмаганда 50% камайтирилса, унда бириттириш кўрсаткичи май ойида:

$$K_3 = \frac{9000 - 750}{20000} = 0,4125 \text{ сўм}$$

Демак, ҳар бир сўмлик амалга оширилган маҳсулоти учун 41,25 тийин, яъни апрель ойидагига нисбатан 3,75 тийинга камроқ, барча амалга ошириш учун эса 750 минг сўмлик камроқ айланма капиталига эҳтиёж бор.

Элементлар бўйича техник-иктисодий ҳисоблар ёрдамида айланма капиталига эҳтиёж, аниқ маҳсулот ёки хизмат, ишлаб

чиқариш ҳажмига ва аниқ хомашё, материал ва бошқа ишлаб чиқариш захираси элементлари ҳақидағи биринчى месъерий солик ҳаражати маълумотларига биноан аниқланади.

Айланма маблағларга ехтиёжни аниқлаш месъерий усулда нафақат ҳар бир маҳсулот бирлигига аниқ меңнат предметлари месъерий ҳаражатлари ҳақида белги, балки ишлаб чиқаришни керакли материал ресурслари ва унинг таркиби бүйича таъминланиш хусусиятлари ҳақида маълумот бўлишини ҳам талаб этади. Корхона моддий-техник таъминотида қуидаги хомашё, материал, ёқилғи ва месъёрлапширилган бошқа айланма маблағлар захира турлари мавжуд:

- жорий захири;
- суғурта захиралари;
- мавсумий захиралар.

Жорий хомашё ва материал захиралари бутун вақт давомида месъерли ишлаб чиқариш фаолияти таъминлаган бўлишини талаб этади. Корхона омборида аниқ материал тури бўйича жорий захири ҳажмини аниқлаш календарь даври учун унга бўлган умумий талабга, етказиб бериши шартномаларига, омбордан ишлаб чиқаришга топшириш календарь графигига биноан аниқланади.

Ишлаб чиқаришнинг материал истеъмоли ва табиий шароитини ҳисобга олиб, захирада материалларни тўхтаб қолиш кўрсаткичи ҳисобланади.

Оммавий ишлаб чиқаришда материал истеъмоли тенг вақт оралиғида бўлиб, 0,5 кўрсаткичи бўйигча олиниши мумкин.

Масалан, маҳсулот ой бошида бир марта етказиб бериладиган, ишлаб чиқариш истеъмолига эса ҳар куни юбориладиган бўлса, ойнинг бошида максимал товар захираси мавжуд бўлиши, ойнинг охирги кунида энг кам қолиши ёки бутунлай қолмаслиги мумкин. Демак, ўртача захири миқдори:

$$\text{Зурт} = \frac{100\% + 0\%}{2} = 50\% = 0,5$$

Лекин, баъзан технологик жараённи инобатта олиб, ишлаб чиқаришга материални юбориш дақиқалари тенг оралиқда ёки ҳар хил оралиқда бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатни қуидаги мисолда кўрамиз.

Ишлаб чиқаришга материал ҳар ҳафтада тенг миқдорда юборилади, етказиб бериш эса ойнинг бошида амалга оширилади. Демак, захирада материални тўхтаб қолиш кўрсаткичи (К3)нинг ўртача ҳафта давомийлиги бўлиши мумкин (30 кун : 4 ҳафта)-7,5 кун.

$$K_3 = \frac{7,5 \cdot 0,25 + 15 \cdot 0,25 + 22,5 \cdot 0,25 + 30 \cdot 0,25}{30} = 0,625$$

Материалга бўлган ўртacha кунлик талабга (M_t), стказиб бериш даври () ва захирада материалнинг тўхтаб қолиши кўрсаткичига (K_3) биноан, умумий жорий материал захираси аниқланади. Агарда ҳар куни 20 дона маҳсулот ишлаб чиқарилса "A" материал харажати маҳсулот бирилигига 10 метр, тенг оралиқ материал харажати ва стказиб бериш оралиги 30 кун бўлса жорий умумий захира миқдори:

$Z_{жорий} = M_t \times \Pi_d \cdot K_3 = (10 \times 20) \cdot 30 \cdot 0,5 = 3000$ метр ни ташкил этади.

Бу миқдорда бир материални ишлаб чиқаришга тайёрлаш, материални қабул қилиш, саралаш, ортиб-тушириш вақтлари инобатга олинмаган (B_t). Ўз вақтида ишлаб чиқаришга юборишида стказиб бериладиган материал захираси вақти қўйидагича аниқланади:

$$Z_{тайёрлаш} = B_t \cdot M_t$$

Юқоридаги мисолимизга қўшимча қилиб, бор материални ишлаб чиқаришга тайёрлаш вақти 0,5 иш куни ҳисобланади.

$$Z_{тайёрлаш} = 0,5 \times (10 \times 20) = 100 \text{метр}$$

Бу захиралардан ташқари суғурта захирасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки, материал таъминотчи томонидан жўнатилган ёки жўнатилаётган бўлиши мумкин. Бунда жўнатиш кечикирилишини инобатта олиш зарур.

Бундай суғурта захирасини аниқлашда, илгариги таъминот даврларни даврлар, кечикиришлар бўйича ўртacha кечикириш куни ҳисобланади.

Масалан, узоқ муддатли ҳамкорлик давридан 90% кечикиришлар 2 кун; 10% 4 кун бўлган бўлса, ўртacha кечикириш куни қўйидагича бўлиши мумкин:

$$2 \text{кун} \times 0,9 + 4 \times 0,1 = 2,2 \text{кун} .$$

Агарда кунлик ишлаб чиқариш истеъмоли ҳисобга олинса: суғурта захира миқдори = 2,2 кун $(10 \cdot 20) = 440$ метр.

Энди юқоридаги захираларни эътиборга олиб, умумий захира миқдори аниқланади: жорий захира + тайёрлаш захираси + суғурта захираси = 3000м + 100м + 440 + 3540 м;

Максумий захира хомашё ва материаллар таъминоти фақат

мавсум ишлаб чиқаришларда бўлади. Бундай ҳолатда мавсумий захира бутун давр учун ҳисобланади. Бундай захирани вужудга келтириши корхоналарнинг ўз маблағлари одатда стишмайди ва банк кредит ресурсларидан фойдаланишга тўғри келади.

Юқоридаги факултетлар қўйидаги хуносани беради: демак, умумий захира миқдори маҳсулот бирлигига кетадиган материал харажатларига боғлиқ.

13.4. Маҳсулот бирлигига харажат ва унинг таркиби ўзгаришини таҳлил этиш

Маҳсулот бирлигига харажат миқдорини ҳисоблаш учун барча маҳсулотга қилинган меҳнат предмети харажати маҳсулот сонига бўлинади:

$$m = M : q$$

Бу кўрсаткич месъерий усулда ва ҳақиқий бўлиши мумкин. Иккинчисини ҳисоблашда қўйидагилар ҳисобга олинади:

- 1) Зарурый харажат.
 - 2) Чиқиндилар.
 - a) фойдаланиладиган чиқиндилар:
 - ишлаб чиқаришга киритишида материални тайёрлашда;
 - ишлов бериши жараёнида;
 - b) ишлатилмайдиган (йўқотишлар):
 - 3) Брак йўқотишлар.
 - 4) Жами маҳсулот бирлигига харажат
- 4=1+2+3.

Зарурый харажат технологик карта, технологик харажатлар ва ҳоказолар асосида маҳсулотда иштирок этадиган соғ материал харажатларидир.

Масалан, кўйлак тикилишида икки бўйи, енгининг узунлиги ҳисобга олинади. Ишлаб чиқаришга киритишида материални тайёрлашдаги чиқиндилар бичиши жараёнида пайдо бўлган чиқиндилар бўлиб, уларнинг айримларидан фойдаланиш мумкин, айримларидан эса фойдаланиб бўлмайди.

Масалан, кўйлак тикишида эни бир, бўйи 2,7 метрли газламадан фойдаланилса, тикилаётган кўйлакнинг бўйи 1 м 10 см, эни 70 см бўлса фақат бўйига 2 м 20 см кетади, энидан эса 30 см 2 см 0,66 см³ қолади, енги 50 см 40 см бўлса, 50 см енгига кетади. Ёнидан чиққан 0,66 см³ қийтиқ (чиқинди)ни керак бўлса, контовкаларига ишлатиш мумкин. Керак бўлмаса ишлатилмайди. Кўйлак енгини бичишида лейкала чизмасига биноан ёнларидан чиққан кичик бўлаклар, чиқиндилар ҳеч нарсага

ишлиатилмайды. Демак, умумий маҳсулот бирлигига қилинаётган материал харажатини инобатта олиб, 2м 70см газлама керак бўлади. Агарда енгини улоқ қилиб ёнидан чиққан бўлаклардан тикилса, унда 2м 20 см зарур. Ишлаб чиқариши оқилюна ташкил этиш мақсадида брак маҳсулот келиб чиқишининг олдини олиш ва иложи борича уни камайтириш чегараларини кўриш мухим аҳамиятга эга.

Масалан, полиз экинларини консервалаш жараёнида турли хил сабабларга кўра, қандайдир қисми отилиб кетади. Бунинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Консерваланган маҳсулот яроқсиз ҳолга келган, уни ишлиатиш мумкин эмас. Демак, бу йўқотиш - бракдир.

Маҳсулот борлигига қилинаётган харажат динамикаси ва мөърийга қиёслаш ёрдамида таҳлил этилади.

Нисбий миқдорда динамика ёки мөърийга қиёслашни ўрганиш:

$$i_m = \frac{m_1}{m_0} \quad \text{ёки} \quad i_m = \frac{m_x}{m_h};$$

мутлақ тафовут билан биргаликда олиб берилади, яъни:

$$\mathcal{E}_m = m_1 - m_0 \quad \text{ёки} \quad \mathcal{E}_m = m_{xak} - m_{meyr}$$

Шу тариқа бирликда қилинган иқтисод (+) ифодаланиб, барчasi бирликда ҳисобланса:

$$\mathcal{E}_m = (m_1 - m_0)q_1 \quad \text{ёки} \quad \mathcal{E}_m = (m_{xak} - m_{meyr})q_{xak}$$

Ҳамма маҳсулотга қилинган умумий иқтисодни берди.

Ҳамма маҳсулот турларига кўра, маҳсулот бирлигига қилинган материал ҳаракати индексини ҳисоблашда уларга таъсир этувчи омиллар бўйича ҳам ўрганиш мумкин:

- маҳсулот ҳажмининг ўзгариши (a);
- маҳсулот бирлигига қилинадиган материал ҳаракати ўзгариши (m);
- баҳо ўзгариши (P)

$$J_m = \frac{\sum m_1 p_1 q_1}{\sum m_0 p_0 q_0}$$

Бу сурати билан маҳражи ўртасидаги фарқи материал сарфининг пулдаги ифодаси бўлиб, тежаш миқдорини билдиради.

Буни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

37-жадвал

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариши ва материал харажати динамикаси

	Апрель			Май		
	Маҳсулот миқдори, м.	Бир бирлигига материал харажати (м)	Матор баҳоси (сўм)	Маҳсулот миқдори м. орна.	Бир бирлигига материал харажати	Материал харажати
«A»	q_0	p_0	m_0	q_1	m_1	p_1
«B»	20	3,2	1,3	21	2,95	1,22
	10	4,6	4,0	12	3,99	3,9

Иккала маҳсулотга умумий қилинган ўртача материал бирлиги харажати индекси:

$$J_{(m.p.a)} = \frac{\sum m_1 p_1 q_1}{\sum m_0 p_0 q_0} = \frac{(21 \cdot 2,95 \cdot 1,22) + (12 \cdot 3,99 \cdot 3,9)}{(20 \cdot 3,2) + (10 \cdot 4,6 \cdot 4)} = \frac{262,311}{267,2} = 0,9817 \times 100 = 98,17\%;$$

Демак, умумий қилинган харажатлар 1,83% камайиши натижасида

$$\mathcal{E} = \sum m_1 p_1 q_1 - \sum m_0 p_0 q_0 = 262,311 - 267,2 = -4889 \text{ млн. сўм тежалган.}$$

Энди шу тежамга ҳар бир омилини таъсирини кўриб чиқамиз.

а) маҳсулот ҳажми ўзгариш омили таъсири:

$$J_{m.p.(a)} = \frac{\sum m_0 p_0 q_1}{\sum m_0 p_0 q_0} = \frac{(1,3 \cdot 3,2 \cdot 2,1) + (4 \cdot 4,6 \cdot 12)}{(1,3 \cdot 3,2 \cdot 20) + (4 \cdot 4,6 \cdot 10)} = \frac{308,16}{267,2} = 1,1533 \times 100 = 115,33\%$$

Маҳсулот миқдори ошиши ҳисобига умумий харажат 15,33% ортган, натижада қилинган умумий харажат:

$$\mathcal{E}_{(a)} = 308,16 - 267,2 = 40,96 \text{ млн. сўмга кўпайган;}$$

б) баҳо ўзгариши таъсири:

$$J_{m.p.q.(p)} = \frac{\sum m_0 p_1 q_1}{\sum m_0 p_0 q_1} = \frac{(3,2 \cdot 1,22 \cdot 21) + (4,6 \cdot 3,9 \cdot 12)}{(3,2 \cdot 1,3 \cdot 21) + (4,6 \cdot 4 \cdot 12)} = \frac{297,264}{308,16} = 0,96464 \times 100 = 96,4642\%$$

Баҳо омили 3,536% камайиши натижасида қилинган умумий материал харажати 10,896 млн. сўмликка камайган;

в) маҳсулот бирлигига материал харажати таъсири:

$$J_{m.p.q.(m)} = \frac{\sum m_1 p_1 q_1}{\sum m_0 p_1 q_1} = \frac{(21 \cdot 2,95 \cdot 1,22) + (12 \cdot 3,99 \cdot 3,9)}{(21 \cdot 3,2 \cdot 1,22) + (12 \cdot 4,6 \cdot 3,9)} = \frac{262,311}{297,264} = 0,8824 \cdot 100 = 88,24\%$$

Ушбу омил таъсири остида умумий материал харажати 11,76% камайган натижада:

$$\mathcal{E}_{(m)} = \sum m_1 p_1 q_1 - \sum m_0 p_1 q_1 = 262,311 - 297,264 = -34,953 \text{ минг сўм тежалган.}$$

Энди текшириб кўрамиз.

$$J_{m.p.q} = J_{mpq(a)} \times J_{mpq(p)} \times J_{mpq(m)} = 1,1533 \times 0,96464 \times 0,8824 = 0,9817 ;$$

ёки

$$\mathcal{E}_{mpq} = \mathcal{E}_{(q)} + \mathcal{E}_{(p)} + \mathcal{E}_{(m)} = 40,96 + (-10,896) + (-34,953) = -4,889 \text{ минг сўм.}$$

13.5. Айланма фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш

Корхона ишлаб чиқариш жараённида маълум меҳнат предметлари ва бошқа ресурслардан фойдаланади. Уларнинг умумий ҳажми айланма капитали миқдоридир. Узоқ давр мобайнида жорий истеъмол қилинган меҳнат предметлари миқдори фойдаланиладиган айланма капиталининг жорий захиралар ҳажмидан кўпроқ бўлиши мумкин.

Моддий ресурслар жорий истеъмоли самарадорлигини ишлаб чиқаришда нафақат маҳсулот бирлигига материал харажати индекси ёрдамида, балки ишлаб чиқариш натижасини материал талабчанлигига солиштириш ёрдамида ҳам баҳолаш мумкин. Материал талабчанлиги ҳисобот даврида ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот ва ҳақиқий харажатлар ёрдамида аниқланади.

Кўйилган вазифага биноан, бу кўрсаткич натурал ва ўзгармас таққослаш баҳоларида ва жорий баҳоларда, шунингдек, ҳар бир маҳсулот тури ва айрим материал ресурслари бўйича ҳам ҳисобланиши мумкин. Бунда материал харажатининг маҳсулот ҳажмига нисбати олинади.

Бундан ташқари, бу кўрсаткичнинг тескариси - ишлатилган материал самарадорлиги, яъни сарфланган ҳар бир сўмлик материаллар ҳамда қийматига қанча маҳсулот олинганлиги ҳам ҳисобланади.

Меҳнат предметларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда материал талабчанлиги, моддий ресурслар захирасининг айланниш тезлиги кўрсаткичларидан фойдаланилади. Буни қуийидаги мисолда кўриб чиқамиз.

38-жадвал

Меҳнат предметларидан фойдаланиш самараадорлиги

№	Кўрсаткич	Белгиланиши	Ойлар		Ўзгариши	
			I	II	Нисбий %	Абсолют (+ -)
A	Б	1	2	3	4	5
1	Материал харажатлари (минг сўм)	M _х	90	120	133	30
2	Айланма капиталининг ўртacha қолдиги, минг сўм	О	4	50	125	10
3	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, минг сўм	Q	180	200	111	20
4	Материал талабчанлиги (1:3)	M _{табиий}	0,5	0,6	120	0,1
5	Айланма капиталининг айланувчанлик кўрсаткичи (3:2)	K _{ай}	4,5	4,0	89	-0,5

1) Умумий материал харажатлари 33% ортганлиги материал талабчанлиги 20% ошганлиги, айланма капиталининг айланни тезлиги 11% пасайганлиги ва ўртacha айланма капитали қолдиги 25% ошганлиги билан изоҳланади
 $(1,2 \times 0,88 \cdot 1,25=1,33)$.

2) Маҳсулот ишлаб чиқаришга материал харажатлари кейинги 2 ойда биринчи ойдагига нисбати 30 минг сўмга ошишига қуйидагилар таъсир кўрсатади:

а) материал талабчанлиги ошиши

$0,1 \cdot 4 \cdot 50=20$ минг сўм материал харажатларини ошириши;

б) айланма капиталининг айланувчанлиги пасайиши умумий материал харажатлари

$(-0,5) \cdot 0,5 \cdot 50=-12,5$ минг сўмга кўпайиши;

в) айланма капиталининг ўртacha қолдиги ўзгариши таъсири материал харажатлар ўзгаришига

$10 \cdot 4,5 \cdot 0,5=22,5$ минг сўм;

$20+(-12,5)+22,5=30$ минг сўм.

Айланма капиталидан фойдаланиш жараёнини таҳлил қилишда айланма капитали айланувчанлик кўрсаткичининг ўзгариши, умумий ўзгаришга қандай қилиб таъсир этишини билishi керак. Шу мақсадда айланма тезлигини ўзгариши таъсири остида айланма капитали суммасидан бўштилган айланма капитали суммаси аниқланади.

Бунинг учун ҳақиқий ўртacha айланма капиталининг қолдиги ҳақиқий амалга ошириш миқдори аввалги айланма капи-

талининг айланувчанлигига айланма маблағларига бўлган шартли талаб билан солиштирилади:

$$O_{бўлатилган} = \bar{O}_{ҳак} - \frac{D^o \cdot q^l}{T}$$

Мисолимизда бир ойда айланма капиталининг бир айланниши:

30 кун:4,5=6,67 минг сўм.

Энди шартли айланма капиталига талабни аниқлаймиз:

(6,67 кун x 200): 30 кун = 44,44 минг сўм.

Шундай қилиб, айланувчанлик кўрсаткичи 0,5 кунга камайиши, яъни бир айланнишининг давомийлиги 6,67 кундан 7,5 кунга ошганлиги $500 - 44,444 = 55,56$ сўм қўшимча айланма капитали жалб этилишига олиб келган.

Маҳсулот ҳажмини 20 минг сўмга ортиши, биринчи кўрсаткичи коэффициенти биринчи ойда ($40 : 180$) · 0,22 сўм бўлиши маҳсулот ҳажми 20 минг сўмга ошиши учун айланма капитали $0,222 \cdot 20$ минг = 4444 сўм бўлишини тақозо этган.

Иккала омил таъсир остида умумий айланма капиталининг ўртача қолдиги (50 минг - 40 минг) · 10 минг сўмга ошганлиги, (яъни $556 + 4444 = 10000$ сўм) 2 ойда тегишли кўрсаткичи ($50 : 200$) 0,25 сўм, айланма айланувчанлиги секинлашиши остида қўшимча жалб этилган маблағлар

$(0,25 - 0,22) \cdot 200 = 5556$ минг сўм бўлган.

Қисқача хуросалар

Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши лозим бўлган ресурслардан бири айланма капитал бўлиб, бу бир ишлаб чиқариш жараёнида ёки қисқа муддат (одатда, 1 йилгача) иштирок этувчи объектларга молиявий қўйилмалардир. Асосий капиталдан айланма капиталнинг фарқи шундаки, асосий капитал дейилганда, узоқ муддат ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиб, ўз физик хусусиятини йўқотмайдиган объектларга молиявий қўйилмалар тушунилса, айланма капиталдан эса, ишлаб чиқариш жараёнида ўз физик хусусиятини тўла йўқотадиган ва шу сабабли қийматини ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга тўғри, тўла ўтказадиган объектларга қўйилмалар тушунилади. Бухгалтерия ҳисоб-китобини осонлаштириш мақсадида қимматли ва қисқа муддат иштирок этувчи ишлаб чиқариш воситалари ҳам айланма фонdlарига киритилади. Корхона мулкида (фолларида) салмоқли ўринга эга бўлган айланма капитал: айланма фонdlарига ва қисқа муддатли молиявий пул маблағлари қўйилмаларига бўлиб ўрганилади.

Айланма фондалари элементлари таркибини фаолият турiga қараб, агар ишлаб чиқариш фаолияти бўлса, ишлаб чиқариш характерида пул ва тайёр маҳсулот захиралари, агарда воситачилик фаолияти бўлса, сотиш учун мўлжалланган товарлар захираси ташкил этади.

Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар асосий фаолиятта боғлиқ бўлмайди.

Айланма капиталнинг мавжудлиги фурсатли ёки ўргача даврий бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда айланма капитал ва унинг элементларини айланниш тезлиги кўрсаткичи аниқланади. Шу билан бир қаторда айланма капиталга бўлган эҳтиёж ҳам ҳисобланади ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Асосий капитал ва айланма капитал орасида қандай фарқ бор?
2. Айланма капитал таркибини таърифланг.
3. Айланма капитал мавжудлиги ва айланниш кўрсаткичлари қайтадан қандай ҳисобланади?
4. Капиталнинг ўртача кунлик айланмаси қандай аниқланади?
5. Корхонанинг айланма капиталига эҳтиёж қандай аниқланади?
6. Жорий меҳнат предметлари захираси қандай аҳамиятга эга?
7. Суғурта захирасининг аҳамияти нимада?
8. Мавсумий захиранинг моҳияти нимада?
9. Маҳсулот бирлигига харажат қандай ҳисобланади ва у қандай аҳамиятга эга?
10. Маҳсулот бирлигига харажат индекслари қандай ҳисобланади ва уларнинг аҳамияти нимада?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев А. Макроиктисодий статистика: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат, 1998.
2. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. -М.: Финансы и статистика, 2000.
3. Акрамов Э.А., Ишмухamedов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода. -Т.: Узбекистан, 1993.
4. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг. Всемирный банк. 2001.
5. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1994.

XIV бөб

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ

14.1. Ишлаб чиқариш ва мумомала харажатлари ҳақида түшүнчә

Корхона фаолияти харажатлар билан боғлиқдир. Жорий иқтисодий фаолият мавжуд ишлаб чиқариш омилларини самарали бирлаштириб, ишлаб чиқариш ёки хизмат күрсатиши ҳажмини оширишга қарасынан, уларга қилинган харажатни камайтиришгэ интилишдир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг пулдаги ифодасига таннарх дейилади.

Маҳсулот таннархи, синтетик кўрсаткич бўлиб, унинг ўзгаришига ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш; янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш; меҳнат, ишлаб чиқаришни, бошқаришни такомиллаштириш кабилар таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари; савдо-сотик, воситачилик ва ҳоказолар билан боғлиқ корхоналарнинг мумомала харажатлари аниқланади. Ишлаб чиқариш ёки мумомала харажатлари таркиби, уларни қонунлар асосида тартибга солиш солиқ тизими хусусияти билан боғлиқдир.

Маҳсулот партиясига қилинган харажатлар таннарх дейилади. Маҳсулот бирлигига қилинган харажат таннарх дарајаси дейилади.

Корхона харажатларини куйидаги тартибда ўрганиш мумкин:

1. Тўғри ва эгри.
2. Шартли доимий ва шартли ўзгарувчан.
3. Иқтисодий элементлари бўйича ва калькулация моддалари бўйича.

1. Тўғри харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб (материал, хомашё, меҳнат харажатлари), аниқ маҳсулот турига киритилади ва техник ҳисоблаш орқали тақсимланади.

Эгри харажатларни айрим аниқ маҳсулот учун ҳисоблаш мумкин бўлмай, барча фаолиятта таалукли бўлади. Масалан, бошқарув харажатлари, иссиқлик, электр энергияси, ижара ва ҳ.к.лар. Амалиётда бундай харажатлар умумхўжалик харажатлари дейилади, ишчи кучига тўғри харажатларни конверсион харажатлар дейилади.

II. Шартли ўзгарувчан харажатлар деганда, ишлаб чиқариш маҳсулот миқдори ўзгариши натижасида унга мутаносиб равишда тұғридан-тұғри ўзгарадиган харажатлар тушунилади. Масалан, хомаше 10 маҳсулот бирлигига бир хил, 12 тасига эса бошқача.

Шартли ўзгармас доимий харажатлар маҳсулот ҳажми ўзгаришига боелиқ ҳолда ўзгармайдыган харажатлар киритилади. Масалан, ижара тұлови.

III. Иқтисодий элементлар бүйича гурухлашда ҳар бир элементта, аниқ ресурс тури харажатлари киритилади.

Маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатларға қуидағи иқтисодий элементлар киритилади:

- моддий харажатлар (қайтариладиган чиқынди қиймати өзгерилади);
- иш күчи қиймати харажатлари;
- ижтимоий ажратмалар;
- асосий фонд амортизацияси;
- башка харажатлар.

Қайтариладиган чиқынди – хомаше, материал қолдиклари, ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлган ярим фабрикат ва моддий ресурс қолдиклариидир. Булар ишлаб чиқариш жараёнида ўз истеъмол сифатини тўла ёки қисман йўқотади. Шунинг эвазига ишлаб чиқаришда қисман ишлатилиши ёки ишлатилмаслиги мумкин.

Иқтисодий элементлар бүйича харажатларни гурухлаш барча харажатларда меҳнат харажати салмоғини аниқлашга ва бу салмоқ корхоналар, тармоқ бўйича, динамикада қандай ўзгаришлар бўлаётганини ўрганишга имкон беради.

Калькуляция моддалари бўйича гурухлаш аниқ маҳсулотга қилинаётган харажатлар ва уларнинг таннархини хисоблашга мўлжалланган.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боелиқ харажатларга тўла ишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Маҳсулот ишлаб чиқарилган сўнг, унинг сотиши харажатларини ҳам инобатта олиш лозим. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боелиқ бўлмаган харажатлар ноишлаб чиқариш харажатлари дейилади. Ноишлаб чиқариш харажатларига: реклама, илмий изланишлар, кредит бўйича фойзлар тўлаш, маҳсулотни сақлаша ва тащиш харажатлари киради.

Ишлаб чиқариш харажатлари билан ноишлаб чиқариш харажатлари – маҳсулотнинг тўла таннархини шакллантиради.

Пировард истеъмолчига товарни етказиб бериш билан боелиқ, муомала жараёнидаги умумий харажатлар таркиби:

- кўшимча харажатларга (муомала соҳасида ишлаб чиқа-

риш жараёнини давом эттириш билан боғлиқ харажатлар – саралаш, сақлаш, ташиш, қадоқлаш);

– соғи харажатлар (әгалик ҳуқуқини алмаштириш, яъни маҳсулотни сотиш, сотувчилардан бошқа хизматларни сақлаш харажатлари, кредит фойзларини тўлаш харажатлари, реклама харажатлари ва бошқа)га бўлинади.

14.2. Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари таркиби

Ўзбекистон Республикаси вазирлар махкамасининг 1999 йил 5 февраляда қабул қилинган 64-қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (хизматлар)нинг сотиш харажатларининг тузилиши ва молиявий натижаларининг ташкил топиши қоидалири»га асосан корхоналарнинг харажат моддалари қўйидагилардан ташкил топади:

1. Ишлаб чиқариш харажатлари:

1.1. Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари:

- маҳсулотта қўшиладиган хомашё ва материаллар – сотиб олинган материаллар (ишлаб чиқариши месъёрида ўтишини таъминлаши, эҳтиёт қисмлар, маҳсулотларни ўраш, жойлаш учун материаллар ва х.к.);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга қисмлар ва ишлар;

- табиий хомашё (сув, ёғоч ва х.к.);

- энергия ва ёқилгининг ҳамма турлари;

- материалларнинг табиий камайиши.

1.2. ишлаб чиқариш характеристидаги меҳнатта тўловлар:

- бажарилган ишлар учун тўловлар;

- қўшимча тўловлар;

- ишланмаган вақтлар учун тўловлар.

1.3. Ижтимоий сугуртага ажратмалар:

- иш ҳақи фондига нисбатан ажратмалар;

- нодавлат нафақа фондига, ихтиёрий тиббий сугуртага ва бошқа ихтиёрий тўловлар;

1.4. Асосий фондлар ва номатериал активлар амортизацияси:

- асосий фондларнинг эскиришга қараб бош бирламчи баҳода ажратма.

1.5. Ишлаб чиқариш характеристидан бошқа харажатлар:

- ишлаб чиқариш жараёнига кўрсатилган хизматлар;

- ишлаб чиқаришни хомашё ва материаллар билан таъмирлаш;

- асосий фондларни ишчи ҳолда сақлаш харажатлари ;

- ўт ўчиришни таъминлаш ва қоровуллар;

- ишлаб чиқариш асосий фондларини ижара ҳақи.

II. Давр харажатлари:

2.1. Махсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар:

- товарларни ташиш харажатлари;

- савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг муомала харажатлари.

2.2. Маъмурий харажатлар:

- бошқарув ҳодимларининг меҳнат тўловлари;

- уларга сугурта ажратмалари;

- хизмат автомобиллари асраш;

- бошқарувнинг техник воситалари, алоқа, сигнализация, ҳисоблаш маркази ва ҳ.к.;

- бошқарувдаги асосий фондлар амортизацияси;

- юқори ташкилотларни асраш (вазирлик, идора, ассоциация, концерн ва ҳ.к.);

- хизмат сафари харажатлари.

2.3. Бошқа операция харажатлари:

- кадрлар тайёрлаш;

- қурилишдаги камчиликларни йўқотиши;

- маслаҳатлар берииш ва ахборотлар хизмати тўловлари, аудитлар хизмати тўловлари ва ҳ.к.

III. Молиявий фаолият харажатлари:

- банкларнинг узоқ ва қиисқа муддатли кредитлари учун тўловлари;

- узоқ муддатли ижара учун тўловлар;

- валюта курсининг ўзгариши сабабли фойда ва заарлар;

- корхонанинг ўз қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ва тарқатиш харажатлари.

IV. Фавқулотда заарлар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики янгича шароитда маъмурий, тижорат, умумхўжалик ва молиявий харажатлар маҳсулот таннархига киритилмайди. Улар ҳар даврнинг ўзида корхона фойда суммаси ҳисобидан қопланади ва бу ҳолат миллий ҳисоблар тизимига мос келади.

Давр харажатлари корхоналар фаолиятида янги кўрсаткич ҳисобланади. Бу харажатлар бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эмас.

14.3. Маҳсулот таннархи динамикаси

Маҳсулот таннархи юқорида айтилганидек, фойда олиш мақсадида иложи боригча пасайиш йўналишига эга бўлиши лозим. Маҳсулот таннархи динамикаси қай даражада ўзгараёттанини турли

хил объектлар бүйича қиёслаш мақсадын индекслар усулидан фойдаланилади.

Айрим турдаги маҳсулоттар таннархи ўзгаришини аниқлаш учун индивидуал (i_z) таннарх индексидан фойдаланилади:

$$i_z = \frac{Z_1}{Z_0} \text{ сурати билан маҳражининг фарқи эса, маҳсулот}$$

бирлиги таннархи ўзгариши мутлақ микдорларда ҳақиқий тафовутни (\mathcal{E}) ни кўрсатиб беради: $\mathcal{E}_x = Z_1 - Z_0$

Буни қуидаги мисолда кўриб чиқамиз.

39-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари

Апрель	Май ойига режа бүйича		Ҳақиқатдан май ойида	
Маҳсулот таннархи даражаси (сўм)	Ишлаб чиқариш (дона)	Таннарх даражаси (сўм)	Ишлаб чиқариш (дона)	Таннарх даражаси (сўм)
Z_0	Q_p	Z_p	q_1	Z_1
3000	15000	2910	17000	2619

Шу мъалумотларга биноан, маҳсулот таннархи май ойига режалаштирилган:

$$i_z = \frac{Z_p}{Z_0} = \frac{2910}{3000} = 0,97 * 100 = 97\%$$

бу эса ўз нарабатида, маҳсулот таннархи уч фоизга пасайиши:

$$\mathcal{E}_{p,T} = Z_p - Z_0 = 2910c - 3000c = -90 \text{ сўм}$$

хар бир маҳсулот бирлигига 90 сўм тежашни назарда тутган. Ҳақиқатда эса май ойида маҳсулот таннархи бүйича режа бажарилиши:

$$i_z = \frac{Z_1}{Z_p} = \frac{2619}{2910} = 0,9 * 100 = 90\%$$

ташкил этган, яъни маҳсулот таннархи режалаштирилганга нисбатан 10 %га пасайган. Бу эса хар бир маҳсулот бирлигига $\mathcal{E}_{p,T} = Z_p - Z_0 = 2619c - 2910c = -291c$

$$(87,3\% - 100\%) = -12,7\%$$

яъни, 12,7%га пасайган. Демак, бунда:

$$\mathcal{E} = Z_1 - Z_0 = 2619c - 3000c = -381c \text{ тежалган.}$$

Бу индекслар орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:
 $Z_p \times \frac{Z_1}{Z_o} = \frac{Z_1}{Z_o}$; яъни, режа топшириғи индексининг, режа бажарыш индексига күпайтмаси динамика индексини ҳосил қиласи.

Мисолимиздаги $0,97 \cdot 0,9 = 0,873 \cdot 100 = 87,3\%$ бу, мультиплитатив модель индекслари боғлиқлигидир.

Аддитив модель индекслар боғлиқлиги $(Z_p - Z_0) + (Z_1 - Z_p) = (Z_1 - Z_0)$, яъни $(-90\text{сўм}) - (-291\text{сўм}) = -381\text{ сўм}$.

Индивидуал таннарх индексидан, одатда, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилганда ёки айрим маҳсулот турлари бўйича таннарх ўзгариши ўрганилганда фойдаланилади. Амалиётда эса, камдан-кам ҳолатларда бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Айрим маҳсулот таннархининг ўзгариши турини бир неча бўлим ёки корхоналар бўйича аниқлаш мақсадида умумий ўртacha таннарх индексидан фойдаланилади:

$$I_z = \frac{\bar{Z}_1}{\bar{Z}_0} = \frac{\sum q_i z_1}{\sum q_i} : \frac{\sum q_o z_0}{\sum q_o}$$

Бу индексни ҳисоблашни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

40-жадвал

Икки корхона "A" маҳсулотини ишлаб чиқариш ва унинг таннархи

Корхона лар	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (дона)		Маҳсулот таннархи даражаси (минг сўм)	
	Апрель	Май	Апрель	Май
	Q_0	q_1	z_0	z_1
1	500	800	20	18
2	2500	2200	21	20

Биринчи корхонада таннарх: $i_z = \frac{z_1}{z_0} = \frac{18}{20} = 0,9 \cdot 100 = 90\%$

10%га; иккинчи корхонада эса $i_z = \frac{z_1}{z_0} = \frac{20}{21} = 0,952 \cdot 100 = 95,2\%$
4,8%га пасайган.

Иккала корхона бўйича эса:

$$J_z = \frac{\bar{Z}_1}{\bar{Z}_0} = \frac{\sum q_i z_1}{\sum q_i} : \frac{\sum q_o z_0}{\sum q_o} = \frac{800 \cdot 18 + 2200 \cdot 20}{3000} : \frac{500 \cdot 20 + 2500 \cdot 21}{3000} = \\ = \frac{14400 + 44000}{3000} : \frac{100000 + 52500}{3000} = \frac{58400}{3000} : \frac{62500}{3000} \approx 19,47 : 20,83 = 0,935 \cdot 100 = 93,5\%,$$

Демак, иккала корхона бўйича ўртача таннарх апрелда 20,83 сўм, майда эса 19,47 сўмни ташкил этиб, 6,5% пасайган. Бу пасайишга омилларнинг таъсирини кўриш мақсадида юқоридаги умумий ўртача индекс ва ўзгартириш киритилса, у қўйида-ги тусга эга бўлди.

$$J_{\bar{z}} = \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_1} \cdot \frac{\sum q_0 z_0}{\sum q_0} = \frac{\sum d_{q_1} z_1}{\sum d_{q_1}} \cdot \frac{\sum d_{q_0} z_0}{\sum d_{q_0}} = \frac{\sum d_{q_1} z_1}{\sum d_{q_0} z_0}$$

Бу индексга ўзгартиришлар, ўртача арифметик микдор айрим математик хусусиятларидан фойдаланиб киритилади. Чунончи:

- такрорланиш сони қандайдир доимий сонга кўпайтирилса ёки бўлинса ўртача ўзгармайди;
- салмоғлар йигиндиси доимо "1" га teng бўлади.

41-жадвал

Юқоридаги мисолимизнинг ишчи жадвали

№	dq_0	dq_1	z_0	z_1
1	0,20	0,36	20	18
2	0,80	0,64	21	20

$$d_a = \frac{q}{\sum q}$$

$$J_{\bar{z}} = \frac{\sum z_1 d_{q_1}}{\sum z_0 d_{q_0}} = \frac{18 \cdot 0,36 + 20 \cdot 0,64}{20 \cdot 0,20 + 21 \cdot 0,80} = 0,935 \cdot 100 = 93,5\%$$

Бу индекс ўзгарувчан таркибли индекс бўлиб, ўртача таннарх 6,5 %га пасайишга маҳсулот таннархи биринчи корхонада 10%, иккинчи корхонада 4,8% камайишига биринчи омил - индивидуал таннарх ўзгариши ва иккинчи омил - турли хил таннарх даражасига эришган корхоналар маҳсулоти салмоғи ўзгариши; биринчи корхона маҳсулот таннархи пастроқ бўлиб, бу корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи 20%дан 36%га ошиши таъсир кўрсатган.

Корхона ишлаб чиқараётган турли хил маҳсулот таннархнинг ўзгаришини ўрганиш учун таннарх агрегат индексидан фойдаланилади. Шуни қайд қилмоқ лозимки, таннарх индекслари фақат таққосланадиган маҳсулот турлари бўйича ҳисобланади.

Корхона доирасида таққосланадиган маҳсулотларга ҳам ҳисбот, ҳам базис даврда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар киритилади.

42-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг таннархи динамикаси.

Маҳсулот тури	Апрель		Май	
	Ишлаб чиқарилган (минг дона)	Маҳсулотлар таннархи (минг сўм)	Ишлаб чиқарилган (минг дона)	Маҳсулотлар таннархи (минг сўм)
	q_0	z_0	q_1	z_1
A	10	2,0	14	2,2
B	8	2,8	10	2,4
V	9	2,4	-	-
G	-	-	10	2,3

Бу маълумотларга биноан, таққосланадиган маҳсулот турларига "A" ва "B" маҳсулоти киритилади, "V" ва "G" маҳсулоти бўйича индекс ҳисобланмайди.

$$J_z = \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_1 z_0} = \frac{14 \cdot 2,2 + 10 \cdot 2,4}{14 \cdot 2,0 + 10 \cdot 2,8} = \frac{30,8 + 24}{28 + 28} = \frac{54,8}{56} = 0,9785 \cdot 100 = 97,85\% ;$$

Кўриниб турибдики, таннарх корхонада таққосланадиган маҳсулот турлари бўйича 2,15% пасайган. Натижада тежалган маблағ:

$$\mathcal{E} = \sum q_1 z_1 - \sum q_1 z_0 = \sum (z_1 - z_0) \cdot q_1 = 54,8 \text{ минг сўм} - 56 \text{ минг сўм} = 1200 \text{ сўмни ташкил этган.}$$

Бир неча корхона бўйича таннарх динамикасини ўрганишда таққосланадиган маҳсулот турлари кенгайтирилиб олиниши мумкин. Бунда тармоқ усули бўйича таққосланадиган маҳсулот турларига тармоқ доирасида, корхоналардан ҳеч бўлмаганда бирида ҳам ҳисобот, ҳам базис даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар киритилади.

43-жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни таннарх динамикаси

Корхона-лар	Маҳсулот тури	Октябрь		Ноябрь	
		Маҳсулот миқдори	Таннарх (минг сўм)	Маҳсулот миқдори	Таннарх (минг сўм)
		q_0	z_0	q_1	z_1
1	A	10	9	12	8
	B	8	8	-	-
	V	-	-	10	9
2	B	-	-	-	-
	V	12	11	-	-
	G	14	10	16	9

Корхоналар усули бўйича таққосланадиган масулот турларига киради. маҳсулотлар: "А"; "Г"

$$J_z = \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_1 z_0} = \frac{12 \cdot 9 + 16 \cdot 9}{12 \cdot 9 + 16 \cdot 10} = \frac{96 + 144}{108 + 160} = \frac{240}{268} = 0,8955 \cdot 100 = 89,55\%$$

Тармоқ усули бўйича таққосланадиган маҳсулот турларига киради маҳсулотлар: "А"; "Б"; "В"; "Г"

$$J_z = \frac{\sum q_1 z_1}{\sum q_1 z_0} = \frac{12 \cdot 8 + 10 \cdot 9 + 6 \cdot 10 + 16 \cdot 9}{12 \cdot 9 + 10 \cdot 11 + 6 \cdot 8 + 16 \cdot 10} = \frac{390 \text{ минг сўм}}{426 \text{ минг сўм}} = 0,915 \cdot 100 = 91,5\% ;$$

ҳамма маҳсулотлар таниархи 8,5%га пасайгай. Бунинг натижасида тежалган маблағ (390 минг сўм - 426 минг сўм = - 36 минг сўм) 36 минг сўмни ташкил этган.

14.4. Бир сўмлик товар маҳлотига қилинган харажат

Юқорида айтилганидек, таниарх маҳсулот баҳосининг асосий қисми бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар ва маҳсулот қийматини бир-бирига солиштириш натижасида ҳар бир сўмлик маҳсулот қийматига қанча харажат қилинганлигини кўрсатади:

$$h = \frac{\sum zq}{\sum pq} ;$$

Бу ерда, zq -ҳар бир маҳсулот турининг миқдори;
р - маҳсулот бирлиги баҳоси.

Бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган харажатлар кўрсаткичини аниқлашада қўйидаги кўринищлардан фойдаланиш мумкин.

1. Режалаштирилаётган бир сўмлик товар маҳсулотига харажатлар:

$$h_p = \frac{\sum z_p q_p}{\sum p_q q_p} .$$

2. Бир сўмлик товар маҳсулотига ҳақиқий харажатлар:

$$h_1 = \frac{\sum z_1 q_1}{\sum p_1 q_1} .$$

3. Режалаштирилган баҳода ҳақиқий бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган харажатлар:

$$h'_p = \frac{\sum z_1 q_1}{\sum p_p q_1} .$$

4. Режалаштирилган баҳо ва харажат ҳақиқий бир сүмлик товар маҳсулотига қилинган харажатлар:

$$h'_p = \frac{\sum z_p q_1}{\sum p_p q_1}.$$

Бу кўрсаткичлардан фойдаланиш йўналишини қўйида мисолда кўриб чиқамиз.

44-жадвал

Бир сүмлик товар маҳсулотига қилинган харажатни хисоблаш

№	Кўрсаткич номи	Улчов бирликлари	Кўрсаткич даражаси	
1	2	3	4	5
1	I. Режалаштирилаётган кўрсаткичлар Режалаштирилаётган товар маҳсулоти қиймати	млн. сўм	800	q _p P _p
2	Товар маҳсулотининг тўла режалаштирилаётган тўла таннархи	млн. сўм	880	q _p z _p
3	II. Ҳақиқий эришилган кўрсаткичлар Ҳақиқий ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти қиймати	млн. сўм	900	q ₁ P ₁
4	Режалаштирилаётган баҳодаги ҳақиқий товар маҳсулоти қиймати	млн. сўм	860	q ₁ P _p
5	Ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг тўла таннархи	млн. сўм	890	q ₁ z ₁
6	Ҳақиқий товар маҳсулотининг режалаштирилган тўла таннархи	млн. сўм	870	q ₁ z _p
7	III. Бир сүмлик товар маҳсулоти харажатлари кўрсаткичи Режалаштирилаётган бир сүмлик товар маҳсулотига харажат (2:1)	Сўм	1,1	
8	Ҳақиқий бир сүмлик товар маҳсулотига ҳақиқий харажат (5:3)	Сўм	0,989	
9	Режалаштирилаётган баҳода ҳақиқий бир сүмлик товар маҳсулотига қилинган харажат (5:4)	Сўм	1,035	
10	Режалаштирилаётган баҳо ва харажат ҳақиқий бир сүмлик товар маҳсулотига қилинган харажат(6:4)	Сўм	1,012	

Кўриниб турибдики, бир сүмлик товар маҳсулотига қилинган ҳақиқий харажат режалаштирилган кўрсаткичга нисбатан

98,9 тийин - 110 тийин = -11,1 тийинга кам, бу ўзгаришга қүйидаги омиллар таъсир күрсаттан:

1) Маҳсулот баҳосининг ҳақиқий даражасини режалаштирилган баҳога нисбати:

98,9 тийин - 103,5 тийин = -4,6 тийин.

2) Ҳақиқий таннархнинг режалаштирилган таннархга нисбатан ўзгариши:

103,5 тийин - 101,2 тийин = 2,3 тийин.

3) Ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот таркибини режалаштирилган маҳсулот таркибиға нисбатан ўзгариши

101,2 тийин - 110 тийин = - 8,8 тийин.

Бу омиллар таъсири остида бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган ҳақиқий харажат режалаштирилганига нисбатан $-4,6+2,3-8,8=-11,1$ тийин.

Кўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳақиқий баҳо-

нинг режалаштирилган баҳога нисбатан $\left(\frac{q_1 p_1}{q_1 p_q} = \frac{900}{860} = 1,0465 \right)$

4,65%га ошиши бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган харажат даражаси ($1,035:0,989=1,0465$) 4,65%га пасайишига таъсир күрсаттан.

Ҳақиқий ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти таннархи бўйича режанинг бажарилиши ($890:870=1,0229$) кўрсатадики, ҳақиқий таннарх режалаштирилганига нисбатан 2,29%га ошган.

Қисқача хulosалар

Хар қандай фаолият харажат билан боғлиқдир. Фаолият турiga қараб, агар фаолият ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, унда ишлаб чиқариши харажатлари, агар савдо-воситачилик каби фаолият билан боғлиқ бўлса, унда муомала харажатлари аниқланади. Маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар танинрх дейилади.

Танинрх синтетик кўрсаткич бўлиб, корхона умумий фаолиятига таъриф бериб, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Ресурслардан фойдаланиши борасида қилинган ҳар қандай ўзгариш: меҳнат воситасида, меҳнат предметида, иши кучида, албатта, танинрх ўзгаришида аксини топади. Демак, бу каби турли хил харажатларни ўрганиши мухим аҳамият касб этиб, бунда турли хил таснифлашлардан фойдаланилади. Булар қаторига:

- тўғри ва эгри;
- соғф ва қўшимча;
- шартли доимий ва шартли ўзгарувчан;
- икътисодий элементлар ва калькуляция моддалари бўйича таснифлашлар киради.

Харажатлар таркибини юқоридаги таснифлашлар ёрдамида ўрганиши уларнинг натижасини қўёслаш ва хulosалар қилиншида асқотади. Бунда ҳар бир харажат тури бўйича ўзгариш умумий харажатга қандай таъсир кўрсатганилиги таҳлил этилади.

Харажатларнинг фақат даражасигина эмас, балки динамикаси ҳам индекс усули ёрдамида ўрганилади. Индекслар фақат таққосланадиган маълумотлар бўйича ўрганилиб, одатда, ишлаб чиқариш жараённида доимо янгиланинда бўлади, яъни қандайдир ассортимент ишлаб чиқариш бирликлари чиқиб кетиб, янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Барча ишлаб чиқариш бўйича бирлик маҳсулот қийматида қилинган харажат мисдори, яъни харажат самарадорлиги кўрсаткичи аниқланиб, унинг динамикаси ҳам ўрганилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Маҳсулот таннархи тушунчасини таърифланг.
2. Тўғри ва эгри харажатлар бўйича таснифлаш қандай мақсадни кўзда тутади?
3. Тўла ишлаб чиқариш таннархи деганда нимани тушунасиз?
4. Харажатларни иқтисодий элементлари бўйича таснифланишини таърифланг.
5. Нима учун шартли доимий ва шартли ўзгарувчан харажатлар дейилади?
6. Калькуляция деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай турлари мавжуд?
7. Маҳсулот таннархи даражаси деганда нимани тушунасиз ва у қандай ҳисобланади?
8. Нима учун маҳсулот таннархи пасайиш йўналишига эга бўлиши керак?
9. Бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган харажат кўрсаткичи қандай ҳисобланади?
10. Соф ва қўшимча харажатлар нима?
11. Таққосланадиган маҳсулот турлари нима? Таққослашнинг қандай турлари мавжуд ва улар нима учун керак?
12. Бир сўмлик товар маҳсулотига харажати ўзгаришига баҳо ўзгариши таъсири қандай таҳлил этилади?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев А. Макроиктисодий статистика: 100 савол ва жавоб. -Т., Мехнат, 1998.
2. Еремена Н.М., Мершалова В.П. Статистика труда. -М.: Финансы и статистика, 1988.
3. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. - М.: Финстатинформ, 2000.
4. Набиев Х.Н. ва бошқалар. Миллий ҳисоблар тизими. - Т., 1998.
5. Салин В.Н. и др. Макроэкономическая статистика. -М.: Дело, 2001.
6. Экономическое обозрение. Социальная политика в Узбекистане, 1998.

XV боб

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ

15.1. Корхона фаолиятининг асосий молиявий натижалари

Корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш, инвестиция ва молиявий самарадорлиги эришилган молиявий натижада ифодаланди.


Маҳсулот ва хизматлар амалга оширилишидан тушган тушум ялпи даромад, умумий молиявий натижани таърифлайди. Маҳсулот ва хизмат сотувидан олинган ялпи даромадга қўйидагилар киради: тайёр маҳсулот сотувидан олинган ялпи даромад; ишлаб чиқарилган ярим фабрикат; хизмат; қурилиш ва илмий-изланиш ишларини комплектиции қилиш учун сотиб олинган маҳсулот; савдо, таъминот корхоналаридан олинган товар; транспорт корхоналарининг йўловчи ва юк ташиш хизматлари.

Сотувдан тушган тушум ҳисоб рақамига ёки кассага пул тушган фурсатидан ҳисобланади. Амалиётда корхоналар молиявий натижа, сотувдан тушумли маҳсулот жўнатилгандан кейин аниқланиб, жўнатилгандик ҳақида тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Қўшилган қўйиматга солиқсиз сотувдан тушган тушум ва сотилган маҳсулотининг ишлаб чиқариш харажатлари орасидаги фарқ - сотувдан олинган ялпи даромад дейилади.

Корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган натижалари бўлиши мумкин. Улар фаолиятининг умумий моливий натижасини аниқлашда ҳисобга олинди. Умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар) барча фойда ва зарарларни баланслаштириш ёрдамида аниқланади. Умумий молиявий натижаси баланс фойдаси дейилиб, унга қўйидагилар киритилиади:

- маҳсулот, хизматлар сотувидан олинган фойда (зарар);
- товар сотувидан олинган фойда (зарар);
- моддий айланма маблағлар ва бошқа активларни реализациясидан олинган фойда (зарар);
- валюта курси орасидаги тафовутлар, даромад ёки йўқотишилар;
- қимматли қоғоз, бошқа узоқ муддатли молиявий восита, шу жумладан, бошқа корхоналар мулкига қўйилмалардан даромад;
- молиявий операциялар билан боғлиқ харажат ва йўқотишилар;
- реализация билан боғлиқ бўлмаган даромад (йўқотиши)лар.



7-чизма. Корхона соф фойдаси ва ундан фойдаланиш чизмаси.

Корхона соф фойдасини ҳисоблашни қуийдаги мисолда күриб чиқамиз.

Самара – мутлақ микдор бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг иқтисадий натижаларини кўрсатади. Самара ҳосил қўлпинган ялпи даромад, ялпи фойда ва ҳоказолардир.

Самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқаришда эришилган самарага асосланиб, ишлаб чиқариш натижалари билан шу натижаларни ҳосил қилиш учун сарф-харажатлар ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

45-жадвал

Корхона соф фойдасини ҳисоблаш


№	Күрсаткычлар	Апрель
1	Сотувдан түшум	15000
2	Сотилған маҳсулот таннархи	10500
3	Сотувдан ялпи фойда (1-2)	4500
4	Асосий фаолият билан бөгөнгі бўлган харажатлар	3000
5	Асосий фаолиятдан фойда (3-4)	1500
6	Асосий фаолият билан бөгөнгі бўлмаган харажатлар	1200
7	Солик тўлаимасдан олдинги фойда (5-6)	300
8	Солик	120
9	Соф фойда (7-8)	180

15.2. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш

Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш маълумотлари манбаи, «корхона баланси», «молиявий натижка ва улардан фойдаланиш ҳисоботи»; «балансга иловва» ҳисобланади. Аналитик баланс ёрдамида:

- корхона мулкининг умумий қиймати;
- асосий воситалар ва бошқалар қиймати;
- айланма восита ва жорий активлар қиймати;
- корхона хусусий маблағлари ҳажми;
- заём маблағлари ҳажмини аниқлаш мумкин.

Баланс фаол ва суст таркиби



8-чизма. Баланс фаол ва суст таркиби.

Шундай қилиб, баланс активида айланма ва жорий активлар; нақд пул, қимматли қоғозлар, дебиторлик қарз ва товар-материал несъматлар захираси ажратилади. Қеласи давр харажатлари ҳам активларга киради.

Айланмайдиган активларга – узоқ муддатли инвестициялар, реал асосий капитал ва номоддий активлар киради. Реал капиталга амортизация этилаётган, ишлаб турган мулк ва қурилишга ҳамда мулкни харид қилишга туталланмаган харажатлар киритилади.

Амортизация этилаётган мулк ишлаб чиқаришда иштирок этаётган асосий фонддир.

Мобиль маблағлар икки қисмга бўлинади:

- ўзгарувчан қисми, қисқа муддатли қарздорлик эвазига;
- доимий минимум, узоқ муддатли заём капитали ва хусусий капитал қисми эвазига.

Балансдаги мобиль маблағларнинг умумий суммаси билан қисқа муддатли харажатлар суммаси орасидаги фарқ «соф мобиль маблағлар» дейилади (ёки айланма капитал). Соф мобиль маблағлар ва узоқ муддатли заём капитали орасидаги фарқ хусусий капитал ҳисобига пайдо бўлган мобил маблағлар ҳажмидир.

Корхона молиявий ҳолати аввало активларга киритилган қўйилмаларнинг реал пулга айланниш тезлигини баҳолайди.

Мобиль маблағларнинг танқислиги жорий операциялар бўйича тўловларни кечикириди, ортиқчалиги эса капиталдан фойдаланишининг самарасизлигини кўрсатади.

Корхона молиявий ҳолатини қўйидаги кўрсаткичлар таърифлайди:

- мобил маблағлар таркиби барқарорлиги (соф мобил маблағлар умумий мобил суммаси);
- мустақиллик кўрсаткичи;
- молиявий барқарорлик кўрсаткичи;
- ҳаракатчанлик кўрсаткичи ва ҳ.к. Бундай кўрсаткичлар 80га яқин.

Қисқа муддатли мажбуриятларнинг бажарилишини баҳолашда мослапшувчанлик кўрсаткичидан фойдаланилади.

46-жадвал

Корхона баланси (минг сүм)

Активлар	Йил боши га	Йил охири га	Пассивлар	Йил боши га	Йил охири га
Накд пул	100	50	Қисқа муддатли бизнес салдоши	300	280
Қимматли қоғозлар	50	-	Кредиторлар билан хисоблашиш	100	100
Дебитор қарздорлик	70	60	Қисқа муддатли қаралар	230	180
Товар-материал неыматлар захираси	300	310	Узоқ муддатли заём капитали	600	316
Мобил маблаглар	520	420	Акционер капиталы	100	100
Узоқ муддатлы инвестициялар	400	380	Күшимчя капитал	110	110
Реал асосий капитал (метгр)	250	260	Захира капиталы	90	100
Номоддий активлар	40	46	Ерілген фойда	80	100
Иммобиллашган маблаглар	690	486	Хусусий капитал	380	410
Баланс	1210	9061	Баланс	1210	906

Мобиль маблаглар = $100 + 50 + 70 + 300 = 520$ млн. сүм.

Йил боши = $100 + 50 + 70 + 300 = 520$ млн. сүм.

Йил охири = $50 + 60 + 310 = 420$ млн. сүм.

Иммобил маблаглар:

Йил бошига = $400 + 250 + 40 = 690$ млн. сүм.

Йил охирида = $380 + 260 + 46 = 486$ млн. сүм.

Қүйидаги шартлы белгиларни киритамиз.

ААК – асосий капитал;

На – номоддий активлар;

Хк – хусусий капитал;

Бв – баланс валютаси;

Зт – товар-материал захираси;

Дқ – дебиторлик қарз;

ҚҚ – қимматли қоғозлар;

РК – реал асосий капитал;

ЗК – узоқ муддатли заём;

К – қисқа муддатли қарз;

ХАМ – хусусий айланма маблаглар;

Х – кредиторлар билан хисоблашиш;

ЖА – жорий активлар (мобил маблаглар);

СММ – соф мобиль маблаглар

Шу белгилардан фойдаланиб, кўрсаткичларни ҳисоблашни қўйидаги жадвалда кўрамиз.

47-жадвал

Корхона молиявий ҳолати кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш усули	Йил боши	Йил охири	Ўзгириши
1.	K_m – мустақиллик кўрсаткичи	$XK:BB$	30,6	45,3	+48
2.	Соф мобиљ маблағлар – СММ	$JKA-K$	290(520-230)	240	-7,2
3.	ХВМ – хусусий айланма маблағлар	$PM+3T-X$	300(100+300-100)	260	-13
4.	Кўчувчаник кўрсаткичи – K_m	$(XK+3K):BB$	29,7 (300:1210)	2,50	-15,8
5.	Молиявий барқарорлик кўрсаткичи – K_b	$(XK+3K):BB$	81%(380+600):1210	80,1%	-1,1
6.	Асосий капитални хусусий капитал билан мұқобиллик кўрсаткичи – K_m	$(AK+MA):XC$	76,3% (380+600)	74,6%	-2,2
7.	Мулк қийматига реал асосий капитал салмоғи	$PA:BB$	20,7% (250:1210)	28,7%	+2,4
8.	Мобиљ маблағларда соф мобиљ маблағлар салмоғи	$CMM:MM$	55,8% (290:520)	57,14%	-41,2%
9.	Зәэм ва хусусий капитал мұқобиллик кўрсаткичи	$600:380$ $3K:XK$	+57,9% (600:380)	77,1%	-57,4%
10.	Мутлақ ликвидлик кўрсаткичи – K_l	$(PM+KK):K$	65,2% (100+50):230	27,8%	-57,4%
11.	Ликвидлик текширилган кўрсаткичи – K_{lt}	$(PM+KK+DK):K$	95,7% (100+50+70):230	61,1%	-36,1%
12.	Умумий қўллаш кўрсаткичи – K_{kk}	$(JKA:K)$	2,26% (520:230)	2,33%	+3,2%

Молиявий таҳлил амалиётида молиявий кўрсаткичлар эталон кўрсаткичлари билан таққосланади.

Мулкчилик кўрсаткичи $K_m = \leq 0,5$ кўрсатадики, мулкчилик нинг ярмидан кам қисми хусусий капиталдан ташкил топган. Йил охирида ижобий ўзгариш бўлиб, бу кўрсаткич ярмига яқинлашган.

Соф мобиљ маблағларни 50 минг сўмга камайиши жорий операциялар бўйича тўловни кечиқтириши мумкин.

Кўчувчаник кўрсаткичининг пастлигига ва йил охирида янада пасайишига аҳамият бериш лозим. Мобиљ активларга қўйилмалар салмоғи пасайган.

Асосий капитал суммаси хусусий капитал билан қопланishi ва уни йил охирига ўзгариши ижобийdir:

$$(2,97+76,3=79,27\% \text{ йил бошида}); \\ (2,50+74,6=77,1\% \text{ йил охирига}).$$

Молиявий барқарорлик кўрсаткичи пасайгани салбий ҳо-

латдир (81 дан 80,1%гача). Бунга йил охиридаги узоқ муддатли заём капиталининг камайиши салбий таъсир этган.

Мобиль маблағлар салмоғи ўзгариши ижобий бўлиб, умумий мобиль маблағларда соф мобиль маблағлар салмоғи 55,8дан 57,14%га ўзгарган. Мобиль маблағлар салмоғи ўзгаришини жадвалда кўрамиз:

Мобил маблағлари таркиби, (%ларда)

48-жадвал

	Йил боши	Йил охири
Жами мобил маблағлар. Шу жумладан:	100	100
Накд пул	19,2	11,9
Кимматли қоғозлар	9,6	0
Дебиторлик қарзи	13,5	14,3
Товар-материал несьматлар заҳираси	57,7	73,8

Корхона йил бошида 65,2% жорий қарзини узиши мумкинлигини ликвид кўрсаткич кўрсатмоқда. Йилнинг охирига келиб, бу кўрсаткич 27,8 % га тушшиб қолди.

Бор пул маблағлари ва кслиб тушадиган тушумлар эвазига жорий қарзнинг 95,7%ини йил бошида узиш мумкин эди, йил охирида эса бу кўрсаткич 61,1% га тушди ва ҳ.к.

Инвестиция таҳлилида муҳим кўрсаткич бўлиб, акционер (хусусий) капиталининг рентабеллиги ҳисобланади:

$$R_{\text{акц.кап}} = \Phi_c : AK$$

Бу срда, АК – акционерлик (хусусий) капитали. Бу кўрсаткич корхона қўйилмасига хусусий капитал фойда месъерини таърифлайди.

Рентабелликни омиллари индекси таҳлилини мультили-катив индекс моделлари ёрдамида кўриш мумкин. Ўқоридаги рентабеллик кўрсаткичларидан статистик амалиётда энг кўп тарқалгани баланс рентабеллигидир:

$$R_1 = \frac{\Phi_b}{IK} = \frac{\Phi_b}{\Phi_p} m \times \frac{\Phi_p}{X} \times \frac{X}{AK} \times \frac{AK}{IK}$$

Умумий рентабеллик ва унинг ўзгариши омиллари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирликтари	Олдинги давр	Кейинги давр	Мутлақ ўзгариш (+,-)	Нисбий ўзгариш (%)
Баланс фойда	Φ_B	405	485	+80	119,75
Махсулот сотувидан тушум	РМ	1600	1750	+50	109,38
Ишлаб чиқариш харажатлари	X	1210	1280	+70	105,79
Махсулот сотувидан фойда	Φ_P	390	470	+80	120,51
Ишлаб чиқариш капитали	ИК	3500	3650	+150	104,29
Шу жумладан, айланма капитал	АК	700	750	+50	107,14
Баланс фойданинг ўзгариши кўрсаткичи	$a = \frac{\Phi_B}{\Phi_P}$	1,0385	1,0319	-0,6066	99,3
Сотилган маҳсулот рентабеллиги	$b = \frac{\Phi_P}{X}$	0,3223	0,3672	+0,0449	113,92
Айланма капиталнинг айланниш сони	$c = \frac{X}{AK}$	1,7286	1,7067	-0,0219	98,73
Ишлаб чиқариш капитали қийматида айланма капитал салмоғи	$d = \frac{AK}{IK}$	0,2	0,2055	0,0548	102,75
Баланс (умумий) рентабеллик	$D = \frac{\Phi_B}{IK}$	0,1157	0,1329	0,0172	114,83

Жадвалдаги маълумотларга биноан, умумий баланс рентабеллигига омилларнинг таъсирини кўриб чиқамиз:

1) Баланс фойда ўзгаришининг умумий рентабелликка таъсири (а-омили).

$$\Delta_{D(1)} = (a_1 - a_0) \times b_1 c_1 d_1 = (1,0319 - 1,0385) \times 0,3672 \times 1,7067 \times 0,2055 = -0,00085$$

Баланс фойданинг ошиши таъсири остида умумий рентабеллик 0,0438 тийин/сўмга ошган.

2) Сотилган маҳсулот рентабеллиги ўзгаришининг умумий рентабелликка таъсири (б-омил).

$$\Delta_{D(2)} = a_0 (b_1 - b_0) \times c_1 d_1 = 1,0385 (0,3672 - 0,3223) \times 1,07067 \times 0,2055 = 0,0164$$

Маҳсулот рентабеллиги ошиши натижасида умумий рентабеллик 1,026 тийин/сўм ошган.

3) Айланма капитал айланиси ўзгаришининг умумий рентабелликка таъсири.

$$\Delta_{D(3)} = a_0 b_0 (c_1 - c_0) \times d_1 = 1,0385 \times 0,3223 \times (1,7067 - 1,7286) \times 0,2055 = -0,00151$$

Айланма капитал айланиси сони пасайиши умумий рентабелликка салбий таъсир кўрсатиб, уни 0,151 тийин/сўм камайтирган.

4) Ишлаб чиқариш капитали қийматида айланма капитал салмоғи ўзгаришининг умумий рентабелликка таъсири.

$$\Delta_{D(4)} = a_0 b_0 c_0 (d_1 - d_0) = 1,0385 \times 0,3223 \times 1,7286 \times (0,2055 - 0,2) = 0,0032$$

Барча омилларнинг таъсири умумий рентабелликка

$$(-0,00085) + 0,0164 + (-0,00151) + 0,0032 = 0,0172$$

Демак, умумий рентабелликнинг ошишига сотилган маҳсулот рентабеллиги ўзгариши ва ишлаб чиқариш капиталида айланма капитал салмоғи ўзгариши ижобий таъсир кўрсатган. Баланс фойданинг камайиши ва айланма капитални айланиш тезлигининг пасайиши умумий рентабелликка салбий таъсир кўрсатган.

Бу омиллар таъсирининг нисбий кўрсаткичлари куйидагича:

$$I_D = I_a \times I_b \times I_c \times I_d = \frac{1,0319}{1,0385} \times \frac{0,3672}{0,3223} \times \frac{1,7067}{1,7286} \times \frac{0,2055}{0,2} = 1,1483 \times 100 = 114,83\%$$

Демак, сотув маҳсулоти рентабеллиги 13,92% ишлаб чи-

қариш капиталида айланма капитал салмоғи 2,74 %га ошиши - иккала омил таъсири остида умумий рентабеллик (1,1392*1,0274=1,1704) 17,04% га ошишига сабаб бўлган.

Баланс фойданинг 0,63%га пасайиши ва айланма капиталини айланиш сони 1,27% пасайиши туфайли умумий рентабелликни (0,9937*0,9875=0,9811)=98,11, яъни 1,89 %га пасайган.

Тўрт омил таъсири остида умумий рентабеллик:

$$1,1704 * 0,9811 = 1,1483 * 100 = 114,83\%;$$

14,83% ошган.

Капиталдан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини баҳолаш


Корхона фаолиятининг натижавий кўрсаткичини харакат кўрсаткичи билан нисбати нуқтаи назаридан умумлаштирувчи кўрсаткич сифатида сотилган маҳсулот ва хизмат қийматининг шу маҳсулот ёки хизмат учун қилинган реал харажатлар нисбатини олинади.Faқат шунун инобатга олиш лозимки, бунда пировард натижага (маҳсулотга), ички иқтисодий ташкилий омиллари ва ташкии бозор омиллари таъсир кўрсатади.

Ички иқтисодий-ташкилий омилларга: меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришининг техникавий таърифи, ташкил этиш усули, яъни тадбиркорга боғлиқ бўлган омиллар киради. Бозор омили эса тадбиркорга боғлиқ бўлмаган, асосан баҳо ўзгариши билан боғлиқ омиллардир. Бир томондан, бу ресурслар баҳоси - хомаше, ишчи кучи, ёқилғи, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш натижавий кўрсаткичлар баҳоси, бу баҳо талаб ва таклифга биноан ўзгаради.

Шундай қилиб, корхона фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичи қўйидагича ҳисобланади:

$$C = \frac{P \cdot M}{X}$$

Жорий даврдаги ишлаб чиқариш, маҳсулот қийматини таҳлил этишда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ва унинг баҳоси ўзгаришини инобатга олиш зарур. Уларга, албатта, ассортимент ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Харажатларда ишлаб чиқариш ҳажми, ресурслар баҳоси, маҳсулот бирлигига ресурс харажатлари, ассортименти ва бошқалар ўзгариши ҳисобга олинини керак. Уларни инобатга олишини қўйидаги кўринишида тасвир этиш мумкин:



9-чизма

Жорий харажатлар иқтисодий самарадорлиги асосий күрсаткичи сифатыда ишлаб чиқарилган ёки сотилған бир сүмлик маҳсулот харажатлари күрсаткичи қуидагида ифодаланади:

$$C = \frac{\sum qz}{\sum QP}$$

Бу ерда: $\sum qz$ - харажатлар;
 $\sum qp$ - қиймати.

Харажатлар омили даражаси ва динамикаси қуидаги иккى йүналишда кечади:

- жонли меҳнат (ЖМ);
- меҳнат воситалари (МВ).

$$C = \frac{X}{PM} = \frac{ЖМ}{PM} + \frac{МВ}{PM} + \frac{МП}{PM} + \frac{БХ}{PM} ;$$

Бу ерда: МП - меҳнат предметлари харажати;
БХ - бошқа харажатлар;
РМ - сотув маҳсулоти;

МВ - меҳнат воситалари.

Бу кўринишида биринчи нисбат маҳсулот бирлиги қийматига жонли меҳнат харажатини ифодалаб, уни икки йўналишида ифодалаш мумкин:

- маҳсулот бирлиги меҳнат талабчанлиги (t);
- тадбиркорга қилинган меҳнат бирлиги қиймати (f):

$$\frac{ЖМ}{РМ} = \frac{ЖМ}{T} \cdot \frac{T}{РМ} = f \cdot t ;$$

Бу ерда: T - жонли меҳнат харажати (иш вақти ўлчов бирликларида).

Бу икки кўрсаткич қўпайтмасини маҳсулот бирлигига ҳақ талабчанлиги деб тушунса ҳам бўлади, чунки бу кўрсаткич жонли меҳнат ҳақи ҳамма корхона харажатларини киритади: меҳнат ҳақи ажратмалари билан; бандлилик, нафақа, тиббий сугурта ва амалдаги қонун-қоидалар бўйича кўрсатилган барча ажратмалар.

Иккинчи нисбат маҳсулот бирлигига асосий капитал амортизация ажратмасини ифодалаб амортизация талабчанлиги (a) дейиши мумкин ($\frac{MB}{PM}$). Бу бўлинмани ҳам, асосий капиталнинг ўртача амортизация мъёри бўйича баҳолаш (a) ва маҳсулотни асосий капиталга талабчанлиги (K_T) бўйича ифодалаш мумкин:

$$\frac{MB}{PM} = \frac{A}{K_{oc}} \cdot \frac{K_{oc}}{PM} = a \cdot K_T ;$$

Бу ерда: A - асосий капиталга амортизация умумий ажратмалари;

K_{oc} - асосий капитал.

Учунчи бўлинма - ($\frac{MP}{PM}$) айланма капиталининг меҳнат предметини сотилган маҳсулоттага нисбатидан иборат бўлиб, маҳсулотни материал талабчанлигини (m) ифодалайди. Тўртинчи бўлинма - ($\frac{BX}{PM}$) бошига харажатлар (жорий ишлаб чиқариш харажатлари)ни, жумладан, турли ташкилотларнинг хизмат ҳақи билан боғлиқ харажатларни (банк, алоқа ва бошқалар), сотув маҳсулоти бирлигини ўз ичига олади ва маҳсулот бирлигига хизмат талабчанлигини ифода этади.


Шундай қилиб, корхона иқтисодий самараадорлигини қуийдагича ифодалаш мумкин:

$$C = f \cdot t + Q \cdot K_t \cdot m \cdot Y$$

Бу боғлиқликдан фойдаланиб, корхона ишлаб чиқариш фолиятининг ўзгаришига юқоридаги омиллар таъсир кўрсатади.

15.3. Рентабеллик даражаси кўрсаткичлари

Корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижасини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири нисбий кўрсаткичdir. У рентабеллик кўрсаткичи бўлиб, корхона фаолияти самарадорлигини таърифлайди ва активларга киритилган ҳар бир сўмлик харажат қанча фойда келтиришини ифодалайди. Бу ҳосил қилинган фойда суммаси билан маҳсулот ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни ёки ишлаб чиқариш ресурсларини солиштиради; меҳнат, материал ва молиявий ресурслардан қандай фойдаланилганлигига таъриф беради.



Корхона ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятининг умумий рентабеллик таърифлари, жорий комплекс ва моддий неъматларда мужассамлашган меҳнатдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичи маҳсулот рентабеллигидир. Сотиш рентабеллик кўрсаткичи салмоқли ўрин эгалламоқда.

Умумий рентабелликни (R_y) ҳисоблашда, унинг баланс фойда (Φ_b) ва ўртача ишлаб чиқариш капиталига (ИК) нисбати олинади.

$$R_1 = \frac{\Phi_b}{ИК} .$$

Молиявий таҳлил жараёнида қуидагилар ҳисобланади:

1) Барча капитал рентабеллиги:

$$R_2 = \Phi_C : \bar{A} ;$$

Бу ерда: Φ_C - соф фойда.

\bar{A} - ўртача активлар.

2) Жорий активлар рентабеллиги:

$$R_3 = \Phi_C : \bar{A}_J ;$$

Бу ерда: \bar{A}_J - ўртача жорий активлар.

3) Сотилган маҳсулот рентабеллиги (R_4):

a) $R_4 = \Phi_p : X ;$

Бу ерда: Φ_p - маҳсулот сотувидан фойда;

X - амалга ошириш қилинган маҳсулот харажатлари.

b) $R_4 = \Phi_C : PT ;$

Бу ерда: PT - амалга оширишдан тушум.

4) сотиш рентабеллиги:

$$R_5 = \Phi_p : PT$$

Хал этилиши лозим бўлган масалага қараб қуидаги рентабеллик кўрсаткичи ҳисобланиши мумкин:

- асосий капитал рентабеллиги;
- хусусий капитал рентабеллиги;
- акционер капитал рентабеллиги;
- инвестициялар рентабеллиги ва ҳ.к.

Қисқача холоса

Маҳсулот ва хизмат сотувидан олинган ялпи даромадга куйидагилар киради: тайёр маҳсулот сотувидан олинган даромад; ишлаб чиқарилган ярим фабрикат; хизмат; қурилиш ва илмий-изланиш ишларини тұлдирис үчүн сотиб олинган маҳсулот; савдо, таъминот корхоналаридан товар; транспорт корхоналарининг йүлөвчи ва юк ташиш хизматлари.

Сотувдан тушған тушум ҳисоб рақамындағы еки кассага пул тушған фурсатдан ҳисобланади. Амалиёттә корхоналар молиявий нағијаси маҳсулот жүннатилғандан кейин аникланиб, унинг жүннатилғанлығы тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Күшилған қыйматта солиқсиз ва акцизесиз сотувдан тушған тушум ва сотилған маҳсулотининг ишлаб чиқариш харажатлари орасындағы фарқ сотищдан олинган ялпи даромад дейилади.

Корхонанинг асосий фаолияти билан бөглиқ бүлған ва бөглиқ бүлмаган нағижалары бўлиши мумкин. Бу фаолияттинг умумий молиявий нағијасини аниклашда ҳисобга олинади.

Умумий молиявий нағижа (фойда еки зарар) барча фойда ва зарарларни баланслаштириш ёрдамида аникланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхонанинг ялпи даромади қандай ҳисобланади?
2. Ялпи фойда қандай ҳисобланади?
3. Баланс фойдасига туъзунча беринг.
4. Соф фойда қандай ҳисобланади?
5. Корхона молиявий ҳолатини қандай кўрсаткичлар таърифлайди?
6. Рентабеллик тушунчасини изоҳланг.
7. Умумий рентабеллик, маҳсулот рентабеллиги ва сотиш рентабеллигини тушунтиринг.
8. Умумий ва жорий активлар рентабеллигини тушунтиринг.
9. Капитал истеъмолининг иқтисодий самарадорлиги қандай аниқланади?
10. Умумий рентабелликка қандай омиллар таъсир кўрсатади?

Асосий адабиётлар

1. Абдуллаев А. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат, 1998.
2. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. -М.: Финансы и статистика, 2000.
3. Акрамов Э.А., Ишмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода. -Т.: Узбекистан, 1993.
4. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг. Всемирный банк. 2001г.
5. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1994.
6. Додобоеv Ю.Т. и др. Макроэкономика. -Т.: Фан, 1999.
7. Годовой отчет Всемирного банка. 2000. Ежегодный обзор и итоги финансовой деятельности.
8. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. -М.: Инфра, 2000.

XVI боб

ҲАМКОРЛИК КОРХОНАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

16.1. Ҳамкорлик корхоналари тўғрисида тушунча ва статистиканинг вазифалари

Мустақил республикамизнинг халқаро меҳнат тақсимотида қатнашувини кучайтиришнинг асосий йўналишларидан бири хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни қенгайтиришdir. Хорижий мамлакатлардаги корхоналар, фирмалар, хуссий компанияларнинг сармояларини республикамизга жалб қилишда – улар билан ҳамкорлик корхоналарини тузиш мухим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз Олий Мажлисида «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги» қонунлар ва Президентимиз томонидан имзоланган «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар», «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва бошқа қатор фармонлар ва Вазирлар Маҳкамасининг уларга тегишли бўлган бир қатор қарорлари ҳамкорлик корхоналарини тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун асос ҳисобланади.

Ҳамкорлик корхоналари – республикамизнинг чет эллик шериклари билан ҳамкорлик қилишининг янги ва мураккаб шакли бўлиб, унда шерикларнинг мулклари бирлаштирилади, улар ишлаб чиқаришни бошқариш ва маҳсулотни сотиш жараёнида биргалиқда қатнашадилар, олинган фойда шериклик ўртасида тақсимланади, шунингдек, корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ва тижорат таҳликасини (рискни) баҳам кўрадилар.

Бундай корхоналарни тузиш ва уларнинг фаолияти иқтисодиёт, давлат бюджети, банклар ва маҳаллий бошқарув идоралари билан боғлиқ бўлган масалаларни счишни тақозо қиласди.

Ҳамкорлик корхоналари ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш, илмий техника ва бошқа йўналишларда фаолият юритиш мақсадида тузилиб, улар бирлашган мулк асосида, шерикларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширадилар.

Ҳамкорлик корхоналарининг иштирокчилари республикализм томонидан юридик шахс бўлган бир ёки бир неча корхона (бирлашма ва ташкилотлар), чет эл томонидан бир ёки бир нечта юридик шахс бўлган фирма, корпорация ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бозор иқтисодисти шароитларида давлат ва ширкат корхоналари ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятлари ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Республикамиз товар ишлаб чиқарувчи-ларининг ҳамкорлик корхоналарига сарфланган маблағлари уларга даромад-фойда келтириб, амалдаги қонунга кўра, республикамиз томонидан ҳамкорлик корхоналарида шерик сифатида қатнашган корхонанинг ривожланишига сарфланади. Натижада бу ишлаб чиқаришининг техникавий даражасини оширишга, маҳсулот (хизмат) сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Ҳамкорлик корхоналари ёрдамида қўйидагиларга эришиш мумкин:

- ҳозирги замон техникаси асосида халқ ҳўжалигидаги «зайф» жойларни тутатиб, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;
- ички ва ташқи бозорда сотиладиган юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган республикадаги янгиликлар ва қашифиётларни жадал жорий қилиш;
- ҳамкорлик корхоналарни истеъмол қиласидаган тармоқлардаги ишлаб чиқариши ускуналарини яратиш;
- республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни техникавий даражасини кўтариши ва уларнинг экспорт потенциалини оширишга олиб келувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- механизациялаш, автоматлаштириш, ресурсларни тежаш, оғир кўл кучидан фойдаланишини тутатишга қаратилган ва ижтимоий самарага олиб келувчи машина, ускуна, транспорт воситалари ва бошқаларни ишлаб чиқариш;
- Республика эҳтиёжларини қондирувчи ва ташқи бозорда рақобатли бўлган маҳсулотларни табиий ва иккиласмачи ресурслардан комплекс фойдаланиб ишлаб чиқариш;
- чет элдан олиб келинаётган маҳсулотларга ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, чет эл билан ҳамкорликларини жадал суръатларда олиб бормоқда. 1992 йил бошларида дунёning 35 та мамлакати билан 150 та ҳамкорлик корхоналари қайд қилинди. Уларнинг 22,1%и – АҚШ ва Канада билан, 32,2%и - Фарбий Европа, 12,6%и – Шарқий

Европа, 26,5% и – Осиё ва Австралия мамлакатлари билан ту-зилди. Ҳамкорлик корхоналарининг 60% и ривожланган мам-лакатлар билан биргалиқда ташкил этилди.

Қайд қилинган ҳамкорлик корхоналарининг асосий қис-мида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланмоқда, 44,9% ида эса саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳамкорлик корхоналари устав фондининг ҳажмига қўра қўйидагича тақсимланган:

1 млн. сўмгача – 54,4%;

1 млн. сўмдан 10 млн. сўмгача – 34,8%;

10 млн. сўм ва ундан юқори – 10,8%.

Хозирги пайтда мамлакатмизда 80дан ортиқ хориждий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 3600дан зиёд қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Қўшма корхоналар айнан мамлакатимиз саноати ривожида янги даврни бошлаб берди. Қисқа вакт ичида автомобилсозлик, қурилиш, телекоммуникация каби соҳаларда оламшумул ютуқларга эришдик.

Кейинги йилларда қўшма корхоналарнинг Ўзбекистон иқтисодиётининг юксалишига қўшган ҳиссаси сезиларли дара-жада ортмоқда. Масалан, 1994 йилда Республикаизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг бор йўғи 2,6% и қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 13%дан ортиб кетди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, жаҳон бозорига кириб борган маҳсулотлар ҳажми шу давр ичида 16 баробар кўпайди.

Ҳамкорлик корхоналари ўрганишда статистика олдида қўйидаги вазифалар турибди:

- республикамизда қайд қилинган ҳамкорлик корхонала-рининг сони ва минтақалар бўйича тақсимланишини аниқлаш;
- ҳамкорлик корхоналарининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланишини ўрганиш;

- ҳамкорлик корхоналарининг молиявий ва иқтисодий фа-олияти натижаларини статистик кўрсаткичлар ёрдамида ифо-далаш;

- ҳамкорлик корхоналари фаолияти самарадорлигини яна-да оширишнинг ички имкониятларини аниқлаш.

16.2. Ҳамкорлик корхоналарининг шакллари ва белгилари

Республикамизда ҳамкорлик корхоналарининг классик шакли кенг тарқалган. Классик шакллар қўйидаги белгилар мавжуд бўлишини тақозо қиласди:

- устав фонди ёки устав капиталининг мавжудлиги;

- ташкилий структуранинг мавжудлиги, яъни ҳамкорлик корхоналари структурасида бўлимлар, қисмлардан ташқари ҳар бир шерик ўз вакилига эга бўлиши, компания ва фирмалар устав фондидаги ҳиссасидан қатъиназар ўз вакилини тайинлаши ёки бирор шахсга вакиллик қилиш учун ишонч билдириши мумкин;

- ҳамкорлик корхоналарининг юридик шахс ҳисобланishi.

Ҳамкорлик корхоналари контракт шаклида ҳам тузилади. Улар классик шаклидаги ҳамкорлик корхоналаридан фарқли ўлароқ қўйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- кўпинча устав фонди ва устав капитали тузилмайди;
- бир неча ёки битта шерикнинг ҳамкорлик корхоналари таркибида вакиллар бўлишининг шарт эмаслиги;
- кўп ҳолларда бундай корхоналар юридик шахс ҳисобланмайди.

Контракт шаклидаги корхоналарда томонлар ўзларига мажбурият (биринчи навбатда молиявий) оладилар. Улар тегишли тарзда маблағлар ажратишади ва фойдадан ўз ҳиссаларини оладилар. Бунда батъи томонларнинг бошқарувда қатнашувлари шарт эмас.

Ҳамкорлик корхоналарининг контракт шакли Хитой Халқ Республикасида (ХХР) кенг тарқалган. У ерда умумий ҳамкорлик корхоналари сонидан 48% шу шаклда ишлайди.

ХХРда иқтисодий ислоҳотлар бошланган даврларда чет элда яшаётган Хитой миллатига тадбиркорлар ўз сармояларини мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун қўйдилар ва шу асосда ҳамкорлик корхоналарини тузадилар. Улар корхоналарни бошқаришда иштирок этмасалар-да, фойдадан ўз улушларини олиб турадилар.

Охирги йилларда ҳамкорлик корхоналарининг контракт шакли Шарқий Европа мамлакатларида ҳам кенг тарқалди.

Ҳозирги вақтга қадар ташкилий-хукуқий нуқтаи назардан ҳамкорлик корхоналарининг қўйидаги шакллари шаклланди:

- акционерлик жамиятлari;
- жавобгарлиги чекланган жамиятлар;
- тўла ўртоқлик;
- командатив-ўртоқлик.

Акционерлик жамияти – капиталини концентрациялаш ва тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий шаклларидан бири бўлиб, унда индивидуал капиталлар акциялар чиқариш ва уларни сотиш натижасида умумлаштирилади. Улар юридик шахс ҳисобланади ва олинган мажбуриятлар учун уларга тегишли бўлган

мулк билан жавобгар ҳисобланади. Ҳар бир акционернинг жавобгарлиги унинг акцияси қиймати билан чегараланади. Фарб мамлакатларида акционерлик жамиятлари кенг тарқалган.

Чегараланган жавобгарликдаги жамиятларда фирмалар фаолиятидан қатнашувчиларнинг жавобгарлиги уларнинг кўшигани ҳиссаларига мутаносиб тарзда тақсимланади. Одатда улар акциялар чиқармайдилар ва шунинг учун кўпинча ёпиқ турдаги акционерлик жамиятлари деб ҳам юритилади.

Тўла ўртоқлик шаклида жавобгарлик чекланган жамиятдан фарқли ўлароқ ўртоқликнинг барча аъзолари тўла жавобгардир. Бу шаклининг ижобий томони – тадбиркорлар фаолияти учун вактинча етишмай турган маблағ - капитални мол-мулжаларини гаровга кўйиш имкониятининг яратилишидир. Бироқ бунда ўртоқликка кирган ҳар бир яъзони ниҳоятда синчковлий билан ташлаша тақозо қилинади.

Командатив ўртоқлик иккинчи ва учинчи шакларининг чатишмасидан ҳосил бўлган, яъни шерикларнинг бир қисми чегараланган жавобгарликка эга бўлса, бошқа қисми тўла жавобгарликда бўлади.

МДХ мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида асосий биринчи ва иккинчи шакллар тарқалган.

16.3. Ҳамкорлик корхоналарини тузиш жараёни

Ҳамкорлик корхоналари тузиш жараёнини тўргутта босқичга ажратиш мумкин.

- масаланинг хукуқий идораларда ҳал қилиниши;
- тасис ҳужжатларни имзолаш;
- қайд қилиш.

Охириг учта босқич хукуқий идораларда ҳал қилинади. Биз уларни ўрганаётган статистик масалалар доирасига киритмасликни лозим топдик.

Тайёргарлик босқич ҳамкорлик корхоналари истисослашибоючи бўлган маҳсулот ёки хизматга бўлган талабни ўрганишдан бошланади. Бунинг учун маҳсусе ахборотномалар тузилиб, бунда ҳамкорлик корхоналари маҳсулотига потенциал харидорлар рўйхатдагилар билан алоқа ўрнатилиб, уларнинг маҳсулот ёки хизматга қизиқишилари аниқланади. Шуларни ҳисобга олиб, қанча, қаерга ва қандай маҳсулот кераклигининг минимал ҳажми белгиланди. Шу билан бир қаторда «янгидан велосипед ихтиро қиласлий» учун патент ахборотлари таҳдили этилади. Бу босқичда шунингдек, ишлаб чиқариш босқичининг чизмаси тузилади;

– ишлаб чиқариш қайси хомашё, ускуна ва технология асосида амалга оширилади (масалан, хомашё Ўзбекистон Республикасида, ускуна ва технология эса чет элники ёки аралаш варианлар);

– ишлаб чиқариш бизнинг Республикамиздами ёки чет элдами.

Музокаралар жараёнида бу масалалар ҳал қилиниши лозим. Кўпинча, чет эллик шериклар сўмнинг барқарорлиги туфайли маҳсулотларни чет элга олиб чиқиб кетишга хоҳиш билдирадилар.

Ҳамкорлик корхоналарини тузишдаги тайёргарлик босқичи чет эллик шерикни излаш ва уни танлаш билан яқунланади. Бу иш қуйидаги кетма-кет босқичларни қамраб олади:

- ҳамкорлик корхоналарида қатнашиши мумкин бўлган шериклар доирасини аниқлаш. Бунда ўхшашиб маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқариладиган барча майда ва ўртacha фирмалар кўриб чиқилади;

- қизиқиши билдирган чет эл фирмаларидан таклифлар олиш ва тақдим қилинган талифларни техник-иқтисодий баҳолаш. Бунда улар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш имкониятларни ҳисобга олиш зарур;

- дастглабки таҳлил натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҳамкорлик корхоналари учун шерикни узул-кесил танлаш.

Ҳамкорлик учун шерикларни фирмаларнинг кўргазмалиридан, проспектлардан қидириш лозим. Уларда фирмаларнинг молиявий ҳисоботлари келтирилади. Баъзи ҳолларда маслаҳат беришга ихтинослашган фирмаларга мурожаат қилиш мумкин.

Агар ҳамкорликка қизиқсан фирмалар бир нечта бўлса, улар ўртасида танлов ўtkазилиб, талабга жавоб берадиганини танлаб олинади.

Танлов ўтказиши учун шерикларга қуйидаги хужжатлар жўнатилади:

- ўзи ҳақида тўла тавсифнома берилган илова хати;
- анкета саволлари;
- тендер таклифи шакли.

Анкета саволлар ўз навбатида учта қисмдан иборат бўлади:

- фирма тўғрисида асосий маълумотлар (номи, манзили, қайд рақами, почта реквизитлари, телефон, факс, ҳамкорлик корхоналарида қатнашиш тажрибаси ва хоказо);

- молиявий ахволи (устав капиталининг ҳажми, охирги 2-З йилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси, унга хизмат қиладиган банклар номи);

- фирма таркиби (банд бўлганлар сони, бўлимлар таркиби ва бошқалар).

Тендер таклиф шакли 3 қисмдан иборат бўлади:

- умумий маълумотлар (номи, манзили, нашр маълумотлари);

- офферент (корхонани ким ташкил қилиши). Бунда белгиланаётган шерик ўзига тегишли молиявий ва моддий техника вosingтлари, ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиб, розилик билдиради;

- ҳисса микдори ва таркиби. Бу бўлим одатда жадвал шаклида берилади.

50-жадвал

Ҳисса микдори ва таркиби

	Ҳисса элементлари	Ўлчов бирлиги, дона, доллар, сўм	Микдори ва қиймати	
			асосий қиймат	муқобил қиймат
1	Пул ҳиссаси: -чет эл валютасида; -сўмларда			
2	Машина, ускуна ва материаллар			
3	Саноат мусликага хуқуқ			
4	«Инжениринг» хизматлари			
5	Кредит ва хоказо			

Бу жадвални шерик ундаги ёзувлар асосида тузиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган барча илова ва ҳужжатлар фирмага жўнатилади. Ўнда тўлов шартлари ҳам кўрсатилади.

Танлов жараёнида шерикларни танлаш учун икки хил усуслдан фойдаланиш мумкин:

- фоиз;
- бал.

Фоиз усули бўйича баҳолашни ўтказишдан олдин ҳар бир тендер таклифи учун мухим бўлган бир хил қиймат компонентларининг рўйхати тузилади:

- ускуна ва материаллар (керак бўлган тақдирда турлари, номланиши ва техникавий даражалари бўйича);
- лицензия, ноу-хау;
- «инжениринг» типидаги хизматлар;
- устав фондига қўйилган маблағлари (сўм ва чет эл валуталари).

Сүнгра рўйхатта киритилган ҳар бир ташкил этувчининг фоизлардаги улушларига эксперт баҳоси берилади. Ўларнинг йигиндиси 100 фоиз тенг бўлиши керак. Масалан, асосий технологик ускунанинг аҳамияти 25% ва ҳоказо қилиб белгиланиши мумкин. Кейин экспертиза, яъни бир хил компонентларга фирмалар бўйича эксперт баҳоси берилади.

Шу тарзда тендер таклифларини ўзаро таққослашга имконият яратилади.

Бир хил кўрсаткичларнинг айрим таклифлар бўйича умумий баҳоси (z) A,B,C,D,E,F аҳамияти миқдори (салмоқларда) «у»га кўпайтирилиб топилади:

$$z(A)=A^*y(A); z(B)=B^*y(B); z(C)=C^*y(c); z(D)=D^*y(D); \\ z(e)=E^*y(e); z(F)=F^*y(F).$$

Танловда қатнашаётган ҳар бир фирма бўйича умумий кўрсаткич қуидагича ҳисобланади:

$$\sum z = z(A)+z(B)+z(C)+z(D)+z(E)+z(F).$$

Мисолимизда умумий кўрсаткич бўйича энг катта миқдор 2-фирмага тегишли бўлганлиги учун, у танловда фоиз усули бўйича ғолиб топилади.

51-жадвал

Тендер таклифларини фоиз усулида баҳолаш натижалари

	Оффорентлар, таклиф компонентлари	Компонента аҳамияти	Фирмалар									
			1		2		3		4		5	
			Y	z	Y	z	y	z	y	z	y	z
1	Ускуналар, материаллар:											
	асосий технологик (A)	25	25	60	15	90	27,7	70	17,5	75	18,8	60
	ёрдамчи (B)	5	70	3,5	70	3,5	75	3,8	60	3,0	60	3
2	Сановт мулкига ҳукуқ (C)	20	90	18	80	16	70	14	80	16	60	12
3	Пуз маблаглари (D)											
	чет эл валютасида	25	60	15	90	27,5	70	17,5	75	18,5	40	8
	сўмларда	10	50	5	7	70	60	6	65	6,5	50	5
4	«Инженеринг» типидаги хизматлар (E)	10	70	7	85	8,5	75	7,5	80	8	70	7
5	Бошқалар (F)	5	40	2	80	4	60	3	50	2,5	40	2
	ЖАМИ	5	100	-	65,5	-	94	-	69,3	-	73,6	52

Бал усулини қўллашда ҳам фоиз усулидаги каби бир турдаги энг муҳим қиймат компонентларининг ҳар бир таклиф бўйича рўйхати тузилади. Бунда эксперт баҳолаш, танланган компонент бўйича салмоқлар балларда ифодаланади. Одатда энг катта балл «3» балл деб белгиланади (уч баллик баҳолаш тизимида).

52-жадвал

Тендер таклифларини балл усулида баҳолаш натижалари

Танловда катнашадиган фирмалар		База меъёрлари				
	ускуна ва материаллар	саноат мулкига хукуқ	пул маблағлари, чет эл валютаси	«Инжиниринг» типидаги хизматлар	Жами	
Аъло	3	1	2	1	7	
В	2	2	3	2	9	
С	1	3	1	2	6	

3 – яхши даража.

2 – қониқарли даража.

1 – қониқарсиз даража.

Баллар бўйича баҳолашда энг кўп балл тўплаган фирма танлаб олинади.

Мисолимизда энг манфаатли, афзал таклиф киритилган ва 9 балл тўплаган В фирмаси танлов ғолиби деб тан олинди.

16.4. Ҳамкорлик корхоналарининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари

Ҳамкорлик корхоналари (ҲҚ)ни тузиш ва улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда ҳамкорлик корхоналари шериклар ва давлат бюджетига ажратган фойда битимда белгиланган даврлар бўйича фоизларда хисобланади. Динамикада, яъни йиллар бўйича олинган фойда харажатлар билан тақдосланса томонларининг ҳамкорлик фаолиятларида хўжалик бирликлари сифатида қатнашини самарадорлиги аниқланади.

ҲҚлари фаолиятининг барча молиявий кўрсаткичлари маҳсулотни сотишдан олинган тушум В ни аниқлашдан бошланади.

$$B_t = (B_{bt} + B_{bc}) * K + B_{ct} \quad (1)$$

Бу ерда: B_t – t-йил мобайнинда маҳсулотни сотишдан тушган тушум;

B_{bt} – t-йилда ҳамкорлик корхоналари ташқи бозорда чет эл валютасини сотищдан олган тушум;

K – чет эл валютасини сўмларга ўтказишдаги Давлат банки курси;

B_{ct} – t-йилда ҳамкорлик корхоналари маҳсулотларини ички бозорда сўмларга сотищдан олган тушум.

Ҳамкорлик корхоналари фаолиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари учун иккинчи муҳим асос маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тиннархидир. У айrim маҳсулот турлари ва ҳамкорлик корхонаси бўйича харажат элементларига кўра аниқланади.

Ҳар бир маҳсулот тури бўйича харажат элементларига қуидагилар киради (сўм ва валютада):

- хомашё ва материаллар;
- бутлаш буюмлари ва ярим фабрикатлар;
- ёқилғи ва энергия;
- иш ҳақи;
- ижтимоий сугуртага ажратмалар;
- транспорт харажатлари;
- амортизация (ҳамкорлик корхоналари учун меъёр белгиланмайди);
- изжара, рента тўловлари;
- бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.

Сўм ва чет эл валюталарида алоҳида ҳисоб юритиши чет элдан келган тушумлар ва хориж билан муомала жараёнидаги харажатдарини синчковлик билди ҳисобга олишга ва ҳамкорлик корхонасининг валюта бўйича ўз харажатларини ўзи коплаш шароитларини белгилашга каратилган.

Юқоридаги иккита кўрсаткичдан фойдаланиб, маҳсулотнинг сотищдан олинган фойда ҳажмини аниқлаш мумкин:

$$\Pi_t = B_t - C_t \text{ ёки } \Pi_t = (B_{bt} + B_{ct}) * K - C_t \quad (2)$$

Бу ерда: Π_t – t-йилда маҳсулотни сотищдан олинган фойда;

C_t – t-йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш тиннархи;

B_t – t-йилда маҳсулотни сотищдан тушган тушум.

Кейин баланс фойдаси ҳисобланади. У маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотищдан олинган фойдага ҳамкорлик корхоналари ҳисобига келиб тушган маблағларни банкда сақлаганлиги утун фоиз тушумларини кўшиш ва кредит фоизлари ҳамда жарималарини айриши орқали топилади.

Ташқи иқтисодий банк ҳисобларида сақланаётган ҳамкор-

лик корхоналарининг маблағлари (типик ҳолда) хар йилги захира фонди, ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фонди, амортизация ажратмалари йигиндисидан ташкил топади. Бу маблағлари сақлаганлик учун банк сўм ва чет эл валютаси ҳисобида фоиз тўлайди.

Давлат учун солик солинадиган фойда микдори катта қизиқиши туғдиради:

$$\Pi_{\text{нг}} = \Pi_{\text{бг}} - \Phi Z_{\text{бг}} - \Phi a_t \quad (3)$$

Бу ерда: $\Pi_{\text{нг}}$ – t-йилда солик солинадиган фойда;

$\Pi_{\text{бг}}$ – t-йилдаги баланс фойдаси;

$\Phi Z_{\text{бг}}$ – t-йилда захира фондига ажратилган сумма;

Φa_t – t-йилда ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондига йўналтирилган сўмма.

Захира фондига маблағлар ҲҚ лари фаолиятининг дастлабки йилларида ажратилади, чунки улар фойда ола бошлаган дастлабки икки йилда солик тўлашдан озод қилинади. Захира фонди микдори устав фондининг 25 фоизига тенг бўлиши керак. Ундан битим хужжатларида кўрсатилган ҳар қандай мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Бу хужжатларда захира фондини қоплаш шароитлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондларидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш, турли янги маҳсулотларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этишини такомиллаштириши мақсадларида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, бу фондан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта ускунлаш мақсадида олинган крелитлар бўйича қарзлар ва фойизларни тўлаш учун ҳам фойдаланишга рухсат берилади.

Ҳамкорлик корхоналарининг шериклари таъсис шартномаси ва техник-иқтисодий асосларда ушбу фонdlарга фойданинг қанчасини йўналтиришлари, ҳамда улардан қандай мақсадларда фойдаланишларини аниқ кўрсатадилар. Бунда ҳамкорлик корхоналарининг қанча муддатда тузилиши, улар қай тарзда модернизацияланishi, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментдағи ўзгаришлар бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинади.

Ҳамкорлик корхоналари солик солинадиган фойдадан давлат бюджетига сўмларда солик тўлайдилар. Республикамиз худудида фаолият кўрсатаётган бундай корхоналар давлат бюджетига тўлайдиган солик фойдага нисбатан 30 фоизгачани ташкил этади. Эркин иқтисодий минтақалар барпо қилинса, бу микдор 10 фоизгача камайтирилиши мумкин.

Солиқ тұлғанғандан сүнг қолған фойда соф фойда деб юритилади:

$$\Pi_{\text{чт}}^* = \Pi_{\text{бт}} - \Pi_{\text{чт}} * \beta \quad (4)$$

Бу ерда: $\Pi_{\text{чт}}$ – т-йилдеги соф фойд;

β – т-йилдеги солиқ мөшері;

$\Pi_{\text{чт}} * \beta$ – т-йилдеги фойдадан тұлған солиқ суммасы;

$\Pi_{\text{бт}}$ – т-йилдеги баланс фойдасы.

Хамкорлык корхоналары фаолияти учун устувор шароиттар яратыш мақсадыда улар әзінен қилинған фойда олина бошлиған дастлабки иккі йил давомида (очиқ минтақаларда 3 йил) солиқ тұлашдан озод қилинадылар. Әзінен қилинған фойда деғанда хамкорлык корхоналарининг бухгалтерия балансыда ифодаланған фойда түшүнилади.

Хамкорлык корхоналарини ҳар бир қатнашчысы учун пировард мақсад – старли микдорда фойда олишады.

Шундай қылыш, маълум фондыларга ажратмалардан сүнг қолған фойда хамкорлык корхоналарининг қолдық фойдасы деб юритилади ва у шериклар үргасыда низом фондыдагы хиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади. Хамкорлык корхоналарининг чет эллик шерикларига корхона фаолияти натижасыда улар хиссасыга түрі келген фойданы хорижий валютада үтказып учун кафолат берилади.

Чет эллик қатнашувчига уларнинг фойдасини хисоб-китоб қылыш учун уч хил вариантыдан бирини танлаш мумкин:

1. Хамкорлык корхоналарининг ташқы иқтисодий банкда ўз фаолияти жараённининг чет эллик шеригиге тегишли фойда хиссасини хорижий валютада тұлаш учун хисоб-китоб счетлаурига эга ажнабий шерикнинг фойдадаги улуши давлат банки томонидан үтказилади. Агар хукуматлараро битимларда пул үтказыши масалалари күріб чиқылмаган бўлса, фойданы чет элга үтказыща 20% хисобида солиқ белгиланади.

2. Хамкорлык корхоналари ўз ишлаб чиқариш фаолияти жараёнлари учун валюта маблағларига эга, бироқ бу маблағ чет эллик шеригининг фойдасини хорижга үтказып учун етарли бўлмаса, бу фойданы валюта билан қолланған қисми хорижга үтказилади. Сүм эквивалентидаги фойданинг бошқа қисми республика худудида маҳсус рухсатнома бўйича чет эллик шерик учун товарлар сотиб олиш учун фойдаланилади.

3. Агар хамкорлык корхоналарида чет элдан илгари олиб келинған маҳсулот (импорт) ўрнини қолпайдыган маҳсулот ишлаб чиқарилаётган бўлса, у ҳолда хамкорлык корхоналари-

нинг чет эллик ҳар бир шериги фойдаси валюта қўмитси билан келишилган ҳолда аниқданади.

Хорижий шериклар учун шериклар ўргасида тақсимланган фойдаланишнинг шериклар учун икки йўли мавжуд (тандаб олинган йўл тъйсис хужжатларида кўрсатилган бўлиши шарт):

- чет эллик шериклар фойданинг ҳаммасини ёки бир қисмини хорижга ўтказади (бундай ҳолда ўтказиладиган суммадан белгиланган тартибда солиқ олинади);

- чет эллик шериклар фойданинг бир қисмидан маҳсус руҳсатнома бўйича Республика ҳудудида товарлар сотиб олиш учун фойдаланса, солиқ олинмайди.

Қисқача хуосалар

Ҳамкорлик корхоналари – республикамизнинг чет эллик шериклари билан ҳамкорлик қилишининг янги ва мураккаб шакли бўлиб, унда шерикларнинг мулклари бирлаштирилади, улар ишлаб чиқаришни бошқариш ва сотиш жараёнида биргаликда қатнашадилар, олинган фойда шериклар ўртасида тақсимланади. Шунингдек, корхона фаолияти билан боргиқ бўлган ишлаб чиқариш ва тижорат таҳликасини (рискни) баҳам кўрадилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 80дан ортиқ хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 3600 дан зиёд кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда республикамиз ЯИМ-нинг 14 % ишлаб чиқарилмокда.

Ҳамкорлик корхоналарининг молиявий фаолияти кўришиллари қуидагилардан иборат:

- маҳсулотни сотищдан тушган тушум;
- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш тушуми;
- маҳсулотни сотищдан олинган фойда;
- солик солинадиган фойда миқдори;
- солик тўлангандан сўнг қолган фойда.

Охиригина фойда суммаси шериклар ўртасида тақсимланади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қайси шаклдаги ҳамкорлик корхоналарини биласиз?
2. Ҳамкорлик корхоналарини тузиш нечта босқичдан иборат?
3. Тендер таклифи тўғрисида нималарни биласиз?
4. Ҳамкорлик корхоналарининг молиявий фаолиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичларни тушунтириб беринг.
5. Соғ фойда қандай ҳисобланади?
6. Ҳамкорлик корхонларида чет эллик шерикларни ташлашда нималарга эътибор бериш керак?
7. Ҳамкорлик корхоналарини статистик ўрганишда қандай статистик усуслардан фойдаланилади?
8. Ҳамкорлик корхоналарининг асосий белгиларини тушунтириб беринг.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг « Давлат Статистикаси тўғрисида»ги қонуни. 2002. 14 декабрь
2. Ўзбекистон хисобот ва статистика тизимини жаҳон андозаларига ўтказиш тўғрисида Далат дастури. Вазирлар Маҳкамасининг 133-сонли қарори. 1994 йил 14 июнь.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллый истиқдол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1-том, -Т.: Ўзбекистон, 1991.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сийсий-ижтиомий ва иқтисадий истиқболини асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Абдуллаев А. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. -Т.: Мехнат, 1998.
6. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. -М.: Финансы и статистика, 2000.
7. Акрамов Э.А., Ишмухамедов Ш. Узбекистан на пути к рынку: теоретические основы, условия и практика перехода. -Т.: Узбекистан, 1993.
8. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг. Всемирный банк. 2001г.
9. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, 1994.
10. Додобоев Ю.Т. и др. Макроэкономика. -Т.: Фан, 1999.
11. Годовой отчет Всемирного банка. 2000г. Ежегодный обзор и итоги финансовой деятельности.
12. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. -М.: Инфра, 2000.
13. Ишмухамедов А.А. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллый иқтисодиётнинг ривожланиши. -Т.: Ўқитувчи, 1996.
14. Еремена Н.М., Маршалова В.П. Статистика труда. -М.: Финансы и статистика, 1988.
15. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. -М.: Финстатинформ, 2000.
16. Набиев Х.Н. ва бошқалар. Миллый ҳисоблар тизими. -Т., 1998.
17. Салин В.Н. и др. Макроэкономическая статистика. -М.: Дело, 2001.

18. Экономическое обозрение. Социальная политика в Узбекистане, 1998.
19. Ўзбекистон Республикасининг 2000-2002 йил ижтимоий-ицтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. -Т., 2002.
20. Дмитриев И.И. Статистика уровня жизни. -М.: Госкомстат России, 1995.
21. Иванов Ю.Н. Система национальных счетов. -М.: Финстатинформ, 1996.
22. Кузнецова Е.В. Индекс человеческого развития и тенденции его изменения в России и зарубежных странах. Вопросы статистики, №2 1999.
23. Кулагина Г.Д. Национальное счетоводство. -М.: Финансы и статистика, 1997.
24. Матюха И.Я. Статистика уровня жизни населения. -М.: Статистика, 1973.
25. Можена М.А. Человек, труд, потребление. -М., 1991.
26. Пономаренко А. Методологическое обеспечение расчетов показателей СНС. Вопросы статистики, №1, 1995.
27. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. ФСУ Германии, 1995.
28. Холмуминов Ш.Р. Моделирование сельского рынка труда. -Т., Фан, 1996.

МУНДАРИЖА	
КИРИШ.....	5
I ҚИСМ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКА.....	7
I боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.....	7
1.1. Макро-микроиқтисодий статистика – статистика фанининг муҳим тармоғи.....	7
1.2. Макро-микроиқтисодий статистика фанининг ўрганиш объектлари.....	8
1.3. Макро-микроиқтисодий статистиканинг ўрганиш усуллари....	12
1.4. Макро-микроиқтисодий статистиканинг ташкил қилиниши ва унинг вазифалари.....	13
Қисқача хуласалар.....	16
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	17
Асосий адабиётлар.....	17
II боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ СТАТИСТИКАДА ҚЎЛЛАНИ- ЛАДИГАН ГУРУХЛАШ ВА ТАСНИФЛАШЛАР.....	18
2.1. Иқтисодий фаолият турларини мулк шакллари, маъмурий ва иқтисодий худуд ҳамда йдоравий тасарруфи бўйича тасниф- лаш.....	18
2.2. Институтцион бирлик тушунчаси ва иқтисодий фаолият турларининг секторлама таснифи.....	19
2.3. Ишлаб чиқариш бирлиги ҳақида тушунча ва иқтисодий фаолият турлари тармоқларининг таснифи.....	22
2.4. Макроиқтисодий статистикада қўлланиладиган бошқа гу- руҳлаш ва таснифлашлар.....	25
Қисқача хуласалар.....	28
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	28
Асосий адабиётлар.....	28
III боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ...	29
3.1. Статистик кўрсаткичлар тизими ҳақида тушунча.....	29
3.2. Миллий маҳсулот ва даромадларнинг доиравий айланмаси макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асоси.....	35
3.3. Макро-микроиқтисодий статистика фанининг кўрсаткич- лар тизими.....	55
Қисқача хуласалар.....	58

Назорат ва мухокама учун саволлар.....	59
Асосий адабиётлар.....	59
4 боб. АҲОЛИ СТАТИСТИКАСИ.....	60
4.1. Аҳоли ва уни статистик ўргакиши.....	60
4.2. Аҳолининг сонини ва мамлакат ҳудуди бўйича жойлашишини ўрганиш.....	61
4.3. Аҳоли таркибини ўрганиш.....	63
4.4. Аҳолининг табиий ҳаракати статистикаси.....	65
4.5. Аҳоли миграцияси. Аҳоли сонининг истиқболини аниқлаш... Кисқача хуносалар.....	68
Назорат ва мухокама учун саволлар.....	70
Асосий адабиётлар.....	71
V боб. МИЛЛИЙ БОЙЛИК СТАТИСТИКАСИ.....	72
5.1. Миллий бойлик ва миллий мулк хақида тушунча ва уларнинг таркиби.....	72
5.2. Миллик бойлик, миллий ҳисоблар тизимида фаол ва пассив тушунчалари.....	74
Кисқача хуносалар.....	78
Назорат ва мухокама учун саволлар.....	78
Асосий адабиётлар.....	78
VI боб. МАКРОИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ.....	79
6.1. Макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашнинг умумназарий асослари.....	79
6.2. Иқтисодий фаолиятларнинг умумий макроиқтисодий натижасини аниқлашнинг икки модели, уларнинг моҳияти ва фарқи.....	81
6.3. Миллий иқтисодиётни амал қилишининг ялпи ва пировард натижаларини таърифловчи кўрсаткичлар.....	84
6.4. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлашда қўлланиладиган баҳолар тизими.....	87
6.5. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини аниқлаш усувлари.....	91
6.6. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўзгармас баҳоларда ҳисоблаш усувлари.....	103
Кисқача хуносалар.....	108
Назорат ва мухокама учун саволлар.....	109
Асосий адабиётлар.....	109

7 боб. МОЛИЯ – КРЕДИТ ТИЗИМИ СТАТИСТИКАСИ..... 110

7.1. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари кўсаткичлари ҳамда бюджет камомадини статистик ўрганиш.....	110
7.2. Банк статистикасинийг асосий кўрсаткичлари.....	118
7.3. Пул муомаласи баланси ва пул қадрсизланишини статистик ўрганиш.....	125
7.4. Тўлов баланси ва унинг кўрсаткичларини статистик ўрганиш.....	128
Қисқача хуросалар.....	132
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	133
Асосий адабиётлар.....	133

VIII боб. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ САМАРАДОРЛИК СТАТИСТИКАСИ..... 134

8.1. Миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги ҳақида тушунча ва бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида статистиканинг бу соҳадаги вазифалари.....	134
8.2. Миллий иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.....	135
8.3. Табиятни муҳофаза қилишининг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти ва уни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими.....	139
Қисқача хуросалар.....	141
Назорат ва муҳокама саволлари.....	142
Асосий адабиётлар.....	142

IX боб. МИЛЛИЙ ҲИСОБЛАР ТИЗИМИ..... 143

9.1. Ҳалқ хўжалиги ва миллий ҳисоблар тизими орасида фарқлар.....	143
9.2. МХТни асосий тушунча ва категориялари.....	149
9.3. Ички миллий иқтисодиёт бўйича тузиладиган асосий ҳисобларнинг тавсифи.....	157
Қисқача хуросалар.....	169
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	170
Асосий адабиётлар.....	170

Х БОБ. МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР СТАТИСТИКАСИ... 171

10.1. Маҳсулот ва хизматлар статистикаси объекти.....	171
10.2. Саноат ва бошқа тармоқлар маҳсулотлари статистикаси...	172
Қисқача хуросалар.....	180

Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	181
Асосий адабиётлар.....	181
XI БОБ. ИШЧИ КУЧИ СТАТИСТИКАСИ.....	182
11.1. Бандлык таснифи.....	182
11.2. Микро даражада банд бүлгелерні статистик ўрганиш.....	184
11.3. Иш вақти статистикасі.....	189
11.4. Мекнэт унумдорлиги статистикасі.....	194
Кисқача хуосалар.....	205
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	206
Асосий адабиётлар.....	206
XII БОБ. АСОСИЙ ҚАПИТАЛ СТАТИСТИКАСИ.....	207
12.1 Асосий фонdlар ҳақыда түшүнчә.....	207
12.2 Асосий фонdlар таснифи.....	208
12.3 Асосий фонdlарни баҳолаш усуллари.....	208
12.4 Асосий фонdlар амортизацияси	210
12.5. Асосий фонdlар баланси.....	211
12.6. Асосий фонdlардан фойдаланиш күрсаткышлари.....	214
Кисқача хуосалар.....	215
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	216
Асосий адабиётлар.....	216
XIII БОБ. АЙЛАНМА ҚАПИТАЛ СТАТИСТИКАСИ.....	217
13.1. Айланма капитал турлари ва манбалари.....	217
13.2. Айланма капиталнинг мавжудлиги ва айланувчанлигининг таърифи.....	218
13.3. Корхонанинг айланма капиталаға эхтиёжини анықлаш...	220
13.4. Маҳсулот бирлигига харажат ва унинг таркиби ўзарышини таҳлил этиш.....	224
13.5. Айланма капиталидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.....	227
Кисқача хуосалар.....	230
Назорат ва мұхокама учун саволлар.....	231
Асосий адабиётлар.....	231
XIV БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ.....	232
14.1. Ишлаб чиқариш ва муюмала харажатлари ҳақыда түшүн-	
	281

ча.....	232
14.2. Маҳсулот таннархига киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари таркиби.....	234
14.3. Маҳсулот таннархи динамикаси.....	235
14.4. Бир сўмлик товар маҳсулотига қилинган харажат... Қисқача хуросалар.....	240
Назорат ва мухокама учун саволлар..... Асосий адабиётлар.....	243
	244
	244
XV БОБ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРА ВА САМА- РАДОРЛИГИНИ СТАТИСТИК ЎРГАНИШ.....	245
15.1. Корхона фаолиятининг асосий молиявий натижалари....	245
15.2. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш.....	247
15.3. Рентабеллик даражаси кўрсаткичлари..... Қисқача хуросалар.....	257
Назорат ва мухокама учун саволлар..... Асосий адабиётлар.....	259
	260
	260
XVI боб. ҲАМКОРЛИК КОРХОНАЛАРИ СТАТИСТИКАСИ...	261
16.1. Ҳамкорлик корхоналари тўғрисида тушунча ва статисти- канинг вазифалари.....	261
16.2. Ҳамкорлик корхоналарининг шакллари ва белгилари...	263
16.3. Ҳамкорлик корхоналарини тузиш жараёни.....	265
16.4. Ҳамкорлик корхоналарининг молиявий фаолияти кўрсат- кичлари..... Қисқача хуросалар.....	269
Назорат ва мухокама учун саволлар.....	274
	275
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	276

CONTENTS

INTRODUCTION.....	5
PART-I.MACROECONOMIC STATISTICS..... 7	
CHAPTER-I. SUBJECT, METHODOLOGY AND MAIN TASKS OF MACROECONOMIC STATISTICS.....	7
1.1.Macro-microeconomic statistics – main branch of the course of statistics.....	7
1.2.Studying objects of macro-microeconomic statistics.....	8
1.3.Studying methodology of macro-microeconomic statistics.....	12
1.4.Organizatoin of macro-microeconomic statistics and its tasks...	13
Brief questions.....	16
Questions for discussion and control.....	17
Main literature.....	17
CHAPTER-II.BRANCHING AND DEFINING IN MACROECONOMIC STATISTICS..... 18	
2.1.Defining types of economic activities according to property, administrative and economical characteristics.....	18
2.2.Conception of institutional unity and definition of economic activity branches.....	19
2.3.About production unity and definition of economic activity branches.....	22
2.4.Grouping and defining ways used in macroeconomic statistics...	25
Brief questions.....	28
Questions for discussion and control.....	28
Main literature.....	28
CHAPTER-III. THE SYSTEM OF MACROECONOMIC INDICATORS..... 29	
3.1.About the system of statistical indicators.....	29
3.2.National product and circulation of revenue – basis of the system of macroeconomic indicators.....	35
3.3.Indicators system of macro-microeconomic statistics.....	55
Brief questions.....	58
Questions for discussion and control.....	59
Main literature.....	59

CHAPTER-IV. POPULATION STATISTICS.....	60
4.1.Population and its statistical study.....	60
4.2.Study of population distribution in the country.....	61
4.3.Study of population structure.....	63
4.4.Natural movement of population statistics.....	65
4.5.Population migration. Forecast of population number.....	68
Brief questions.....	70
Questions for discussion and control.....	71
Main literature.....	71
CHAPTER-V. STATISTICS OF NATIONAL WEALTH.....	72
5.1.About national wealth and national property and their structure.....	72
5.2. National wealth, active and passive concepts in national accounting system.....	74
Brief questions.....	78
Questions for discussion and control.....	78
Main literature.....	78
CHAPTER-VI. SYSTEM OF INDICATORS EXPRESSING THE RESULTS OF MACROECONOMIC ACTIVITY.....	79
6.1.General-theoretical basis of calculating indicators of macroeconomics.....	79
6.2.Two models of economic activity for determination of general macroeconomic results, their essence and differences.....	81
6.3.Gross and product indicators of national economy.....	84
6.4.Pricing system in the evaluation of the volume of GDP.....	87
6.5.Determining ways of GDP.....	91
6.6.Pricing the volume of GDP in constant prices.....	103
Brief questions.....	108
Questions for discussion and control.....	109
Main literature.....	109
CHAPTER-VII. STATISTICS OF FINANCIAL-CREDIT SYSTEM.....	110
7.1.Statistical study of state budget revenues and expenditures and budget shortage.....	110
7.2.Main indicators of banking statistics.....	118
7.3.Statistical study of the balance of money relations and inflation ...	125

7.4.Statistical study of payment balances and its indicators.....	128
Brief questions.....	132
Questions for discussion and control.....	133
Main literature.....	133
Part-VIII. STATISTICS OF EFFICIENCY OF NATIONAL ECONOMY	134
8.1.About the efficiency of national economy and tasks of statistics in the conditions of transition to the market system.....	134
8.2.Indicators system expressing the economical efficiency of national economy	135
8.3.The essence of protection of environment in national household and its statistical indicators	139
Brief questions.....	141
Questions for discussion and control.....	142
Main literature.....	142
CHAPTER-IX. THE SYSTEM OF NATION ACCOUNTING.....	143
9.1.Differences between national household and national accounting.....	143
9.2.Main conceptions and categories of national accounting system... .	149
9.3.Definitions of main accounts prepared according to internal national economy.....	157
Brief questions.....	169
Questions for discussion and control.....	170
Main literature.....	170
PART-X. STATISTICS OF PRODUCTS AND SERVICES	171
10.1.Statistical objects – products and services market.....	171
10.2.Statistics of industrial products.....	172
Brief questions.....	180
Questions for discussion and control.....	181
Main literature.....	181
PART-XI. WORK FORCE STATISTICS.....	182
11.1.Explanation of employment ratio.....	182
11.2.Statistical study of employment ratio in micro level.....	184
11.3.Statistics of working time.....	189
11.4.Statistics of labor efficiency.....	194
	285

Brief questions	205
Questions for discussion and control.....	206
Main literature.....	206
PART-XII. STATISTICS OF MAIN CAPITAL.....	207
12.1. Concept of main funds.....	207
12.2. Definition of main funds.....	208
12.3. Pricing ways of main funds.....	208
12.4. Amortization of main funds.....	210
12.5. Balance of main funds.....	211
12.6. Utilization indicators of main funds.....	214
Brief questions	215
Questions for discussion and control.....	216
Main literature.....	216
PART-XIII. STATISTICS OF CIRCLING CAPITAL.....	217
13.1. Types and sources of circling capital.....	217
13.2. Circling capital and its circulation process.....	218
13.3. Finding the demand of a company for circling funds.....	220
13.4. Expenditure for a unit of a product and analysis of its structural changes.....	224
13.5. Pricing the efficiency of utilization of circling capital.....	227
Brief questions	230
Questions for discussion and control.....	231
Main literature.....	231
PART-XIV. EXPENDITURE OF PRODUCTION AND COMMUNICATION.....	232
14.1. About the concept of production and communication expenditures.....	232
14.2. Study of the calculation of product cost.....	234
14.3. Dynamics of production cost.....	235
14.4. Expenditures spent for one sum of goods production.....	240
Brief questions	243
Questions for discussion and control.....	244
Main literature.....	244
PART-XV. STATISTICAL STUDY OF EFFICIENCY OF FIRM'S ACTIVITY	245

15.1.Main financial results of the activity of a firm.....	245
15.2.Pricing financial conditions of a company.....	247
15.3.Indicators of profitability.....	247
Brief questions.....	259
Questions for discussion and control.....	260
Main literature.....	260
CHAPTAR-XVI. STATISTICS OF COOPERATIVE ENTERPRISES.....	261
16.1.About the meaning of cooperative enterprises and tasks of statistics.....	261
16.2.Forms of cooperative enterprises.....	263
16.3.The structure of cooperative enterprises.....	265
16.4.Indicators of financial activity of cooperative enterprises.....	269
Brief questions.....	274
Questions for discussion and control.....	275
LIST OF BIBLIOGRAPHY.....	276

НАБИЕВ ХАМИДУЛЛА ФАНИҚОРИЕВИЧ
АКБАРОВА ЗАРИФА
ХҮЖАҚУЛОВ ХАЙИТМУРОД ЖОВЛИЕВИЧ
АЗИМОВ МУБАШИР ЯХЬЯЕВИЧ

МАКРО-МИКРОИҚТИСОДИЙ
СТАТИСТИКАСИ
(Ўқув кўлланма)

Нашр учун маъсул:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурад Жумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир – Д.Икромова
Техник муҳаррир – Ш.Тожиев
Мусаҳхис – Ж.Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи – С.Сайфуллаев

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.

Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди.

Нашр босма тобоби 18. Нусхаси 500.

Буюртма № 165

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру, 1.

«Тагаффиуот ПСН» матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеяси, 18-6.



НАБИЕВ Ҳамидулла Набиевич — «Статистика» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган таълим ходими. У з та монография, 60 дан ортиқ илмий мақола, 6 та дарслик ва ўкув қўлланмалар муаллифи.

Илмий шиларининг асосий мавзуси — «Миллӣ ҳисоблар тизими асосида миллӣ иқтисодий интенсивлаширишин баҳолаш методологияси».

АКБАРОВА Зарифа Рахимовна — «Статистика» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. У 4 та ўкув қўлланма ва 20 тадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

Илмий шиларининг асосий мавзуси — «Ишчи кучи ва унинг бандлигини статистик ўрганиш».



ХЎЖАҚУЛОВ Ҳайитмурод Жовлиевич — Тошкент молия институтти «Статистика» кафедраси профессори, иқтисод фанлари номзоди. У з та ўкув қўлланма, 50 дан ортиқ илмий мақолалар ва тезислар муаллифи ҳамда бир қанча ўкув адабиётларини масъул мухаррири ва тақризчиси.

Илмий шиларининг асосий мавзуси — «Ўзбекистон Республикасида статистика иниларини ташкил этиши ва тақомиллатишари масалалари».

АЗИМОВ Мубашир Яхяевич — иқтисод фанлари номзоди. «Статистика» кафедраси доценти. У таомаддат 70 дан ортиқ илмий мақолалар, 2 та ўкув қўлланма мөрдиган.

Илмий шиларининг асосий мавзуси — тобар ва хизматлар бозорларини статистик таъсироти.

